

ВН(543)
Б 81

153

Диадема ж

Абдунаби
БОЙКУЗИЕВ



CH0000034458

Абдунаби
БОЙКУЗИЕВ


84(543)
581

АБДУНАБИ БОЙҚҰЗИЕВ

ДИЛХИРОЖ ТҮЙФУЛАР

*Күвончу арманлар,
беором мұлоҳазалар,
қазил-мұтойибалар*

шын



927941

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2007

Бойқўзиев, Абдунаби.

Дилхирож туйгулар: Кувончу армонлар, беором мулоҳазалар, ҳазил-мутойибалар. — Т.: «Шарқ», 2007. — 224 б.

ББК 84.(5Ў)6.

Яхши китобни эзгулик минтақаларини кашф этиш ниятида ташланган умидли бир қадамга ўхшатишади. Эзгу ниятли қалбларнинг камолот чўккилари эса қанчалик яқинлашганинг сайин шунчалик юксалиб, салобати ошиб бораверадиган робитадир.

Азиз китобхон!

Абдунаби Бойқўзиев ҳам юрагида халоват топмай коғозларга тўкилиб қолган фикр-мулоҳазалари, изтиробу кувончлари, андишаю-армонлари, ҳазил-мутойибалари билан қалбингиз сари йўл олибди...

Ушбу рисола меҳрингиздан умидвор эмраниб-ғимраниб бораётган орзуманд ижодкор учун умидли бир сўқмоқ вазифасини бажарса, зора...

ISBN 978-9943-00-132-9



БУЛАРИНДАН
АИЛАНДИ,
ВАЛАН!



Ушбу китобимни ижоднинг захматли онларида менга Яратгандан имдодлар тилаб, борим-йұғимга күниб, бир умр күзларимга термулиб ұтаётган аёлим Күпайсин Абдура-сул қизига бағишлиман.

Муаллиф

ОЗОД ЮРТДА ЯШАШ ОСОНМИ?

Бир пайлар турк шоири Нозим Ҳикматнинг:

*Иягингни кафтинг ичига олиб
Деворга қараб толиб қолма
Қалқ. Деразага кел. Боқ.
Ташқари... жануб денгизи каби гүзал,
Урмоқда деразангга тұлқинлари...
Кел. Тингла ҳаволарни
Овозимиз ёнингда, овозимиз сен ила,*

деган мисраларини ўқиб ажабланардик. Шоир нимага шаъма қиляпти? Иягингни кафтингга олиб толиб тураверма, қалқ, деб кимга айтяпти? Деразамизга урилган тұлқинлар нимаси? Ҳаволарни тингла, овозимиз сен ила... дейди. Ҳаволарни тинглаб бўлар эканми, деб энсамиз котарди. Энди билсак шоир бу шеърида бизга мурожаат қилаётган экан. Бу үгитлар мазмунини мана орадан йиллар үтиб жумхуриятимиз ўз мустақиллигини эълон қилган мураккаб бир кунларда англаб турибмиз.

Бироқ адид бошқа бир шеърида «Құшиқларимиз маҳаллаларда күчаларга чикмоғи даркор. Құшиқларимиз... ойналарни урмоғи даркор. Эшикларнинг қабзаларин сикмоғи даркор, то эшик очилгунча...» деда хайкиради.

Азиз муштари! Шоир айтган кунлар келганга ўхшайди. Иягимизни кафтимизга тираб, хотиржам, хонанишин бўлиб үтиравермай, деразаларни очайлик. Кимларнинг дир қўллари билан занжирлаб ташланган эшикларимизнинг қабзаларини синдириб бўлса ҳам ташқарига чиқайлик. Ҳаволарни – элу оламни тинглаб, овози биз билан ҳамоҳанг инсонларни мадад ва маслакка чорлайлик. Овозимизни бутун жаҳон әшитсан. Токи орзиқиб, кута-кута

қўлга киритганимиз баҳт қуши — юрт мустақиллиги қайта учиб кетмасин.

Кечәётган кунларимиз қанчалар тифиз, беҳаловат ва таҳликали бўлмасин шукур қилмай иложинг йўқ. Ахир август ойининг бутун дунёни алғов-далғов қилиб юборган ўша машъум уч кунида кўрган ва эшитган воқеалингнинг ўзи учун яшадим деб айтсанг арзийди. Неча йиллар тилга олишга ҳам ҳайиқиб келганимиз «мустақиллик» деган сўзнинг она юрт сўзи билан ёнма-ён ишлатиш, ёзишга муяссар бўлган бир қаламкаш сифатида яна бир бор баҳтли сезасан ўзингни. Чунки бу икки сўзни ёнма-ён ишлатиш орзусида не-не ҳамкасларимиз ўтиб кетмади, дейсиз. Иймонимиз комилки, биздан кейинги авлодлар ҳам бу сўзнинг нақадар азиз ва муқаддас эканлигини, уни кўзга суртиб ишлатиш мумкинлигини бизчалик хис қила олмайдилар. Чунки улар озодликнинг тантана қилишини бизчалик мустарин бўлиб кутмаганлар.

Энди бизни бу ёғига қандай яшаймиз, деган савол ташвишга сола бошлади.

Дарҳақиқат, мустақил давлатда яшашни биламиزمи?

Унинг шодлиги-ю, машаққатларига дош берармиканмиз?

Мустақил давлат деган сўзни ёзаяпману ўзимни ноўрин жойда чираниб қўйган мактанчоқдай хис қиласяпман. Нега? Сабаби бу иборани илгарилари фақат собиқ Иттифоқка нисбатан қўллаб, ўрганиб кетган эдик. Ўзбекистонни давлат деб айтиб қўйсак қўрқиб кетадиган даражага тушиб қолувдик.

Бундан икки йил илгариям Болтиқбўйилик журналист дўстларим нари борса Хоразм ёки Андижон вилоятчиалик келадиган ўз жумҳуриятларини «Болтиқ мамлакатлари» деб оғзини тўлдириб гапирсалар ёки ёssалар менга бир оз эриш туюларди. Шуларни эсласам фуруримиз қанчалар сусайиб кетганидан хижолат ботқоғига ботиб қоламан.

Энди биз ҳам «Ўзбекистондай қудратли мамлакат» деган сўзларни қисиниб-қимтинмай талаффуз этишини ўрганишимиз керакка ўхшайди.

Япон курашчилари ўз рақибларини мақтаб-мақтаб ма-

лубиятга учратишар экан. Бунинг боиси шуки, мақтов әшитаётган паҳлавон «Ў-ў, менга рақибим тан бераяпти», деб ўзига-ўзи маҳлиё бўлиб, ўзини ўйламай, ўз устида ишламай қўяркан. Биз ҳам бир неча йиллар давомида мақтовларга маҳлиё бўлдик. «Ўзбекистон оқ олтин кони», «Оқ олтинни олтин қўллар яратади», «Ўзбекистон шарқнинг машъали», «... дарвозаси». Биз ҳам ўз навбатимизда кимларнидир, қайсиdir халқларни шу тақлид гаплар топиб, роса шиширдик. Натижада, Иттифокдай улкан бир мамлакат мақтов ва шиорларга банди бўлиб қолди. Мақтов әшитмасак, хумордан ҳамиятимиз қақшаб, қалтирайдиган ҳолга келдик. Бизнинг бу ким ошди мақтовларимизни кўриб турган «кўнгли қора империалистлар» бўлса куларини ҳам, йиғларини ҳам билмасдилар. Чунки бунинг касру касофати умумжахон тараққиётига ҳам таъсир кўрсатмай қолмас эди.

Иттифокдош жумҳуриятларнинг айримлари ўз ҳолига мустақиллик эълон қила бошлагач, одамларда, давлат ва жамоат арбоблари, айникса, қалам ахлида мамлакатлар, халқлар мустақиллиги ҳақидаги ўғитларга эҳтиёж кучайди. Ҳар қалай донолар маслаҳатига таяниб иш кўриш зиён килмайди. Мана қўлимизда бутун олам ақлининг қаймоини ўзида мужассам этган «Тафаккур гулшани» номли семиз китоб. Ютоқиб варактаймиз. Наҳотки... бу оламнинг закийлари инсоният қалбини абадий умид ва изтиробга солган ана шу ёруғ туйфу — озодлик ҳақида тайинли бирон ган айтмаган бўлсалар. Афсуски, эллар-элатлар қалбида бундай туйфунинг ёлқинланиши кимларгадир атом фожиасидан ҳам хавфли эди. Улар халқлар идрокида озодлик, мустақиллик деган «ғайри тафаккур»нинг ниш уриб қолмаслиги учун мавжуд барча эҳтиёт чораларини кўрадилар. Ўша эҳтиёткорлик ҳисси, афсуски, «Тафаккур гулшани»нинг муаллифи В.Воронцовга ҳам бегона эмасди.

Барча тараққий этган мамлакатларда сиёсатшунослик фани мавжуд. Үнда дунё арбоблари, мамлакатлари юргизган ва ўтказаётган сиёsat, уларнинг тарихи, ютуқ ва камчиликлари чукур ўрганилади, таҳлил этилади. Биз эса бу фанни ўрганиш, мутахассислар етишириш у ёқда турсин «политолог», «политология» деган сўзларни лу-

ғатлардан ҳам чиқариб ташладик. Чунки бу сўзлар бизда хукм суроётган, бутун-бутун ҳалқларни қулликда тутиб турган тоталитар тузумнинг астар-аврасини афдариб, шарманда-ю, шармисор килиб қўйиши ҳеч гап эмасдида!

Шу кунларда матбуот саҳифаларида, йифин ва мажлисларда мустакил мамлакат тузиш ўзбек ҳалқининг азалий орзуси эди, деган гаплар қулоққа чалиниб қоляпти. Азиз биродарлар! Биз бундан минг йиллар илгари ҳам мустакил ва қудратли давлатлар тузган ўлка эдик-ку?! Наҳотки тарихимиз ёниб, ғорат бўлган бўлса?! Кушон империяси, хоразмийлар, темурийлар тузган улкан иттифок ва бошқа бир қатор давлат тузилмаларимиз ҳақида гапирмай қўя қолайлик.

Айримлар бизнинг озодлигимиз юқорининг «диктовка»си билан амалга оши, ҳалқ оммаси мустакилликка тайёр эмас эди, шу боис ҳам одамлар бу воқеага бирмунча сокин муносабатда бўлдилар, дейишмоқда. Баъзилар эса тап тортмай америкалик ёзувчи Френк Норриснинг «Эркинлик худоларнинг марҳамати эмас, у кураши суронларида, ўлим машакқатларида туғилади, қон билан ювилади, ундан порох хиди анкиб туради», деган сўзларини рўкач қилишмоқда. Бизнингча, юқоридаги иккала фикр ҳам анчайин хавфли. Хўш, мустакиллик ҳақидаги қонунни омманинг барча қатламлари «етилгунча» эълон қилмай, қутиб туриш керакми? Биз Истиқлол нашъаси учун озмунча қон тўкиб, жон тикдикми?

Озодлик ҳаракати бизда Октябрь тўнтаришидан илгарироқ бошланган-ку! Аждодларимизнинг шу кунгача тўккан қонлари нафақат байробимиз, тузумимизни, балки онгимизни ҳам кизартириб юбормадими?

1916 йилги Тошкент, Жиззах кўзголонлари, Андижондаги Дукчи Эшон ҳалқ ҳаракати, «босмачилар» тамғаси босилган озодлик ҳаракати жароҳатлари балки битиб кетгандир. Бироқ кечагина содир бўлган, бутун дунёни ларзага келтирган Фарғона, Андижон, Наманганд, Пискент, Ўш, Ўзган воқеаларида ўлим даҳшати ҳам, қон ва порох хиди ҳам етарли.

Хуллас, ҳалқларимиз бу озодликни қони билан ювиб, сўнг қўлга киритди, деб айтишга барча асослар бор.

Бир пайтлар эркка ташна юракларга тұлиб кетган дард ва ҳасратларимизни қай йүсін изхор қылсак рўзномалар босиб чиқарап экан, деб бошимиз қотар эди. Ноиложликдан бизга озодлик курашчиси сифатида танилган чет әллик бирон-бир буюк арбоб, ёзувчи ёки шоир исмини сарлавҳа қилиб олиб остидан ўз армонларимизни тўкиб солар эдик. «Пабло Неруда» сарлавҳали шеъримиз ҳам ана шундай кунларнинг маҳсулидир. Мана ўша аламли мисралар:

*Инсон суварак эмас
Полнинг ёриқларида
Болаласа,
Жон сақласа,
Увоқларда кўрса баҳтиёргигини,
Кураш жон сақлаш эмас, шунчаки
Ё ҳайқирмоқ, шунчаки
Дил билан тил ўртасидаги
Эҳтиётлик масофасидан.
Маърифатхоналар лиқ тўлди
Хунасажинс китобларга,
Шеърбозларнинг гўзал мияси
Дурагай мисраларни туғиши билан банд.
Назмни ишвали қиз каби
Давраларда рақс туширган
Шоирбаччалар
Куёшнинг ёлдор нурларига
Бачкана ҳисларини тақиши билан овора.
Мен сизга дилимда борини айтдим,
Мен сизга дилимда борини айтдим,
Дўстларим,
Бу ёги не бўлар билмайман.
Ўлик ҳужайралар даврасида жим
Хаётни тинглайман.
Ёниб тинглайман.
Ёрилгай бегумон бу газак — яра.
Бироқ, ҳозирча...
Тўйин огуларга
Ташна юрагим.
Синамоқ қасдида
Бизни кунба кун,*

Хаёт тахирлашиб бормоқда, қара.
 Шўх-шаби фикрлашнинг мавриди эмас,
 Бу давр – шундай фожиа-ки, унинг бошида
 Ҳар қандай тадбирдан
 Кудратли,
 Чандаст,
 Онгли ҳийла ётар,
 Чида сен, чида.
 Бахтни согинмоққа ҳақлисан фақат,
 Озодлик ҳақдаги туйгуларни ҳам...
 Ҳатто ўзлигингни яшир, иродам,
 Енгиб чиқмоқ учун яшамоқ керак.
 Аён,
 Теграмизда нурли фожиат.
 Чидагил юрагим,
 Хозирча чида,
 Чидаб яшамоқ ҳам
 Буюк интиқом!
 Ҳар қалай
 Хиёнат қилмадик, шукур,
 Ҳар қалай
 Хиёнат қилмадик шукур.
 Ватанга эътиқод руҳда барқарор,
 Тириклар,
 Бизларни, тутингиз маъзур
 Сизнинг исёндир бу – бизнинг қабрлар.

Кўриниб турибдики, шеърда озод кунларни кўрмай
 ўлиб кетсак ҳам ажаб эмас, деган тушкун рух хукмрон.
 Шукурким, Ватан мустакилликка эришадиган кунларни
 кўриш баҳтидан мосуво қилмаган экан. Ана шу баҳтга
 мусъассар бўлган ҳар бир ўзбекистонлик виждонига энди
 улкан масъулиятлар ҳам юклангуси. Бу масъулият биз-
 нингча, конимиз билан ювиб қўлга киритган ана шу
 эркимизни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги қатъ-
 ий ва эътиқодли саъй-харакатларимизда ўз ифодасини
 топади.

Мустакил юртга мустакил, жасоратли фарзандлар ҳам
 керак.

Биз шунга лойик бўла оламизми? Тасалло ана шунда.

«ТЕМУРИЙЛАР ХОНАДОНИ БИР БЎЛСА АГАР...»

Миллий Истиқлолимизнинг икки ёки уч йиллик байрами нишонланадиган сана эди чоги.

«Халқ сўзи» таҳририяти топшириғи билан Мустақиллик майдонига кириб боряпману, қалбим салкам қирқ йил яшаб, бирон марта туймаган, хис қилмаган туйгулар оғушида маст. Юрагим қувонч билан парвозга шайланган, аммо қандайдир ҳадикми, чўчиш дейми, алланечук хавотирли туйгуларни ҳам бегона билмаган бир қуш қанотида ҳаволаниб боряпти.

Ўзимга ўзим ишонмайман. Наҳотки, газетамизга, Истиқлол ҳақидаги бу йилги репортажни ёзиш менга насиб қилган бўлса... Наҳотки!..

Нима деб ёзаман!

Шу уттагина сўз бутун вужудимни музлатди-қўйди. Ҳарқалай биз Истиқлол, Мустақиллик ҳақида ёзиш у ёқда турсин, гапиришни ҳам билмаймиз. Борди-ю, юрак тўлиб кетиб, бу мақаддас, соҳир туйгу ҳақида ёзмасликнинг иложи қолмаса, исён уфурган тушунчаларимизни чилиликми, анголаликми, ҳарқалай юртидан қувилган, қамалган бирон-бир ҳабаш шоири ёки давлат арбоби тилидан шеър қилиб хумордан чиқардик.

Машраб Бобоев деган шоир ўзи ёзган исёнкор руҳдаги шеърларини дунёда йўқ «негр» шоиридан таржима сифатида газетада эълон килганига ҳам нари борса ўн йилча бўлди.

Ўзбекистон озодликка чиқармикин? Қандай чиқармикин? Ўша кунни кўриш бизга насиб этармикин? Бу йўлда қанча кон тўкар эканмиз?!

Эҳтимол, озодлик харакати бошланса, бизнинг авлод унинг курбони бўлиб кетар! Начора! Озодликни кўрмай ўлиб кетсан, болаларимиз кўради-ку!

Юрагимизни мана шундай изтироблар кемирган кунларга эса ошиб борса, беш-олти йил бўлди, холос.

Мустақиллигимиз тантаналари бошланадиган тонг ҳақида репортажни ёзиб, мухаррир қўлига тутқаздим. Кўнглим фаш. Бу мен учун қўшиқ билмайдиган одамни саҳнага судраб чиқиб, мажбурлаб ашула айтгизишдай

гап эди. Истиқлол куйидан сабоқ берган сұнгги шоир – Құлпон бобонинг қатл этилганига ҳам ярим асрдан ошди, ахир!

Харқалай, мени Құлпон бобонинг рухи құллади...

Инсон зоти қизик. Бахтли кунларга етишгунча, юраги минг түқилади. Етишгач эса бу фараҳли онлар лаззати билан кифояланиб қолмайды. Энди у бу бахтли кунлар бизга не берди, дея сархисоб кила бошлайды.

Хүш, шу уч йил давомида Ўзбекистон нималарга эришди? Мустақиллик оғушида үтган йилларнинг юртдошларимиз қалбидаги инъикоси қандай? Улар бундан хурсандми, хафами? Декончиллик, саноатда эришилган ютуқлар, ободончилик бүйича қилинган ишлар ҳақида соатлаб гапириш мүмкін.

Бирок одамлар құксыда ана шу ўзгаришлардан ғуурланиш хисси борми?

Бу жуда мұхим.

Хайратанғиз обидаларни қуриб ташлайверган билан халқ бундан фахрлана олмаса, уларни узок йиллик милий камситишлардан ўқсик дилларига малхам сифатида қабул қымаса ҳам чатоқ. Биз билан деярли кетма-кет мустақиллигини эълон қылған жумхуриятлардан бир нечтаси халқларида худди ана шу хиссиётнинг етишмаслиги панд бермоқда.

Юрт ободончиллигига анчагина эътибор билан қаралётган бир республикада дунё андозаларига мослаб бир нечта иншоотлар қурилибди. Мамлакат пойтахтидаги аэропорт жағон авиациясининг сұнгги ютуқлари асосида бунёд этилибди. «Бирок ўша тайёрагохға келиб құнадиган «Боинг»лар, чет элліклар қани? дейди бир ҳамкасбимиз. Агар мамлакатда чет эл ишбилармөнлари, тижоратчиларини қизиқтирган, уларнинг эхтиёж ва талабарини қондиришга қодир маҳсулот, хомашё, мұхими ҳуқукий замин яратылса, ҳамкорлар әшак аравада бұлса ҳам етиб келади, дейди сұхбатдошимиз.

Бу гапларни биз нега әсладик?

Чунки ана шундай тайёрагох бизда ҳам қурилди. Бирок у Худога шукур, чет элліклар «Боинг»ларини соғи-ниб, ҳувиллаб ётгани йўқ. Аэропортимиз дунёнинг манаман деган мамлакатлари манфаатларини туташтирган,

мұхим нұқта сифатида юзлаб мамлакатлар одамлари хаёлида порлаб турибди.

Хар куни дунёning бир минтақасидан иккінчи бир олис нұқтасини күзлаб учайтган үнлаб самолётлар, бир дақиқа бұлса-да, хордик чиқарыш учун құнишга ижозат сұраб, Тошкент осмонида гирдикапалак.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган улкан қурилишларнинг қайси бирини таърифласам экан. Келинг, узокқа бормайлик. Тошкент күчаларини икки соатгина сайр килайлик. Ишонаверинг, бундан уч ойгина олдин юрган күчаларингиз, күрган биноларингизни бугун тополмайсиз. Икки ой илгариги тасаввурлар билан шаҳарға чиқсангиз, имоним комилки, адашиб қолишиңгиз хеч гап эмас. Сағбон, Құштут, Қымлоқ, Олмазордаги яримвайрон чолdevорлар, тор қынғир-қийшиқ күчалар үрнини бугун таниб бўлмайди.

Яна бир қувончли ҳол: пойтахтимизда қад ростлаётган баҳт уйлари, бозорлар, боғлар, мусоғирхоналар, театрлар, маданий-маиший иншоотлар, илму урфон кошоналари, бунёд этилаётган сунъий гўзал кўллар, хиёбонлар, сайилгоҳлар очилаётган йўллар қиёфасида ниҳоятда нозик дид, юксак меморий маҳорат кўзга ташланади. Айниқса, мустақиллик эълон қилингандан кейин қурилган обидаларнинг ҳар бирини киппин маиший эҳтиёжини қондирувчи воситагина эмас, балки маънавий оламини бойитувчи юксак санъат асари сифатида ҳам қабул қиласи.

«Ўзбекистон» нашриётининг юбилейига бағишлиб «Туркистон» саройида ўтказилган тантаналар чоғида гувоҳ бўлганим бир ҳолат хеч ёдимдан чиқмайди. Шифтларга осилган маҳобатли, бирок ўта нафис қандиллар, шоҳона зиналар, сув шаршара бўлиб оқиб тушаётган деворлардан униб чиққан гуллар, гиёхлар жозибасидан ҳайратини япиролмаган хорижий меҳмонлардан бири: «Вах-вах!.. деб юборди.

Олой бозорининг бугунги ҳусни жамоли ҳам таърифтавсифларга сифмасов. Маҳобатли аммо ўта нафис, миллий руҳда яратилган бозор мажмуасини томоша қилиб чиқарканмиз, ҳамроҳларимиздан бири деди:

— Собиқ Иттифоқ даврида бундай бозорни қуриш учун Московнинг минг бир эшикларига бош сүқиларди. Шунда иккинчи бир ҳамрохимиз:

— Аввало шунақа бозор қуриш учун рухсат беришармиди денг. Эҳтимол, бозор тархининг мана бу ерида миллий рух кучайиб кетган, мана бу ерда ўтмиш сарқитлари анқиб турибди деб, меъморни миллатчи сифатида зинданбанд қилишармиди...

— Қани энди, юртимиздаги ўзгаришларни «Ўзбекистон ўзини-ўзи эплолмайди, улар мустақил равиша фикр қилишга, яшашга, яратишга қодир эмас», деган хаёлдагилар бир кўриб қўйса...

Суҳбатни эшитиб қувониб кетдим. Демак, одамлар тоналган фуурурларини қайта тиклашга ошиқмоқда.

Шу ўринда буюк авар шоири Расул Ҳамзатовнинг бир панди ёдимга тушди. Айтишларича, афсонавий қахрамон Шомилнинг ёш ўғли — Жамолиддинни Оқ пошшо кўлга туширади. Гаров тариқасида йигирма йил саклагач, яна юрти Доғистонга қайтаради. Бироқ бу даврда ёш йигитча хамма нарсани — динини, она тилини, Доғистонни, унинг ўзига хос урф-одатларини мутлако унуглан. Рус зобити шинелини кийиб улгурган эди. Ватанига қайтгач, ҳеч нарсани эслай олмаган Жамолиддинга юртидаги анъаналар эриш туюлиб, зерикиб, яна Петербуррга кетишга интилган. Шунда онаси унга Аваристон ҳақида у бешикдалик чоғида куйлаган қўшиқларни қайта куйлаган. Натижада, ўғлон азиз уйини, қўкка бўй чўзган виқорли тоғларни, ярасидан қон сирқиб турган овулини — Ватанини эслаган. Кейин бошқалар кийдирган шинелни ечиб, тоғликлар черкассасини кийган ва юртини озод қилишга отланган. Она қўшиқлари уни Ватанга қайтарган.

Яшириш не ҳожат: салкам бир ярим асрлик истибдод бизнинг юракларимиздан ҳам миллий фуур, озодликдай тотли туйгуларни сиқиб чиқарган, қалбимизга бегона либосларни кийдириб улгурган эди. Энди бу либосларни ечиб, Жамолиддиндай Ватангага қайтишимиз, миллий фууримизни қайта жонлантиришимиз учун «Онлар қўшиқлари» лозим бўлмокда. Она қўшиқларики, у Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар бир тадбир, қад

ростлаётган ҳар бир бино, қилаётган ҳар бир ишимиз, ҳар бир сұзимизда үз аксини топсын.

Демак, биз миллат фуурини ростлашға хизмат қила-диган ҳар бир имкониятни құлдан чиқармаслигимиз кепрек. Токи «дохийлар» хайкалчаларини сотиб олиб, уйининг түрида сақлашға одатланғанлар энди миллий озодлигимиз учун курашған, жон фило этган улуғ боболаримиз рухи, фаолияти билан фахрланишни, уларни эъзозлашни ихтиёр этсінлар.

Биз аждодлар күрган халқымыз. Бундай халқ ҳеч қачон йўқ бўлмайди, ўлмайди. Қатиқ тўкилса юки қолади, дейди донолар. Аждодларимиздан қолган кўрганликнинг юки ҳам бизни юксак-юксакларга олиб чиқади, худо хоҳласа.

Бунинг учун албатта тинчлик, хотиржамлик, бирлик-бирдамлик, ҳар биримиздан Ватанга астойдил фидойилик керак.

Мақсад Шайхзода домла ёзганидек:

*Темурийлар хонадони бир бўлса агар,
Туркистонга на завол бор, на хавфу хатар.*

1995

БЮОКЛИК ИБТИДОСИ

Маҳалла...

Бу нима дегани? Шунчаки бир ибора, деб қарайдиган бўлсак бу — бир неча хонадонни үз ичига олган оддий, худудий тушунча. Ҳа, борингки, бир пайтлар қайсиdir касб соҳиблари жойлашган кўча ёки унинг бир қисмини англатган ибора ҳам дейлик. Масалан, Ўқчи, Эгарчилар, Чилангарлар, Пичоқчилар, Косиблар маҳалласи ва ҳоказо.

Келинг, бу ибора мағзига озгина бўлса-да, хайрихохлик кўзи билан қараб кўрайлик. Беихтиёр бу сұз заминида қандайдир илиқлик, меҳр борлигини туямыз. Мана масалан, сиз улкан шаҳарнинг қоқ марказига кўчиб келдингиз. Ҳамма ёқ осмонўпар бинолар. Бирок уларда

яшаётган инсонларни танимайсиз. Ўзбекчилик-да, кўнглингизда 5—6 та оқсоқолни таклиф этиб, янги уйда хайр-эҳсон қилиш истаги. Қайга борасиз? Албатта, қайсиdir «дом»нинг бурчаги ёки «подвал»ида жойлашган кўримсизгина маҳалла қўмитасига. Айтган пайтингизда ўша маҳалланинг обрўли, нуроний инсонлари уйингизга кириб келади. Дуога кўл очиб, Аллоҳдан хонадонингизга кут-барака, тотувлик, сиҳат-саломатлик, тўйлар тилашади.

Муродингиз ҳосил, дилингиз равшан. Энди сизни бутун олам танийди, тан олади.

Шундай дақиқалар бўладики, маҳалла сиз учун энг меҳрибон, энг иссик гўшага айланади. Тўй-тўйчиқларингизда ёнингизда обрўингиз, файзингиз бўлиб туради. Атрофингизда парвона, елиб-югуриб хизмат қилади. Бошингизга кулфат тушган дамларда хаста дилингизга малҳам, фамдан камон бўлган белингизга қувват.

Шу ўринда 80-йиллардаги бир воқеа ёдимиизга тушди.

Умр бўйи айқириб, кайфу сафо билан «президиум»-ларнинг тўрини бўшатмай юрган бир раҳбар нима бўлди-ю, отдан тушиб қолди. Кўп ўтмай у маҳаллий ҳукуматнинг ҳам, ишхонасидагиларининг ҳам ёдидан чиқди. Ҳеч кимни танимай, тан олмай юрган «одам»га хонанишинлик ёмон экан. Рухан чўқди, ётиб қолди. Бирор ўрмаламади. Собиқ раҳбарни ваҳм босди: наҳотки умр карвони... Йўқ. Шу кунларда маҳалладан уч-тўрт оқсоқол кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашилди. Омонлик тиленди. Бу ҳол яна икки-уч бор қайтаришди. Собиқ раҳбарнинг сўниб бораётган руҳида ҳаёт шами қайта ёлқинланди. Демак, уни эслайдиганлар, йўқлайдиганлар бор. Оёққа туриб, астагина маҳаллага чиқди. Бугун ўша одам маҳалланинг тўрида, иззат-икромида.

Бир танишим бор. «Маҳаллам — отам, онам» деб қўяди гохида. Ҳақиқатан ҳам шундай. 14—15 ёшларида ота-онаси ўлиб, фирт етим бўлиб қолган Хурилбой узок бир қариндошини қора тортиб, бегона қишлоққа келиб қолади. Кечалари дала шийпонида ётиб, кундузлари колхозда ишлайди. Маҳалла оқсоқоллари қарасаки, бола

мүмін-қобил. Айби – етим, құли юпқа. Ёш-яланғларга айтишиб, ишдан бүш вактларда гувала қуидиришади, күплашиб, зовур бүйіда үсіб ёттан тераклардан кесиб келишади. «Қани. Ҳа, бұл» билан икки хона, олди айвонли том солиб, Хурилбойни киргизиб қўйишади. Ҳозир ўша Хурилбой ўғил уйлаб, қиз чикарди. Эл-юртнинг олди одами.

Бугун улкан шаҳарнинг беором қўйнида яшаб туриб, Избоскандаги ўзим туғилиб ўсган сокингина Тешикмозор маҳалласининг ажойиб анъаналари, ўзига хос урф одатларини эсласам юрагим орзиқади. Биз ёкларда, ҳануз, уй курса, хашар қилиб, маҳаллани чақиришга ошиқади. Кўпчиликнинг, маҳалланинг қўли тегиб битган уй файзли, хосиятли бўлармиш.

Менимча, бу одатнинг мазмуни бошқа ёқда. Буни маҳалламиздаги одамларнинг эхсонлари, тўйларида қўп бор хис қилганман: йиғилган меҳмонлар «Деворнинг мана бу ерини мен ургандим», «Тўсинларини биз кўтаргандик», «Эсингда борми, катта харини кўтараётгани мизда, тушиб кетишига озгина колувди», «Томига тупроқ босганимизда «полвон» қоп»ни Миркомил полвон (Тиллабоев) ёки Ҳаким полвон (Мирзаев), Иброҳим полвон (Каримов) кўтарувди», деб қоникиш билан эслаб ўтиришади.

Демак, бу иморатда маҳалла ахлини бир-бирига боғлаб турувчи ширин хотира – инсонларнинг кимгадир, қачондир нафи текканидан лаззатланиш хисси бор. Мана, гап қаёқда!

Қадимгилар «Бир муштдан урса ўлдиради, бир тўғрамдан берса тўйдиради», деганларида ҳам маҳалла ни назарда тутган бўлса ажабмас. Бу ҳикмат бугунги кунга келиб янада чукурроқ, мазмун, моҳият касб этмоқда.

Оlam улуғ кишиларга бой... ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар, ҳар бир ўлка ўз буюк кишисига эга... деб ёзган эди бир машхур ёзувчи. Шарқда ўлка ҳам, шаҳар ҳам, қишлоқ ҳам маҳаллалардан ташкил топади. Демак, ҳар қандай буюк кишининг ватани ҳам, у яратган ва яратажак буюк ишларнинг ибтидоси ҳам маҳалладир.

Ушбу мақоламизни ўкиб чиққан ҳар бир китобхонинг хам ўз маҳалласининг меҳрига сазовор бўлишини орзу қилиб қоламиз.

1993

НЕГА АЛЛА АЙТМАЙСИЗ, ОНА?

Тун ярмидан оққан.

Бифиллаб чақалоқ йиғлади. Навжувон она болани бағрига босиб хонада у ёқдан-бу ёкка юради.

— Хо-ху! Хо-ху! Хо-ху!

Йўқ, бола онасининг бу ғайритабиий хитоб-харакатига карши баттар исён кўтаради.

— У-фф, ҳар куни шу аҳвол. Нима қилсан юпанаркин, — дея фифони ошади ёш онанинг.

— Алла айт, — маслаҳат беради ёш ота.

— Нимани айтаман?

— Онандан эшитганларингни айт.

— Мен болалар боғчасида тарбияланганман.

— Унда кўрган-кечирганларингни айтакол.

— Вой, анув кишини. Кўрган-кечирганларни алла қилиб айтиб бўларканми!

— Наҳотки, алла қилиб айтгулик кечмишинг бўлмаса?

Чақалоқнинг йиғисига чидаёлмаган ота гўдакни қўлига олиб, ёшлигига онасидан эшитган, юракни сел қилиб оқизиб юборувчи қадимий, сирли оҳангларни эслашга ҳаракат қиласди:

Қизил гулнинг шохида, алла,

Ғунчамисан, нормисан, алла.

Мунглиг онанг баҳтига, алла.

Кўзичогим бормисан, алла.

Алла болам, аллаё,

Ширин болам, аллаё...

Бола бир зум йиғидан тўхтаб овоз келаётган томонга юзларини буради. Қийик кўзларини хиёл очиб, қайта юмади-да, дағал, аммо қандайдир сехрли қурратга эга ота қўшиғидан маст бўлиб, ширин уйқуга кетади.

Азизлар? Юқоридаги вөкеада ёш ота айтган бир гап-га эътибор беринг: «Наҳотки, алла қилиб айтгулик кечмишинг бўлмаса?»

Дарҳақиқат, наҳотки, бугунги ёш оналарнинг алла қилиб айтгулик хотироти бўлмаса? Кейинги йилларда ёш оналарнинг алла айтиши таомилдан тушиб бораётгани сезилиб қолмоқда. «Саодат» журналиниң 1988 йил 5-сонида эълон қилинган «Бу шундай бир қўшиқки...» сарлавҳали мақолада ҳам ёш оналарнинг негадир алла айтмай қўяётгани хақида ташвишли фикрлар билдирилади. Бу мақолада, жумладан, шундай сўзлар бор: «Нима учун ҳалқ амалий педагогикасининг энг бошланғич ва энг самарали тарбия воситаси бўлган аллалар аста-секин унуптилмоқда? Ёки оналарнинг алла айтишга фурсатлари етмаяптими? Радио, телевидениедаги куй-қўшиқлар гўдакнинг эҳтиёжини қондириб, она қўшиғининг ўрнини боса олармикан?!»

Биз ҳам ана шундай саволларга жавоб топиш учун бир қатор идора ва ташкилотларда бўлиб, турли ёшдаги кишилар билан сұхбатлашдик, уларнинг фикрларини ўрганиб, ўз мулоҳазаларимизни баён этишга аҳд қилдик.

Тошкентдаги «Фарофат» номли 412-болалар боғчасидамиз. Кичик ёшдаги гурухлардан бирига кирамиз. Айтишларича, группада 37 та бола бор экан.

— Кимнинг онаси уйда алла айтиб беради? Қўлини кўтарсинг, — сўраймиз кичконтойлардан. Иккитагина бола қўл кўтаради.

— Боғча опаларинг-чи? Сизларни алла айтиб ухлатишадими?

Болалар жим. Боғча опа бўлса, кутилмаган вазиятдан норози бўлиб, гўдакларни ғадавлайди.

— Ҳар куни алла айтаман-ку, нега индамайсизлар? Ёки унудиларингми?

Мурғак қалб эзгуликни ҳеч қачон унутмаслигини афуски, тарбиячи унугланган эди.

Ёрдамчи тарбиячи Замира Ахмедова алла айтишни билмаслигини, китоб ўқишига эса вакти йўқлигини яшириб ўтирумади.

Боғча методисти Ҳалима Алимова аввалига:

— Алла?! Алла нима ўзи? — дея таажжуб билан

бизга тикилди. Алланинг луғавий маъносини тушунтириб берганимиздан сўнг:

— Ха, алла денг. Боғча программасида кўрсатилмаган, — дея баҳона қилди.

Тарбиячилардан Муборак Каримова билан сухбатимиз мазмунли бўлди. У алланинг аҳамиятини нозик хис килиши ва ўзи ҳам яхшигина алла айта олиши билан бизда яхши таассурот қолдирди. Аксарият тарбиячилар эса алла айта олмаслигини очиқ тан олдилар.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг попоп цехида ҳаммаси бўлиб 500 га яқин хотин-қиз меҳнат қилар экан. Биз борган сменада эса икки юздан кўпроқ аёл машинада чок тикиб ўтиришар эди. Ишимиз осон кўчсин учун ўзимизни ҳалқ оғзаки ижоди бўйича мутахассис сифатида таништириб, алла айтадиган оналар борган сари камайиб кетаётганини ташвиш билан маълум қилдик. Алла биладиган хотин-қизлардан хоҳласа оғзаки, истамасалар ёзма равишда ёрдам беришларини илтимос қилдик. Аёлларнинг бири кулди, бири хафа бўлди. Цех устаси Комила Қодирова билан бир соатча уриниб, зўрға алла биладиган биттагина онахонни топдик. Цех дазмолчиси Махсума опа Умарова дарҳақиқат қадимий алларнинг моҳир ижрочиси экан.

— Алла айтишдан уялган аёл, аёлми? — дедилару ўқтам овоз билан барчани лол қолдириб, мирикиб куйладилар. Чарчаганларидан кейин бошқаларга теккизиб дедилар:

— Алла айтинглар, алла тинглаб ўсган боланинг руҳи тетик, эътиқоди мустаҳкам, виждони ёруғ, эл-юргига со-дик бўлади. Алла айтинглар, қизларим, сингилларим!

Ха, тошкентлик Рихси опа Каримова ҳам қизи Гулнорага ёшлигида алла айтолмаганидан мана энди афсус чекади. Эҳтимол, Гулнора опа алласига кониб катта бўлганида, айни 16—17 ёшида ёмон аёлларга қўшилиб, бирорларнинг уйига ўғриликка тушмаган, оқибатда уч йилга озодликдан маҳрум этилмаган бўлармиди?!

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Алла, — қўшиқларнинг султони, — дейди Андижон вилояти Избоскан туманидаги 29-хунар-техника билим юрти директори Сомижон Жабборов. — Алланинг

оханглари қадимгиларнинг айтишича, онанинг етмиш иккя томиридан оқиб келармиш. Демак, алла айтишда она-нинг бутун вужуди иштирок этади. Аллада онанинг дард ва йигилари, кулгиси ва шодлиги, қаҳри-ғазаби оханглар қатига шундай сингдириладики, бу жиҳатдан дунёдаги биронта құшиқ унинг үрнини босолмайди. Мен йилнинг түрт фаслида бирдай таъсир қилувчи құшиқни билмайман. Аммо алла хеч қандай фаслда эскирмайды, аҳамиятини йүкотмайды.

Ташкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори Азиза Орирова ҳам ўқувчи ёшидаги қиз болаларга алла айтишни үргатиш, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва бола тарбиясига ажратадиган вақти хусусида қуюниб гапирди:

— Мана мен, ижтимоий фаол аёллар сирасига кираман. Кун бўйи институт ташвишлари, турли учрашувлар, мажлислардан ҳориб, кеч кирганда уйга кириб бораман. Турган гапки, шу тобда бир озгина дам олгим келади. Бирок овқат пишириб, дастурхон ёзмасангиз, яна бўлмайди. Қарабсизки, хуфтон бўлади. Қизим Но-дира эса мен билан сухбатлашиб, ёнимда ётгиси, эркалангиси келиб, жавдира буради. Менда эса мадор колмаган. Аллаларнинг кам айтилаётгани аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётга ўта боғланиб, ўралашиб қолаётганида деб биламан.

Бир пайтларда қишлоқларда алла айтишни билмаслик айб, уят хисобланарди. Бу муболага эмас. Қишлоқ аёллари аллани ёниб айтар эдилар. Пайкаллар этагида, зилол сувли зовурлар қирғоғида узундан-узун тутзорларда қатор-қатор беланчаклар тортиларди. Бригадир аёллар ичидан аллага энг мохир, энг болажонини «боғча опа» қилиб қолдиради.

Тутзорлар, зилол сувли зовурлар, пайкаллар ҳануз ўша-ўша, қишлоқлар кўп. Бирок дов-дарахтларга беланчак тортиб ёниб алла айтадиган оналар йўқ. Борлари ҳам юракдан чиқариб куйламайди, қандайдир ўзгариб қолган улар. Бунинг боиси не?!

Бир пайтлар лайлаклар Бухорони тарк этиб кетганилиги ҳақида қайгули хабарлар эшитардик.

Бугунга келиб қадим-қадимлардан инсон қалбини ма-

кон тутган она алласи энди оналар юрагини ташлаб кетаётгани хам аччик бўлса-да ҳакиқат. Бунинг туб сабаб, илдизларини қаердан, нимадан ахтарайлик!

Хўш, аллаларни оналар ва болалар қалбига қайта-риш учун нималар қилиш керак?

Биринчи навбатда болалар боғчаларида, мактабларда қўлланиладиган дарслеклар муаммосини ҳал қилиш, алла соатлари жорий этиш лозим. Институтларнинг, педагогика билим юртларининг бошланғич синф факультетларида алла дарсларини кенг йўлга кўйиш, талабаларни алла айттириб кўриб қабул қилиш хам мақсадга мувофик бўларди. Ана шунда боғчаларга, мактабларга келаётган мутахассислардан нолиб юрмаймиз.

Аллаларни ҳалқимиз онгига сингдиришда радио ва телевидениенинг роли бекёёс, улкандир. Шунинг учун алла ҳакида әшииттириш ва кўрсатувлар кўпроқ тайёрланса, уларга алла айтишга моҳир қизлар, келинчаклар, онахонларимизни излаб топиб қатнаштирасак жуда фойдали бўлар эди. Аллалар ижроцииларининг конкурслари тез-тез ўтказилиб, уларнинг овозлари кўп нусхада сотуга чиқарилса.

Алла нафақат ҳақиқий инсонни, балки замину замонни тарбияловчи, камолга етказувчи қудратли қўшиқдир. Азиз оналар, опа-сингиллар, келинг, фарзандларингиздан меҳрингизни дариф тутманг, алла айтинг. Алла айтайлик!

1988

АРСЛОНБОБНИНГ ГЎЗАЛ ТОҒЛАРИ

...Бу шахарнинг кўчаси-ю, майдонларини қўйинг, ҳаттоқи йўлакдаги папирос қолдиги ташланадиган темир кўзаларнинг ўзи хам бир санъат, тарих. Ушбу шергага ўхшаб оғзини осмонга қаратиб катта очиб турган, замона зайли билан ярим белигача асфальт остига ботиб қолган, зил-замбил ахлат кўзани эҳтимол Буюк Пётр ўз кўли билан ўрнатгандир...

Хаёллар гирдобида шахар кўчаларидан кетиб бора-

ётган эдим. Қаршимдан Фарғона водийси қизларига хос шевада сұхбатлашиб келаётган, ёшгина икки қизни учратиб қолдим. Шу зумда олис Андижон қишлоқларида қолган сингилларим күз олдимга келди.

- Ўзбекистонданмисизлар? — сұрадым улардан.
- Йўқ, Қирғизистондан...

Қизлардан иккинчиси дугонасининг хатосини тузатган бўлди.

- Ўшни эшигтганмисиз?

Қизлар хурсандлигини яширишмас, қувноқ кўзлари нималарнидир билгилари, сўраб-сурештиргилари борлигини айтиб турарди.

— Сиз бу шаҳарда биз учратган биринчи ўзбек кишиси бўлдингиз. Тўқимачилик комбинатига ўқишига келганмиз. Жалолободдаям нотўқима материаллари комбинати қуриляпти. Шунга тайёрлашяпти бизни. Менинг исмим Мавлуда. Дугонамнинг исми Дилбар. Биз 30 кишимиз. 14 ўзбек қизи, қолганлари қирғиз қизлари...

— Битта йигитимиз ҳам бор, мастеримиз, — шўх кулади Дилбар.

Улар тўқимачиларнинг Женя Егорова кўчасида жойлашган биринчи ётоқхонасига қўнганликларини, қунлар нихоятда секин ўтаётганлигини, олис-олисларда қолган она юртларини соғиниб кетганликларини гапиришди. Уларга таскин берган бўлдим. Тез кунда учрашишга ваъдалашиб хайрлашдик...

* * *

Ётоқхонанинг биз кирган мўъжазгина хонасида икки дугона — Феруза Турғунова билан Дилбар Сулаймоновалар жойлашишган экан. Бир зумда хона қизлар билан тўлиб кетди. Йўқлаб келганимиздан бошлари осмонда.

Собиржон асли жалолободлик. Тўқимачилик институтини Намангандага тамомлаган. Қарашлари қатъий, ҳаракатлари вазмин, фикрли-мулоҳазали бу йигитни қизлар хурмат қилиши, андак ҳадиксирашлари ҳам сезилиб турарди.

Киз бола ўз табиати билан қиз бола-да. Кимдир ота-

сини соғиниб фироқ қилса, бошқа бири онасини, ака-уласини қўмсаб кўёши тўкади.

Бир маҳал кўшни хонадан йиғи овози эшитилиб қолди-ку. Қизлар ўша хонага дув чопишди. Бир оздан кейин қайтиб чиқишигач, бизни тинчлантиришиди:

— Бир кирғиз дугонамиз тоғларни соғинибди. Отаси билан қўй бокиб юрган дамлари ёдига тушиб йиғлаяпти.

Бу гапни эшитиб, аввал Мавлуда кейин Дилбар намланган кўзларини яшириб хонадан чиқиб кетишиди.

Ота-онасининг, бағридан чиқмаган бу ўзбек қизларининг ҳам тўсатдан узоқ муддатга олис юртга бориб кўёши қилиб юришларини юракдан хис қилдик.

— Ана холос, яна кўз ёши, — деди таъна оҳангидা Зулфия Камбарова, — энди кимни соғиниб қолаколдинглар?

— Менинг укам ҳам, акам ҳам йўқ, ёлғизман, — уксинди Феруза, — дадам билан ойим менсиз хувиллаб ўтиришгандир.

— Ҳозир биз томонларда мева-чевалар фарқ пишган пайт. Ҳамма ёқ мусаффо, дала-қирлар... Арслонбоб тоғлари жуда гўзал кўринади-да, шу кунларда, — гапга кўшилади индамайгина ўтирган Сапура. — Комбинатдаги дастгоҳлар овози Арслонбоб ота шаршарасини эслатади менга. Хаёлан ўша шаршара олдида юргандай хис қиласман ўзимни.

— Шу кунларда Андижонда Шерали Жўраев ҳақидаги «Шерали ва Ойбарчин» фильмини кўрсатишлари керак эди. Жалолободда пайтимизда дугоналарим билан бориб кўриб келмоқчийдик, афсус насиб қилмади, бу ёққа келиб колдик, — армон қилди Мухаббат.

Бирор қизлар қалбидағи бу интизорлик алангасини бир оз бўлсада пасайтиришнинг чораси бормикин?

Нима учун мамлакатнинг фарбий қисмидан Ўрта Осиёга йўл олган киши негадир, шарқликларчалик ҳаяжонланмайдилар. Бунинг боиси не? Бизнингча, ҳамма гап шарт-шароитда. Хўш, бу шарт-шароит нималардан иборат?

Айтайлик, россияликлар мамлакатнинг қайси бурчиға бориши масин, ҳеч қачон улар олдида тил муаммоси жиддий кўндаланг бўлиб турмайди. Истаган идора ёки

ташкилотига кириб ёки истаган одами билан ўз она тилларида мулокот қила оладилар. Радио, ойнаи жаҳон кўрсатувларининг кўша-кўша программалари рус тилида кечаю-кундуз эшиттириш олиб боради. Истаса, Москва-ни кўради, эшитади. Рўзномалар олиши, китоб дўконлари, кутубхоналарга кириб ўз она тилида истаган адабиётини топиши, ахборотга эга бўлиши мумкин. Истироҳат боғлари, транспорт, хизмат кўрсатиш муассасаларида кийналиб юрмайдилар.

Ана энди Россия шаҳарларига тўсатдан тушиб қолган ўзбек ёки қирғиз қизининг ҳолатини тасаввур қиласвинг.

Ўзбекистон билан Санкт-Петербург вилояти раҳбарлари ўртасида ўзаро иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда ҳамкорлик юзасидан шартнома тузилди. Демак, икки томон раҳбарлари Россиянинг шаҳарларига бориб хизмат қилиб, таҳсил олиб қайтадиган юртдошларимизга қулагай шароитлар яратиш масаласида ҳам жиддий ўйлашлари лозим. Биз бу ўринда ҳеч бўлмаса, жойларда кутубхоналар ташкил этиш, миллий мусиқа асбоблари, радио техника воситалари билан таъминлаш, тез-тез турли ансамблларни, санъаткор ва адабиётчиларни, журналистларни юбориб туришни назарда тутаяпмиз.

Шу ўринда қизларимиз нолиб юрган яна бир муаммо хақида гапирмасдан иложимиз йўқ. Ётотхона билан комбинат ораси жуда олис. Тўқимачилик комбинатлари уч сменада ишлашини ҳамма билади. Иккинчи, сменадан кеч соат 12 ларда чиқкан қизлар автобусда то ётоқхонага етиб келгунча бир соатдан ортиқ йўл юрадилар. Автобус ёки трамвай келақолса-ку хўп-хўп, келмай қолсанчи?

...Қиши тунларидан бирида нохуш воқеа содир бўлди. Ҳадеганда транспорт келавермади. Қизлардан беш-олти нафари кечаси ётоқхонага қараб пиёда отландилар. Йўлда ўндан ортиқ мааст-аласт кимсалар уларни ўраб олишиб уст-бошларини, қимматбаҳо нарсаларини сўраб номаъкул хатти-ҳаракатлар қила бошладилар. Қизларнинг баҳтига қаерданadir патрул аскарлар келиб қолди. Бўлмаса, худо билсин, уларнинг ҳоли не кечарди.

Тунги сменадан чиқкан ишчиларни элтиб қўйиш учун

максус автобус белгилаш ёки бўлмаса, талаба қизларни кечаси қолдирмаслик хақида ўйлаш ҳам керакка ўхшайди.

— Ахир ор-номус масаласи биз Шарқ қизлари такдирида ҳаёт-мамот масаласи эканлигини шахар раҳбарлари тушунишлари лозим, — дейди қизлардан бири.

Бу гапларни куюниб ёзайтганимизнинг боиси бор. Бу ердаги тўқимачилик комбинатига Марказий Осиёдан, хусусан, Ўзбекистондан мунтазам равишда гурух-гурух ёшлилар келиб, 6—7 ой яшаб касб ўрганиб кетадилар.

Хар қандай ёш қалб келажакдан катта умид билан яшайди. Бу туйғу бизнинг қизларимизга ҳам бегона эмас. Хўш, бу қизлар ўз келажаги хақида қандай ўйладилар?

— Мен, очиини айтсам, ўзим ишлайдиган фабрика-га директор бўлмоқчиман, — дейди қатъият билан Зулфия Қамбарова.

Орзуга айб йўқ. Зеро, орзусиз инсоннинг умри мазмунсиз ўтади. Инсонни камолатга яхши ниятларгина элта олади.

Санкт-Петербург, 1990

АРМОН ВА ОРЗУЛАР ДЕНГИЗИ

ёхуд ютоққан юракларга томган саёҳатномалар

Буюк миллатларга хос, қалбни ифтихор туйфулари билан тўйинтирувчи, унутилмас лаҳзаларни миллатпарвар фарзандлар ҳаётининг беором, шижаотли дамлари тарих саҳифаларига муҳрлайди. Ана шу ифтихор туйфуси биз тенги авлод қалбида негадир чалкашроқ, нурсиз рок намоён бўлади. Бунинг сабаблари кўп, албатта...

Болалиги йигирманчи асрнинг 50—80-йилларига тўғри келган миллатдошларимиз курраи заминни аллақайси мамлакатнинг мавжуд-номавжуд (яъни бадиий тўқима) сойирлари нигоҳи билан кўтарар, юртимиз тупроғида туғилиб, ер шарининг талай минтакаларига пойқадами етган аждодларимизга дахлдор қадриятлардан деярли ихоталаб қўйилган эдик.

Марко Поло, Христофор Колумб, Ганзалес де Клавихо, Фритьоф Нансен, Otto Свердруп, Руал Амундсев ва бошқа юзлаб олимлар ва сойирларнинг турли кутб ва минтақаларга махсус сафарлари ҳакида ўқисак, Farb сайёхлари ҳакидаги турли бадиий фильмларни томоша қилсақ, ичимизда қандайдир ўқсаниш ҳисси фимирилаб қоларди. Нега ўшалардай жасур фидойи аждодларимизни билмаймиз, дея армон денгизига фарқ бўлар эдик.

Одам қадами етмаган қайсиdir минтақа ёки ўлкан каshф этиш, ўрганиш жараёнидаги машаққатлардан хикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни томоша қилганда, шуларга нима зарур экан, ўзларини азоб-уқубатларга гирифтор килиб, дея ҳайрон бўлардик. Уларнинг асл мақсадларига фаҳмимиз етгач эса, нега бизнинг олимларимиз ана шундай мақсадли сафарлар уюштиришмаганикин, деган ўкинч қалбларимизни кемира бошларди.

Бу армонангиз мулоҳазалар узок йиллар, то соҳибкорон Амир Темур ҳамда Захириддин Мухаммад Бобурномлари билан боғлиқ экспедициялар ташкил этилиб, улар фаолияти ҳакидаги материаллар матбуотда ёритила бошлагунча асаб торларимизни чиyrатиб тураверди. Шукирки, диёrimизда истиқлол шабадалари эсиб, ташқадунё билан алоқалар жонланди. Улуғ аждодларимиз босиб ўтган йўлларни ўрганиш мақсадида илмий-амалий сафарлар уюштирила бошланди. Турган гапки, Ўзбекистонимиз фарзандлари ҳам тарихда бу борада буюк миллатларга хос ишлар қилгани ойдинлаша борди...

Шу ўринда афсус қиласиган бир мулоҳаза. Соҳибкорон Амир Темур босиб ўтган йўлларни тадқик этиш ниятида тузилган дастлабки ҳайрли гурӯҳ — экспедиция тўғрисида истеъдодли публицист Ҳаким Сатторийнинг матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалари орқали хабар топган ва қувонган эдик (дастлабки сафар 1991 йил 1 – 20 августда уюштирилган эди). Ижодкорнинг сафарлардан таассуротлари ўлароқ чоп этилган бир неча рисолаларида ҳам (жумладан, «Хотира карвони», «Фан» нашриёти, 1994 йил) кўзимиз тушди. Бирок, афсуски, ушбу экспедиция фаолияти изчил давом эттирилмай, ора йўлда қолиб кетган, деб эшитамиз...

Бобур халқаро фонди ташкил этилганидан буён дунё-

нинг йигирмата мамлакатига ўндан ортиқ илмий экспедициялар уюштирилди. Автобусда 300 минг километрдан ошикрок масофани босиб ўтди, деб ёзи севимли газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». Фонд жонкуярлари нафақат бобурийлар, балки халқимиз, юртимиз шаъни-шарафини дунё миқёсида туфро қилиб кетган кўплаб буюк ватандошларимиз сиймоси, ҳёти, ижодини ўрганиш, улар хоки мангу макон топган гўшаларни излаб топиш, ободонлаштириш борасида ҳам таҳсинга лойик ишларни амалга оширишмоқда. Экспедиция сафарларидан бирида Ҳирот шахри яқинида буюк ўзбек шоири Лутфий ҳазратларининг нураб, кўмилиб ғойиб бўлган хобгохини топишга муваффақ бўлганидан хабар топган эдик. Мана яқинда, аниқроғи, 2006 йилнинг май ойида тиниб-тинчимас бобурзода Зокиржон Машрабов бошчилигига изсиз йўқолиб кетиш арафасида турган ушбу қабр устида ўймакорлик услубида яратилган нақшинкор шийлон (андижонлик ёғоч ўймакори Уста Йўлбарс шогирдлари билан тайёрлашибди) қад ростлабди. Сағана устига Фозфондан олиб борилган мармартош ўрнатилибди.

Бу саъй-харакатлар наинки халқимиз, балки бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам қизғин маъқулланиб, эътироф этила бошлади. Экспедиция фаолиятининг вактли матбуотда изчил ва атрофлича ёритилиб бораётгани, ҳар галги сафар юзасидан алоҳида-алоҳида китоблар чоп этилиши ҳам айни муддао бўлмоқда.

Шу уринда биз экспедициянинг фаол иштирокчиси ёзувчи Қамчибек Кенжанинг «Хинд сориға» (2000), «Андижондан Даккагача» (2003), «Буюклар изидан» (2006) деб номланувчи саёҳатномалари (китобларнинг барчаси «Шарқ» нашриёти матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган) ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўз айтишга қарор қилдик.

Адибнинг сафар таассуротларини ўзида жамлаган ушбу китоблари қайси жиҳатлари билан қадрли?

«Ўнта бўлса ўрни бошқа... Қамчибекнинг ушбу асарлари Бобур Мирзога бағишлиланган китоблар орасида ўзига хос ўрин олади, сафарнома жанрини кўпгина янгиликлар билан бойитади», — деб ёзади муҳтарам адибимиз Пиримқул Қодиров.

Дархақиқат, сафарномалар муаллифи назарига түшган хар бир воқелик — бино, шахс, табиат манзараси, ҳайвонот, наботот олами Бобур Мирзо шахси, даври ижоди ва бугунги Ўзбекистонимиз тимсоллари билан киёсан тасвирланади, хулосалар чиқарилади. Муаллиф кайси мамлакатда бўлмасин, маҳаллий ахоли ахволи, руҳиятига синчилаб назар солади. Оддий кишилар, дехқонлар, зиёлилар, айниқса, хотин-қизлар турмуши, кииниши ва юриш-туришидаги айни миллат ё элатга хос бўлган бетакрор жихатларни нозик илғайди ва ниҳоятда жонли, равон тилда тасвирлайди. Кишилар характери, хатти-харакатидаги ёқимсиз ҳолатларни ҳам ўзига хос ажойиб юмор билан шунағанги беозор ифодалаб берадики, бундай ифода услубига ҳавас қилиблар кетасан киши. «Лоҳӯр қассобларининг... гўшт сотиш тартиблари менга унча маъқул бўлмади. Улар дўкон орқасида, ерга ўтириб олишиб, гўштни оёқ панжалари билан қисиб туриб кесишаркан» («Ҳинд сориға», 114-бет). Бу жумларнинг нимаси кулгили, дерсиз? Гап шундаки, китобда экспедиция аъзолари бир кун олдин ана шу қассоблардан гўшт сотиб олиб, шу ерлик Мухаммад Шафиқ исмли киши ёрдамида шўрва пишириб ичишгани ҳам кистириб ўтилган...

Адид экспедиция харакат қилаётган жой халқи, урф одатлари, миллатидаги алоҳида ўзига хосликлар, мавжуд сиёсий тузум билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий ҳолатларни мустақил Ўзбекистонимизнинг фурурли, ориятли бир фарзанди — фуқароси сифатида кузатади, баҳолаб боради. Бирок муаллиф хар икки томоннинг ютуқ ва камчиликларини муқояса қилиш, таҳлил этишда беғарзлик, холислик мезонларидан айро тушмайди.

Муаллиф воқеликни экспедициянинг оддий иштирокчиси сифатида, шунчаки тасвирлаб кетавермайди. У ҳоғи засида илгари муҳрланиб қолган хотираларни маҳоратли ижодкор сифатида юксак бадиий мезонлар талабидан келиб чиқиб тасвирлашга ҳаракат килади. Шу боис бобурийлар билан боғлиқ ҳар бир воқеа, ҳодиса сафарномаларда алоҳида хис-ҳаяжон, меҳр-муҳаббат, эҳтиром туйгуларига йўғрилган ҳолда тажалли топади. Таассурутларини хаёлида эъзозлаб юрган хис-туйгуларга йўғи-

риб, дунё фани, адабий-бадиий қадрияларидан ўзлаштирган фараз ёки қарашлар силсиласи билан муқояса этган холда хулосалар чиқаради. Масалан, муаллиф бир ўринда Хоғиз Шерозийнинг дунёга машҳур шоир бўлиб танилишида Эрон аёлларигагина хос бўлган гўзал ҳусн, латофат, тимкора сирли лиbosлару шахло кўзларнинг «хизмати» бениҳоя катта бўлган, деган фаразни илгари суради ва асосий муддаога кўчиб ёзади: «... шу ўринда мен яна ҳусну малоҳатда бекиёс, Жаҳонгир ва Шоҳжондай бобурий шахзода, шахсларни ўзига ром этган Нуржахон бегим, Мумтоз бегимларнинг ҳам асли эрон-лик эканликларини эсладим».

Бу ўринда Эрон аёллари гўзаллиги, малоҳатига тахсину оғарин баҳонасида муҳим бир тарихий ҳақиқат — маликаларнинг насли-насаби форсий эканлиги, эроний аёллар гўзаллигига бобурий боболаримиз ҳам бефарқ бўлмаганликлари таъкидланмоқда.

Ёзувчи ўз нигоҳида инъикос топган ҳар қандай воқе-ликдан ижодкор сифатида ҳикмат, гўзаллик, экспедиция аъзоси сифатида илмий ҳақиқат ахтаради. Воқеа ва ходисалардан, тарихий шахслар тақдиридан, албатта, Бобур Мирзо сиймоси билан боғлиқ бирор бир янги жихат топиш пайидан бўлади. Ва бу некбин изланишлар, умидлар кўп ҳолларда ўз ижобий самарасини берганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Муаллифнинг ҳар гал сафарга отланиш олдидан бобурийларга дахлдор турли ривоятлар, адабий-бадиий асарлар, хорижий олимлар қаламига мансуб илмий манбаларни излаб топиш, ўрганишга жуда катта куч ва вакт сарфланганини китобхон ҳар бир жумла, ҳар бир сахифада хис килиб туради.

«Сафарнома мashaққатли меҳнатдан ташқари катта муҳаббатнинг ҳам маҳсулидир», — деб ёзади Қаҳрамон шоир Абдулла Орипов «Андижондан Даккагача» номли китобга ёзган сўзбошисида. Дарҳақиқат, биз қизиқиб, ютоқиб ўқиётганимиз сахифалар ташки оламни асосан автобус ойнасидан кузатиб бораётган ёзувчи Қамчибек Кенжা нигоҳига тўқинган, оддий одам учун унчалик ҳам аҳамиятли бўлмаган, адofi йўқ, бир хилдаги табиат манзаралари оқимидан иборат, зерикарли ходисалар, холос.

Бирок ўша күзлар күравериб күникиб кетган оддий қүш, ўт-ўлан, хас-чүп, дов-дарахт, тош, обу оташ, юлдуз, ой, қуёш — барчаси ёзувчининг Бобурга бўлган катта мұхаббати туфайли ёрқин образларга йўғрилиб, хароратли жумлаларга айланиб сиз билан бизнинг қалбимизга қириб келади.

Экспедиция Лоҳур (Покистон) йўлида хурмо йигимтерими устидан чиқиб қолади. Ўзбекистонликлар учун хурмо дараҳтининг қандай ўсиши, меваси, хосили қай тарзда йиғишириб олиниши қизиқарли жараён, албатта. Муаллиф бу имкониятни қўлдан чиқармайди. «Катта, текис майдонга бўйралар солиниб, хурмо тўкиб ташланган экан. Дараҳтлар тепасида узум шингилидай фужум-фужум қизғиши сариқ хурмолар олтиндай товланади. Даражатга чиқиш учун шотининг ҳам кераги йўқ: порсилдоқсимон танаси оёқ кўйишга ўнгай. Лекин барибир белга арқон боғлаб олишаркан».

Демак, биз асосан рўзайи Рамазон кунлари тановул қилишга одатланиб қолганимиз тансик, жийдасимон хурмо нави узум шингилидай фужум-фужум мева солади. Қизғиши сариқ, олтиндай товланиб туради. Танаси порсилдоқ бўртиб-бўртиб чиққани боис теримчига шотининг кераги йўқ. Баландлиги-чи? Айтилмайди. Теримчилар белига арқон боғлаб олишларидан дараҳт хийла баланд ўсиши кўз олдингизга келади.

Сафарномаларда экспедиция аъзоларининг феъли-авори, ўзини тутишларига чизгиларда, бир-бирлари билан муносабатларидаги айрим келишмовчиликлардан ҳам муаллифнинг заргарона эҳтиёткорлиги «чийратма» ифода усуллари кўзга ташланади. «Мулоқот ва мунозаралардан гоҳо-гоҳо ноҳушроқ тутун иси келиб қолади-ю, аммо ҳайтовур тез тарқаб кетади...» дея хайрият изхор қиласди муаллиф. Ёзувчининг бу борадаги маҳорати хорижда экспедицияга биркитиб қўйиладиган йўл кўрсатувчи ниқоби остида ҳамроҳлик қиласиган маҳсус кузатувчиларнинг хизмат тақозосига доир сирлилик, шахсиятларидаги бициклик, дунёкарашларидаги чекланганлик хусусиятларини очиб беришда ҳам жуда қўл келади. Масалан, Покистон йўллари бўйлаб кузатиб борувчи маҳсус ходим Парвезга табиати, феъли-аворидан келиб чиқиб, лўнда-

тинга килиб «құнқавой», дея сифат берилади. Бу ибора бизда қандай кишиларга нисбатан құлланилиши құпчиликка ойнадек аён.

Умуман, ёзувчи Қамчибек Кенжә қаламига мансуб сафарномалар ҳақида матбуотда турлича фикрлар билдирилмокда. Улар орасыда академик Азиз Қаюмов мулохазалари фавқулодда лұнда ва күтилмаганлиги билан ажралиб туради. У киши шундай ёзған эди: «Бобур халқаро жамғармаси... бугунғи үзбек бадий адабиётіда яңғы бир ижодий соҳанинг пайдо бўлишига... сабаб бўлмоқда. Бу бадий сафарнома жанридир».

Одатда, ҳар қандай экспедиция муваффакияти асосан икки мухим омилга боғлиқ. Бу – зарур маблағ ва ҳар жихатдан үйлаб, түғри шакллантирилган ахил жамоа. Мана шу икки жихати бекусур йўлга отланган сафар иштирокчилари, албатта, мақсадларига эришиб, шоншұхрат қозонганига тарих күп бор гувох. Бу үринда Бобур номидаги халқаро экспедициянинг ташкилотчиси, рахнамоси, том маънодаги миллат фидойиси Зокиржон Машрабовнинг хизматлари үзбек халқи маданияти ва маънавияти тарихида алоҳида нурли сахифа үлароқ ёзилса ҳам ажаб әмас.

Бир куни Қамчибек академик Бобур номли экспедиция эришаётган муваффакиятлар боисини сүрадим. У кишининг жавоби күйидагича бўлди:

— Зокиржон ака Машрабов туфайли, — Қамчибек ака ниманидир мулохаза қыларкан, бир оз үйланиб турғач, фикрига ойдинлик киритди. — Ҳожи аканинг хусусий фирмаси, асосан, мана шу экспедиция учун ишлайди. Аммо у киши сарф-харажатларини зинхор пеша қилмайди, билинтирмайди. Бир одамнинг Андижондан Тошкентга келиб кетиши учун қа-анча пул кетади. Энди бутун бошли экспедициянинг автобусда ойлаб хорижий мамлакатларда юришини тасаввур қилинг. У кишининг тутумини Хотамитой ҳам қилолмаса керак.

Қамчибек ака Зокиржон Машрабовнинг раҳбарлик, олимлик, тадбиркорлик салоҳиятларидан ташқари инсон қалбини нихоятда нозик илғовчи рухшунос, фавқулодда ҳолатларда үзини йўқотмай, вазиятга совукқонлик билан баҳо бериб, ҳатто хавфли, хатарли лаҳзалардан чиқиш

йүлларини топа биладиган, ўта сабр-қаноатли, довюрак инсон сифатидаги қиёфасини ҳам күз олдимда гавдалантириб берди. Аслида ҳам Зокиржон Машрабовнинг ана шу фазилатларни ўзида тұла мужассам қила билган шахс эканлигига шубҳамиз йўқ эди. Акс ҳолда экспедиция бугун қўлга киритиб турган муваффакиятларининг ўндан бирига ҳам эришмаган бўлар эди.

Аксарият сармоядорлар топганини сандикқа босиш ёки бирор чет эл банкига оқизиши, ким ошдига маҳобатли саройлар, кошоналар, пултопар майшатгоҳлар барпо қилиш билан андармон бўлиб турган бир пайтда Зокиржон ҳожининг улуғ аждодларимиз изларини излаб, хоки туробларини пайпаслаб ойлаб хузур-халовати, соғлиғи, бола-чақалари дийдоридан кечиб, бегона юртларда, чўлу биёбонларда ҳаётини хавф остига қўйиб, инсофу диёнатни унугтан божгирилар, сарҳад посбонлари, турли амалдорлар қошида ҳафталаб сарғайиб туришлари. Каззоб, йўлтусар қарокчилар ҳужумларидан экспедицияни омон сақлаб, олиб ўтишлари... бу энди айтмоққа осон, холос.

Ўз қишлоғи номини ариқ ҳатлаб қўшни қишлоққа олиб ўтган йигит ардоққа лойик, дейдилар. Ана шу мезонлардан келиб чиқадиган бўлсак, Захириддин Мухаммад Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция қўлга киритган ютуқлар жиддий эътироф ва эҳтиромга арзирли ходисадир, дегимиз келади.

2006

АВВАЛГИЛАРГА ЎҲШАМАС...

Бундан ўн беш йиллар илгари туғилиб ўсган қишлоғимиз — Тешикмозорга келиб автобусдан тушсан йўл бошидаги аралаш моллар магазини ёнидаги чойхона чинорлари соясида камида ўн беш-йигирма чоғли оппок соқолли нуроний чоллар қўр тўке-еб, чойлашиб ўтиришарди. Нуриддин махсим бува, Имомали бува, Рахимберди бува, Қозоқбай бува, Тиллабой бува, Мадамин бува, Дехқонбай бува...

Э-э, кўп эди улар.

Улар қишлоғимизнинг дарвозабонлари әдилар. Ким келиб, ким кетяпти, назарга олишарди.

«Чинорлар» назаридан ўтиб қишлоққа кирмоқчи бўлган аёл ҳам, эркак ҳам, ўғил-қиз ҳам узоқданоқ имтихонга шайланган одамдай ўзини чоғлаб келарди. Тўғрида, саксон, тўқсон, юзни уриб қўйган бу нуроний инсонларнинг каршисидан ўтишнинг ўзи бўладими. Қадам олишингдан кори хайрингни, дили зорингни ўқиб, уқиб турдилаар.

Бугун...

Бугун эса чойхона хувиллаб ётибди.

Чинорлар тагини обод қилиб ўтирувчи бир тўп «чинорлар» эса негадир кўринишмайди.

Энди бу томонларга ким келиб, ким кетяпти – хеч кимнинг иши йўқ. Шундан бўлса керак қишлоғимиз бирарни фариб туюлади менга.

Хар сафар Избосканга соғинчдан тўлиб-тошиб, энтиқиб кириб келаману, хувиллаб, каровсиз бўлиб қолган гузаримизга етиб келгач, кўнглим чўкиб, маюсланиб қоламан. Наҳотки, қишлоғимизда тўй-маъракаларда, кўчаларни тўлдириб, турнақатор бўлиб юрувчи чоллар қолмаган бўлса...

Бу фикримдан ўзим қўрқиб кетаман.

Ҳаёлан уйма-уй кезаман. Ҳайрият бор экан улар, фақат бармоқ билан санаарли: Абдуллажон бува, Абдукашим Бува, Сўфи бува, Иномхўжа бува... бўлди.

Бошқа йўқ.

Улар қаёққа ғойиб бўлишди экан?

Афсуски чолларнинг бир авлодини уруш ютиб юборган эди. Махалламизнинг файзи бўлиб ўтирувчи ана шу чоллар урушдан омон қайтганлари экан. Улар ўтиб кетгач... бўшлиқ пайдо бўлибди.

Катта уруш тугаганига ярим аср бўляяпти. Тешикмозorda эса у ҳамон ўз ишини қилмоқда.

Алам қиласиган жойи уларнинг кўпчилиги сен йўғингда қазо килишади. Сен эса ҳар гал улар яшаб ўтган камтаргина кулбага бориб, тиловат қилишдан бошқасига ярамайсан. Шундай пайтларда суюкли шоир Шавкат Раҳмоннинг:

*Мен йүгімда
Охлар урармиш
Күкка қараб карнай-сурнайлар.
Мен йүгімда ташлаб кетармиш,
Фарғонани оппоқ турналар, —*

деган мисраларини эслаб изтироб чекасан.

Хотиралар, ёшлик армонлари сени далаларга судрайди.

Ёшлигимизда пахтазорда чопик қилиб юрган қыздар келинчаклар овозларини барадла қўйиб қўшиқ, лапарлар айтишарди. Ишга ҳам ашула айтиб келиб, ёр-ёр айтиб қайтишарди. Кунлар ҳазил-хузул билан ўтарди.

Маҳалламизда ҳар бир одамнинг лақаби бўларди. Масалан, тандир, арава, ошқовоқ, чаён, хўтиқ, сигир...

Бирорни чақириб борган одам ховли сохибининг исмини эмас лақабини айтиб овоз қилас, буни ҳеч ким кўнглига олмас эди. Ҳашарлар, йифинлар асқия-чандиши, қаҳ-қаҳа билан ўтарди.

Хозирчи, ҳамма қандайдир ҳорғин, «Сизларга не бўлди ҳамқишлоқлар? Наҳотки, шу сиз бўлсангиз? Наҳотки?» — деб кичкириб юборгинг келади.

Бир пайтлар айқириб оқувчи Тўртқўлканда кичкинагина ариққа айланиб қолибди. Уйимиз орқасидан оқиб ўтган зилол ариқ эса буткул кўмилиб кетибди. Унинг суви семун ариқ — «лоток»ка жиловланган. Болалар онаси эндигина тандирдан узиб берган гижда кулчасин уч-тўрт уй наридан сувга отиб — оқизоқ қилиб ўзиниш кўпригидан тутиб еб, маза қилишни билмайдилар. Чунки лотокнинг кўприги йўқ. Суви милтиқнинг ўқидан тез катта одамни ҳам оқизиб кетади. Айтишларича лотобинога келгандан бўён қишлоғимиздан тўртта гудак нобуд бўлибди.

Хаёлан қўшни Жонобод қишлоғидаги чойхоналарда бирига бориб қоламан. Олти-етти чоғли чоллар картайнаб ўтиришибди. Ким келди, ким кетди, ишлари йўқ. Кўкрагимнинг чац томонига мих қоқилгандай зирқирастетади... Ўзимга ўзим таскин бераман:

Назаримда, одамлар ҳам машхур хофиз Шерали Жўраев куйлаганидай, «аввалгиларга ўхшамайди».

Шукр, яхши кунлар келди. Мен кишлоғимиз қизлары яна қүшіклар айтиб, ҳазил-хузуллар билан ишлаштарини, Тұртқұлканда илгаригидай тұлиб оқишини, маҳалла чойхонаси бундан ўн беш йиллар олдингидай чолдар билан файзиәб булишини құмсайман.

Тез орада зерикіб, Тошкентта қайтар эканман, Олдохга илтижо қиласман: «Илохим, кишлоғимизда чоллар күшайсан!..»

1992

КУЗ ОҚШОМЛАРИ

(Радиоинсценировка)

Кирқма ковун пүчоги ерга тушди. Халқ ибораси билан айттанда ҳақиқий куз бошланди.

Бирок кундузлари жазира маисиқ, оқшомлари роҳатбахш сүлим бу дамларни куз, деб ҳам айтгинг келмайди.

- Ҳозир қандай фасл? — сүрайсан ҳамрохингдан.
- Із, — дейди у ҳеч иккиланмай.
- Ҳозир қандай фасл? — сүрайсан дараҳтлардан.
- Айни ёз, сарафroz дамлари! — шивирлайди япроқлар. Чунки дараҳтлар кузнинг келиб қолганини тан олгиси келмайди.

Шу савол билан ўз-ўзингга мурожаат қиласан.

— Тұқинчилик фасли, — нидо келади юрагингнинг аллақаेидан.

Ха, ёз билан куз ўртасидаги бу ажойиб дамларга ҳар бир юрак ўзича таъриф беради. Одамлар бу ҷоғларни күпроқ тұқинчилик, яна ҳам аникроғи пишиқчилик фасли, деб айтишади.

Кун бүйи оппоқ очилған жонажон пахтазорини оралаб күнгли тұлиб үйига — жүжуқлари олдига қайтишга шайланған деҳқон хаёлидан шундай ўй кечади:

*Күёш сингиб кетди,
Маъсума төгларнинг оппоқ түшига.
Борлықни ним ҳарир оқшом элитди,
Япроқлар мажолсиз, гүё үйқуда.*

*Табиат күн бүйи битиб чүнг достон,
Инжиқ түн құлига тутқазди секин,
Қалбим хавотирда мисралар равон
Бирон бир байтими үчирмасмикин...*

Аслида энг буюк ижодкор ана шу дехкон. Фарқы шуки, улар үз асарларини қоғозга әмас, тұғридан-тұғри шудгорга ёзадилар.

Дехқоннинг талабалиқдан сұнг шаҳарда колиб кетган түнгіч үғли эса ҳаётида үчмас хотираларга айланиб муҳрланиб қолған, туғилған қишлоғи Жонободнинг бир оқшомини, ана шу оқшом куни құл силкиб поезд ортида колиб кетган үсмирилигини күмсағ шеър ёzáди:

*Чиқиб кетдим
Бир күн қишлоқдан
Орзулардан юрагим тошиб.
Үша оқшом поезд ортидан
Болалиғим қолди адашиб.
Қолди унда барча-барчаси:
Тұтзор чети,
Оху күз булоқ,
Қорамагиз қызлар ялласин
Энди мүмкін фақат құмсамоқ.
Колиб кетди, қирлар, құралар,
Бұғотларда очилған лола.
Тоққа күчган чүпон қызининг
Изларидан бұзлаган бола.
Ялпиз бүйин симириб, сармаст,
Телбаланиб оқувчи анхор.
Жонободлик сулувлардек ноз
Карашибали, ҳаёли баҳор.
Турфа экан тақдирлар асли,
Инсонлар ҳам қүшдай бекұнім.
Үтиб борар үйгитлик фасли,
Топғандайман шаҳардан құним.
Қишлоқ хаёллари...
Юрагим пора,
Бир ҳис үртап гоҳида жонни:
Осмонұпар бинолар аро
Согиниб яшайман Ўзбекистонни.*

Дехкон ўғелининг юрагини улкан шаҳарнинг бетон деворлари орқасида қолиб кетган қишлоғининг сўлим оқшомлари, мажнунтолларнинг хайдар кокилларини торт-килаб-тортқилаб оқувчи анхорлари энтиклиради.

Бирок йўл четида асрлар оша шовуллаб яшаб турган «якка чинор»нинг тумандан келган раҳбар зуғуми билан кесилиб кетишини эсласа юрагида тийиқсиз, шаккок ҳисдадар ғалаён қиласи. Чинор билан бирга ўзининг ёшлиги, ўтмиши ҳам кесилиб кетгандай туюлади:

*Беш асрки, қишлоғим фахри,
Якка чинор, туш кўрдим сени,
Нигоҳингда қотган қаҳрми,
Ё қалбингнинг улуғлик сеҳри.*

*Ўша дамлар ёдимда ҳамон,
Бир томонда говур, аламон.
Галифе шим, бароққош бўйлис
Чиранади «Ер керак, ер! Кес!»*

*Қулаб тушди бирдан улкан шоҳ,
Шум қадамнинг касри, заволи.
Қарғишларга тўлди ҳамма ёқ,
Титраб кетди чоллар соқоли.*

*Кампирларнинг кипригида нам,
«Кўкармагин ило-илоҳа,
Фарқ бўймаган ўнлаб полопон
Қанот қоқмай ҳазон бўлди-я!»*

*Бибихоним мадрасасидан,
Ўч олгани каби жаҳонгир.
Хонободнинг яшил қасридан,
Қулаб тушди гўё беш аср.*

*Ерда ётган шоҳ эмас, йўқ, йўқ,
Ерда ётган қишлоқ гурури.
Юрт бошини ҳам қилолмас ўқ.
Ҳам қиласи раҳбарнинг кўри.*

*Беш асрки, қишлоғим фахри,
Мажруҳ чинор, туш кўрдим сени.*

*Нигоҳингда қотган қаҳрми,
Ё қалбингнинг улуглик сехри?*

*Тушимда сен эмишсан инсон,
Сўармишсан боқиб кўзимга: –
Магурмисан, айтчи, сен ўғлон,
Магурманми, мен ҳам наздингда?!*

Қишлоқ йигитларининг хаёллари ҳам шаффоф хоти-
раларга бой. Зеро у ҳам ана шу болалик дамларининг
сарин хотираларига кўксини тутиб ором олади. Хаёлан
қуёшли далаларнинг ёз неъматлари – қовун, тарвуз ғарк
пишган пайкалларда кезиб юради. Ёки сингиллари, ука-
лари, ота-онаси билан барглари улкан сойдай шовуллаб
турган адл мирзатераклар остидаги кенг супада тонг-
отар, фойибона сұхбатлар қуради.

Юрагига илк бор кириб келган сирли изтироблари
узоқдан бўлса-да бир кўз уриштириш иштиёқида қўшни
қишлоқлик қизнинг кўчаларида бўзлаб юрганлари ёдига
тушади. Бироқ энди буларнинг бари ўтмиш. Шахарнинг
ўз қонунлари, ўзига хос изтироблари бор. Бу таассурот-
лар йигит қалбида хақиқий мухаббат шаклида намоён
бўлади. Йўқ, йўқ, шундокқина юрагининг меҳробида тов-
ланган бу туйфу сароб бўлиб чиқади.

Шахарнинг ана шу изтиробли бир оқшоми йигит
хофизаси торларида шундай садо беради:

*Ёдингдами мужгонингга
Сен сурмалар тортган кеча?
Агёр сени эркалаб ёр
Мен гуссага ботган кеча?*

*Юлдузлардан айро тушиб,
Туннинг хилват гўшасида
Қалбим каби ой ҳам ярим
Кемтик бўлиб отган кеча?*

*Ўрда, анҳор, изларингдан
Обиравон оққаним,
Дудогингдан ул рақибим,
Бўса майин тотган кеча?*

*Сизнингман деб менга пинҳон,
Унга мойил турганинг
Дил тубида рангин ҳаёт
Сангин бўлиб қотган кеча?*

Шундай пайтларда адирларнинг барҳанлари оша қишлоқ томон ўрмалаб келаётган бир нуқта пайдо бўлади. Бу нуқта бора-бора катталашиб, кўз ўнгингизда сурувга, ўй-қўзиларга айланади. Қўзичоқлар ўз оналарини, она ўйлар эса қўзичоқларини чорлаб тинимсиз маърашади. Ана сурув сайхонликка яқинлашди. Қўй-қўзилар ўзларини шаркираб оқаётган сувга урди. Уч кунгина илгари кўз очган барра қўзичоқ шоша-пиша онасининг елининг ёнишди. Тумшуклари билан тутиб-тутиб ийдира бошлиди.

Хавони факат оқшом пайти қўйлар подаси қишлоққа кириб келгандагина кўтариладиган чанг аралаш алланечук ҳид тутади. Сурувни эгаларига бир-бир тарқатиб юрган чўпон йигитнинг юраги икки табақали дарвоза қаршисига келганда қушнинг боласидай типирчилайди. Унинг уста дехқон боласи бўлатуриб қишлоқ аҳолисининг қўйларини боқишга розилик беришининг боиси хам аслида шу: ўша қўш табақали дарвоза олдига ҳар куни келиш иштиёқи бўлса ажабмас.

Афуски, «минг қўйли» қўш табақали дарвозанинг гўзал бекаси ўзини билмаганга, сезмаганга олади. Чўпон йигит бугун хам қалбида бир дунё армон билан изига қайтаркан хиргойи қиласи:

*Қайтаяпман тор йўлдан, бесўз,
Вужудимда хоргинлик баҳти.
Ўтди яна бир куним сенсиз
Бир кун умрим қайларга оқди.*

*Оқиб кетди боғлар, даалалар,
Кўзларимда тим қора наво.
Сабрмиди сўнгсиз нолалар,
Қаноатли унсиз илтижо.*

*Эзиб қўйди мени бу алам,
Савдолари, тўзимсиз борлиқ.*

*Бормисаней, торгина хонам,
Ёлгизмисан, тунги айрилиқ.*

Бирок чүпон йигит умидсизликка тушмайды. Тонг отмаёк янги орзулар билан күйларни адир томон хайдаиди. Бу одат то кеч кузгача изғиринли күнлар бошланиб ерга кор тушмагунча такрорланади.

Бу пайтга келиб дехқоннинг даладаги юмушлари хам охирлайди. Куз. Кимгадир қут, кимгадир ноқут келади.

Дехқон қалбидай умидли қалб хеч бир касб әгасига ато этилмаган. Пахтакорлик касби қанчалик оғир бўлмасин ундан юз ўғирмайди. Аксинча, баҳор келди дегунча янги аҳд, янги орзулар билан далага отланаверади. Унинг кузги сархисоб пайтидаги хаёллари хам ўзидаид содда ўзидаид умидли:

*Тонгларни қаршилаб сергакман бугун,
Хар оқшом чўкишин қиласман таҳлил.
Халқимнинг бекиёс шонин, қудратин,
Жонли сатрларда кўрсам дейди дил.*

*Кузги дийдираган ҳоргин далалар,
Қалбимдан излайди ҳазин бир қўшиқ.
Кўпчиган тупроққа соламан назар,
О, унинг сийнаси ҳикматга тўлиқ.*

*Босиб келар ажаб ҳислар тўфони,
Ўйларим чарх урад кенгликлар аро.
Бошини чанглаб замин нуроний,
Ненидир чамалаб тургандай зукко.*

*Куёшнинг нурларин кафтида элаб,
Чаноқлар қатига қўндирган дехқон.
Олий давраларнинг тўрин эгаллаб,
Ўлтирса ярашур, бўлиб бир жаҳон.*



БИЗ СУВ
ИЧКАН
ДАРӘЛАР



ИЙМОН ФАРЗАНДИ

Үтган аср етмишинчи йилларининг бошлари. Тошкентга янгиана келиб, ўқишига кирмоқчи бўлиб юрган кезларимиз. Кўринган ҳар бир шоир, ёзувчининг кадамлари кўзимизга тўтиё. Рўзномалар, журналларга ахборот ёки мақоламизни маъқул қилиб чиқиш институтга имтиҳон топширишдай гап.

Ўша пайтлар бирор «Тошкент оқшоми»да танишим бор деса, ҳавасимиз келганидан оғзимиз очилиб қоларди. «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози»), «Гулистон», «Муштум»дан гап очганларга-ку тараф йўқ. Кимдир қайсиdir журналист билан танишлигини айтиб киши билмас мақтанса, кимдир қайсиdir ёзувчининг неча хотини борлиги, бошига қандай кулфатлар тушганидан сўзлайди. Бошқа бирор қайси ижодкорнинг қандай асарлари босилмай ётганини айтиб, ҳаммани оғзига қаратади.

Шундай баҳс-сұхбатларда хурматли адабимиз Иброҳим Раҳим домланинг ҳам номлари тез-тез тилга олинарди. Табиийки, барча қалам аҳли сингари бу ёзувчи ҳакида ҳам адабий жамоатчилик орасида турли хил фикрлар, баланд-паст гаплар юради. Бирор домлани зўр публицист деса, бошқаси бош бармоини тик қилиб «вў музик», дейди. Яна кимдир адаб романларидаги айрим камчиликларни пеш қилса, индамайгина юрадиган ўртоғимиз «Барибир ўғилбона мухаррир-да, бунақаси бизда битта, холос. Қанийди, Иброҳим акадай мухаррирлар Ўзбекистонда хеч бўлмаса 5—6 тагина бўлсайди», деб орзу қиласди.

Дарҳақиқат, Иброҳим Раҳимнинг мухаррир сифатида ўзига хос йўли ва қарашлари бўлиб, улар ҳар доим ҳам «юқори»дагиларнинг фикри билан муштарак кела-вермас эди. Шу боис бўлса керак отахон газета унинг раҳбарлиги даврида 40 мингдан деярли 800 минг нусхага кўтарилиди. Бирор ўша давр ўзбек матбуоти учун бемисл ютуқ бўлган бундай кўрсаткич ҳам мустақил фикрли

мухаррирни ишдан четлатишлари учун монелик қилолмали.

У ўзбек матбуоти тарихида яраклаб намоён бўлган «Гулистан» журналининг доя муҳаррири сифатида ҳам жасорат билан ишга киришди. Журнал жамоаси ҳар бир аъзосининг туб нияти деярли ҳалокат ёқасига бориб колган ўзбек тилини жонлантириш, унинг кўрку жамоатини шов-шуввларсиз амалда қайта тиклаш эди. Буни журналнинг 1967—68-йиллардаги илк сонларини кўздан кечирган ҳар бир муштариж хис қилади.

Ўзбек шеърияти тарихидагина эмас, ҳалқимиз тарихида ҳам катта воқеа бўлган «Ўзбегим» (Э. Воҳидов), «Юзма-юз» (А. Орипов) сингари машҳур асарлар айни шу журналда, айнан Иброҳим Раҳимнинг таваллолари билан дунё юзини кўрганлигини асар муаллифлари ҳам, адабиёт ихлосмандлари ҳам ҳануз мамнуният билан эслаб юрадилар. Жаҳонбилгич шоир Расул Ҳамзатов қаламига мансуб «Менинг Доғистоним» (Э. Воҳидов таржимасида), «Темур тузуклари» (Алихонтўра Соғуний домла таҳрири остида) сингари ноёб битиклар ҳам Иброҳим аканинг довюраклиги натижасидагина қисман бўлса-да ўзбек ўқувчисига етиб борганлигини яхши биламиз. Биз бугун Иброҳим акани муҳаррирлик курсисидан қулатган ана шу хайрли саъй-ҳаракатларнинг барчаси ўзбек ҳалқининг ўэлигини таниши йўлида катта бир босқич бўлган эди, деб бемалол айта оламиз.

Иброҳим Раҳимнинг «юқори»дагиларнинг фикрига доим ҳам қўшилавермаслигига «Муштум»да бирга хизмат қилган кунларимизда ўзимиз ҳам кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Ўзингизга маълум, «Муштум» таҳририяти жуда мурракаб жой ҳисобланган. Бир шапалоқ нарса ёзиб, бир вагон гап орттириб оласиз. Вагондаги ана шу гапларни ўз вактида тушириб, жой-жойига қўймасангиз «штраф» и кўпчиб кетаверади. Журналнинг янги сони чиқди дегунча, казо-казо идоралардан қўнғироқ қилишиб, Бош муҳаррирни қистов-қафасга ола бошлайдилар. Шундай пайтларда у киши Марказқўм котиби билан ҳам, оддий колхозчи билан ҳам бир хил оҳангда, бир меъёрда саволжавоб қилиб, ўз фикрини маъқуллаб, журнални ҳам,

унинг ходимларини ҳам бало-қазолардан саклаб қолған пайтлари күп бўлган. Ҳайратланарли жойи шундаки, Иброҳим ака бу гапларнинг бирортасини одамларга айттина қилиб юрмасдилар.

Иброҳим Раҳим хеч қачон идора ходимларига каттиқ гапирмасди. Ҳатто уришган пайтларида ҳам юз-кўзларидан, сўзларидан қандайдир ички бир маданият тепчиб турарди. Бу нозик гина, бу инжа кудуратни кўрган ҳар қандай гуноҳкор банданинг пушаймони нақд вижданнидан садо берарди.

«Илохий комедия» номли асарни «Муштум»да эълон қилгани учун отилган маломат тошларига не бир азоблар билан дош бергани ҳам кечагидай ёдимиизда. Ё пирай! Дантенинг башоратлари биз яшаб турган воқеликлар билан муштарак келиб қолса И. Раҳимнинг ёзиғи не, дейдиган мард йўқ.

Мавриди келиб қолди. Шу ўринда Иброҳим акани «Муштум» журнали Бош мухаррири лавозимидан ҳам ийкитган бир воқеани эслаб қўйсак, зиён бўлмас. Чунки бу воқеа ўз пайтида жуда катта шов-шуввларга сабаб бўлган. Тафсилотлари адабий жамоатчилик ўртасида халихануз турлича талқинларда тилга олинади. Гап бу ўринда «Муштум» журналида 1983 йили эълон қилинган «Арслоннинг ӯлими» (муаллифи З. Обидов) номли шеър хақида кетяпти. Воқеа аслида бундай бўлган эди. Шеър Иброҳим ака таътилга чиқиб, Болтиқбўйидаги санаторийлардан бирида дам олаётган пайтда чоп этилди. Тўполон, сўра-сурештирлар бошланди. Турган гапки, таҳририят ходимлари – ҳаммамиз ўзимизни ҳар томонга уриб, жон саклаш пайига тушдик. Воқеалар силсиласи Иброҳим акани ҳам икки оёғини ерга теккизмай икки кунда Тошкентга келтириб ташлади. Жамоа Бош мухаррир қандай йўл тутаркин, дея саросимада кузатиб турибди. Шеърни ёзган муаллиф, уни ишлаб туширган бўлим ходимлари, масъул котиб, ўринбосар ҳам «тамом, учеб кетдик», деган қатъий хulosага келиб бўлган.

Иброҳим ака таҳририятни йифиб, ҳар доимгидай хотиржамлик билан сухбатлашгач, Марказқўмга чиқиб кетди. Қайтиб келгач, таҳминан шундай деган эдилар:

— Ўртоқлар, Марказқўм бизга жуда катта марҳамат

килди. Ҳеч ким жазо олмайдиган бўлди. Кўнгилни бузмай, суръатни бўшаштирмай, аҳил бўлиб ишни давом эттиришларингни илтимос қиласман. Мен эса... қаерда бўлмай «Муштум» билан – сизлар билан биргаман...

Мен ўша пайтда ёш, тажрибасиз, фўр бир ходим эмасманми, барча «балога» кўкрагини тутиб, ўзининг ишдан кетишини афзал билган Иброҳим акага нима дебман:

– Ҳамма айбни ўзингизга олавермасангиз ҳам бўларди-ку, домла?!

Иброҳим aka менинг ғамхўрлик оҳангидаги бу болаларча маломатимга жавобан шундай девди:

– Ҳаммангизни ўзим ишга олганман...

О, индамас дўстим! Мана орадан йиллар ўтиб, сенинг орзуларинг мустажоб бўлди. Дадил муҳаррирлар ҳам кўпайиб кетди. Рўзнома ва ойномалар ким ўзарга ҳалк дардини достон қиласяпти. Кимга қулоқ тутманг, «Биз фалон гапни айтдик, биз пистон муаммони кўтардик», деб кўкрагига урадилар. Ана шундай пайтларда бу тақлид гапларни бундан ўттиз йиллар илгари матбуотга олиб чиқиб, беармон «калтак»лар еган, лавозимидан маҳрум қилсалар ҳам тушкунликка тушмай, ҳеч кимдан заррача гина қилмай, доим фаол ижод билан банд бир ажойиб инсон кўз олдимга келаверади. Бу ўша индамас дўстим айтган «ўғилбола муҳаррир» раҳматли Иброҳим Раҳим домладир.

Фикримизга шубҳа қилганлар жумхурият рўзномалари тахламларини варакласинлар. Уларда устоз адабиимизнинг тилимиз, миллатимиз, жумхуриятишимиз тақдири, маданияти, иқтисоди, келажаги ҳақида имон ва изтироб билан ёзган қатор, ажойиб публицистик чиқишларининг гувоҳи бўлади.

Ҳалк дарди, армонлари билан куйиб-пишиб Иброҳим акадай яшаш бахти, афсуски, барча қаламкашларга ҳам насиб қиласвермас экан!..

* * *

Устоз Иброҳим Раҳим бизни «Муштум» журналига ишга қабул қилиб нима бахра топди, билмадик. Бирок биз у киши сиймосида виждонни топган эдик...

*Рұхингиз ёд ётдик,
Үзни шод этдик,
Ёришиди хотирим хилватгоҳлари.
Бизга қолди сиздан меҳр лавҳлари,
Яхшиликлар қолди. Колди қалббитик.*

*Юз хил қалам йүндим. Бир сүз қадрига
Етдимми-етмадим. Билмадим. Бу рост.
Шукур, дұстлар берди...
Улар қалбига
Битдими-битмадим, чеҳрамни. Хуллас.*

*Юз үйл алам силққан ёзғувчиман мен,
Битта сүз қалбига ёздимми бир сүз?
Эрта бир күн үтиб кетсам... Ортимдан
Отимни атарми, икки-учта дұст?!*

*Сизни кү билмадик
Нима топдингиз,
Бизларни папалаб, қиймалаб жонни?
Биз топиб боряпмиз ҳамон, изма-из
Иброҳим Раҳимдан қолган виждонни.*

Рұхингиз ёд этдик, рұхни шод этдик...

2006

ОЙДИН ҚАЛБЛИ МЕХРИБОН АКАМ

Камчибек Кенжабоев...

Бу ном менинг хофизамга қачон кириб келган, аник әслолмайман. Эхтимол, туманимизда чоп этилувчи «Пахтакор» газетаси, эхтимол, ёшлик давримизнинг энг дов ҳафталиқ нашри — «Ўзбекистон маданияти» орқалидир.

Харқалай, Камчибек Кенжа деган тахаллус тасаввуримда мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ мени орзиктирган дийдор тимсолларидан бирига айланган эди.

Аксарият уйларининг токчасида үн беш, йигирмата китоб дадил тахланиб турмайдиган содда ва беғубор қиши-

лоқдошларимнинг кемтиқ ва синикқан шуурини халқ хўжалигининг турли соҳаларида мамлакатимизга озми-кўпми танилган Чирмаш Азимов, Аслонбек Ахтанов, Эъзозхон Исроилова, Ҳидоятхон Холматова, Самсоқбой Асронов, Шермат Юсупов, Али полвон Каримов, Ўсар полвон Ботиров, Абдусамат Тиллабоев, Шаробиддин Сайфиддинов, Мамадали Суяров, Холжўра Фозиев, Нуъмонжон Рахимов сингари фидойи сиймолар баҳоли кудрат нурлантириб турар эдилар.

Улар ҳақидаги саргузаштларни нафақат менинг қишлоқдошларим, балки бутун избосканликлар ўз ота-онасини эъзозлагандай меҳр ва ғурур билан бир-бирларига кайта-қайта сўзлаб беришдан чарчамас эдилар.

Избосканда туғилиб вилоят ёки пойтахт миқёсида фолият юритаётган Муталибжон Усмонов, Сайфиддин Турсунов, Уммат Тўйчиев сингари олимлар номини туманимиз ахли бутун жони-жаҳонини ёритиб турган билур қандиллардай ўз қалблари шифтига осиб олган эдилар.

Бирок бадиий ижод соҳасида етишиб чиқсан намояндалар ҳақида гап кетса избосканликлар мум тишлаб колардилар. Рўмон тугул тузукрок шеър ёки хикоя ёзиб, Корадарёни шитоб ҳатлаб вилоятни «забт» этган ижодкорнинг номи тилга келавермас эди.

Қамчибек Кенжা...

Бу ном избосканликлар хаёлотида тиканли симдай тортилиб, юракларни тирнаб, оғриқ бериб турган ўша армон чегарасини биринчи бўлиб бузиб ўтган ижодкор сифатида ўзбек адабиёти тарихига кирди.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари. Ўша давр адабий йўналишини янги бир ўзанга буриб юборган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Шукур Холмирзаев, Рауф Парфи, Омон Матжон сингари буюк қалам соҳиблари ортидан илҳом арғумоғини ўйнатиб яна бир гурух талантли, ўзига хос феълли-атворли ижодкорлар тўлқини шиддат билан адабиёт майдонига кириб келди. Ана шу тўлқинда Андижоннинг чекка, Гуркурнов қишлоғидан чиқиб келган, кўзлари порлаб турувчи, жингалак соч, қорамағиздан келган Қамчибек исмли йигит ҳам бор эди. У юриш-туришда ота касби — дехкондай содда, фикрлари қишлоғига туташиб кетган ўрмон-

зор табиатидай сирли, жозибали, қораламалари эса Гуркуровнинг икки томонидан айкириб оқиб үтүвчи асов Тентаксой ва сокин Корадарё каби ички-ташқи туфёнларга бойлиги билан пойтахт адабий жамоатчилигининг эътиборини торта бошлади. Турли йифин ва мушоираларда шеърлар ўқиб назм ихлосмандлари меҳрини қозона бошлаган бу ёш шоирнинг кутилмаганда «Балиқ ови», «Яшил барг» номли хикоялари босилди-ю, таниқли адилар, адабиётшунослар ўзбек адабиётида яна бир иқтидорли ёзувчи пайдо бўлгани ҳақида ёза бошлашди. «Соҳилда», «Бир кеча — минг кеча» ва бошқа бир қатор хикоялари адабий жамоатчилик ўртасида қизғин баҳсу мунозараларга сабаб бўлгани ҳамон ёдимиизда.

Биз ҳозир Қамчибек ака ижодини таҳлил қилмоқчи эмасмиз. Зеро, у киши қаламига мансуб асарлар мамлакатимиз адабий-бадиий салоҳиятини намоён қилиб турган атоқли адаб ва мунаққидлар томонидан муносиб баҳоланган, ўрганилган, ўрганилмоқда.

Каминани бу ўринда Қамчибек ака ижодининг мухлис-муҳиблари қатори камтаргина ифтихори ва миннатдорчилигини изхор этиш учун имконият излаб юрган бир шогирд сифатида қабул қилишларини истардим.

Одам бирор шахснинг қайсиdir фазилатига ҳавас қилган бўлса ҳам қарздор мақомидадир, дейдилар. Қамчибек акага мен нафақат ҳавас қилдим, балки бир умр суюниб, ўта камтар, ниҳоятда бефубор, андишли, ойдин қалбли меҳрибон акам — устозим (муносиб кўрса) борлигидан қувониб яшадим.

Андижоннинг айтарли ҳеч ким танимайдиган, кўримсизгина бир қишлоғидан чиқиб, пойтахтда нимагаки эришган бўлсан, барчаси учун Қамчибек ака олдида бениҳоя бурчлиман, карздорман...

У киши Тошкентга келса, дўст-ёр биродарлари каторида каминани ҳам излайдилар, йўқлатадилар. Иш ёки кўнгил тақозоси билан ҳар хил давралар, қутлуг хона-донларда ҳам бўламиз. Олимлар, ижодкорлар, турли тоифадаги инсонлар билан учрашилади. Шунда мен доим одам ҳавас қиласиган бир ҳолатдан таъсирланаман. Қамчибек ака қаерга бормасин, орзикиб кутилган инсон сифатида қарши олинади.

Мен бу иззат-икромни у кишининг олижаноб шахси-
га, талантли ижодига, туғиб ўстирган Андижон ахлига
кўрсатилган эҳтиром сифатида англайман. Бундан шуб-
хасиз кувонаман, фахрланаман, фуур туюман.

Адибимизнинг бундан ўттиз бир йил илгари чоп этил-
ган «Софинч» номли илк рисоласи сахифалари қўйидаги
шеър билан якунланган эди.

*Чиққан эдим йўлга излаб
Тушда кўрган малагим.
Шундан бери куйлаб, бўзлаб
Талпинади юрагим.*

*Билмайман асли ким у —
Фариштами ёки ҳур,
Йўлимга у сочар ёғду,
Ўн тўрт кунлик ой эрур.*

*Яқинмикан манзил, олис —
Кайда унинг гўшаси?
Айтинг дўстлар, айтинг холис,
Мен нетарман ўшасиз?*

*Бахтим чопиб етсам агар
Огушига оларми?
Тошибагирми ё ситамгар,
Ёки... ҳайдаб соларми?*

*Чалинмоқда кўзларимга
Олисларда бир пари.
Ором бермас ҳисларимга
Ул кўнгил сеҳргари.*

Шоир тасаввуридаги «Ором бермас, кўнгил сеҳрга-
ри» соҳир сиймо тажаллиси — ижод, яъни бугун халқи-
миз севиб ўқиётган ажойиб шеърлар, хикоялар, сафар-
номалар бўлса не ажаб. «Бахтим чопиб етсам агар, огуши-
га оларми? Тошибагирми ё ситамгар, ёки... қувиб солар-
ми?» — дея андишаланиб, ижод гулшанига кириб кел-
ган ўша навқирон Қамчибек Кенжа олтмиш ёшни кора-
ляяпти. Садоқат билан излаган «ситамгар», «фаришта»-

си, хайрият, уни ноумид қилмади. Бир умр тунларын тонгларга улаб чеккан охлари, тортган азоблари — фоси эвазига вафо билан жавоб қилди. Бу вафо харорти Қамчибек аканинг ижоди — асарларида бутун бүй басти, малохати билан намоён бўлиб турибди. Мана вафо жуфтлигига биз ҳам бақо мақомини тилаймиз.

Устоз. Дилемизда изхорга интилган гаплар кўп. Ушночор мисраларни шогирдлик эҳтироми сифатида қабуқилгайсиз.

Термул устоз қўзина

*Гар камол истаюрсен, термул устоз қўзина,
Тавоб қил, сур қўзинг солик либоси бўзина.*

*Тош бўла тегди неча бошина авбошлигинг,
Эмди бошни сомеъ тут, кам, оёги тизина.*

*Лабларинг туйди магар тотли туз, ошлугларин,
Эмди Улдин розилиқ. Гар ўзи рози тузина.*

*Кўзина термултмай оҳингдан айланди мудом,
Айланурда сен мудом боқдинг замона тусина.*

*Бас, умри вофир тила, восил эт де васлина,
Хар қалам тутганда қил илтижолар, Ўзина.*

2006

ПУЧ БОШОҚ

(Бўлган воқеа)

Икки минг биринчи йилмидийкин, журналистларни қўллаб-куватлаш жамғармасида ишлаб турган кезларим. Идорамизга ўзбек матбуотининг атоқли арбобларидан бири, адаб, публицист Мақсад Қориев йўқлаб келиб қолдилар. У киши бизни ўтган асрнинг саксонинчи йилларида «Муштум» журналида ишлатган эдилар. Мақсад

ака ўзларига ярашиб тушадиган амирана меҳр билан холимдан айландилар:

— Ахволларинг қалай?!

Идорачиликка хос айрим муаммо-муносабатлардан бошним котиб, ақлим букчайиброк ўтирган эдим. Ирғиб ўрнидан турдимда, кўришиб оромкурсига таклиф этдим. Шу аснода оқсоқолга бир эркалангим, ҳазиллашиб кўнглимни ёзиб олгим келди.

— Куриб турибсизку, устоз, ўтирибмиз лаллайи-иб...
— Куриб турибман, яхши ўтирибсан. Катта идоранинг битта истолини эгалла-аб...
— Ўтиришга ўтирибмиз, бироқ бундай ўтиришдан кимга фойда...

— Ха, яна нима керак сенга?

Бўлар иш бўлди, хужумни кучайтираверайчи, гап нима билан тугаркин, деган фикрда жиддий давом этдим.

— Тўғри бўл, ҳалол бўл. Ундей юрма, бундай турма, деб тергайверибсиз. Айтганларингизни қилиб, мана ўтирибмиз энди, ҳеч нарсага ярамай...

— Деган бўлсам ёмон бўлдингми? — ажабландилар Максуд ака, чин дилдан энсаси қотаётганини яширмай.

Ҳазилим у кишига жиддий таъсир қилаётганини сездим. Иddaонинг қаловига янада йўғонроқ ғула ташладим.

— Ўшанда (яъни бирга ишлашган йилларимизда) ҳадеб бошимизга савалайвермай, ҳар эҳтимолга карши, бундоқ «олди-берди» масалалариниям ўрганиб қўйинглар. Асқотиб қолиши мумкин, демаган экансиз. Мана ахвол...

— Ахволингга нима бўпти?
— Ҳаркалай, замонлар ўзгариб, бозор сиёсатига утиб ҳам кетарканмиз. Қарсиллатиб олиб, гурсиллатиб узатиб яшовчиларнинг ошиғи олчи...

Суҳбат шу ерга етганда оқсоқолнинг авзойи ўзгарди. Бехос таъналарим ўз ишини қилган, Максуд аканинг дили алок-чалоқ бўлаётгани сезилиб турад эди. Оқибати мен ўйлагандан ҳам жиддийроқ тус олди. Оқсоқолнинг бир дамгина илгари чараклаб турган кўзлари пилиги пасайтирилган чироқдай бирдан сўнди. Юзлари оқарин-қираб, сўлғин тортди. Ичида қайсиdir аъзоси қаттиқ

оғриётган одамдай, бармоклари билан оромкурси тутким ларини фижимлай бошлади. Күрқиб кетдим, ҳар холда ёши улуғ одам. Нима қылсам, не деб тинчлантирең экан, билмасдим. Ўзингиз тасаввур қилинг: баҳорда билан дон сепган дехқон шолипоясидан кузда бошокла-ри пуч, похол ўриб олса. Ўша пуч бошоқ совукни со-вук, иссикни иссик демай, сув кечиб, меҳнат килга-бечора шоликорнинг күзига бақрайиб туриб, менинг лигим учун ер, сув, ҳаво, навим ҳам эмас, айнан се-айбдорсан, деб турса...

Бахтимга идорамизнинг кўп йиллик тажрибали ходи-маси (палочка выручалочка) Лариса Суреновна Арутюнова бор экан. Вазиятни тўғри англаган опа меҳмони-мизга атаб дамлаб келган чойидан икки ҳўплам қуйиб айлантириб, товини чиқардида, апил-тапил оқсоқолнинг кўлига тутқазди.

Юрагимни безовта қилаётган бу бемаза таъна, замза-моларим Максуд ака қалбида аллақачон модда бойлаб илвираб ётганини, ҳазилларим ўша ярасига бигиздай сан-чилақолишини мен ғофил шогирд қаердан ҳам билай.

Максуд ака ўн дақиқалар ўтгач, бир оз ўзига келди. Кўпни кўрган собир одам эмасми, кетар олдида эши олдида тўхтаб ортига қайриларкан, босик меҳрибонли билан яна менга тасалли бердилар.

— Кўпам хуноб бўлаверма! Худо хоҳласа, яхшия бўпкетамиз, ҳали...

— Ҳа-я, — дейман ичимда. — Биз ахир ўтиш даври-нинг нотавон бандаларимизку. Аср эврилди, давр ўзгарди, жамият янгиланяпти. Оқсоқолимиз айтмоқчи, ҳамма нарса изга тушиб, яхшиям бўпкетади, ҳали. Ўзимга ўзим таскин берарканман, кў-ўплардан қолган, эрта-индин мендан ҳам қоладиган, вафосиз ўша «катта истол»га омо-натгина қайта чўкдим...

ЗАМОНДОШ ҚАЛБИ

ёхуд беором публицистик рух

Жўра ака, янги китобингизни ўқидим. «Замондош қалби» («Зарқалам». 2006 й.) истараси иссиққина рисола бўлибди. Иш бундок бўптида, деган ички бир фурур кечди кўнглимдан.

Тўғрида, айрим қаламкашларга ўхшаб ундок қилдим, бундок қилдим, деб етти маҳаллага жар солиб юрмай, етмиш ёшнинг остонасида шундай салмоқли китоб чиқариб қўйибсиз, яна нима дейлик: қойил!

Бир пайтлар сиз ҳақингизда гап кетганда кимдир «Э-э, Жўра Саъдуллаевми, паровозку!» деган эди. Шу баҳо тўғрилигини бугун яна бир бор исботлабсиз. Файратингизга, завқингизга гап йўқ, устоз! Биз буни таҳририятларда бевосита ишлашган, атрофингизда ўралашиб юрган шогирдларингиз жуда яхши биламиз.

Ўрни келиб қолди, эслаганда маза қиласиган яна бир гап. Раҳматли ёзувчи Мирзакарим Пирматовнинг сизнинг шахсингиз билан боғлик бир ҳазили ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўшанда шогирдларингиздан Нарзулла Жўраев, Абдукарим Рахимбердиев, Абдуҳошим Мадатов ва камина қизғин ижодий мубоҳаса устида, фийбат жанрини (гап сиз ҳақингизда эди) гуриллатиб турган эдик. Хар холда ёшлиқ. Хар биримизда ўнтадан буюк доҳийнинг фурури қўр тўкиб турган, бирорвга бўй беришни орият санаб, ўзимизни ўтга-чўкка уриб, оёғимиз ерга тегиб-тегмай юрган дамларимиз. Кўлтифимиз остидаги ёлғон ҳаводан мутаассир бўлиб ўтирган Мирзакарим ака «Хўв, болалар, биздақаларни ўнтаси ўн кунда қиласиган ишни Жўра ака мудраб ўтириб ўн минутда қиласиди», деган эдилар.

Энди билсак, бу бир «боевой» журналистнинг иккинчи бир зўр ҳамкасбига тан бериши, қолаверса, ўзини арслон фахмлаб, босар-тусарини билмай юрган биз жўжахўроларга қокитма — «ўзингни бос, бола пакир»-лар қабилидаги насиҳат ҳам экан.

Ҳай майли, чалғимайлик. Янги рисолангизда ҳам эски принципларингизга содик қолибсиз. Яъни, мавзулар рангбаранг, жанрлар жанговар: очерк, лавҳа, сухбатлар ва

бир чимдимгина юмор. Энг мухими, ўзингизга хос хаяжона
ва публицистик рухни йўқотмабсиз.

Сир эмас, хозир оддий касбдаги кишилар хақидан
жиддийроқ, каттароқ нарса ёзиш модада эмас. Айрим
ҳамкасларим хафа бўлишмасину кейинги пайтларда од-
дий одамлар хақида ёзилсаям, қанақадир оғриниброн
ноиложликдан ёзилаётгани сезилиб туради.

Қаҳрамонларингиз касбини атай санаб чиқдик, асо-
сан ишчи, боғбон, дехқон, фермер, ўрмончи, геолог, ши-
фокор, молиячи, ҳуқуқшунос, иқтисодчи, курувчи, ме-
таллург, кончи, экскаваторчи, кранчи, муаллим, кимё-
гар ва хоказо.

Давлат ташкилотлари, касаба уюшмалари, турли идора-
ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ мақолалар одат-
да бир оз зерикарлироқ чиқади. Бироқ сизда улар ҳам ё
танқидий ёки кишини бефарқ қолдирмайдиган таҳлилий
мулоҳазаларга бойлиги учунми, ўқувчини унчалик зе-
риктирилмайди.

Ха, дарвоқе, «Рахбар маънавияти ва маънавий мұ-
хит» сарлавҳали публицистик рухдаги асарингиз ҳакида.
Ўзимизнинг журналистик ибора билан айтганда, китоб-
нинг энг «міх мақола»си бўлибди. Тўғри, мақолада таъ-
кидлаганингиздай, «Ҳар бир жамият ўз маънавий мухи-
тини ўзи яратади. Бунда у ўтмиш маданий-маънавий мә-
росига, умумжаҳон қадрияtlарига асосланади». Ҳақ гап.

У ҳолда ноҳақликларга чидамай ўзини ўзи осиб қўйғав
бешинчи синф ўқувчиси ҳакида мамлакатимиз Президен-
ти куйиб-пишиб гапираётган бир пайтда қулогига тан-
бур чертилаётгандай, оёғини ракс мақомига ликиллатиб,
парвойи фалак ўтирадиган туман ҳокимлари қаердан пай-
до бўлмоқда?! Юрт ташвишига парвосиз бундай раҳбар
кимсаларнинг виждонини уйғотмоқ, лоқайдлик ботқоғи-
дан сууриб олмоқнинг йўли, чораси борми?

Бу саволларга мақолада яхши жавоб берилибди. Де-
мак, «Маънавий мухитни соғломлаштириш учун жамият
аъзолари ўзларининг кимликларини, ҳуқуқлари ва бурч-
ларини, орзу мақсадларини аниқ-тиниқ англаб олмокла-
ри керак. Қисқаси, миллат ўзини, ўзлигини англамоғи
зарур. Акс ҳолда... ўз маънавий илдизларига, миллий
қадрияtlарига, бурчларига садоқатли, эзгу ниятлари йўли-

да сабиткадам бўлолмайди. Ялтираб кўринган хар бир нарсани олтин тусмол қилиб, турли кўйларга тушаверади».

Бу жамият маънавий муҳитини соғломлаштириш ҳақида бир журналист-ижодкорнинг, яъни сизнинг дилингиздан кечган фикрлар эди. Бироқ юқоридаги фикрлар китобингизни мутолаа қилган аксарият ўқувчиларнинг ҳам айни кўнглидаги гап бўлган, десам хато қилмайман.

Албатта «Ҳалол, жонкуяр, ташаббускор етакчилар гина оммани буюк келажак сари бошлаб бора олади. Раҳбарки, сўзида субутсизлик қилдими, мен бошлиқман, яхшилик, эзгуликка, одамлар дардига қулок солишга даъват этавераман. Лекин ўз ишимни ҳам «билиб-билиб» қиласкераман, деб ўйлай бошладими – бу унинг инқирози, таназзули»дан дарактир. «Бундай маънавият билан киши яхшиси, раҳбарликни даъво қилмагани маъқул», деб куйинибсиз. Жуда тўғри, одил фикр. Худо хоҳласа, шундай бўлади ҳам.

Юқорида бир чимдим юмор ҳақида эслатувдик. Китобнинг «Асом ғаданг нега хуноб?» сарлавҳали қисми менимча тўпламнинг туз-намагини анча ростлаб, ўқишилигини бирмунча оширадиган боб бўлиби.

Кўнглингизга келмасину, устоз, Асом ғаданг тимсолида негадир кўз ўнгимда ўзингиз намоён бўлавердингиз. Бунинг боиси Асом ғадангни безовта қилмайдиган масаланинг ўзи йўқлиги. Ҳарқалай у жамиятдагиси нари турсин кундалик турмушдаги камчилик ва қусурларни кўрганда ҳам лоқайд қололмайди. Гажир, муросасиз бу қаҳрамонингизда одамга ёқиб тушадиган талай фазилатларни кўрдик.

Хуллас, рисолангизда беором инсон қалби бор. Қалб бор жойда албатта қувонч, изтироб, меҳр-муҳаббат, севгиги ва садоқат, эзгуликка интилиш, кураш бўлиши шубҳасиз. Ушбу сифатларда эса келажакка умид яшайди.

САМАРҚАНДГА БОРСАМ МЕН АГАР...

Махмуджон болалигіда соз ва хониш ахлині курса, Хизрни учратғандай анграйиб қоларди. Қани энди унинг ҳам мусика асбоби бұлса? Қани у ҳам күй чалиб, күшін күйлаб, оламни сел қилиб оқизиб юборса. Афсуски, отасининг құли «юпқа». Қишин-әзин колхозда ишлаб, рүзөн төбратади. Уйда бир этак бола. Құрадаги уч-түрт күйдан бошқа ҳеч вако йўқ.

Начора, рубоб бўлмаса бир парча таҳтага сим тортиб қўшиқ айтса ҳам бўлавераркан... Бироқ ҳақиқий созга интиқлик унинг оромини буткул ўғирлади. Болакайнинг еган-ичгани ичига тушмай қолди. Тушларида рубоб қучоқлаб, кишлоқлар узра парвоз қиласади. «Тўхта!» — деди бир куни бола ўзига-ўзи. — Ҳар куни қўйларни яйловга ҳайдаб чиқиб кетаётганимда тушлик учун отам берадиган тангаларни тежасам-чи?!»

Ойлар ўтди. Чакалар йиғилиб рубобга етгулик пул бўлди.

Хўжалик клуби қошидаги рубобчилар тўгарагига ажойиб педагог Фуломназир Райимов раҳбарлик қиласади. Бола соз қўлтиқлаб, шу кишининг ҳузурига келди. Ўша кундан мурғак истеъдод талабчан ва меҳрибон бир инсон қанотлари остида камол топа бошлади.

Ана шу ўғлон бугун Махмуджон Азимов бўлиб элга танилди.

...Ҳаммасига ҳазрати тасодиф сабаб бўлди. Телевидение орқали Самарқанд вилоятига бағишлиланган «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатуви эфирга чиқди-ю, бу ном бир лаҳзада эл назарига тушди: ҳофиз шоир Мухаммад Юсуф шеъри билан айтиладиган «Самарқандга борсам мен агар» қўшигини күйлаб, миллиёнлаб телетомошибинларни ўзига маҳлиё қилди-қўйди. Шу ондан шинавандалар унинг овози ёзилган тасмаларни излаb қолишиди. «Шу қўшикни хонанданинг ўз оғзидан эшитсан», дейдиган орзумандлар кўпайди. Истироҳат боғларида, чойхоналарда, давраларда, овоз ёзиш студияларда у ижро этган қўшиқлар қайта-қайта янграйдиган бўлди.

— Мени Улуғбек бобонинг рухи қўллади... Элнинг

улуф фарзандларини қўйлаган, улуғлаган санъаткор қачон кам бўлган? — дейди у маъюс тин олиб. — Бироқ йиғрма беш ёшимда шу муқаддас даргоҳ остонасидан илк бора ҳатладим.

Ха, Махмуджоннинг бир оз ўқинч, бир оз армон, бир оз кувонч билан айтган бу фикрида жон бор. У «санъатнинг муқаддас остонасидан илк бора ҳатладим», деб айта олгунча қанча-қанча тунларини умид билан оқартиради дейсиз? Қалбida номларини тавоб қиладиган устоз санъаткорлар: Маъмуржон Узоков, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзовга тақлид қилиб юраверсан-а, деб қанчалар изтироб чекмади? Ахир санъат оламида бир умр жавлон уриб, «йилт» этмай ўтиб кетгандар камми?!

Махмуджон асли дехқон фарзанди.

— Экин чопифи, ўтоғи, айниқса, йифим-терим кунлар оиласизда ишга яроқли қўлнинг ҳаммаси касб-кори, лавозимидан қатъи назар, отам ихтиёрида бўлади. Отамиз меҳнаткаш ва ҳалол инсон. Иш деса, ўзларини ҳам, биз фарзандларини ҳам аяб ўтирмайдилар. Масалан, ўтган кузда 25 тоннага яқин қарам етишитирдик, аммо давлат планини бажармагунимизча бир бош қарам узиб, қозонга сололмасдик. Дехқончилик ҳам аслида санъат. Дехқон, таъбир жоиз бўлса, сабр, машакқат билан ерни, дов-дараҳтни, ўт-ўланни, гулу гиёҳни қуйлатади. Жамики тирик мавжудотга ризк-рўз улашади.

Қўшиқ шинавандалари қалбига кириб бориш орзусида юрган Махмуджон овозидаги табиий дард мумтоз қўшиклардаги кечмиш замонлар рухи билан уйғунлашиб, тингловчи қалбини ўйчан бир таассуротга ошино қилади. У атоқли ҳалқ ҳофизлари маҳорат билан қуйлаган «Самарқанд ушшоғи», «Гулузорим», «Баёт 1», «Баёт 5», «Гиря», «Қаро қўзим», «Софиниш», «Айрилмасун», «Якка бу Фарғонада» сингари қўшикларни ўзига хос хаста ва ҳазин, аммо беғубор оҳангларда тараннум этади.

Хонанда ўз репертуарини ишқ-муҳаббат, она-Ватан хақидаги янги-янги қўшиклар билан бойитиб боришга алоҳида эътибор беради. Уйғуннинг «Гулшанда ёр куринди», «Бебаҳо дурдонасан», Чустийнинг «Аъло

екан» құшиқлари ана шундай ашулалар сирасига ради.

Шоира Зулфиянинг Ҳамид Олимжон хотирасига биғишиланган «Этдинг мубтало» шеъри унинг ижросида киши қалбини армонли хотиралар силсиласи қаърига тортыкетади.

*Ўтди йиллар гам билан оқиб,
Дил топмади зарра тасалло.
Фироқингда қолдим тұтоқиб,
Не балога этдинг мубтало?*

Күшиқ лирик қаҳрамоннинг ёлғизлик салтанати сабр ва садоқат билан вафодор ёрга содиқ, ёниб үтган умри нинг сехрли оҳангларга йўғрилган шаффоғ инъикоси сиғатида қалбларни титратади.

Умида Абдуазимованинг «Айт, нима қилай?» шеъри ёш хонанда ижросида лирик қаҳрамоннинг рухий туғенни булиб янграйди:

*Гушларимга кирмогинг учун
Айт, нима қилай?
Менга қўлинг бермогинг учун
Айт, нима қилай?*

Махмуджон айни кунларда шоир Мухаммад Юсуф билан ҳамкорликда ўзбек адабиётининг улкан намояндалари Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат ижоди, тақдиридан ҳикоя қилувчи туркум қўшиқлар яратиш устида қизғин ишламоқда.

— Овозингизда маҳзунлик кучли. Бунинг боиси нимада? — деган саволимизга у:

— Шоир шеърларидаги дард санъаткор овозидаги дард билан ҳамоҳанг бўлса, бунинг нимаси айб? — дея жавоб берди.

Суҳбатимиз айланиб, бошловчи санъаткорлар тақдига тақалди.

— Мен туғилиб-ўсган Тошкент тумани мева ва сабзабот етиштириш бўйича республикада маълум ва машхур. Дехқонлари ҳам замин янглиғ сахий, ўта межнаткаш. Бироқ туманда ёш санъаткорларга эътибор масаласидан гап очилса, ичдан зил кетаман. Сабаб дейсизми? Ўша

мълум ва машхур туманимизда бирорта ҳам маданият саройи йўқ эди. Район маданият уйи ходимлари суфурта идораси биносидаги икки хужрага тикиштириб қўйилганди.

— Ўзингиз айтмоқчи, санъатнинг остонасидан узок вакт хатлай олмай юришингизга ҳам ана шу камчиликлар сабаб бўлмаганмикин?

— Унчалик эмас-у, бироқ истеъдодли ёшларнинг кўлидан тутиб, йўл-йўриқ кўрсатадиган, уларнинг бошини бир узок жойга ковуштирадиган муассасалар кўп бўлса, улар йиллар «ҳар мақомга» йўргаламай, тезроқ санъатнинг равон йўлига чиқиб олиши аниқ? Туманимизда эса йўл тополмай юрган талантлар жуда кўп.

Хушвот хонанда Маҳмуджон Азимов шу кунларда ҳам ҳалқимиизга дилрабо қўшиқлар армуғон этиш истаги билан ёниб яшаётир.

1989

ХИСЛАТ...

Избосканлик ажойиб журналист, жамоат арбоби Абдуваҳоб Нурматовнинг ёши биздан бирмунча катта бўлса ҳам негадир бир-биrimiz билан худди тенгқурлардай, ҳазил-хузул билан гаплашиб ўрганиб кетганимиз. Кўпинча ёшлиқ қилиб, ҳазилнинг «доза»сини ошириб юборсак ҳам унчалик кўнглига олмайди. Баъзан жуда «ўтказиб» юборган пайтларимизда, «Ҳа, ярамас», деб қўяди. Бу сўзни у шундай оҳангда айтади-ки, унинг замирида озгина ўпкалаш, озгина танбех, озгина ҳазил ётади.

Унинг Тошкентга навбатдаги ташрифидан мақсадини эшитиб ўзимни тўхтатолмай кулиб юбордим:

— Кўйсангизчи, бунақа гапни Абдуваҳоб ака, — дедим ҳазил билан. Шунда у яна:

— Ҳа, ярамас, — деб қўиди.

Унинг бу гапи ҳеч қачон ҳозиргидай оҳанг касб этмаган, энди бу икки оғиз сўз салмоғига қандайдир араз хисси ҳам қўшилгандай эди. У менга қўлларини чўзиб ниманидир исботламоқчи бўларди.

— Беррироқ келинг-а, этингизни күйдирмаса...
 — Ҳазил ҳам эви биланда, ака, — дейман ишонқира-
 май. У чап қўлини кўкрагимга яқин келтиради ва сўрай-
 ди:

— Кизияптими?

Не ҳолатки, кўкрагимда тандирдан эндиғина узилган
 кулчанинг тафтини сезардим. Яна кўйлак, костюм, курт-
 ка устидан. Бироқ сир бой бергим келмайди. Унинг
 кўлларини суриб ташлайман:

— Ишонмайман.

— Майли Абдунаби, ишонмасангиз ҳам хафа бўлмай-
 ман. Фақат Тошкентда Ҳалқ табобати ва миллий урф-
 одатларни тарғиб этиш жамияти очилган, деб эшитаман.
 Менга ўша ерни кўрсатиб қўйсангиз бас.

— Ўх-ҳў, — дейман ичимда, — Абдуваҳоб ака жуда
 баланд дорни кўзлаяпти-ю. У ерда Шарқ табобати бўйи-
 ча ажойиб амалиётчилар шарқшунос олимлар, табиби
 ғайб Махмуджон Ҳасаний, доривор гиёҳлар билимдони,
 ўнга яқин рисолалар муаллифи, Беруний мукофоти сов-
 риндори Қаҳҳор Ҳожиматов, инсондаги яширин имко-
 ниятларни ишга кола билувчи ва оммавий даволаш бўйи-
 ча мўъжиза соҳиби Мирзакарим Норбеков сингари худо
 берган кишилар жам бўлган.

Жамият биз ишлаб турган «Ҳалқ сўзи» рўзномаси
 биносининг шундоққина қаршисида эди. Унинг прези-
 денти машҳур сатирик ёзувчи Саъдулла Сиёев билан
 деярли ҳар куни учрашиб турардик. У киши билан ил-
 гари «Муштум» журналида бирга ишлашган эдик. Қара-
 сам Саъдулла аканинг ўзлари биздан нарирокда беш-
 олтида одамни оғзига қаратиб, даврани қизитиб турган
 экан. Фурсатни бой бермай уларга қараб юрдик.

— Саъдулла ака, мен сизга яна бир экстрасенс топиб
 келдим. Икки қўлида иккита дазмолнинг тафти бор, —
 дедим.

Кисқа танишувдан кейин Саъдулла ака:

— Яхши-да, текшириб кўрамиз, юринглар-чи, — деб
 бизни ичкарига етакладилар. Шу пайт ёзувчига «Муш-
 тум»да ишлашган даврлардагидай бир ҳазил килгим кел-
 ди.

— Саъдулла ака, аввал бундай сўранг, ҳамюртингиз кандай усул билан даволайди, деб.

— Хўш, — дея қизиқсиниб тўхтайди машхур ёзувчи.

— Оғирроқ касалларни бир-икки соат қучоклаб туради. Эҳтиёт бўласиз.

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Саъдулла аканинг ўзлари ҳам:

— «Муштум»да ишлаганилигига борди, — деб мирикиб кулди.

Ортиқча сўроқ-саволсиз амалий ишга ўтилди. Абдуваҳоб ака қўлларини бир-бирига ишқалаб, бармоқларини букиб-эгиб ўзини шайлаб олгач, кафтларини Саъдулла аканинг бошларига соябон қилиб ҳаракатлантира бошлади. Бионур соҳибининг бир оз титраб турувчи қўллари энди сезиларли қалтирас, юзлари қизара бошлаган эди. Ёзувчининг кўзлари беихтиёр юмилди.

— Яхши ухлаёлмас экансиз-а? — сўрайди бионур соҳиби.

— Икки-уч кундан бери кечалари бедорликдан қийналяпман, — жавоб беради ёзувчи.

— Ҳечкиси йўқ. Асабларингиз чарчаб кетибди. Бугун кечаси ўн бирларда ухлайсиз.

Ёзувчи кўзлари юмуқ ҳолда билинар-билинмас «Рахмат», дейди.

Бионур соҳибининг қўллари аста ёзувчининг юзларига, сўнг елкаларидан сирфалиб тушиб кўкраклари, орқа кураклари атрофида ҳаракатлана бошлайди.

— Яхшигина қиздиряпти, — дейди ёзувчи.

Муолажа тугади. Саъдулла аканинг кўзлари ярқ этиб очилди. У костюмини елкасига ташлар экан, деди:

— Сиз бизникисиз. Кувватингиз жуда кучли. Кўпроқ қандай касалликларни даволайсиз?

Махалламиизда бир неча йилдан буён фалаж бўлиб ётган бир йигит бор эди. Мендан олти марта сеанс олгандан кейин хасса билан юра бошлади. Асаб, бош, бел, оёқ оғриқлари, айрим яралар, юзига тошма тошган кишилар икки уч муолажадаёқ шифо топишияпти.

— Жуда яхши. Биз жойларда ўз таянч нукталаримизни очаяпмиз. Избосканда ҳам очамиз. Мутахассисларимизни юборамиз, ёрдам берамиз. Одамларни ўша ерда

бирга даволаймиз. Факат ёнингизда малакали дўхтири бўлиши керак.

— Ўзимнинг оилам олий маълумотли шифокор.

— Айни муддао. Унда иш янам осон кўчади.

Улар яна айрим масалаларни келишиб олишгач, табобат ва нафосат жамияти президенти билан хайрлашдик. Бир оз юргач, Абдуваҳоб aka менга юзланди:

— Эртага Саъдулла aka қай вақтда, қандай ухлаганини суриштириб кўясиз?!

Ёзувчи билан уч кун ўтгач учрашдик.

— Хўш, — дедим унга, — бизнинг ҳамюртимиз хақида қандай фикрдасиз? Айтган вақтида ухладингизми?

— Ҳақиқатан, ўша куни кеч соат ўн бир яримларда қўзларим ўз-ўзидан юмилиб кетаверди. Эрта билан күшдай енгил бўлиб турдим. Роза мириқиб ухлабман. Умуман Абдуваҳобда қанақадир хислат бор...

Ёзувчининг таърифи мени бир оз таажжублантириди. Чунки Абдуваҳоб Нурматов бир пайтлар Избосканда ашаддий атеист, илми, билими саёз, сохта диндорларга қарши муросасиз курашчи сифатида танилгани ҳам сир эмас.

Яқинда Пойтуққа борганимда бу мулоҳазамни Абдуваҳоб аканинг ўзига ҳам айтдим. У:

— Менда бундай хислатнинг пайдо бўлишини олий рухга шак келтириб қилган кўп йиллик хатти-ҳаракатларим учун берилган жазо бўлса керак, деб ўйлайман. Эҳтимол, Аллоҳ мени ўзининг қудрати хақида меҳрибонлик билан огохлантиргандир...

Ҳай, майли, нима бўлганда ҳам биз учун мухими сабаб эмас, оқибат. Бас шундай экан, бир ҳамюртимизга ато этилган ана шу ноёб хислатни избосканлик юзлаб, эҳтимол минглаб бемор ва хастадил кишиларга қилинган мурувват деб билишимиз, ундан иложи борича унумли фойдаланиш йўллари хақида ўйлашимиз керак.

ИЗБОСКАНДА БИР ЖУРНАЛИСТ БОР...

Кўлдошбой Хожиматов бирон-бир газета ёки журнага мухаррир эмас. Унинг «хизмат кўрсатган» деган унвони хам йўқ. Бироқ бундан уни бирор ҳурмат қилмайди, деган холоса чиқмайди. Унвони бўлмагани билан айрим унвонлилардан созроқ ва бозроқ ёзади. Ёзгандагам атрофидаги ҳамкасларига нисбатан ёниброк, ёндириброк ёзади.

Ўттиз йиллик ижодий фаолияти даврида у кимлар, шималар ҳакида ёзмади: орденли-орденсиз, унвонли-унвонсиз, доврукли-довруқсиз... Ким ва қандай воеа ҳакида сўз юритмасин, у ихлос, эҳтиром, эҳтирос билан қофоз коралади.

Избосканликлар назарида у доим туман «Пахтакор» газетасининг ходими сифатида намоён бўлади. Ҳа, айни ходим... Чунки, ўкувчиларига у дастлаб шу ном билан танилди.

Газетанинг қатор бўлимларига мудир, икки-уч йил Лўғумбек қишлоқ кенгashi ижроқўмига раис бўлиб ишлаган кезларда хам одамлар уни «Пахтакорнинг ходими», деб эслашди, излашди, эъзозлашди.

«Ходим» унвони билан у вилоят «Андижоннома»сина, республикада «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳёти», «Туркистон» ва бошқа қатор обрўли газета-журналларни «забт» этди. «Хабар» газетасини паккос ўзиники қилиб олди. Боиси битта: алоқачилар ҳакида хар ким хам ёзавермайди, тўғрироғи, ёзолмайди.

Хожиматов эса бу мураккаб соҳа сир-асрорларини, унинг фидойи ходимлари муаммолари, орзу-армонларини тез орада чукур англаш, ўзлаштириб олди. Бугун унинг «Хабар»даги материалларини ўқиган ҳамкаслари «Асли алоқачийкансиз-у, билмаганаканмиз», деб ҳазиллашишади. Аслида бу ҳазил тагида хавас ҳам йўқ эмас.

Бир умр газетада ишлаб, хумордан чиқиб мақола ёзмаган, олтита ўқувчини қойил қолдиролмаган журналистлар қанча... Шу йил эллик ёшлигини нишонлаётган беором ижодкор Кўлдошбой аканинг бу маънода армони

йүк. Унинг имзоси билан нашр этилган күплас бажынб
мақолалар, «Уруш күрган кишилар», «Таъзим» номлы
публицистик рисолалари ўз ўқувчилари қалбидан, жа-
вонларидан жой олган.

1999

КИМ ЖУРНАЛИСТ БҮЛА ОЛАДИ?

Дунёда нима күп, китоб күп.

Илгари китоб дегани маҳсус дўконларда, ёпиқ жой-
ларда сотилар эди. Бироқ у пайтларда ҳар бир кўчада
камидан биттадан китоб магазини бўларди. Ҳозирчи? Эски
замонни кўмсашибга йўймангу, ҳар қалай, ҳозир китоб
магазинидан озиқ-овқат дўконлари, ошхоналар кўпроқ.

Бир пайтлар энг ўқимишли халқмиз деб мақтаниш
одат тусига кирган эди. Бугун ҳар кўчада ўнталаб озиқ-
овқат дўконлари-ю, кўча-кўйлари қолиб уйларигача ош-
хонага, бутун-бутун маҳаллалари емакхонага айланган
шахарларимизни кўриб маъзур тутасиз-у, энг емишхур
халққа айланиб қолмаяпмизмикин, деган ваҳимага туша-
сан киши.

Мавзудан чалғимайлик, дунёда нима күп, барибир
kitob күп. Ишонмасангиз пойтахтимиз кўчаларига чи-
қинг. «ЦУМ» олдидағи, Ўрда, Навоий кўчаси, Вокзал,
Чилонзор савдо марказидаги очик китоб расталарини
кезганимисиз. Йўқ, дейсизми? Э-э, у ерларда бир бўлмаб-
сиз...

Ана энди, китобларнинг кўплиги, ранг-баранглиги-ю,
харидорнинг турли йил, минг хил тилда битилган нашр-
лар орасида ҳангуманглигини томошо қилинг. Ва фай-
ласуф шоир Омон Матжоннинг «Куёш соати» номли
рисоласидаги «Бу дўконга ҳар ким ўз тарозуси билан
киради», деган иборасининг мағзини чақинг.

Расталарда нималар йўқ дейсиз. Бир замонлар но-
мини шивирлаб айтишга ҳам чўчилган адиллар асарлари
бемалол сотилмоқда, ўқилмоқда. Бу энди, албатта, ис-
тиқлол шарофати.

Тўгриси, бу гапларнинг ажойиб адаб ва олим, жамоат арбоби Хуршид Дўстмуҳаммаднинг яқинда «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган «Журналист бўлмоқчи мисиз?» номли рисоласига даҳли йўқ. Бироқ алла айтган она ўз қалбини бўзлайди, деганларидаи, шу жимириккина (бор йўғи 1,625 босма табоқ) китобчани қўлимга олдиму юкоридаги фикрлар хаёлга тепчиди.

Ўйлаб кўрсам, бунга асос бор экан. Ҳар қалай биз тағи ва биздан олдинги журналистлар авлоди (шу каторда китобча муаллифи ҳам) «Введение журналистики», «Для начинающего журналиста», «Публицистика и политика» деб номланган «адабиётнинг партияйилиги», «матбуот партияининг қудратли қуроли» эканлиги хақидаги юялар билан бешафкат суфорилган, Герцен, Маркс, Энгельс, Ленин боболар танланган асарлари, ком фирмкашинг турли съездлари материалларида публицистиканинг ҳамияти, журналистнинг жамиятдаги ролига доир иқтинослар билан пуфлаб шиширилган «хунаса дарсликлар» исказнажасида мулло бўлдик. Ва бундай иқтибосбозликлардан, ғоянишинликдан холи бўлган рисолалар энг яқин дўстинг билан сирлашиш ҳам хавфли бўлган мавзу эди.

«Журналист бўлмоқчимисиз?»ни ўқиб чиқдиму, ичимда кувондим: бўлар экан-ку, узундан-узок ҳамду саноларсиз, «цитата»ларсиз ҳам.

Ха, бўлар экан. Қисқа, лўнда, услуб оддий, жумлалар содда. Ҳеч қандай замзама ва зуғумларсиз, ўзимизнинг жайдари тилимизда журналистикани, журналистлик касбини тушунтириб бериш, уқтириш мумкин экан.

Муаллиф рисолани етти бобга бўлади. Ҳар бир боб алоҳида юқ ташийди. Боблар эса бир нечта аниқ савол-сарлавҳалардан ташкил топган.

Савол-сарлавҳалар жўндан-жўн. Бироқ қанақадир оҳанграбоси бор: ўзига тортади. Қўлига эндиғина қалам тутиб, ижод деб номланган соҳир остононда шайланиб турган ҳаваскорни ҳам, бу маконда бир манзилнинг танобини тортиб, тилга тушган «профессионал»ни ҳам ўйлашга ундаиди.

Каранг, рисола муаллифи бировга ҳеч нарсани ўргатмоқчи эмасдай. Ўзининг ва яна аллақандай даҳоларнинг

қарашларидан «қатлама жумлалар» ясаб миянгизга тиширилмайды. У беозоргина ёнингизга ўтириб, астаги на, малол келтирмайгина Сизни саволга тута бошлайды. Беихтиёр унинг сұхбатдошига; сирдошига айланиб ганлигингизни билмай хам қоласиз.

Муаллиф дастлаб «Ким журналист бұла олади?», ган умумий савол қўяди. У бу саволни Сизга бердими ёки ўзидан ўзи сўрадими, сезилмайди. Сабаби у ўз саволига ўзи жавоб беришдан бошлайди гапни. Бирок унинг муддаолари саволдан-саволга аниклашиб, фаоллашиб бораверади. Яъни масалан, «Журналистлик кандай бошланаиди», «Қизиқиш нима?», «Журналистнинг таърифи кандай?», «Қайси газетанинг муаллифисиз?», «Ҳар куни ёзяпсизми?», «Дарвоқе, газета ўқияпсизми?», «Маколангизни қайта ўқийсизми?», «Сарлавҳани ким тоғди?», «Руқн ва тагсарлавҳанинг юки нима?», «Жанр имкониятларидан хабардормисиз?», «Савол беришни биласизми?», «Нечта қонун бор?», «Эркинлик қонунга суюнадими?», «Журналист шахси нималарда акс этади?», «Устозингиз ким?», «Касб одоби нима?», «Журналист жамиятга нима берә олади?» ва ҳоказо.

Шубҳасиз, журналистика хақидаги тасаввурларимиз хам саволдан саволга ойдинлашиб фаоллашиб боради ва охир оқибатда енгил-елни тасаввур ва ҳавойи хою-хавасларимиз билан журналистиკанинг муқаддас даргохига кириб бўлмаслигини, борди-ю кириб қолган тақдиримизда хам узок ва юксак парвозларга умид қилиш фойдасиз эканлигини хис қилиб қоламиз.

Бизни энди муаллиф эмас, ўзимизни ўзимиз саволга тута бошлаймиз. Турган гапки, «Мен асли, (тўғрироғи) асл журналист бўла оламанми? Борди-ю, журналистика га кириб қолган тақдиримда хам жамиятга нафим теккулик ижодкор сифатида ёрқин қиёфа касб эта биламанми? — деган мулоҳазалар виждонимиз билан довлаша бошлайди.

Гап бориб виждонга тақалди, тан олай. 1970 йилларнинг боши. Камина хам мактабни битириб, машхур қалам сохиби бўлиш иштиёқи билан пойтахтга келдим. Устозларим Назир Сафаров ва Қамчибек Кенжаларнинг бега-

раз ёрдами ва йўл-йўриқлари билан талаба бўлдик. Фафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётига ишга ҳам жойлашдим. Кўн ўтмай биринчи шеърлар тўпламим кўләмаси ҳам тайёр бўлди. Машҳур адабиётшунос олим Махкам Махмудов ва дилбар шоир Маъруф Жалил на-заридан ўтиб, китобча ҳолида чоп этилиши ойдинлашиб ҳам колди. Бироқ шу аснода шеърият осмонида бўрон-лар турди, момақалдироқлар гумбурлаб, чақмоқлар чақ-ди... ва ижод оламига ўзбек адабиётининг яна бир нав-кирон авлоди: Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суюн, Эркин Аъзамов, Мурод Мухаммад Дўст, Баходир Муродали, Тоғай Мурод сингари ўзига хос овозли, овозали қаламкашлар кириб келди. Сездим, бу фаслда биз бит-тан баёз атри ажриқнидан ўзга эмас. Вақтида этакни ёнимокка карор қилдим. Ноширлардан биринчи китобим кўләзмасини қайтариб олдим ва ишдан ҳам бўшаб, йўлни осонрок соҳа (?) журналистикага бурдим. Ёш элликни коралаганда билдимки, аслида журналистика шоирликдан, ёзувчиликдан ҳам мураккаб, машаққатли, бепоён соҳа экан.

Хўш, ким журналист бўла олади? Бу саволга муаллифнинг ўзи «газетада биринчи хабарингиз эълон қилинганидан эмас ёки журналистика факультетига ўқишга киришинингиздан ҳам эмас.

Мактабда ўқиб юрган кезларингиз ёндафттар туттагнингизни эслайсизми?

«Уша журналистика» — деб ёзади.

«Мактаб ёшида ёндафттар туттган ўқувчилар қанча»... нега уларнинг ҳаммаси ҳам ёзмайди? Нега камдан-кам йигит-қиз ёзмаса туролмайди?

Ха, яшанг, уша ёзмаса туролмайдиган... журналист бўла олади».

Мутахассисларнинг фикри бўйича истеъоддли кишиларнинг кўпчилиги ўзидаги лаёқатни сезмай яшаб, ўтиб кетаркан. Ундейлар орасида журналистик фафлат йўқ дейсизми?

Муаллиф шуни назарда тутганми, журналистилик қандай бошланади, деган саволни алоҳида масала қилиб кўяди ва ўқувчини огоҳ этади: «...кўнгилда кимгадир

изхор этмагуnungизга қадар сизга тинчлик бермаётган нимадир пайдо бұлдими ва үшани қофозга туширишта уриниб күрдингизми – журналистика бошланди десинг».

Мактаб партасида ўтирган ёки китоб дафтарины истағатынан майгина устун михига илиб отаси олиб берган ориккениң сигир ёки қүйни олдига солиб, белидаги кийиккә сузыңынан қочган яримта нон ва қалампир-тузни жойлаб ўтлоққа ўрмалаётган ёки тушдан кейин онасининг ўрнига ғұза чопиқ қилиш учун кетмөнини елкага ташлаб далага ошиңынан қаётган укам, синглім ғафлат босмасин-ки, Сенинг вұжудингда бұлғуси буюк публицист, журналист қони оқаётган бўлиши мумкин.

Хәёлингда молнинг қорнини хар куни нофора қилиб семиртириш ёки раис бува ажратиб берган гектардан «фалон тонна пахта топширамиз», деган фикрдан ташкари, зўр журналист бўламан, одамларнинг хавасини келтириб «Халқ сўзи», «Хуррият», «Моҳият», газеталарида, «ЎзА», «Жаҳон», «Ассаштейт пресс» ахборот агентликларида, «Ўзтелерадиокомпания», «Озодлик», «Озод Европа», «Би-би-си» радиосида хизмат қиласман. Халқим, Ватаним, озод мамлакатим ҳақида энг ҳаққоний, энг холис, энг долзарб янгилик ва ахборотларни мен, фақат мен тарқатаман, деган қизиқиш, орзу бот-бот чакнаб турсин. Зеро энди қизиқиш ва орзуларинг амалга ошиши, кечагина туман газетасида босилган тўрт-беш каторли илк хабаринг катта мақолаларга айланиши учун муаллиф таъкидлаганидай, куч-куват, вақт сарфлашинг. Ўзингни сафарбар этишинг лозим.

Хуллас «Журналист бўлмоқчимисиз?»нинг журналистика ҳақидаги хукми биз таълим олган давр дарслеклари хукмидан ўзгача: журналист партияий адабиётнинг фикрсиз жангчиси, қайсиdir фирмaga хизмат қилувчи қудратли куролнинг манкурт тепкибосари эмас. Балки у Хуршид Дўстмуҳаммад таъбирича, кўп сонли фукарони маълум бир таъсир доирасига олиб кириш қудратига эга бўлган... жамиятга, жамият аъзоларининг онги, тафаккури, дунёқарашига таъсир кўрсатувчи касб эгаси... омма билан муттасил гаплашиб, сирлаша билади, халқнинг

карашлари, нуктаи назари, интеллектуал салоҳиятини умумлаштириб юзага чиқара олади. Ана шундай!

Энди холисанлилло айтинг, ана шундай умумлашган фазилат, кудрат қайси касб эгасида бор?!

Журналистдан бошқа ҳеч кимда...

2002

ЖАББОР ПОЛВОН

Тешикмозор Избоскан туманинг камтар, камсуқум, одми қишлоқларидан ҳисобланади.

Бу ернинг одамлари ёппасига ўртаҳол... Қозони кишинроқ қайнаса-да, ҳамёнида кўпинча шамоллар зорланса-да, тишининг оқини кўрсатишмайди. Нолиб, ҳар ёққа шикоятлар йўллаб, ўзини у идорадан бу идорага уриб юришни ор билишади.

Уйида қозони ўчок бошига чиқолмай қолса ҳам меҳмонни албатта «самовар»да ош дамлаб, едириб, камига асқиялар айтиб кулдириб, кўнгли-кўксини яхши хотира ва таассуротларга тўлдириб, кузатади.

Тешикмозордан негадир машхур одамлар ҳам камчиқади. Ҳали-ҳануз бу гўшадан чиқсан йигит ёки киз ҳоким, хўжалик ёки ташкилот раҳбари бўлибди, деган гапни бирор эшитмаган.

Бу қишлоқдан қаҳрамонлар ҳам чиқмаган. Аммо фашистларнинг қонли юриши, афғон уруши ва бошқа муҳорабаларда юрт, Ватан, истиқлол учун жонини, хонумонини тикиб, бемисл жасоратлар кўрсатиб, уйи-ошёнига қайтиб келган, келмаган фидойи ўғлонлари кўп.

Бизга чин, Сизга муболаға: бу гўшадаги икки аёлнинг бири «Қаҳрамон она». Қаҳрамон онадан ўн фарзанд туғилса, шундан етти-саккизтаси албатта ўғил бўлади. Шу етти-саккизтадан албатта битта санъаткор, иккитаси дехқон ёки ишчи, биттаси журналист ёки матбаачи, иккитаси асқиячи. Иккитаси кураш тушадиган полвон чиқади.

Шундан бўлса керак қишлоғимизда асқиячи билан полвон кўп. Абдулла, Миркомил полвон Тиллабоевлар,

Муқум полвон Болтабоев, Ҳаким, Собир полвон Мирзасевлар, Комил полвон Раҳмонов, Иброҳим полвон Каримов... Санаб адогига етолмайсиз.

Албатта уларнинг энг номдори, сардори Жаббор полвондир.

Нега? Чунки у ўзи туғилиб, вояга етган гүшанинг шаъни-шавкатини бир чақирим бўлса-да олға силжитди. Демак, уни қўшни қишлоқ таниди, тан олди. Кўримсизгина Тешикмозорни таниган, тан олганлар сони бир нечтага ортди.

Мулоҳаза қиласайлик, полвонлар нега кураш тушади? Соврин олиш, бойиш ёки рақибининг курагини ерга михлаб, ору номусини чилпарчин қилиш учунми? Йўк!

Менимча, полвонни Аллоҳ томонидан ўзига инъом этилган кўркам жуссаси, куч-қудрати, фавқулодда чаққонлиги ва жасорати, чиройли маҳорати билан элу оламни жисмоний, маънавий камолотга чорлаш хисси майдонга олиб чиқади.

Эсимда, Жаббор полвон туман марказидаги сайиллардан бирида кураш тушиб, ғолиб бўлганда Тешикмозордан келган биз қатори йигитларнинг қалби аввал билан ҳаприқди, сўнг кўкраклари беихтиёр кўтарилиб қолди. Имоним комилки, ушбу дамда Жаббор полвондай бўлман, деган ўй шу ерда томошада турган юзлаб йигитларнинг кўнглидан кечди. Шундай зурриёт ато қилгин, деб оталар орзу қилдилар. Шундай шунқор бўлса кўкрагим остида ўн ой бўлса жон деб кўтарардим, деб қиз-жувлар орзиқди.

Бир йигитда, бир полвонда энди қандай армон бўлсин?

Абдужаббор ака!

Сизнинг номингиз бугун нафакат қишлоқ, туман, балки вилоят миқёсида ардоғланибди. Кутлуг 60 ёшингизни нишонлаш учун республикамизнинг турли бурчакларидан келиб, барини белбоғига қайириб, курашга шай турган мана бу алп келбатли полвонлар, иззатли, азиз меҳмонлар ташрифи ҳам қишлоғимиз, туманимиз шухратини яхши таассуротлар билан яна бир бор олис-олисларга олиб кетиши тайин.

ТҮЙТЕПАДАН ЎТИБ КЕЛАДИГАН ГАЗЕТА

Газета бор, чекка бир туманда чоп этилиб, пойтахтда ўқилади.

Газета бор, пойтахтда чиқади-ю, Қаххор домла таъбири билан айтганда, Түйтепадан нарига ўтмайди.

Якинда, кайсиdir газетада, фарғоналик муштариyтардан бирининг «Дангал-дангал ёзинг, газетангиз сотидади», деган мақоласига кўзим тушди.

Дарҳакиқат, журналистлар юрагидан чиқариб, бино килган ҳар қандай нашр ўқувчи қалбига, хонадонига ёниб, ёндириб кириб боради.

Дадил, дангал гапи бор газета дўконлар пештахтасида сарғайиб ётмайди. Балки ўқувчисини «киоска»чилар кўзига, noctachilar изига сарғайтириб, термултириб кўяди.

«Холис» ҳам вилоятда босилиб, Тошкентда ўқиладиган газетадир. Тошкентда ўқилибдими, демак уни Бухоро, Жizzah, Самарқанд, Карши, Хоразм... ҳатто Нукусда ҳам кутишади. Узунқулоқ гапларга қараганда, «Холис»нинг хумори тутадиган муштариyлар қўшни мамлакатларда ҳам кўпайиб боряпти.

Гапнинг очиги, мен ўзим ҳам «Холис»нинг ишқибозиман. Йўқ, унга устозим, ёзувчи Қамчибек Кенж мұхаррирлик қилаётгани ёки туғилиб ўсган юртимдан келаетгани учун эмас, газетанинг ўз айтар сўзи ва ҳеч қайси нашрга ўхшамаган қиёфаси борлиги учун излаб ўқийман. Ютуқларидан кувонаман, камчиликларидан ёнаман.

Бир куни «Холис»ни варақлаб ўтирсам, хонамизга «Софлом авлод» газетасининг бош мұхаррири Раъно Зарипова ва ёзувчи Қутби Носирова кириб келишди. Раъно опа сўрашиб-сўрашмаёқ қўлимдаги газетани тортиб олди-да, деди:

- Янги чиқибдими? Қизикка ўхшайди.
- Ха, дедим мен, — вилоятда босилади. Беш ёшга тўляпти.
- Макетини қаранг, чиройлилигини.

Раъно опа «Холис»ни бир оз кузатгач, яна қүшиб күйди:

Ўрганса бұладиган жиҳатлариям күпакан...

Мен «Холис»нинг муваффакиятларидан қувониб үтирган әдим, Раъно опа Зарипованинг мардлиги (хар қандай мухаррир ҳам ўзга газета муваффакиятини тан ола-вермайды, ахир), кўзидағи самимий ҳавасни кўриб яйраб кетдим.

Аслида «Холис»ни ҳам ҳавасманд одамлар ташкил этиб, ҳавасманд ижодкорлар чиқаришади.

Газетанинг бош жонкуяри, Андижондаги «Холис» савдо-сеноат бирлашмаси директори Шокиржон Иброхимовнинг нафакат ишбилармөнлик, тижорат, балки маънавий жиҳатдан ҳам ҳавасманд инсон эканлиги газетанинг бир баҳти бўлса, таҳририятда талантли, фидойи ижодкорларнинг жамланиши иккинчи баҳти дейиш мумкин.

Ҳавасманд ижодкорлар билан ҳавасманд тижорат аҳлининг қизғин ҳамкорлиги газета ададини беш йилда беш мингдан салкам йигирма беш мингга олиб чиқди. Ана шу ҳамкорлик «Холис» деган бирлашма ва газетанинг номини Андижондан олис ўлкаларга ҳам танитди, танитмоқда.

Газетани ўқувчига яқин, жозибали қилаётган яна бир фазилат унинг республикамиз ижод аҳли, уларнинг машиққатли меҳнатлари ҳақидаги материалларни чоп этишдаги изчиллигидир. Айниқса, мамлакатимизда, жаҳонда таникли бўлган машҳур шахслар ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида ўзига хос сұхбат-мулоҳазалар, қизиқарли маълумотлар ҳам газетанинг ўқувчилар қалбига йўл топишида айни мудда мудда бўляпти.

Тетапоя ёшиданоқ юрт корига яраб, эл меҳрини қозониб олгани билан «Холис»чиларни қизғин табриклар эканмиз, уларга яна бир тилагимиз бор: «Газетангиз келгусида Тошкентда, Москвада, Лондонда босилиб, бутун дунёда ўқилсин».

ҚУТЛУФ ЁШИНГ МУБОРАК БЎЛСИН

(Тўйхат)

Етмишинчи йилларнинг бошлари. Синфдош дўстим Набижон Нажмиддинов билан ҳар куни дарсдан чиқиб, тўғри «Пахтакор» газетаси томон чопамиз. Эшик олдида туриб, олиб, бу ерда ишлаётган, ўзимиз билган, «зўр» журналистларнинг чиқишини кутамиз. Остонада биронтаси кўриниб қолса, юрагимиз хаприқиб кетади: «Ана, ана фалончи чикяпти!» Кўл бериб сўрашиб қўйишса, ўша куни биздан баҳтиёр одам йўқ.

Тўғри, мен хозир фахрланиб ёзаётган ижодий жамоада хизмат килиш менга насиб этмаган. Аммо Набижоннинг ҳам, менинг ҳам биринчи хабаримиз, биринчи шеъримиз шу газетада чиққан. Шунинг учун бўлса керак, у ерда ишлаётган инсонлар биз учун шунчалар азиз ва якин бўлиб кетганки...

Избоскан бугун вилоятнинг журналист ходимларга энг бой тумани хисобланади, десам хато бўлмайди. Боиси бу ерда газеталар нашр қилишнинг қарийб 70 йиллик тарихи бор. Туман ҳокимлигининг нашри – «Пахтакор»нинг чиқа бошлаганига мана 65 йил тўлибди. Олтмиш беш йилки, «Пахтакор» эл хизматида. Яхшилик билан отамлашиб, ёмонлик билан ёвлашиб, довлашиб, Ватанимиз, мамлакатимиз мустақиллиги, фаровонлигини тараннум этиб келмоқда.

Қаердаки, бирон соҳанинг каттами, кичикми ўз мактаби, анъаналари бор экан, у ерда шу соҳада хизмат қилиб, ишингни элга манзур этиш ҳам қийин, ҳам осон. Қийинлиги шундаки, сендан кучлилар кўп. Осонлиги шундаки, сен «зўр»ларнинг назаридасан...

Бугун избосканликман деб, озми-кўпми қалам тебратиб юрган катта-кичик барча ижодкорларнинг қўли кўксига: «Қутлуф ёшинг муборак бўлсин, «Пахтакор!»

ИСТАРАСИ ИССИҚ, ЮРАККА ЯҚИН...

(«Хуррият» газетаси 10 ёшда)

Үтган асрнинг етмишинчى йиллари эди, чоғи. Қозок халқининг донғил шоири Ўлжас Сулаймоннинг «Арғымоклар» номли рисолачаси (Мирпұлат Мирзо таржимаси)дан жой олган «Белла» сарлавхали ажойиб шеърни ҳар гал үқиганимда юрагим алланечук түйғулардан орзикиб кетаверарди.

Шеър шундай бошланарди:

Ёзда бир қыз келди
Жануб шаҳарга,
Бир жуфт кокилида
Бир жуфт оқ бантик.
Кичкинагина қыз
Исми унинг – Белла,
Ерлик болаларнинг күнглида гулу
Ювениб таранган, оёқда шиппак,
Дераза тагида үралышарди
гап отишарди.

Бундан роса үн йил илгари «Хуррият» газетаси чоп этила бошлаганида негадир мен уни ана үша шеър қаҳрамони Беллага үхшатгандим. Чунки биз жанублик журналист болалар қалбидә ҳам жануб жазирамасидай нафасни қайтарувчи қандайдыр бир хилликка маҳкүм вақтли нашрлардан зерикиш, задалик хукм сурар. Үша Беллага үхшаган кокиллари бантикли әрка, қадамлари әркин, хатти-харакатлари билан теварак-атрофни лол қилиб, дилларга үзгача бир маънавий гүзәл хис-түйғулар баҳш эта оладиган газета-журналларга кучли ташналиқ бор эди бизда...

Шеър шундай давом этарди:

Фаррошлар негадир
Жеркиб беришди:
Бундай шүхликларга йўл қўйилмайди.
Кизча эса барибир
Биттаси билан дўстлашиб олди –

*Дераза тагига келар ҳар тонгда
 Кичкина бир бола
 Ва бўйин чўзид
 Қизчани чақирап чўчиб, аланглаб:
 – Бел-ла...
 Қизча олмахондай тушар зинадан
 Сўнгра қўл ушлашиб
 Сойга чопишар.*

Биз жанублик журналистлар ҳам «Хуррият»нинг ҳар бир сонини шеърдаги ўша «кичкина бола»дай интикиб, энтикиб шу билан бир пайтда бир оз «чўчиб, аланглаб» кутиб олар эдик. «Олмахондай» газетамиз билан «қўл ушлашиб» бефубор сухбатлар қуриш орзусида қаёкларгадир ошиқар эдик.

Газетанинг ҳар галги сонини чўчиб, аланглаб қарши олишимизнинг ҳам боиси бор эди. Ўша йиллари эски- totalitar тузум хизматкорлари бўлган «фаррошлар» хали тўла ховридан тушмаган. Истиқлол йўлини танлаган со- бик иттифоқдош республикаларни мустамлакачилик «қўраларига» қайта ҳайдаб кириш орзусида яшаётган ёвуз кучлар овози гоҳ у, гоҳ бу минтақада янграб қоларди. Бундай қора ниятли кучларга қарши foяни мустахкам тутган, қатъиятли нашр сифатида ўз муштариylари ишончини қозониб бораётган бу газетанинг тезроқ шармандаи-шармисор бўлиб, ёпилиб кетишини харислик билан кутаётган кучлар ўз республикамиз ичida ҳам кам эмасди.

Турган гапки, «Хуррият» тез орадаёқ ўзини тиклаб, кўплаб муштариylар қалбига йўл топди. Бора-бора шеърдаги ўша «кичкина бола» ўз Белласини излаб дераза тагига келганидай, тонг сахарлаб газета дўконлари олдида «Почта» машинасини кутиб турадиган бўлдик.

Тўғри, суюкли газетамизнинг айни кундаги адади кишини хурсанд қиломайди. Бироқ бу эълон қилинаётган материалларнинг бўшлиги ёки бадиий савияси ночорлигидан эмас, албатта. Бу ҳолат бугунги кунда олди-қочди гап қилмайдиган барча газета-журналлар бошидаги ўткинчи «савдо», десак хато бўлмас.

Шу үринде ножоизрок туюлсада, бир гап.

Шаҳрибону исмли аммамиз бўлардилар. У киши ширган таомлар, айниқса, паловини еб маза қиласдиқ. Мен «Хуррият»да эълон қилинаётган материалларни ана шу раҳматли аммамиз пиширган таомларга ўхшатаверман.

Тенгкур амакиваччалар, қариндошлар йифилсак отамизнинг яккаю-ягона ўша аммасидан хабар олгани йўрғалаб қолардик. Аммамиз хам ўз жигарлари, ўлик-тиригининг эгалари келганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетардилар. Дўппидеккина декчасида пиширган «ошимисан ош»ини бизга таломон қилдириб-едириб ҳузур қилас эдилар. Биз эса:

— Амма, ошни зўр пиширасиз-у, одам тўймай қолгани чатоғда, — деб маломат ҳам қилиб қўярдик.

Эҳ, хом сут эмган жигарлар-а! Амма бечора, кўнгил деб, тишининг ковагида сақлаб юрган уч-тўрт ҳовуч гуручи элакка солиб сўритокка осиб сақлаётган яrim қадоқ сур гўшти билан палов пишириб берганини айтиб ўтирамайди. Аксинча, ўзининг ҳам, бизнинг ҳам яйраб турган кўнглимизни чўқтирмайдиган ҳамишаги жавобини такрорлайди.

— Жигарларим-а, ошни кўпроқ дамласам бузилиб, bemаза бўлиб қолади-да...

«Хуррият»чиларнинг бугунги тутумини мен ўша қўли ширин аммо имконияти бундайроқ пазанда аммамнинг ҳолатига ўхшатаман.

«Хуррият» хур мамлакатимизнинг биринчи мустақил газетаси. Биринчи бўлиш доим ҳам осон бўлавермайди. Бироқ бугун таҳририят ижодий жамоаси ёш, мустақил мамлакатимиз фуқароларининг истиқлол, юрт озодлиги, истиқбол ҳақидаги туйфуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаб бориш йўлида катта ишлар қиласяпти, деб айта оламиз. Газетанинг ана шундай некбин мақсад йўлидаги изчиллиги сондан-сонга янада ёрқинроқ намоён бўлиб бораётганини таъкидлаш керак.

Аччик бўлса ҳам ҳақиқат. Материаллари нишхўрдга чиқмай ўқиладиган газеталар бизда ҳамон кам. «Хуррият» бу борадаги мавқеини қадамба қадам мустаҳкамлаб

бораяпти. Биздаги бу фикрни дўстимиз ажойиб журналист Улубек Раҳимовнинг мулоҳазалари яна ҳам мустахкамлади:

— Биласизми, «Хуррият» истараси иссик, юракка якин газета. Мен бу нашрни ўз сўзига, юзига эга нашр сифатида хурмат қиласман. Менимча, «Хуррият»нинг бугунги кундаги нурли қиёфасини ижодий имконияти ва интеллектуал салоҳияти анчагина юқори таҳририятгина бинога келтириши мумкин.

Ҳа, ҳамкасбимиз жуда топиб айтди. Биз уйимиз қаршисидаги газета дўкони сотувчиси Манзура опа Курбоналиева билан тез-тез аразлашиб қоламиз. Сабаби опа кўпинча, биз олишимиз керак бўлган «Хуррият»ни бошқа бирорга сотиб юборадилар-да. Шундай бўлсада, биз мақоламизни ўша опамизнинг газеталар, хусусан «Хуррият» хақидаги фикри билан якунлаймиз:

— Газета ўқувчига ҳар сафар меҳмон. Меҳмоннинг ром қиласидаги фазилати бўлмаса мезбон тезда совийди. Икки-уч ташрифдан сўнг эшигини тапа-так беркитиб олиши ҳам мумкин. «Хуррият» эса муштариylари учун доим кутилган меҳмон...

Ҳа, «Хуррият» бугун ўқувчилари орзиқиб кутадиган газета.

Қадрли «Хуррият»чилар! Ўқувчиларингизнинг ана шу орзиқиб кутишлари Сизларга муборак бўлсин, бардавом бўлсин!

2006.

ОБРЎЙЛИК ЛИБОС

Шу йил (2006)нинг февраль ойидан «Афанди» газетаси рангли, янгича тархда чоп этила бошлади. Табиийки, бу ўзгаришдан кулги шинавандалари жуда мамнун.

Шу муносабат билан, Андижон вилояти Избоскан туманидаги Тешикмозор қишлоғи чойхонасидаям асқиячилар йиғилиши бўлди. Унда «Афанди» газетасидаги янгиликлар муҳокама қилинди. Йиғинда айтилган фикр-

мулоҳазаларни қофозга тушириб, таҳририятга маълум қилишни газета саҳифаларида онда-сонда қатнашиб турвчи Оташ хоббонига тоширишди. У кўпчилик номидан ёзган мактубини тасдиқлатиб олиш учун ўқиб эширигаётган жойи:

* * *

Ассалўмалейким, Апанди бобо!

Эшакни лўкиллатиб, халаҷўпни шўппиллатиб, дўппини дол қўндириб, латипа, асқияни дўндириб, ялло қиле-еб юрибсизми... дейлик десак... гапларимиз ёнишимайроқ чиқяпти.

Нимага дийссими?

Ҳа биз, «Апанди»ни ана шундай тасаввур қиласади. Сиз бўсангиз... Тўгрисини айтўрелими?..

«Апанди» газитасининг салловхаси ёнига илгариги «политбўйра» аъзолириникидай қилиб сурратингизни солдирибсиз. Саловатингизи кўриб ҳазил қигани одам ийманади.

Сурратингиз ўзингизга ўхшамайди, демоқчимасмиз. Ўзингизни ўзисиз. Бироқ салла, яхта-чопонларингиз бизнинг тасаввуримиздагидаймасми-ей...

Илгарилари маҳаллаларимизда кирчималгина кийиниб, яйраб-ёзилиб юрадиган оҳсоқолларимиз бўлариди. Сурратга тушасиз, тўй-пўй ё майлис-пайлисга борасиз дейилса обрулик уст-бошини кийиб чиқишириди. Ашунда қишлиғимизда пайзли чолларам боракану, деб қувониб кетаридик.

Сизам газитага чиққани биронта мулланинг аҳорлигини «прокат-мракатга» омадингизмикин, деб сўрагимиз келади-ю, шундай нуроний оҳсоқолга ҳазил қигани тортиниб туриппиз.

Биласизми, бу ерда айб сиздаям, биздаяммас. Айб мустакилликкача бўган сиёсий тузимда. Ўша «таталабютар» тузимга ўзини ялангоёқ, юпунлар авлодиман. Отабувам жулдирямоқ, қашшоқ гадо эди, деб таништиранг пешанендан ўпиб, силабам кўяриди. Силариди-ю димоғига урилган тер хидидан ўқчиб, қусворгиси кептурга-

нини яширариди. Ха! Таомил шунақеди. Энди, бияғи алоҳида мавзу...

«Апанди» газитасига қайтелик.

Иккуч сондан бүён газета либосиям охорли бўлиб, сокол-мўйлови қиртишланиб, апт-ангорига қизил югуриб, гап-сўзлариям дадиллашиб қолди. Бундан аския ишқивозлари -- қишлоғимиз пуқаролари қувонди. Ҳазил қилсанг турилиб, тўғри сўзга бурилиб оладиганлар холоватидан путур кетди.

Тўғри, бозор сиёсати замонида газета чиқариш киин. Қийингинамас, озаб дўвиринг. Кўчада дайдиб юрган итни чии десанг, ўнлаб мамлакатлар қонунлари қимиллаб кетадаған зоманда бетовник, тасқара-табиатлар туркиға айнак тутиш... бу энди ҳазилакам ишамас.

Шу ўринда таҳририятдаги анча зукко, жонкуяр мулизимларингиз хизматлариниям бирров таъкидлагимиз келади.

Ўрни кеп қолди, яна битта гап. «Апанди»ни шу йил 16 февраль сонида ёзувчи Шодмон Отабек деган домламиз «Газитани бош йўналиши ҳажв, юмор, сатира доирасида бўғани маъқул. Айрим олди-кочди тафсилотларман боғлиқ материалларни чоп этишни ўйлаб кўриш керак», дентилар. Жуда тўри. Бу ҳамманинг кўйнидаги гап.

Шу ўринли бир таҳлип. Бу гаплар «Апанди» сахипаларини нишонга олиб қалам терватятган муаллиплар -- яъни ўзимизга ҳам тегишли. Зеро, қарс икки қўлдан чиққани маъқул.

Яна бир дўлвор, дийкони гапти таникли қизихчи Болтавой ака Тошматов айттилар. «Энди, тўнга яраша мазмунни бойитиш керак. Кулгимиззи миллий қирраларини очиб берадаған асарларни холейман», -- деб ёзибдилар у киши.

Бу борадаям гап битта. Иккаловлариям газитага вазипалар юхлаб, масулиятти ўзларидан хориж қилавурмей, кулгимизнинг миллий қиёпасини очиб берадаған асарларди ўзимиз, жўшиб ижод қилишимиз керак, деганларида «дода» гаи бўламиди...

«Апанди»га овруйлик либос кийдиришти «Шарқ» нашриёти кампанияси ўз зиммасига опти, деб эшитяппиз.

Агар шу гап рос бұса, үша жамоаниям ишларига Худоривож, топғанларига барака берсін. Ишчи-хизматчилари лавидан «Апанди»ни хандаси аримасин!

Эшакни хих денг... Эй, йүр-ей, отти қамчиланг энди, «Апандим»!

Тешикмозорлик бир гуруппа газитахонлар номидан, ахтип муаллипингиз, Оташ хоббони.

Кишлоқдошлари мактубини таҳририятта әлтүвчи:
Абдунаби Бойқұзиев.

2006.



КОЛДИ
ФАЛОНДИН
ЯХШИЛИК



ЭХ, ОДАМЛАР!..

Азимжон деган танишим бор. Олий ўкув юртларидан бирининг кечки бўлимида таълим олади. Кундузи қуришда фишт терувчилик қиласди. Бир-биrimiz билан тез-тез йўклишиб турамиз.

Азимжон ҳақгўйлиги, ҳалоллиги, куюнчак, меҳрибонлиги билан ажralиб туради. Ноҳаклик ғалаба қилган жойда чидаб туролмайди.

Курилишга янги ишга кирган пайтлари эди. У ердаги қаллобликлар ҳакида жиғибийрони чиқиб гапириб юрди. Дастрлаб «Фалончи кин-қизил ўғри, мен унинг шармандини чикараман», дер эди. Шундай қилибди ҳам: Бир йиғилишда сўзга чиқиб, қанчадир минг сўмлик курилиш материалларини «гум» қилиб юборган прорабнинг кин-ғирликларини фош этибди. Лекин натижа у ўйлаганчалик бўлиб чиқмабди. Қўли эгри прорабни хўжа кўрсинга жазолашибди, холос. Енгилгина, хайфсан билан кутилиб қолган прораб, «хап сеними», деб қўйган экан, Азимжонни бошқа участкага, маошининг мазаси йўқрок ишга ўтказиб юборди. Шундан кейин Азимжон нопок кимсалар тўғрисида гапиргудек бўлса «Бундай нусхалар билан олишиб бўлмас экан», деб қўйишга одатланди. Бориб-бориб қурилишдаги камчиликлардан мутлақо оғиз очмайдиган, борди-ю, бошқа бирор гап очганда ҳам муносабат билдириб ўтиrmайдиган бўлди.

Бир куни у бизникига меҳмон бўлиб келиб қолди. Нон-чой устида, гап айланиб лоқайд кимсаларга бориб тақалди. Меҳмонимнинг қотма, бақувват бармоқлари туғилди. Кейин «Эх, одамлар...» дея муштини бир сермади-ю, бошидан ўтган бир воқеани тўлиб-тошиб гапира кетди.

* * *

— Киш кунларидан бири эди, — гап бошлади Азимжон, — ишдан кечроқ қайтдим. Дарс бошланишига саноқли минутлар қолибди. Апил-тапил ювиниб, кийин дим-да, китоб-дафтаримни қўлтиклаб, бир бурда нонни

йўл ўлакай ковшанганимча бекатга қараб чопдим. Бахтимга, автобус ҳам тезгина келақолди. Одам тирбанд экан. Тик турган кўйи конспекти мни очиб ўқишига тутишим. Бир маҳал олд эшик томондан аёл кишининг қўркув на хаяжон билан қичкиргани эшитилиб қолди:

Вой-дод! Ёрдам, ёрдам беринглар!!!

Автобус тўхтади. Бақириқ-чакириқ тинмас эди. Аёл хамон зорланар, ён атрофдагиларни ёрдамга чақиради.

Туртина-суртина ўша томонга интилдим. Эшикка копкоқ бўлиб, кора чарм куртка кийган, тақа мўйловли «говда» туриб олибди. Унинг ёнида эса баланд пошна, тумшуғига ялтироқ мис қопланган ботинкасини зинага тираб, қўлидаги узун пичоқни девдай келадиган бир одамга ўқталиб иккинчи йигит турарди. «Дев» ҳалиги аёлнинг эри эди. У қўркувдан қалт-қалт титрар, қўзлари косасидан чиққудай катталашиб кетгандай. Аёл эса ҳадеб эрини орқага тортқилар, одамлар орасига ўтказиб юбормокчи бўларди.

Пассажирлар ҳам ҳар эҳтимолга қаршими, қўркувданми, зўр бериб орқага тисланишганидан безорилар билан йўловчилар орасида анчагина жой очилиб қолган эди.

Аёлнинг ранги-қути шундай ўчиб кетган эди-ки, унинг бу ахволи ҳар қандай заиф одамнинг ҳам фурурини исёнга келтирадиган даражада аянчли эди. Шоир айтганидай:

*Агар ҳаммамизга маълум кўргулик
Юз бергудай бўлса, мабодо
Мендан ёрдам сўра,
Жоним!
Шунда ўлмайман мен
Ёрдам сўраётган аёл қошида...*

Йўқ, бу ерда шоир айтган мўъжиза содир бўлмади. Аёлнинг зорланишлари девсифат эркакнинг фурурини исёнга келтиrolмади. Автобусда томошибин бўлиб турган одамларнинг ярмидан кўпи эркаклар бўлгани ҳолда, ёрдам сўраётган аёлни сезмадилар. Тўғрироғи, сезишни истамадилар. Ўртарокда ўтириб кетаётган олимсифат ким-

са қий-чувни ҳам, автобуснинг тұхтаганини ҳам пайка-
масликка ҳаракат қилди. Ўқиб кетаётган китобига ~~кат-~~
тиқроқ мухрланди. Унинг ёнида келаётган уч киши эса
эрта билан түйга боришгани, ош жуда лаззатли бұлгани,
чойнакка қуйиб келтирилған оқидан қиттак-қиттак отиш-
гани ҳақида оғизларидан суви қочиб хикоя қилишарди.

Хуллас чидаб туролмадим. Босиқлик билан безори-
ларни инсофга чорладим.

- Нима кераги бор жанжални, оғайнилар?!
- Ишинг бұлмасин. Жұна! — хезланди менга тақа-
мүйлов. — Жонингда қасдинг борми?!
- Хұв бола, ичак-чавағингни ағдариб құяйми? —
құшимча қилди пичоқлisisi.

Ички бир нафрат билан чамалаб күрсам, икковига
ҳам бемалол кучим етадигандай. Яна аёлнинг эри ҳам
менга құшилса борми... Сур-сур билан пастга тушдик.
Жиққа-мушт бошланиб кетди.

Шу пайт автобус ичидан яна ҳалиги аёлнинг таниш
овози янгради:

- Ҳой, шопир бола, нега анқайиб турибсан?! Ҳай-
дамайсанми!

Шопир бола аёлнинг огохлантиришилиз ҳам аллака-
чон рулға үтирган. Күтилганига минг қатла шукур қилиб
стартерни босишиға ултурған әди.

Пичоқли безорининг ҳамласини даф қилиб иккинчи-
сига ташландим. Кейин... бошимга тушган зарб құзим-
дан үт чиқарып юборди.

Хушимга келганимда на автобус, на аёл, на «дев», на
олимсифат китобхон, на ошхұрлар қолган әди. Рақибла-
рим ҳам мурод ҳосил қылғач, жуфтакни ростлашиби.

Тепамда илгаритдан күз таниш участка милиционери
туради:

- Күр-күрона ҳалоскорликнинг оқибати шунақа бұла-
ди, үғилбола, — танбек берди милиционер. — Нима
қиласардинг үртага тушиб. Омон қолганингга шукр қил.

Милиционер «үғилбола» сүзига шундай урғу берди-
ки, унинг назаридан мен бўлар-бўлмасга қанотларини та-
пиллатувчи хўрозча әдим. Бундан чиқдик, милиционер
ҳаммасини кўриб, кузатиб турган. Ундей бўлса нима
учун безориларни ушлаб қолмадийкин? Наҳотки, у ҳам

томушабин бўлиб тураверган бўлса! Балки улгуролмагандир.

Ўша фурсатда мулоҳаза юритишга мадор қайда дейсиз. Сочларим орасидан сизиб чиқаётган қон юзимга шувиллаб, кийимларимга томар, жароҳатим жиддийлигини сизиб турардим.

Ўтган-кетган машиналарга қўл кўтараман, қани тўхтаса. Аҳволим минут сайн оғирлашиб борарди. Алҳол, олдимга икки кишилик инвалидлар машинаси келиб тўхтади. Рулда ёши етмишларга бориб қолган чол. «Ҳар холда уруш кўрганда, ботинди», ўйладим ичимда. Чол эшикни очиб мени ўтқазди-ю шу орадаги поликлиникалардан бирига олиб борди.

Кетма-кет укол қилишди. Бошимнинг ёрилган жойидан соchlаримни қийиб, артиб — тозалаб тикиб қўйиши. Шундоққина тепамда куймаланишаётган шифокорларнинг гап-сўзлари олис-олислардан эшитилаётгандай туюлади:

- Мияси чайқалганга үхшайди.
- Касалхонага олиб бориш керак.
- «Тез ёрдам» чақиринг!

«Тез ёрдам» дегани ҳам икки ярим соат деганда аранг етиб келди. Мен буни поликлиника шифокорлари билан «Тез ёрдам» шифокорлари ўртасидаги можародан билиб ётардим:

- Нима бало, тошбақанинг тухумини ютганмисизлар?!
- «Визов»нинг кўплигидан нафас олишга қўл тегмайди. — Жавоб берди «Тез ёрдам» шифокори.

Шундан кейин нима бўлганини эслай олмайман. Хушимга келганимда шифохона йўлагида ётардим. Шу аҳволда чамаси уч соатлар қолиб кетдим. Бирор «Итмисан, эшакмисан?» демайди. Мендан кейин қўли синган бошқа бир йигитни олиб келишди. Ҳамширалар уни иззат-икром билан кутиб олдилар. Бири қўйиб, бошқаси парвона. Палатадаги жойни «зайнит» қилиб ётган қайси-дир «қуруқ» бошқа ёққа кўчирилиб, унга жой ҳам бўшатилди.

Қарасам иш чатоқ бўладиган. Ёнимдан бепарво ўтиб кетаётган оқ халатли аёлни секин имладим:

— Ёрдам беринг, опа. Оёқка туриб кетсам... хизматингизни қиласман.

Оқ халатли аёл тушунди шекилли зум ўтмай қайтиб келди. Ха «хизмат» сўзи ўз кучини кўрсатди. Ўн минут ўтар-ўтмас, ўзимни палатада, оқ халатли, меҳрибон шифокорлар куршовида кўрдим.

Эрта билан каравотим ёнида, қўлида қалам-қоғоз, терговчи турарди:

— Нима гап оғайнин? Муштлашдик денг!

Мен «ха» деган маънода бинт билан ўраб ташланган бошимни қимирандим.

— Танийсизми уларни? — сўради яна терговчи.

— Кўрсам танийман, — дедим мен.

— Ундей бўлса иш чатоқ экан-ку оғайнин. Исмлари бундай. Фалон жойда ишлайди ёки яшайди деб айтмасангиз...

Мен индамадим. Терговчи ҳам доканинг орасидан кўриниб турган кўзларимга узоқ, лекин маъносиз тикилиб тургач, ясама илтифот билан муддаога кўчди:

— Гап бундай. Йиқилиб бошимни темирга уриб олдим, деб ёзиб берасиз. Бошқа илож йўқ.

Начора, терговчи истаганича бўлди. У осонгина кутулганидан хурсанд бўлиб палатадан чиқиб кетди. Шу кетганча қайтиб мени безовта қилмади.

Икки ойда соғайиб чиққан бўлсан ҳам, узоқ вақт шифокорлар назоратида бўлдим. Яна бир неча муддат ишлаш тугул, ўқишга ҳам рухсат беришмади. Кейинчалик мутлақо соғайиб кетдим. Лекин юрагимнинг аллақаेрида ўша кундан мерос бўлиб қолган қалб жароҳати борки, бундан бир умр қутулолмасам керак.

* * *

Ха, илгарилари ноҳақлик озгина бўлсин ғалаба қилган жойда ўзини тутиб туролмайдиган Азимжон, кейинги пайтларда камгап, оғир-босиқ бўлиб қолгани, илгарилари унинг ҳаяжонига сазовар бўлган воқеа ва ҳодисаларни энди бамайлихотирлик билан кузатаётганини куриб, инсон характеристи шу қадар тез ўзгариши мумкинлигидан ҳайрон бўламан.

Кейинги пайтларда у юқоридагидай қонини қайната-

диган ходисаларнинг устидан чиқиб қолса «Зарурмикан шу ишга аралашишим», дея ўйлайдиган ёки «Менга деса, бир-бировингни ғажиб ташламайсанларми», дея қўл силтаб кетадиган бўлиб қолди.

Ундаги бу қалб жароҳати — лоқайдлик қачон пайдо бўлиб, қачон газак олақолди экан? Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиб кун кўрувчилар, «ҳайфсан» билан кутулиб кетиши мумкинлигини кўргандами? Ёки ҳаромхўр прорабнинг қули узунлигича қолиб, ўзи бошка участкага қувғин қилингандами? Эҳтимол ёрдам сўраб бакирган аёл, хатардан кутулиш имконияти туғилгач, шопир болага қичкирганда, балки милиционер деган номга доғ туширган кўз танишини учратганда, балки шифохонада «хизмат» сўзининг қудратини англаб етганда пайдо бўлгандир?

Ҳар қалай дўстимнинг руҳиятидаги бу кескин ўзгариш ҳакида жуда кўп ўйладим.

Бу нима экан? Кўркоқликми? Шундай ҳақиқатгўй йигит қўркоқ бўлиб қолса-я! Ёки лоқайдликмикан? Балки, бу эҳтиёткорлик аломатидир? Қани энди шундай бўлса...

1984

ШИФОХОНАЛАР ҲУВИЛЛАБ ҚОЛСА

Масъуд aka шифохона ховлисидаги эртаки гилосларнинг гул очай деб турган сурх навдаларига жимгина тикилиб қолди. Табиатнинг бутун вужудида баҳор тўлғофи: Дилларни қитиқловчи наврўз насими ела бошлиди. Киш ва баҳор ўртасидаги олатасир дақиқалардан омон чиққан, патлари шалаббо, кора-қура қушчалар, қуёшнинг нимжон нурларидан ювиниб-тараниб, ўз жуфтлари билан жонсарак кезинади. Сочларига қатиқ суртиб, жимгина хаёл сурган муnis мажнунтоллар, энди ҳайдар кокилларини анҳор сувларига чайиб, ороланиш тараддулага тушиб қолган.

Бу ёғи омон-омонлик, — ўйлади у. — Кунлар исиб кетса, мана бу дардманд болаларнинг бадан-бадани яй-

райди. Вужудидаги рутубат тарқаб, рухларига тетиклик югуради. Күм-күк ўт-ўланлар устида ўмбалоқ ошиб ўйнашади. Шифокорнинг хар бир харакатидан умидвор бўлиб, фарзандларининг бир бор қиқирлашига жонижахонини нисор қилишга шай оналарнинг қалбларига ҳам қувонч, шодлик кириб келади.

Масъуд ака ҳамшира кизнинг оёқ шарпасидан ўзига келди. Ширин хаёлга чўмибми, чарчаганиданми, ўтирган жойида кўзи илинган экан.

— Қизчанинг ахволи қалай? — сўради ҳамширадан.

— Иссиғи 37 яримга тушди. Корнидаги шиш ҳам пасайди. Ўзиям роса қайт килди-да. Хозир анча яхши ухлаб қолди.

Доктор қизариб кетган кўзларини базур очиб ҳамширага тикиларкан, енгил нафас олди. Ҳайрият, хатар ўтиб кетди. Озгина бепарвонлик қилинганида қони заҳарланарди.

— Олти соат давомида болага овқат берилмасин. Ўзингиз кузатиб туринг, онасининг ялиниб-ёлворишига ҳам қулоқ солманг. Ёдингизда бўлсин, бизнинг касбимиизда меҳр жуда-жуда зарур. Лекин меҳрибонлик билан кўнгилчанликни ҳеч қачон чалкаштирмаслигимиз керак.

У кеча эрта билан уйидан чиқаётганида рафиқаси Сабоҳат опанинг:

— Дадаси, бугун ҳам хуфтоннинг калитини белингизга тугмай, эртароқ келинг. Баҳор келиб қолди. Хуршидни ёнингизга олиб, ховли-ҳаятни тимдалаб, ул-бул сепиб беринглар, — деб зорлангани ёдига тушди.

Хуфтон тугул, тонг отди ҳамки, у шу ерда.

— Бечора Сабоҳат, туни билан мижжа қоқмай кутгандир, — ўйлади у ичида.

Нима ҳам қилсан, болани ўша ахволда ташлаб уйига кетолмайди-ку. Борди-ю, кетганида ҳам тинч ухлармиди. Еган-ичгани ичига тушармиди.

Ҳар қалай, гўдак омон қолди.

— Масъуд ака қизалоқнинг касаллик варақасини қўлига олиб, унинг «исми» деган жойига кўзи тушди-ю, дили ёришгандай бўлди: исми Райхона эди. У энди уйининг ховлисига сепиши керак бўлган район ҳақида ўйлай бошлади...

Эх-хе, Масъуд ака озмунча болаларнинг ҳаётини саклаб колдими. Унинг қўлида шифо топиб кетган, йиллар ўтиб, катта-катта йигит-қизлар бўлиб қолишсада, йўклаб турувчилар қанча.

1979 йил эди. Тошкент районидан Сайрамбек исмли 6 ёшли болани олиб келишиди. Иссиғи 39—40 даражада. Дарди жигарида эди. Шифокорлар ўртасида гап қочди. Биринчи жигар саратони деса, иккинчиси фақат йириングлаган, деган хulosса беришарди. Мана йигирма беш кунки, бемор харорат ва оғриқнинг кучидан рамакижон бўлиб ётибди. Шахардаги қўпгина таникли жарроҳлар, онкологлар чакирилди. Хамма ҳар хил фикрда. Масъуд Қодирович ҳам иккинчи гуруҳ чиқарган хulosса тарафдори: операция қилинса яшаб қолиши мумкин. Лекин обрўли бир профессор бунга қарши унинг фикрича, бола жигар саратонига йўлиқкан, операция қилиш ҳам, даволаш ҳам бефойда эди. Масъуд аканинг:

— Бола рак эмас. Операция қилинг, профессор, — деган илтимослари ҳам ҳавода қолди.

Начора, болага «Эмитин» ёки «Резархин» топиш керак. Акс ҳолда...

Лекин қаердан топади ўша дорини. Ёмон асорат колдириши исботланиб, ишлаб чиқаришдан олиб ташланган — анқонинг уруғи-ку. Ноумид шайтон. Ҳаракат қилиш керак.

Масъуд ака шаҳардаги дорихоналарни кезиб чиқди. Ҳайрият, биттасининг бир бурчагида икки-учтаси қолиб кетган экан...

* * *

Хозир Сайрамбек 16 ёшда. Тез-тез келиб туради. Факат «Эмитин» асоратидан қулоғи оғиррок бўлиб қолган. Ҳар қалай, соғ-омонку. Ўшанда ановиларнинг хulosасига қўшилиб, «Бор-е», деганида нима бўларди? Бирор уни суд қилармиди? Аммо виждан азобичи? Шифокор учун энг олий суд — виждан эмасми?

Сайрамбекнинг ота-оналари ҳам, Масъуд акани кўрди дегунча, ўз жигарларидек бағрига босишади. Тўғри-да, унинг меҳри, муруввати, қайси жигарникидан қолишиди. Ортиқ бўлса, ортиқ, аммо кам эмас.

* * *

Масъуд ака дилбандининг дардига шифо истаб келгани ҳар бир онадан биринчи навбатда:

— Гүдак эмадими, йўқми?

Бола каттароқ бўлса:

— Кўкрак сутига тўйганми? — деб сўрайди.

Унинг айтишича, касалликнинг чекинишида бу омилларнинг аҳамияти катта экан.

Эрта билан шифохонага кириб келганида эса, даставал эътибор берадиган нарсаси — оналар кайфияти.

— Оналарнинг кайфиятини ҳаракатларимиз натижасини жуда аниқ кўрсатувчи «термометр»га ўхшатаман, — дейди у.

Масъуд Қодировичнинг бир одати бизни қизиктириб колди. У кўпинча бемор болаларнинг юзини, бармоқлари билан беозоргина қимшиб, тортиб қўяр эди.

— Бу шунчаки эрмак ёки одат эмас, — дейди у сўзида давом этиб. — Бунинг хосияти бор. Шу бир чимчиласи билан болани ҳам эркалатаман, ҳам муолажаларимиз самарасини билиб оламан. Агар дори-дармонларимиз фойда бераётган бўлса, боланинг юзи таранглабишиб, «реакцияси» ҳам ўзгариб боради.

Баъзи болалар шифокорнинг бу одатига шундай ўрганиб қолишадики, гоҳо эътибор бермай ўтиб кетгудай бўлса, хатти-харакатлари билан норозилик изхор қилишади.

— Лекин шифокор меҳрини пулга чақувчилар ҳам учраб туради, — дейди у афсус билан.

Бундай дейишининг боиси бор эди. Бир куни Масъуд ака қабулига ёшгина бир йигит киради. Қўлида тўрт бурчак конверт, аста яқинлашиб:

— Ўғлимиз сизнинг қўлингизда экан. Шу арзимас нарсани оз бўлса ҳам кўпнинг ўрнида кўрасиз, доктор, — деб колди.

Сездики, пул. Нима қилиш керак? Ҳархолда, оғирлик килгани маъқул. Йигитни ёнига ўтқазиб, туриштурмуши, оиласи ахволини суриштириди. Тўрт бола, хотин, қолаверса, ота-онаси ҳам шу йигитнинг қўлига қараб кун кечирар экан. Ортиниб бирорга беш-тўрт сўм берадиган сиёки йўқ. Нафсонияти қанчалар таҳкирланган

бўлса ҳам йигитга қаттиқ гапирмади. Йигитнинг ўзи Масъуд аканинг важоҳатидан номақул иш қилиб қўйганини сезди шекилли, кечирим сўраб чиқиб кетди.

Кўпинча, «Мен фалон жойда ишлайман», «Боламга ёхуд жиянимга тузукроқ қарасангиз», деб илтимосни расмий оҳанғга ўраб мурожаат қилувчилар ҳам учраб туради. Масъуд ака эса кўп йиллик иш тажрибасида бундайларни кўравериб тўғриси, ажабланмай ҳам қўйган.

Ана шундай нохуш пайтларда негадир отаси – ўзбек халқининг буюк ёзувчиси Абдулла Қодирий кўз олдига келаверади. У ўз ўғилларининг шифокор бўлиб етишишларини, дардманд кишиларнинг дардларига малҳам бўлиб юришларини кўп орзу қилган эканлар. Мана Қодирий ҳазратларининг орзуси ушалди. Акаси Хабибулло Қодирий ҳам, ўзи ҳам шифокор бўлиб етишдилар.

Улуг адаб ўғилларининг камолини тилаган ўша асно Қодирий деган номнинг шифокор халатидек оқ ва поки-за сақланишини ҳам орзу қилган бўлса ажаб эмас...

* * *

Масъуд ака Райҳонанинг аҳволидаң яна бир бор хабар олди. Кўнгли хотиржам бўлди шекилли, юз-қўлини ювиб, кийимларини алмаштириди-да, уйига йўл олди.

Баъзан касаллик қархисида шифокорлик меҳри, укуви, ҳаттоқи тибиёт илми ожиз қолган пайтлар бўлади. Масъуд ака ҳаётида ҳам бундай дақиқалар кўп бўлган. Лекин бугун унинг кайфияти чоғ. Чунки Райҳонанинг худо хоҳласа бутунлай соғайиб кетишига ишончи комил. Ҳозир ундан кучли, ундан баҳтиёр одам йўқ. Қани энди, табиат унга шундай қудрат ато қилсаю, шифоҳонада ётган бемор болаларнинг ҳаммасига бир зумда соғлик улашиб, уй-уйларига ижозат бериб юборса. Дардманд жужуғига шифо тилаб келган ота-оналарни ўша дақиқадаёқ муродига етказса. Қани эди, дунёдаги жами касалхоналар бемор болаларсиз хувиллаб қолса.

Қани энди шундай бўла қолса...

ЛҮМ СҮЗИ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Бундан бир неча йил илгари укам Абдуманнобнинг «Запорожец» автомашинасида Қибрай посёлкасига бормоқчи бўлиб йўлга чиқдик. Хиёбондан «Болалар дунёси» томон бурилаётуб йўл қоидасини бузиб қўйдик. Мујалишда йўл оғаси турган экан, тўхтатди. Укам унга канча эланмасин хужжатларини қайтариб ололмади. Орага тушишим, нимадир деб йўл посбони кўнглини юмшатишм керак бўлди, назаримда.

— Кечирасиз, ўртоқ капитан. Айб менда. Ўнга бурилишимизни кечроқ айтибман. У шошиб қолди. Бир яхшилик қилинг, ҳархолда меҳмон...

Укам ҳам гуноҳкорона узроҳлик қилди:

— Меҳмонмиз ака. Тошкент катта шаҳар экан, йўллар нотаниш. Шунда, йўл оғаси:

— Меҳмон бўлсангиз жуда яхши. Кечқурун уйимга келасиз, бошимга қўяман. Ҳозир эса хизматдаман, — деди-ю биздан узоқлашди. Вақтимиз зиқ эди. Бетоқат бўлиб яна миришабга яқинлашдик. Шунда у менга:

— Кечирасиз, ўзингиз қаерда ишлайсиз? — деб сўраб қолди. Тўғрисини айтдим:

— Қаламкашман, — кўнгли юмшармикан деб, қўшиб қўйдим. — Ҳамкасларингиз билан ҳамкорликда мақолалар ёзганман.

Йўл назоратчиси юзимга қандайдир истеҳзоли тикилиб деди:

— Яна нималар ёзасиз?

— Янами, оз-моз шеър машқ қиласман.

— Э, ҳа, шоирман денг. Мана бу қандай бино?! У жумҳурият Ёзувчилари уюшмасига ишора қилаётган эди.

— Ёзувчилар союзи (у пайтда жумҳурият, уюшма сўзлари ибтидоий хисобланиб, ишлатишга ор қилинади), — жавоб бердим мен.

— Туроб Тўлани биласизми? Одил Ёқубовничи?

Менга бир оз жон киргандай бўлди.

— Бўлмасам-чи, уларни ким билмайди!

— Навоийни-чи, — дадиллашди у.

— Ҳар ҳолда Навоийни ўқимаган одам бўлмаса керак.

— Ундей бўлса Иззат Султон билан Уйғуннинг «Навоий» драмасидан ўқиши қиласиз. Бир мисра мен ўқийман, бир мисра сиз, келишдикми?

Байт-баракнинг ярмига бормаёқ йўл оғаси ғолиб чиқди. У менга навбатдаги шартини кўндаланг қилди.

— Мана сиз газетачисиз. «Лўм» сўзининг ўзбекчаси кандай бўлади? Айтиб берсангиз, мана «права», олиб кетаверасиз, — деди у укамнинг ҳужжатларини кўрсатиб.

— Қанақа «лом», араб ҳарфими? — дедим мен ҳайрон булиб.

— Йўқ, ер ковладиган икки учи ўткир, узун темир, — таъкидлайди у.

Гапнинг рости лом сўзининг қайси халқ қаломига мансублигини ўйлаб кўрмаган эканман. Хотирамни шу титкилайман, қани энди тополсам. Чунки бу асбобни доим «лом» деб ёзишарди. Тўғрироғи ёзар эдик.

— Лом-ломда, — дедим мен ноилож.

— Ана шунақасизларда, сиз қаламкашлар, — деди у зарда билан ва укамнинг ҳужжатларини машина капоти (копот сўзи қандай ёзилишини ҳам билмаслигимни таноламан) устига тапиллатиб ташлади. — Бораверинглар. Мен ўз она тилини бузиб, мисрангни лом деб ёзадиганларнинг ҳужжатини ҳам ушламайман.

Ўшандада ўз она тилига, адабиётига шу қадар хурмат билан қаровчи бу милиция ходимига таҳсинлар айтиб жўнаб кетдик.

Кета туриб ўйладим. Қани энди тил қонун-қоидасини бузувчиларга ҳам буюк адабимиз Абдулла Қаххор айтгандай, жазо, ҳеч бўлмаса жарима белгиланса. Палаҳса-палаҳса материалларимиз билан матбуот сахифасига чиқишдан олдин бир оз «андиша» қилиб қолармидик...

1984.

ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ ТИРИК

Биз ҳаётда ўз вазифасини ижро эта туриб ҳалок бўлган кишилар ҳақида кўп эшитганмиз. Фазогир, ҳайдовчи, кончи, қоячи... Бу касб эгалари ҳар дақиқа хавф-хатар

билин ҳамнафас бұлар экан. Шунинг учун ҳам улар ҳалокатга учрасалар фожиали вафот этди, деб эълон қилишади. Бирок дунёда шундай касблар борки, уларнинг сохиблари ишга тушишларидан олдин табиб күригидан үтмайди. Борди-ю, иш устида вафот этсалар ҳам фожиали үлім топди, деб эътироф этилмайди.

Масалан, санъаткор! Айтишларича оташнафас хофиз Маъмуржон ғұзоков ҳам құшиқ айта туриб, жон таслим қилған экан. Лекин бу муборак зотни ҳам ҳеч ким фожиали ҳалок бұлған демади. Чунки у учувчи ёки қоячи әмас, Санъаткор әди. У тоққа әмас, одамлар қалбини забт этмоқ орзусида, бор-йүғи саҳнага чиқарди, холос. У одамзодни етти қават осмонга чиқиб ёки етти қават ер остига тушиб ҳайратта солмасди. Балки шундокқина, одамлар орасида туриб ишларди. Афсуски, санъаткор шундокқина одамлар қаторида туриб инсонни мислсиз юксакликларга олиб чиқиши, дунёда бирон кончи ёки ғаввос забт эта билмаган қалб тубсизликларига олиб тушиши мүмкінлиги ҳақида үйлаб үтирамаймиз.

Бизнингча шоирлар ҳам ана шундайлар сирасига мансуб: ҳеч қачон иш устида фожиали ҳалок бұлмайдилар. Андижонлик ёш шоир Ахмаджон Долиев ҳам мушоира пайти (1988 йил, 24 февраль куни) назм мухлислари күз үнгіда шеър үқиб туриб, юрагини чангалағ, ҳаёт билан видолашди. Шифохонага олиб бориб текширдилар. Тилининг остида эриб улгурмаган волидол ётар әди... Уни ҳам ҳеч ким фожиали үлди, деб ёзмади. Үлім билан олишиб шеър үқигани, жон чиққунча одамларга нимадир айтиб қолишга ошиқкан 32 ёшли бу йигитта ҳам үлемидан сүңг унвон ҳам, мукофот ҳам берилмади. Фарёд солиб қолган муштипар ёри Гулнора, унинг этағини тутиб бүзлаган уч сафири – Шерзод (6 ёш), Хуршид (7 ёш), Бобур (9 ёш)ларни қаҳрамоннинг оиласи сифатида ҳеч ким ардоқлаётгани ҳам йўқ. Уларга ўз оталаридан икки-уч умумий дафтарлару рӯзнома ва ойномаларда чоп этилған ҳамда дафтарларда қолган бир қанча ҳаяжонли мисралар мерос, холос.

Тўғри Ахмаджоннинг юраги хаста әди. Жияни Адхамжоннинг хикоя қилишича шоир Андижон клиник шифохонасида ётганида хонага бир гурух талабаларини етак-

лаб доцент кириб келади. У шоирни кузатар экан, талабаларга қараб, ўрисчалаб: «Бу касал узоги билан ўн йил яшайди, холос», деб айтиб қўяди. Бемор эса ўрисча лисонни жуда яхши билар эди. Шу-шу у ой кунларини санай бошлади. Юрак ҳақида юракларни эзувчи шеърлар ёзди. Гоҳо хотинини чорлаб: «Китобларни эҳтиёт қил. Болалар ўқийди», дерди. Гап орасида «Бобур менинг ўрнимга ота бўлиб қолади-да», деб қўярди. Гулнора эса бу гапларга унча эътибор қилмасди. Чунки шифокор олимнинг оғзидан чиққан ўша мудхиш ташхисни шоирнинг ўзидан бўлак ҳеч ким билмасди. Эҳтимол, талабалар ҳам бу гапларни «палата» остонасидан хатлабок эсларидан чиқаришгандир. Олимнинг сўзига ўн йилдан ошгач, шоирнинг шикаста юрагидан ушбу мисралар сизиб чиқди:

*Юрак тунда огрий бошлади яна,
Кўкрак қафасимга ҳаво тўлмайди.
Пичирлайман чала шеърим устида,
Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди.*

*Мухлисим, юлдузлар шуъласи тирик,
Ишқивозим – хилол нури сўлмайди.
Демак, кутмоқдалар янгича битик,
Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди.*

*Тонг отар боғларда уйгонар ҳаёт,
Куёш осмонимни нурга бўяйди.
Мухлисим – майсалар, гуллар барҳаёт,
Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди.*

*Доктор пучак чиқди кароматингиз,
Тўғри, юрак санчигини қўймайди.
Ўн йил ўтди ҳамон яшамоқдаман,
Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди.*

*Юрагим, бардам бўл, уриб тур, ахир.
Онам дуолари бизни қўллайди.
Онамга шеър бошлаб қўяман, ҳозир
Шеърни тугатмасдан ўлиб бўлмайди.*

Афсуски шоир ўзига-ўзи қанчалар далда бермасын дард ўз ишини қилди. Она — Ҳалима аянинг илтижолари ҳавода муаллақ, шоирнинг унга атаб бошлаган шеъри тугалланмай қолди.

У ўз машқларини мүъжазгина тұплам ҳолига келтириб «Камалак» нашриётига топширгани, құлөзма ноширлар томонидан бирмунча илик баҳолангани ҳақида эшитганимиз бор. Агар шу самимият рост бұлса, мархұм шоир рухи ҳурмати китобча чоп этилса, аввало савоб, қолаверса бу уч сағир ўғли ва муштипар аёлнинг ғамбода қалбига бир оз бұлсада ёруғлик, таскин бағищаған бұларди.

Талантлар Хизр назар қилған юртларгагина ато этилгуси. Бирок талантли кишиларни түкқан әл уни ардоқлаши, қадрлай билиши ҳам керак. «Гуржистонда маданият тарихига оид бұлса ўлган отнинг тақасини ҳам баҳмалға қадаб осиб қўйишар экан», — деб ёзған эди Абдулла Қаххор домла. Аҳмаджон бир вилоят фахр қиласа арзигулик шоир бўладиган бир жаҳон йигит эди. Афсуски, биз уни асрай олмадик. Агар балиқчиликларга малол келмаса, у туғилиб ўсган Олимбек қишлоғидаги мактаб номини унинг исми шарифи билан аташса, мархұм шоирнинг рухлари бенихоя шод бўлур эди. Ахир отнинг тақаси билан шоир ёзған ажойиб мисралар ўтасидаги фарқни балиқчиликларга исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Борди-ю, унинг оиласига нисбатан кимларнингдир қалбида ёрдам меҳр-шафқат хислари уйғонган бўлса бундай сахий қалб соҳиблари умри ни ҳам Аллохнинг ўзи мунаввар қилсин.

1993.

ОМОНМИСИЗ, ЭСОН ҲОФИЗ?

Дехқон фарзанди Эсонбой акани шаҳрихонликлар оддийгина қилиб «Ҳофиз» дейишади.

Ха, Эсон ҳофиз Кодиров кирқ йилдан ортиқ далада ишлади. Ишлагандаям, юракдан чиқариб, беармон ишлади. Тупроқни алдамади, ғирромлик қилмади. Ерга меҳр

билан бокди. Жүякларга сувни ихлос билан таради. Фұзаттың ягана килса, сидқидилдан килди. Пахта теримига юзим сеникидай оқ бўлсин, деб киришди.

Аммо у бу баҳтини күшиқдан топишини, күшиқ орқади юртга танилишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Бир куни у...

Ғұзалар оралаб юриб, беихтиёр хониш қилгиси, Маъмуржон Узоков бўлиб куйлагиси келди. Дастреб «Фигонким»...ни, кейин «Ёр истаб», «Айрилмасин»ни хониш қилди.

Зугатасини зиркиратиб кетмон чопаётган бўз йигитлар хайрон. Дуррасини дол қўйган шўх қизларнинг хаёли паришон:

— Бизнинг шу даламиздан Маъмуржон Узоков чикса-я!

Унинг ширали, жарангдор овози Пахтаобод қишлоғи далаларидан чиқиб колхозни, туманни, вилоятни ишғол килди. Бу сеҳрли овоз овозаси фавқулодда тезлик билан Марғилонга, Маъмуржон акага ҳам етиб борди,

Кизиқ замонлар экан... Камтар замонлар экан. Машхурлар кеккайишни билмайдиган, оддийликка интилишдан ор қилмайдиган даврлар эканми, ӯшанда. Йўлдош ота чойхонада оддий одамлар билан чордона қуриб ош дамлар, Усмон Юсупов колхозчилар билан асқия айтишиб, Тамараҳоним толим-толим соchlарини оддий кетмончи йигит ерга ёзиб қўйган дастрўмолига тўкиб солар... ҳўп онлар экан.

Шундай қилиб, Маъмуржон Узоков ҳам ӯзи етиб келди Шахрихонга, Эсонжонни сўроқлаб.

Уста аввал сухбат қилди, сездирмай синаб. Сайил сахнасида қўшиқ айттириб кўрди, ӯшанда Устоз.

Шогирднинг ахволи начоргина эди. Уст-боши ҳам униқиб, тўзиб кетган эди. Маъмуржон aka бирорларга сездирмайгина Эсонжоннинг қўлига даста пул тутқазди:

— Бир сидра кийиниб олинг. Органини уйга майдачуда қилиб беринг-да, шу ерга қайтиб келинг. Бирга кетамиз.

Эсонжон ӯшанда бозорга, уйга учиб бордими, юриб бордими, эслолмайди.

Шундай қилиб, у устози билан қўп йиллар бирга юрт

кезді. Сайру саёхатлар килди, құшиклар куйлашиб, отаболадай бўлиб кетиши.

Бироқ буюк ҳофиз билан юзма-юз келган ўша биринчи кунни — ҳаяжонли онни эсласа, ҳали-хануз бир ғалати бўлиб кетади.

Ҳаёт... ўз ишини қиласар экан. Тез орада устози ҳам ўтиб кетди, Эсонжонни довдиратиб...

* * *

Эсон ҳофиз бугун Шаҳриёнда, тўйлар, давра-ю сайдилларнинг тўрида, фарзандлари ардоғида, юрти-юрт дошлари қалби қўрида қарилик гаштини суряпти.

Қарилик гашти. Бу — қалин кўрпачада уззукун ёнбошлаб ётиш, дегани эмас, албатта. Қарилик гашти — ёшлиқда мисқоллаб орттирган, йикқан-терган обрў-эътиборини, юрт меҳрини йўқотмай, ўтмишдан узилмай, келажакдан юз бурмай, жамиятда муносиб яшаб турмоқдир.

Бу албатта хар лаҳза эл хизматида, назарида турган, юрган ҳофизлар учун осон иш эмас...

Улуғлар назари тушган инсонларни қадрлаш, улар ҳакида яхши сўзлар айтиш ҳам савоб, деди кўпни кўрган акаларимиздан бири.

Кутлуг кунларда сиз ҳақингизда икки оғиз лутф қилгимиз келди, Эсон ака. Зора устоз Маъмуржон Узоковнинг рухлари шод бўлса...

2001.

«АНДИЖОНДА ДАДАМНИНГ ШОГИРДЛАРИ БОР»

Асқар Назирович Сафаров — Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Назир Сафаровнинг кенжә ўғли. 1942 йили Жиззах шаҳрида туғилган.

Тошкент темир йўллари, Новочеркасск Олий алоқа билим юрти, Москва ҳарбий-сиёсий академиясини битирган.

Умрининг ўттиз иилини ҳарб илми ва амалиётига багишлаган.

Мана салкам ўн беш йилдирки, у Қозогистон Рес-

публикаси төмөр шүллари тизимининг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати бошлиги.

Асқар оқсоқол яқинда Андижонга келди. «Холис» газетаси таҳририятынинг азиз меҳмони бўлди. Куйғанёрдаги сўлим чойхоналардан бирида, икки чўқум ош устидага у кишининг сұхбатини олдик.

* * *

- Асқар ака, аввало юртимиизга хуш келибсиз.
- Раҳмат.
- Сұхбатимизни Ватан туйғуси деган тушунча таърифидан бошласак.

— Ватан... Бу иборани ҳар ким ҳар хил тасаввур қиласди.

— Кўнглингизга келмасин-у, ҳарбийлар учун бу мұқаддас тўйғу қандайдир кенгрок маънодаги тушунча, деган гап-сўзларда жон бор экан-да...

— Сизни тўғри тушунган бўлсан, шўро ҳарбийлари Ватан туйғусига ёпишиб олмайдиган, юраги байналмилал қарашларга мойилроқ кишилар бўлади, демоқчисизда. Йўқ, мен дунёning қайси бурчагида хизмат қилмай, барibir юрагимнинг туб-тубида Жizzах, Самарқанд, Тошкент, Андижон деган гўшалар шамчироқдай қалбими ни ёритиб турган.

— Жizzах-ку тушунарли, ўзингиз туғилгансиз. Самарқанд, Тошкент отангиз ўқиган, яшаган шаҳарлар. Андижонга эса биринчи келишим деяпсиз...

— Дадам раҳматлик, умрларининг охирги йилларида Андижон ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолувдилар. Бир гал бу эҳтиром сабабига қизиқсиндим. «Биласанми, девди ўшанда улар, — мусиқа Андижонда туғилиб, Марғонда сайқал топиб, Қўқонда тингланади, дейдилар. Бу гапда бир ҳикмат бор. Бобур, Машраб, Чўлпон... Э, уларни сен билмайсан.

— Бобурни нега билмайин, биламан, — дейман эътиroz билдириб.

— Бобурни шоҳ, шоир, улуғ саркарда сифатида дунё билади, сен билмасанг уятда, ахир. Мана яқинда Қамчибек Кенжа деган ажойиб ёзувчи йигит чиқувди. Отаси чўрткесар экан. Гуркировдаги уйларим, анорзорларим

кимга қолади, деб күчириб опкетиб қолди. Қамчибек ҳам қизиқ бола әкан, отаси юр, деса, хұп деб кетворди. Бир оғиз, хо, ота, мен ёзуучи бүлмокчиман, пойтахт мухити керак, деб айтишга ярамади-я! Мен бу ёқда Худонинг зорини қилдим, ота қайсар әкан, күнмади. Күз тегмасин, Андижондан яна битта шоир чиқадиганга үхшайди. Опкелтирганман. У мана шу илгари сен турған хонада яшаети.

Күп үтмай дастурхонга қорачадан келган, озғин, узун бўйли оддий қишлоқ боласи келиб ўтириди. Дадам менга, «Асқаржон, бу Маҳаматжон бўлади. Марҳаматдан. Қамоқда юрган йилларимиз авлодларидан марҳамат кўрганимиз. Шеър ёзади. Худо хоҳласа машҳур шоир бўлади», деб таништириди. Бир сафар таътилга келсан Муҳаммад Юсуфнинг биринчи шеъри газетада чикиби. Дадам ўзларида йўқ хурсанд.

— Демак, Андижонга келишингиздан мурод дадангизнинг назари тушган, тузини ичиб, сухбатларидан баҳраманд бўлган шогирдлари юртини кўриш, улар билан дийдорлашиш әкан-да?!

— Албатта, бу ёкларда дадамнинг қатор асарлари устида беминнат бирга ишлашган, ёш адаб сифатида дадамни ҳам қувонтирган, ҳам ўйларга толдирган талантли ёзуучи Қамчибек Кенжа, бутун ҳалқимизни ҳам куйлатиб, ҳам куйдириб кетган буюк шоир Муҳаммад Юсуф, фельетонлар, публицистик мақолалар ёзиб элини қувонтираётган сиздай издошлари туғилган уйлар, униб ўсган гўшалар бор. Ҳарқалай, эзгуликнинг кечи йўқ, кўриб кетай, дедим. Етказганига шукр. Кеч бўлсаем, дадам меҳр билан таърифлаган, ҳалол, танти андижонликлар юртига келганимдан, падаримизнинг ажойиб мухлислири, шогирдлари ардоғида шундай сўлим оромгоҳларда юрганимдан бехад хурсандман.

— Андижонга кириб келганингизда сизни ҳайратлантирган биринчи таассуротингиз...

— Одамлар, оддий одамлар. Бу ерда мен ўзбек ҳалқига мансуб фарзанд эканлигимни такрор ҳис қилдим. Тупроқдай содда, кийиниши, юриш-туриши ҳамон азалий, цивилизация таъсири, бешафқат таракқиёт гирдо-

бидан заҳа емай, ўзини, ўзлигини йўқотмай келаётган миллий қадриятларимиз билан тўқнаш келдим.

— Сиз дунё кезгансиз. Ҳарбий одамни унча-мунча нарса билан ҳайратлантириб бўлмаслигиниям тушуна-миз. Бироқ Андижон сизда қандай таассурот қолдириди, дейишідан ҳам ўзимизни тиёлмаймиз.

— Нориндан ўтгач, Андижонга элтувчи катта йўл ёқаларига экилган анвойи гуллардан жаннат боғлари-нинг ифорини туйгандай бўлдим. Боғишамолда бобомиз Бобур номидаги боғни, у ердаги ёдгорликларни зиёрат қила туриб қалбим айрича фурур, ифтихорларга тўлди. Навоий номли истироҳат боғидаги замонавий концерт мажмуаси ниҳоятда гўзал кўринди кўзимга. Ҳа, дарвоке, шу ердаги «Бургут» хайкали... Бундай обида дунёда ягона бўлса ажаб эмас.

— Назир отанинг уйларида яшаган йилларим бир ўрисча газетада командир Асқар Сафаров олти-етти тилда гаплашади, деб ёзилган эди. Бунча тилни ўрганишга қачон улгурга қолгансиз?

— Турли республикалардан келган аскар болалар менинг тил муаллимларим бўлишган. Ҳар бир миллат вакили билан ўз она тилида сўзлашишга ҳаракат қиласадим. Ўз тилида гапириб турган одамни қайси халқ ардоқламайди? Умуман тил дилнинг калити. Кўп дилларга калити бор одам нафақат омадли, баҳтли ҳамдир.

— Оиласанги, турмуш шароитингиз ҳақида ҳам гапирсангиз?

— Олмаота шахрида яшаймиз. Рафиқам Вера Петровна билан турмуш қурганимизга қирқ йилдан ошди. Уч ўғлим, уч набирам бор. Ўғилларимдан бири менинг изимдан борди. Кисм командири, унвони полковник.

— Ўғилларингиз ўзбек тилини билишадими?

— Ҳарҳолда гаплашишади.

— Нафақага чиққач, Ўзбекистонга кўчиб келиш ниятингиз борми?

— Қанийди. Бу менинг энг катта орзуим. Ахир Ўзбекистон — менинг болалигим, ёшлигим-бебошлигим. Бу юртда менинг ўзим, ўзлигим бор...

ШОИРНИНГ КАБУТАРЛАРИ

Шоир Ихтиёр Ризонинг «Гиря» номли шеърий тұпладынини үқисангиз... Нозим Ҳикмат сарбастларининг тотиғи түйгандай бұласиз.

Муаллифнинг күз үнгингиздан саф-саф үтүвчи, андак содда, аммо жанговар сасларини Шайхзода домланинг түйғуларига йүйгингиз келади.

У ҳар гал қофоз билан юзма-юз келаркан «Ё Худо, мадад бер, кучлансын шеърият» деб, «қаламини күзлари сиёхига ботириб-ботириб олишини» эслатади.

«Ихтиёр Ризо... шон-шүхрат... учун шеър ёзмайды. Унинг ҳар бир байти адолат, ҳақиқат, әзгулик, гүзаликни ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш учун курашади», — деб ёзади атоқли адабиётшунос олим Маҳкам Махмудов.

Бирок шоирнинг үзи эса үз шеърлари ҳақида «фикр» юритаркан, «Сизларни қандай чиқарай үртага? Бирорлар кулар фозингизга, Бардош бера оласизми, қийинчиліклар, таъналарга, Оғир бүлмайдими үзингизга? Ишонасизми, харакатларингизга... Менинг йүксул фикрларым?!» — деган андишани хам назаридан қочирмайды.

Уз фикрларининг йүксуллігидан изтироб чекиб турғанда шоирнинг ҳофизаси түйқусдан ёришиб кетади.

Ахир хаёлни ҳеч ким чекламайды, чеклолмайды.

Ҳар ким үз холича мушохада қилишга ҳақли. Йүк, йүк, мажбур.

Демак, фикр әркин, хаёл ихтиёрий. Демак, фикрлар қанчалик юпун, йүксул бүлмасин, үз идеали ҳақида үзиге хос үйлашга, мақсадлари сари интилишга ҳақлидир. Бас, шундай экан, ҳар бир шоир қалби Ихтиёр Ризо айтмокчи «идеал келажакни тиловчи, куйловчи баҳши...» бүлишга лойик әмасми?

Энди рухан тетикланган шоир, магар шундай экан,

*Менинг әркин фикрларым,
 Сизни... бүгдой доналари каби
 Битта-битта авайлаб
 Тераман оқ қогозга,
 Тарқатаман кабутарлар каби
 Бу онамиз – Жаҳонга... –*

деган күтариинки азму қарор билан қалам тутиб, оқ қоғозга юкинади, юзланаверади.

Бу албатта яхши, табрикка сазовор журъат.

Ва... шу ўринда шоир «кабутарлари»нинг бизнинг тасаввурларни бойита олмаган, идрокимизга сиёдира олмаган жиҳатлари ҳам йўқ эмасдай...

Ҳай майли, бу ҳақда кейинроқ, алоҳида ва батафсилроқ шоирнинг ўзлари билан баҳслашармиз...

Ҳозирча эса... янги тӯплам — «Гиря» муборак, Ихтиёр ака!

2001.

ЯҲЁ ТОҒАНИНГ ЭГИЛМАГАН БОШЛАРИ

(Шоир 50 ёшда)

Махалла-кўйларда, айниқса, қишлоқ жойларда эл қатори яшайдиган, юриш-туриши, кийиниши, ейиш-ичиши юртдан фарқ қилмайдиган, издиҳомларда ён-веридагилардан деярли ажралиб турмайдиган, лекин қайсиdir жиҳати билан ҳеч кимга, ҳеч кимга ўхшамайдиган, ўхшаса ҳам факат ўзига ўхшайдиган одамлар бўлади.

Уларнинг гаплариям аслида бошқаларникидан фарқ қилмайди. Бирок уларнинг сўзлари жамоатга бошқаларникидан ўзгачароқ таъсир қиласди. Бундай одамлар гап бошлашса одамлар жон, деб эшлишишади.

Шоирларнинг ичиди ҳам ана шундай одамларга ўхшаган, шеър ўқиса яна битта ўқирмикан деб, газеталарда бирон нарсаси эълон қилинармикин, деб кутиладиган шоирлар бўлади.

Мен Яҳё Тоғани ана шундай сўзи файзли, эҳтироси, жозибаси айрича шоирлар сирасига киритаман. Чунки унинг ёзганлари одамларга бошқа шоирларникидан бошқачароқ, таъсирлироқ таъсир қиласди. Қулоқ солинг-а!..

*Сўкиб қочдим сизни бир куни,
«Малимлигинг ўзинга...» дедим.
«Катта бўлсан барибир
Уйланаман қизинга», дедим.*

«Даккиларинг жонимга тегди,
 «2»лардан роса тўйғанман.
 Қизинг ўзи, тегаман, деди,
 Қулогини тишлаб қўйғанман.

Дарсингаям кирмайман энди,
 Синфда ҳам қолавераман
 Лекин, ўша ориқ қизингни
 Олиб олсан ўзим биламан...»

Қочиб кетдим таёқдан қўрқиб,
 Ёмон эди феълингиз «малим».
 (Собир билан Адҳамни қандай
 Урганингиз дунёга маълум).

Катта бўлдим
 Энди уришга
 Кучингиз ҳам етмайди, бироқ...
 Битта «оқ»ни газитга үраб
 Ўзим келдим кечирим сураб.

Яхё Тоға билан таваллудда икки-уч ёш фарқимиз бўлса бордир. Аммо ТошДУнинг журфагини сиртдан бирга битирганимиз. Дастреб танишган йилларимизда унинг биз ёзган нарсаларга ҳавас қилган пайтлари ҳам бўлган. Бироқ, холисанилло айтганда, бугун у хар жихатдан, айниқса, ижодда биздан пеш, таниқлироқ.

Аслида талабалик йилларида ҳам, биз «бир сиқим дон эдик...» деганча ўхшаш мисралар коралаб юрганимизда у курсдош қизларимизнинг нозик қалб туйғуларига тегадиган, теккандаям томир-томирларигача энтиқтириб юборадиган ажойиб шеърлар ёзиб, ҳаммамизнинг ҳавасимизни келтириб юрар эди.

Кўпинча Яхё Тоға қаламга олган воқеани илгари бошқа шоирларда ҳам ўқиган бўламиз. Бироқ бу асар мавзуси бизга танишку, деб шеърни ташлаб қўёлмаймиз. Сабаби Яхё шеърни ташлаб қўёлмайдиган қилиб ёзди. Гарчанд воқеа, мавзу илгари минг марта чайналган бўлсада, Яхёнинг қалами уни хеч қачон тилга олинмагандай тортиқ қиласди. Масалан, тўй мавзусини олинг. Бу маросим ҳақида қайси шоир ёзмаган? Излаб овора бўласиз! Тўй,

айникса, никоҳ маросимиға қалам урмаган шоир борми! Дунёда миллионта шоир бўлса барчаси бу мавзуни ёниб куйлаган. Аммо Яхёнинг «Тўй»и ҳаммасиникидан ўзгагча. Эшитинг-а!

*Кийқиришиб ўттиз-қирқта бола кетди,
Кўшни қизни қон йиглатиб ола кетди.*

*Менинг магрур эгилмаган бошларимни
Тегирмоннинг тошларина сола кетди.*

*Оқ «Волга»нинг ойнасидан ортга боқиб,
Келинчакнинг қаро кўзи тола кетди.*

*Хув қиргача «ёр-ёр» айтиб бир тўп қизу,
Икки янга, яна икки хола кетди.*

*Ортларидан «зоримиз бор зўримиз ийқ...
Кетса кетсин»... деган гамгин нола кетди.*

*Бир шўрликнинг қулогини кар қилиб-эй,
Лўли йигит карнайини чала кетди.*

Кийқиришиб ўттиз-қирқта бола ке-е-тди...

Мен Яхёнинг «Тўй»ини бир ўқишидаёқ ёдлаб олган эдим. Бу аслида эслайдиган воқеа бўлган эди.

«Муштум» журналида адабий ходим бўлиб ишлардим. Бир куни у курсдош сифатида қора тортган бўлса керак, таҳририятга битта шеър олиб кириб қолди. Ўқиб кўрсак ниҳоятда гўзал туйғулар. Шеърни тўғри бош муҳаррир Иброҳим Раҳим домлага кўтариб кирибман. Асар раҳбаримизга ҳам таъсир қилдими ёки шу бола (камина)нинг ҳам сазаси ўлмасин, дедиларми, масъул котибни чақириб, босиш учун икки-уч хафта илгари цехга тушириб юборилган номердан бир материални олиб ташлаб ўрнига шу шеърни қўйинг, деб топшириқ қилдилар.

Масъул котиб бир гезариб, бир кўкариб менга бир нарсалар демоқчи бўлди-ю, муҳаррирдан ҳайикди шекилли индаёлмай босмахонага караб жўнади.

Иброҳим аканинг шарофати билан ўн-ўн беш кунга

колмай «Түй» босилиб чиқди. Адашмасам бу Яхё Тоғанинг республика матбуотидаги илк шеъри эди.

Үшандан бүён мен бу шеърни күп түй, маросимларда койил килиб ўқиб беҳисоб олқишлиар олдим: Шундай улуғ айём қунларингизда биз олган ўша олқишлиар учун рози бүп құясиз, азиз дүстим!!

Яхё Тоғанинг энг катта ютуғи у оддий ёзади, самимий ёзади, юракларни орзиқтириб ёзади.

Оддий ёзади, дегани оддий одамлар қандай гапирса шундай ёзади, дегани эмас.

У оддий одамлар қандай ўйласа шундай ёзади.

Одамлар ўйлагандай ёзиш эса бу оташин ижоддир.

Чунки, оддий одамларнинг ўй-хаёлларида энг бой тиллар ҳам сиғдиролмайдиган хис-туйфулар бұлади.

Мен Яхёнинг шеърларини ўқисам ўзим бир умр соғиниб яшаб ўтаётганим — қишлоғимга бориб қолғандай, қишлоқдошларим билан сұхбатлашиб, болалик хотира-ларим билан сирлашаётгандай хузур қиласман.

Яхёнинг шеърларида «цивилизация» асоратлари ҳали заха етказиб улгурмаган олис қишлоқ ва овулларимиз хаёти, хис-туйфулари, турмуш тарзи, арзи-холи, сүзлаш оғанглари яшаётгандай.

Қисқа қилиб айтсак, у халқона ёзади. Халқ дилиданы ёзиш эса күпчилигимиз учун орзу бўлган салоҳиятдир.

Яхёбек! Табиат сизнинг ижодингизни ана шу муборак инояти билан бир умрга безаган бўлсин, Дўстим!

2007.



СУВ ИЧАДИ
КҮНГИЛ
КҮНГИЛДАН



ТҮРТКҮЛКАНДА АЙҚИРИБ ОҚСИН...

(Журналист Муроджон Тұхтаназаров билан сұхбат)

— Абдунаби ақа, сұхбатимиз аввалида ота-онанғиз ҳақида икки оғиз гапириб берсанғиз.

— 1954 йили Тешикмозор қишлоғи (Избоскан тұмани)да туғилдім. Отам ҳам, онам ҳам узок үиллар жамоа хұжалигіда ишлашған. Улар беармон мекнат қилишди. Жамоа хұжалиғи икковига берган 60—70 сүм ойлик иш ҳақи билан бизни — ўн бир фарзандни тарбиялаб вояға етказдилар. Эх-хе, бизни әл қаторига құшғунча уларнинг бошларига не жафолар түшмади.

— Журналистикаға қандай кириб келгансиз?

— Саккизинчи синфда ўқырдик. Мактандың, дарс үрнига саргузаштларини гапириб вакт ўтказадиган бир лақма ўқитувчимизнің саёз билими, яроқсиз ўқитиш усули ҳақида танқидий мақола ёзиб, туман газетасига юбордым. Текшир-текшир бошланды. Бу орада бизни тұман марказидаги ўрта мактабға ўтказиши. Бир куни ҳаммани «Линейка»ға таклиф этиши. Янги мактабимиз хөвлисига барча ўкувчилар тұртбурчак булып икки қатордан сағ тортиши. Пионервожатий ўртага чиқиб: «Хозир сизлар билим берган устози, муаллимими танқид қилиб газетага ёзған бола билан танишасиз», деб түсатдан бақувват бармоқлари билан менинг орқа ёқамданғанғи жиғимлаб күттарди-да, оғимни ерга тегар-тегмас судраб, ўртага олиб чиқди ва шу алпозда бутун йиғилишни айлантириб, сазойи қилди. Сабаби ёзған мақолам текширишда исботланмабди. Мени «ёз, ёз» деб рухлантирган, мақоланинг тұғрилигини исботлаб құл қўйған ўкувчилар фикридан қайтишибди. Кечирим сұраб, тилхат ёзиб беришибди. Бетоб булып ётиб қолдым. Ҳаётимда илк бор нохақлик тантана қилди. Бир гурух ўқитувчиларимнинг ёғли паловига оғзи мойланған бир «газетачи» ва қахри қаттиқ, құллари бақувват пионервожатий (улар хозир масъул ишларда ишлайды)ға аччиқма-аччик, факат жур-

налист бўлишга аҳд қилдим. Синфдошим, Набижон Нажмиддинов («Энатут» номли хикоялар тўпламининг муаллифи) билан дарслардан қочиб чиқиб, «Пахтакор» газетаси мухарририяти олдига бориб, узок-узоқ турар эдик. Ўшанда Муҳаммаджон Ўролов, Тўхриддин Юнусов, Зоқиржон Юнусов, Абдулла Комилов, Козимжон Охунов, Қўлдошбой Ҳожиматов, Козимжон Рашидов, Иброҳимжон Махкамов (марҳум) сингари ажойиб журналистлар бутун районга машхур бўлган пайтлар. Уларни бир кўриш, бир оғиз сухбат қилиш биз учун улкан баҳт эди. Биз Набижон билан босмахонага коровул бўлиб ишга киришни орзу килган пайтларимиз эсимда. Ана шу орзу мени Тошкентга етаклаб келди. Такдир ҳамюртимиз, меҳрибон инсон, талантли шоир ва ёзувчи Қамчибек Кенжа билан учрашириди. Қамчибек ака шарофати билан довюрак публицист, адаб Назир Сафаров билан танишдик. Бу икки устознинг beminnat ёрдамлари туфайли бир дехқон фарзандини олти бор йиқитиб чарчамаган дорилфунун домлалари қалбига мурувват инди. 1977 йили журналистика куллиётининг сиртқи бўлимига талаба бўлдим.

— Биринчи шеърингиз қачон ва қайси рўзномада босилган?

— Адашмасам, 1972 йили туманимиздаги «Пахтакор» газетасида. Ўшанда Абдулла Комилов мухаррир ўринбосари эди. Бўлимдан Умар Ҳайём ҳакидаги шеъримни туширишди. Абдуллажон ака унчалик ишонқирамадими ёки мен билан қизиқдими, хар қалай чакириб «Шеърни ўзингиз ёздингизми?» деб синчков тикилди. «Ха» дедим. Ишонди шекилли кўп ўтмай «Умар Ҳайём» деган шеърим босилиб чиқди.

— Биринчи китобингиз жуда кеч чиқди. Бунинг сабаби нимада?

— 1970 йиллар Fafur Fулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қиласар эдим. Қўлёзмаларимни тўплам килиб, поэзия бўлимига тоширдим. Бироқ шу орада бирин-кетин У. Азимов, Ш. Раҳмон, А. Суюн, М. Раҳмон Й. Эшбек, Ш. Курбон, Х. Даврон сингари иқтидорли шоирларнинг биринчи китоблари пайдо бўлди. Ўқиб кўрсам, ниҳоятда бақувват шеърлар. Мен китоб килиб

үқувчининг бошини қотирмай құя қолай, дедимда, күләзмани қайтариб олдим, нашриётдан ҳам кетиб юбордим.

— Барибир, китоб чикардингиз-ку?!

— Ҳа, айланиб-үргилиб ҳозирги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг Адабиёт ва санъат бўлимига ишга ўтиб қолдим. Отахон газета эмасми, фақат номдор, катта ижодкорлар билан борди-келди қилинар эди. Бир куни халқ шоирларидан бири Рамз Бобожоннинг достонкелбат шеърини қайтаришга тўғри келди. Номдор ижодкор ранжири шекилли, муҳарририятга келиб «Бу бола ким ўзи? Бирон нарсаси чикканми?» деб қолдику! Дарҳакиқат, кимман ўзи? Шапалоқдай бўлса ҳам бирон нарсам китоб бўлиб чикканми? Бу воқеани дўстим Мухаммад Юсуф эшитиб, менинг номимдан нашриёт директори номига ариза ёзиб, китобимни режага киритиб қўйибди. Ўзи ўша ерда ишлар эди. Шундай қилиб, дўстимнинг шарофати билан «Фуборингни ёзгайман» номли илк тўпламим босилиб чиқди.

— «Муштум» журналида ишлаб юрган пайтларингизда Поп агросаноат бирлашмасидаги камчиликлар ҳақида танқидий мақола ёзган эдингиз. Ўшанда бир ўлимдан қолганингиз ҳақида ҳам гаплар юради. Бироқ бу ҳақида ҳеч қаерда ёзмадингиз. Ўша воқеалар, умуман, бирлашма бош директори А. Одилов шахси ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Тўғри, Поп туманининг ўша пайтдаги раҳбарлари томонидан менга нисбатан нотўғри ҳатти-харакатлар қилингани ҳақидаги гапларда жон бор. Бироқ А. Одилов шахси ҳақида гапиришга маънавий ҳаққим йўқ деб ўйлайман. Чунки, у киши билан учрашган эмасман. Кишилар ҳақида улар билан учрашмай, кўрмай, билмай туриб фикр юритиш инсоний виждонга ҳам, журналистик этикага ҳам зид бўлур эди.

А. Одилов хибсга олингандан кейин матбуотда уни муҳокама қилувчилар кўпайди. Менга ҳам шундай таклифлар кўп бўлди. Ҳатто «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» телекўрсатувида Поп агросаноат бирлашмасига қадами етмаган бир журналист дўстимиз Одилов кирдикорлари тўғрисида ўн беш дақиқа маъруза қилди. Бундай чиқишлилар менга ёв қочса ботир кўпайишини эслатади.

— Ҳозирги иш жойингиз «Халқ сўзи» рўзномаси янги ташқил этилди. Рўзнома жамоаси, унинг иш режалари ва ниятлари ҳакида ҳам билишни истар эдик.

— Тахририятга жуда кўп таниқли, салоҳиятли, ёш ижодкорлар йифилди. Масалан, Анвар Жўрабоев, Абдукарим Раҳимбердиев, Муҳтарама Улурова, Азим Суюн, Мукаррама Муродова, Жалолиддин Сафоев, Турғун Назаров, Ҳабиб Темиров, Эсиргап Болиев... Бу саноқни яна давом эттириш мумкин.

— Кейинги пайтларда туғилиб ўсан қишлоғингизда рўй берадиган қайси ўзгаришлар сизни кувонтиради, ташвишга солади?

— Бундан ўн йиллар илгари қишлоғимизга келиб автобусдан тушсан, гузаримиздаги чойхонада, чинорлар соясида оппоқ соқолли нуроний чоллар қўр тўки-иб, чойлашиб ўтиришарди. Сўнгги 2–3 йилда чойхона хувиллаб қолган. Чинорлар тагини обод қилиб ўтирувчи «чинорлар» эса негадир кўринмайди. Шундан бўлса керак қишлоғимиз бирам ғарид туюлади менга. Ҳар сафар соғинчдан тўлиб-тошиб, энтикиб қишлоққа кириб келаману, хувиллаб қаровсиз бўлиб қолган гузарга етиб келгач, кўнглим чўкиб, маъюсланиб қоламан. Наҳотки, қишлоғимизда кўчаларни тўлдириб юрувчи чоллар қолмаган бўлса!..

— Избосканга келганингизда нималарни эшитишни, кўришини истайсиз?

— Ёшлигимизда пахтазорда чопик қилиб юрган қизлар, келинчаклар овозини барадла қўйиб ашула, лапарлар айтишарди. Ишга ҳам ашула айтиб келиб, ёр-ёр айтиб қайтишарди. Қишлоғимиз қизлари яна қўшиклар айтиб, ҳазил-хузуллар билан ишлашларини, Тўрткўлканда тўлиб оқишини, гузаримиз чойхонасини олдингидай кексалар билан файзиёб бўлишини қўмсайман.

— Ҳамюртларингизга қандай тилакларингиз бор?

— Пойтуғ, Мойгир, Жонобод, Тўрткўл, ҳатто мен туғилган Тешикмозордан ҳам жаҳон билган ўзбек халқи, башарият шаънига даҳлдор ўғил-қизлар етишиб чиқишини орзу қиласан. Чунки мустақил юрга кучли, билимли фарзандлар керак.

— Яхши ниятларингиз ижобат бұлсın! Мароқли сұхбатингиз учун ташаккур, Абдунаби ака!

— Ҳамюрт сифатида әслаб, қадрлагани учун «Соҳибкор» рўзномаси жамоасига раҳмат! Сизларга ижодий мувваффакиятлар, рўзнома муштариylарига сиҳат-саломатлик, ҳуш кайфият тилаб қоламан.

1991.

ШУКРИМ БОР ТАҚДИРНИНГ СИНОҚЛАРИГА

... Дарҳақиқат, шеър шоир қалбининг мислсиз азоблари эвазига дунёга келадиган илоҳий неъмат. Бу неъматнинг ўқувчи юрагида қай даражада акс-садо берниши муаллифнинг руҳий дунёси, бадиий маҳоратига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон радиоси мухбири Феруза Хушматова билан мулоқот ана шулар хусусида.

* * *

— Абдунаби ака, умуман сиз шеърни нима учун ёзасиз?

— Ферузахон, шеърни нима учун ёзишимни, тўғриси, изоҳлаб беролмайман. Ичингдаги қандайдир ҳеч нима билан ифодалаб бўлмайдиган фикрлар шеър ҳолида келади чоғи. Буни қандай тушунтиурсам экан...

— Янги китобингизнинг сўзбошисида дўстингиз, мархум шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Шеър шоир қонидан бинога келади. Ҳар гал ёзиб тугатгач, сулайиб қоламан», деган сўзларини әслабсиз. Бу Муҳаммад ака хақида яна битта янги маълумот экан. Ўзингиз шеърни ёзиб тугатгач, қай ахволга тушасиз?

— Менда ҳам шундай ҳорғинлик ҳолати бўлади. Лекин бу ҳорғинликнинг қайсиdir маънода роҳатбахшлиги ҳам бор. Ҳарқалай, юрагингга тинчлик бермай турган бир дард деймизми, юк деймизми ўз ифодасини топди. Коғозга тушди.

— Илҳом лаҳзалари деган ибора бор. Ижодкор сифатида кеча-кундузнинг қайси пайтларига қўпроқ ошиқасиз?

- Сокин тунга. Кундузларимизни күпинча майдачыйда гап-сўзларга, муносабатларга совурамиз. Фикрларим тунда ёрқинлашадигандай. Дехқонча қилиб айтганда, менга тун кўпроқ асқотади.
- Кимдир, изтироб умрнинг буюк сири деган экан...
- Ферузахон, шеъриятнинг ўзи буюк изтироб. Менга ўша тунги изтироб онлари хакикий роҳатдай туюлаверади.
- Шеърларингизни мутолаа қилган одам хаёт, турмуш изтироблари ҳам руҳиятингизда изсиз кечмаганигини ҳис қиласди.
- Яхши асарлар изтироблар меваси, дедингиз-ку. Шундай бўлса изтиробли лаҳзалар ҳеч қачон тарк этмасин...
- Юқоридаги саволни бежиз бермадим. Китобингизда сизга азоблар бериб бинога келган, ўқувчи юрагини тўлқинлантирадиган, ўйлашга мажбур этадиган мисралар талайгина. Масалан, «Онам яшаган уйлар»ни олайлик:

Сен яшаган ҳовлиларга боролмайман, онажон,
Борсам яйраб, борлигингдай киролмайман, онажон.
Сен баҳш этган бу багирнинг багрида тошлар синди,
Бу тошларга бошим уриб ёролмайман, онажон.

У уйларда энди бизга мушукчалик йўқ қадр,
Бир кўрпача тўшалгунча юз иddaо, минг садр.
Бу гўшанинг тўшаклари наҳот шунча юпқадир,
Юпқалашиб кетдимми ё, билолмайман, онажон.

Борсам, болам, келдингми деб борингни тўккувчийдинг,
Бўйларимга зор оҳу зорингни тўккувчийдинг.
Пешонамдан сийпалаб ўтиб, минг ўргилгувчийдинг,
Ўргилай, деб борсам энди тополмайман, онажон.

Сен яшаган ҳовлиларга боролмайман, онажон,
Борсам, яйраб борлигингдай юролмайман, онажон. —

деб ёзасиз. Бу сатрларни сиз туғилиб ўсган уйда яшаб турган қариндош-уруғларингиз қандай қабул қилишди?

Умуман, бундай аламли мисраларга турткы бүладиган омиллар бормиди ўзи?

— Андишаларингизда жон бор... Бир нарсаны назардан қочирмаслик керак: адабий асар биттагина қалб дарди эмас. Адабиётта типлар, фикрлар, образлар умумлашмаси деган ибора бор. Биргина Абдунабининг фикри кимни қизиқтиради, нимага ҳам арзирди? Юракка тегадиганроқ нарса ёзиш учун жуда күп одамларнинг фикрларини умумлаштириш керак бүлади. Бу шеър «фундаменти» асли бундан ўн йилча илгари бир дўстимнинг онаси ўлгач, маъракаларига қатнаб юрган кезларимиздаги ҳасратлар натижасида пайдо бўлган эди. Аммо у пайтда ўз онам хаёт эдилар... Хуллас, онам яшаган уйларни ёзиб, сирдош акам, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Коғиловга олиб бордим. У киши шеърни ўқиб бўлгач, кўзларидан дувиллаб ёш оқа бошлади. Хаёлимда, ха энди, санъаткорлар учун йиғлавориш кундалик иш, деган фикр ўтди. Эркин ака сезди шекилли, хўрсиниб, салмоклаб, деди: «Абдунаби, бу менинг дилимдаги нарса бўлиди. Бу менинг шеърим, менинг дардим».

— Ҳозир онангиз яшаб ўтган ўша уйга бордингиз, дейлик. Сизни қандай қарши олишади? Қадрингиз қандай?

— Албатта қадрлашади. Лекин дарвозадан кириб борганингда даст ўрнидан туролмай, уч-тўрт қадам ўдаланиб, эмаклаб, энтикиб «Ох, болам», деб қучоқ очиб бағрига босувчи волида йўқда!.. Шу ҳолатни соғиниб инграётган шоир болани маломат қилиш керакми?..

— Бир пайлар «Ўзбекнаво»да репертуар бўлимига бошлиқ бўлгансиз. Радио фонотекасида қўшиқ бўлган асарларингиз учрамайди. Ана шу даврларда имкониятдан фойдаланиб қолиш хаёлингизга келмаганми?

— Ҳа-а, хаёлимга келган. Агар шундай қилсан бугун сиз мана шу саволни бермаган бўлармидингиз...

— Самимият деганда нимани тушунасиз?

— Бу тушунчани шунчаки, бўлакларга ажратиб изохлаш қийин.

— Инсондаги қайси фазилатни қадрлайсиз?

— Албатта, самимиятни. Бу борада кўп баҳслар қила-

миз. Самимий одамларни соғинамиз. Бироқ самимий бўлиш, хар доим ҳам қўлимиздан келмайди-да...

— Адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов «Сўфийлар назарида жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таъманинг бир кўринишидир», деб ёзган экан. Сиз ана шу фикрга назира сифатида «Тасалло» деган шеър битгансиз...

— Менга аллома олимнинг ана шу мулоҳазаси жуда каттиқ таъсир қилди. Тавба... Унда-бунда ибодатга эгilib қўйсак, дуога қўл очсак, онда-сонда эҳсонга аҳд қилсан, кимгадир арзимаган яхшилик қилиб қўйсак ҳам албатта, эвазига тил, дил чоғлаймиз. Бу энди қандоқ бўлди, дея юрагим орқага тортиб кетди. «Тасалло» ана шу эсанкирашлар асносида қофозга тушувди. Шеър кўпчиликка маъкул бўлиб, китобга ҳам кириб кетди. Энди ҳаяжонлар босилиб, мия бир оз совигач, фикрларимизда айрим ноқисликлар ҳам бордай туюляпти. Эҳтимол, шубҳаларимиз ўринсиздир. Ҳархолда ишқи илохий нозик мавзу. Хато кетган жойларимиз бўлса, Аллоҳ кечирсин. Шеър матни эса бундай эди:

*Шукрим бор тақдирнинг синоқларига,
Хаёт бир баҳригам, ўтарман юзиб.
Ва бир кун қуларман «Висол жари»га,
Эй Ёр, жамолингдан умидвор – ёзук.*

*Ёзугим ҳусниҳат, қўксимда қўлим,
Ботиним сен ила муслимободдир.
Ҳажринда ўтганим ҳар оним, йилим,
Умримнинг нур фасли. Балки шу баҳтдир.*

*Ибодатлар қилай қўлларим чўзиб,
Суйған ошиқларинг қаторида бил.
Сиротга боряпман жон уйин бузиб,
Қисматим гар оҳдир, мурод бир – Ҳақдир.*

*Караминг қани деб, гуноҳга ботдим,
Тангрим, густоҳ қулни ўзинг ярлақа.
Осиyllигим билан аслимга тортдим,
Билмай қайда фано ва қайда бақо.*

*Дилим аҳли қилдинг, тилим наволи,
Юзи қаролигим зоҳир юзимда.
Гарчи гуноҳкорман, умид бор ҳали,
Мустаманд из қолар балки изимдан.*

Ва шояд

*Бериё, аҳий ва солиҳ
Уч ўғил, қиз қолар бўзлаб, изиллаб,
Тўрт-бешта сўз қолар, қолса ўзимдан.*

— Сиз ишқни қандай тушунасиз? Бу ўринда мен кўпроқ илохий ишқни назарда тутаяпман.

— Бу не-не буюк алломалар ҳам таҳлил ва амал қилиб тагига етолмаган мавзу. Бу борада арзирли фикр айтаман дейёлмайман.

— Ҳархолда шахсий фикрингиз бўлса керак?

— Ишки илохий сирли, маҳобатли мавзу. Жамият жамоли инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати боис гўзалдир, дея тушунтиради моддиюнчилар. Ҳар қандай гўзаликка бўлган ишқ Аллоҳ жамоли тимсолида манзур ва муборакдир, дея уқтиради илохиёт намояндалари. Тасаввуфдан «Севинг — Аллоҳ жамоли тимсолида», деган даъватни англадим. Бир пайтлар отам «Болам, фарзандларингни суй, майли, бунинг ёмон ери йўқ. Факат ўта меҳр қўйворма. Бунинг оғир томонлари бор», деган эдилар. Ҳайрон бўлувдим. Мана йиллар ўтиб ўша галининг мазмун моҳиятини англагандайман. Қани энди, чин ошиқлик кўчаларида девона бўлолсак.

— Табиатингизда қанақадир эзгинлик кўзга ташланаб туради. Бу ҳаддан зиёд таъсирчанлигингиз боисими, ё?..

— Ҳайронман. Ташкаридан қандай кўринаман, билмайман. Ўзимни эзилиб юрадиган одам, деб ҳисобламайман. Тўғри, дардларим бор. Дардчилроқ кўринасиз, десангиз фикрингизга қўшилишим мумкин.

— Ҳархолда бу нарса ижодингизда яққол кўриниб туради.

— Эҳтимол... Дардсизликдан Худонинг ўзи арасин.
— Устозларингиз хақида ҳам гапирсангиз?
— Бир йигитга кў-ўп одамнинг меҳнати сингаркан.

Айниқса, ижодкор ўз-ўзидан намоён бўлиб қолмайди. Хар қанча истеъдодли бўлмайлик мухит, тарбия, эътибор бўлмаса оддий газетага мухбир бўлолмаймиз. Улуғ ёзувчилардан бири яхши ижодкор бўлиш учун истеъдод ҳамда баҳтсиз болалик керак, деган экан. Болалигим баҳтсиз ўтган, деёлмайману...

Устозларга келсак, менга кўп яхши одамларнинг наzioni, меҳри тушди. Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Фатхиддин Насриддинов, Қамчибек Кенжа, Жўра Саъдуллаев, Султонмурод Олим... Эҳ-хе, улар жуда кўп. Ўтганларини Аллоҳ раҳмат қилсин. Ҳаётларининг тўйларида, яхши кунларида хизмат қилиш насиб этсин. Одам ёши қайтган чоғлардаям дўстлар дийдорига, устозлар меҳрига зор бўлиб қолаверар экан...

— Инсон орзусиз яшолмайди. Келажак эса тїлаклар билан чиройли, дейдилар.

— Тўғриси, етти ёшимдан шеър ёзаман. Лекин эллик ёшимгача ўзимни шоир, деб хисобламадим. Китоб чиқаришдаям минг бир андишаларга бориб, ўзимни тийиб яшашига ҳаракат қилдим. Биринчи шеърий тўпламим қўлёзмаларини, Ҳудо раҳмат қилгур, дўстим Муҳаммад Юсуф олиб кетиб, менинг номидан нашриёт директори номига ариза ёзиб (ҳозир менда сақланмоқда) китоб килиб чиқарувди. Иккинчи китобчам биродарим шоир Турсун Али, мана бу «Жудолиғ дашти» эса «Шарқ» нашриёти Бош муҳаррири Аҳрорбек Аҳмедовнинг даъвати ва ёрдами билан нашр қилинди. Демак, ёзишим кераклигини, ёзсан кимлардир ўқиши мумкинлигини, хуллас, ижодкор эканлигимни ҳис қила бошладим. Тилағим, саломатлигини берса, элга манзур бўладиган нарслар ёзсан...

— Мурод-мақсадларингизга еting!

— Дилёзар саволларингиз учун сизга ҳам раҳмат!

ЮРТИМ, СЕНИ ЯШАРТИРИБ ЯШАСАМ...

(Шоира Ҳалима Аҳмедова билан сұхбат)

Бу тилак ҳар бир ёш, навқирон қалбнинг азал орзу
си, мангу армони. Эҳтимол, ёшлик айнан шу некбинли-
ги билан гүзал, бегубор, бетакрордир. Инсон умри гоҳ
ширин орзулар, гоҳида талх армонлар сурогида кечади.
Ижодкор қалбида эса бу ҳислар согинч отлиг соҳип,
тотли түйгүларга йўғилиб, дилхирож мисраларга дұна-
ди, дейди кўнгил шоири Абдунаби Бойқўзиев.

— Абдунаби ака, одатда, китобларингизга умидбахш
номлар танлар эдингиз. Бу сафар негадир ана шу ань-
анангиздан чекингандайсиз. «Жудолиғ дашти» сиз учун
нимани англатади.

— Ҳалимахон, «Ғуборингни ёзгайман»да ёшлик харо-
рати умид ва орзулари балқиб туради. Ёшлиқда қандай-
дир, дунёни ўзгартираман, яшартираман, деган некбин,
кўтаринки рух бўларкан. «Сени излаб келдим»да ёшлик
харорати билан бирга, бир оз мулоҳазали қатъият бор.
Чунки у кирк ёшларимиз маҳсули. «Жудолиғ дашти»да
тўғри, умидсизлик кучлироқдай. Ҳар ҳолда бу рисола
эллик ёш сархисоби бўлди. Одам бу ёшда ўзини бир оз
тўхтатиб, бундек ортига қарашга мажбур бўларкан. Са-
баби болалик ўтди, ёшлиқ кетди. Умр йўлларидаги ай-
рилишлар, жудолиғлар, хато ва камчиликлар. Соғлик
билан боғлик муаммолар. Инсон бу манзилда қанакадир
жудолиғ даштига кириб қолгандай ҳис қиласкан ўзини.
Ана шу маънода бизнинг андаккина тушкин ҳолатимиз-
ни кечириш мумкиндир, деб ўйлайман. Тўғри, тамоман
умидсизлик хам ширк. Яратганинг ўзи буюк УМИД-
ВОР, буюк СОБИР экан, бизнинг ноумид бўлишга
хаққимиз йўқ. Ҳар ҳолда, китобнинг ичи сиз ўйлаганча-
лик тушкин кайфиятда эмас...

— Албатта, шеърларингизнинг аксарияти нихоятда
умидбахш, некбин түйфуларга бой. Абдунаби ака, биз
ижодкорлар ўз туғилган тупроғимиз тафтидан кўп нарса
оламиз. Умуман юрт тупроғига бошқа соҳа одамларига
нисбатан кучлироқ боғланган бўламиз. Нимага шундай
екан-а?

— Тўғри. Мана қишлоғимизнинг номланиши ҳам бир

оз ғалатироқ. — Тешикмозор. Атрофимизда Куйганёр, Мойгир, Жанобод, Чувама, Түрткүл, Урганжи деган чиройли атамалар бўлади. Бироқ Тешикмозор менинг ҳофизамда Кўшклигузар сўзидаи садо беради. Ёшлигимизда маҳалламиизда нари борса ўттиз-қирқта хонадон бўларди. Ҳозир чоғроқ шахар бўлиб қолди. Сабаби ҳар икки-уч хонадон соҳибаси «Қаҳрамон она». Ўзингизга маълум оналар қаҳрамон она бўлиши учун камида ўнта фарзанд туғиб, тарбиялаб, ўстирган бўлиши зарур эди. Албатта, шулардан етти-саккизтаси ўғил бўлади. Яна бир жиҳати, қишлоғимиздан полвонлар кўп чиқади. Аскиячи, ҳаваскор санъаткорларнинг-ку сон-саноғи йўқ: ҳар бир хонадондан топилади. Қишлоғимизнинг одамлариям ўзига хос — қизиқроқ. Йиғинларда ҳай-ҳай, деб турилмаса азани ҳам аскиявозликка айлантирворишлари мумкин. Лакаб билан чақириш оддий ҳол. Бирор уйингизга йўқлаб келса дарвозадан лақабингизни айтиб овоз беради. Бизда лакаб яширилмайди. Чунки деярли барчанинг лақаби бор: чаён, арава, хўтиқ, ит, мол, қовоқ, ошқовоқ, карнай... дегандай. Тешикмозорликлардан бирортаси менинг лакабим йўқ, деса билингки бу одам элдан ташқари, бегона. Бир шеъримда ёзган эдим:

*Бироқ элим шундай қовул-ки,
Кулфатин ҳам айтар кулдириб.
Демак, демак боқийдир кулаги
Аскияни бўлмас ўлдириб.*

*Бирор келса уйингиз сўраб,
Таомил шу — беради овоз.
Фақат етти маҳалла узра
Лақабингиз қиласи оғоз.*

*Бизга чин, сизга муболага,
Кимдир ўлса, очилса аза.
Марҳум исми қолиб бир ёқда
Лақабига ўқир жаноза.*

*Ана шундай бизларнинг қишлоқ,
Яшамоқни обдан билади.*

*Кулги билан йиглайди күпроқ,
Йиглаб турив кулги қиласи.*

— Бу албатта тешикмозорлик одамлар күнглиниң очиқлигидан бўлса керак?!

— Жуда тўғри англадингиз.

— Сиз билан қачон сухбатлашмай, сўзларингиздан ижодга жуда кеч кириб келдим, деган армон силқиб туради...

— Онамнинг эртаклари таъсирида нималардир ёзиб юраверганман. Қишлоқчилик. Уйимизда бешта-ўнта дарслик китоблардан бошқа ўқийдиган нарса бўлмас, уруғаймоқларда ҳам замонавий китоб ўқийдиган қариндошлиар йўқ ҳисоби. Айни ўқийдиган фасл — болалик, ёшиликни бехуда совурганман. Жаҳон таниган адабиётлар билан жуда кеч топишдим. Бунинг асоратлари кўп билингяпти. Баъзан ўқишга улгурмаган китобларимни эслаб афсусланиб кетаман. Фарзандларим менга ўхшаб чала мулла бўлиб қолмасин, деб яхши китоб топсан, илиниб олиб келаман.

— Зориқашмасин, дейсизда...

— Албатта. Бирок улар... қувониб кутариб келган китобларимни ўқийвермай, дикқат қилишади...

— Асримизнинг шитоби ниҳоятда баланд. Севимли адабимиз Чингиз Айтматов шу хақда фикр қилиб, асрнинг суронли машиналари овозидан илхом тулпорлари четга чиқди, деб афсусланган эди. Сиз бу фикрни қандай изоҳлайсиз?

— Чингиз оғанинг бу фикри, албатта, одамнинг юрагини эзади. Бу гапда адабиёт тақдирига, инсон руҳиятига тажовуз надомати ётади. Аммо битта тасалло ҳам борки, бу Инсон Қалби. У яратган гўзалликни, мўъжизани хеч қандай машина, хеч бир темиртан бинога келтиролмайди. Чунки Инсон Қалби бу — Оллоҳнинг кашфиётидир.

— Шеър шоирнинг қисмати, дейдилар. Шу маънода сиз ўзингиз ёзган шеърлардан күнглингиз тўқми?

— Шеър ҳам фарзанддай гап... Фарзандни бинога келтириб ундан кўнглим тўлмайди, дейиш ҳам ношукурлик бўлади. Лекин одамнинг юрагини бундан ҳам яхши-

рок, гүзалрок ёзармикинман, деган илинж безовта қилиб тураверади.

— КишлоФингиз ҳақида қанақадир меҳрингиз товланиб, тўлиб-тошиб гапирдингиз. Бир галги сухбатимизда туғилиб ўсган туманингиздаги қаламкашлар ҳақида ҳам яйраб-яшиаб таъриф бериб, ҳавас киладиган бир ижодий муҳит бор, девдингиз...

— Избоскан илгаритдан ижодий муҳити баланд туманлар сирасига киради. Шундан бўлса керак, у ердан республикамизга танилган ижодкорлар кўп чиққан. Дунёга машҳур ёғоч ўймакор наққоши Йўлбарс Утагановни, ёзувчи, публицист, шоирлар Қамчибек Кенжа, Абдулла Комилов, Наби Жалолиддин, халқ ҳофизи Махмуджон Йўлдошев, хизмат кўрсатган артистлар Шарофат Тожибоева, Дилнура Қодиржонова, Ҳалимжон Тохиров, Муҳаммаджон Мирзаабдуллаевни мамлакатимизда ким танимайди? Публицистик маколалари билан туман, вилоят, республика матбуотларида ҳам гуриллаб чиқиб турган Абдуваҳоб Нурматов, Зокиржон Юнусов, Қўлдошбой Ҳожиматов, Йўлдошибой Исокҷоновни избосканлар ҳавас қилишади. Туманинг умумий ижодий салоҳияти марказда нашр этиладиган қатор газета ва журналларда хизмат қилиб турган ходимларнинг савиясидан баландрок, десам хато бўлмас. Буни маҳаллий рапбарлар ҳам билишади. Шунинг учун юқоридан борадиган журналистларни дарҳол ўз қаламкашлари бўй-бастига солиштиришади. Бунинг айби йўқ. Рус адиларидан кимдир Волга, Дон станицаларига борадиган ҳар қандай ижодкор Михаил Шолоховнинг ижодий салобати билан ҳисоблашмай иложи йўқ, деб ёзган эди.

— Демак, Избосканда ижодкорларга муносабат ҳам бошқача?..

— Албаттада. Ҳатто эски тузум давридаям Избосканда бир эмас иккита газета нашр қилинган. Туман ҳокимилиги муассислигига чиқадиган «Пахтакор» газетаси (салкам уч минг нусхада чоп этилади) таҳририяти ходимларининг обрўйи, иқтисодий имкониятлари марказий газеталарнидан қолишмайди. Мен республикамизни кўп кезганман. «Пахтакор» газетаси ховлисидағидай ажойиб боғ, журналистларга яратилган шарт-шароитлар қатор

вилоят, хатто марказий газеталар ходимлари учун ҳам орзу. Газетада танқид йўқ бўлса керак, деб ўйларсиз? Аксинча, кўплаб газета ва журналлар танқидий рукиларга ўгай кўз билан қараб турган шу кунларда «Пахта кор»нинг деярли ҳар кунги сонида тумандаги камчилик ва нуқсонлар фош қилинган, аччиқкина тил билан, асослаб ёзилган материалларни ўқиш мумкин.

— Гап айланиб журналистикага тақалди. Айтингчи, журналист сифатида ўз ҳалқим корига ярадим, деб айта оласизми?

— Салкам ўттиз йил турли газета ва журналларда хизмат қилдим. Беш йил умримни «Муштум»да танқидга, фельетончиликка бағишиладим. Нима ёзмай ўқувчи ёки муштарий кори хайри, дарди-холидан келиб чиқиб хulosалар чиқардим. Ҳалқим корига ярашни қойилладим, деб айттолмасман. Бироқ мухбир сифатида бирорлар ҳақига хиёнат қилмадим. Қозонимизда қайнаб, болачак оғзига тушадиган луқманинг ҳалол бўлишини Оллоҳдан доим тиладим...

— Шеърларингизда соғинч туйфуси кучли, бу нимадан?

— Соғинч — шеърнинг хусни, латофати, дегим келади... Ундан шу туйфуни олиб қўйсангиз бокиралиги ўқоладигандай туюлаверади.

— Ҳаётнинг талаби, замона зайдини кўриб турибмиз. Айни мана шундай қийин бир даврда ишламай, эркин ижод билан машғулсиз. Тирикчилик қандай бўляпти, энди?..

— Ҳалимахон, ёзиш, чизиш, ижодий иш меҳнат эмасми? Умуман, ижодий эркинлик, эркин ижодкор, деган ибораларни тушунолмайман. Ижодкор худонинг битмиш куни ишлайди-ку. Шоир учун ҳаловат куни борми? Тирикчилик масаласига келсак,

*Мен нафсга сабрни қилароқ малҳам,
Ҳазрати ҳалолликка синдим, юкиндим. —*

деб ёзган эдим бир пайтлар.

— Бир тўртлигинизда «Ўтганлар ёдидай ўтиб борамиз, Шодлик, ғам баҳри байт, битиб борамиз. Қанча узоклашиб кетганим сайн, Шунча яқинлашиб борар

орамиз», — деб ёзасиз. Бу фалсафани сиз қачон англаб етдингиз?

— Машхур ёзуучи Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» номли рўмонида таъсири бир воеа бор. Жалолиддиннинг отаси Ватандан бадарға қилингач, чоққина бир карвон билан хижратга юз тутади. Бир мамлакат сарҳадида уларни чегара бошлиғи тўхтатади. Икки ўртада шундай савол-жавоб бўлиб ўтади. «Қайдин келурсиз?» «Оллоҳдан келурмиз». «Қайга борурсиз?». «Оллоҳга борурмиз». Бундай жавоблардан кўркиб кетгач, чегара бошлиғи мамлакат подшохи қароргоҳига қараб от солади. Кўряпсизми, инсоннинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам Аллоҳ ҳузурида. Ўзидан йўл олиб, Ўзига қараб борамиз...

— Биз билган Абдунаби деган инсон шоир Абдунаби Бойкўзиевнинг кўзига тик қарай оладими?

— Ҳалимахон, мен уларнинг иккаловини ҳам бирбиридан узоклаштирмасликка, уларни виждоним олдида сергак сақлашга ҳаракат қилдим. Тўғри, бу дунёда бирор сизга маломат қилмаслиги мумкин. Бироқ хақиқий маломат айёми бор...

— Сиз кўнгил измидамисиз ё кўнгил сизнинг изминингизда?..

— Мен кўнгил ҳукмидаман, шекилли...

— Ўтган кунларингиз, хотираларингиз билан қандай хайрлашасиз? Кулибми, йиғлабми? Шоирлар кўпроқ ўтган кунлари билан яшайди, дейдилар.

— Мен сизга онам ҳақидаги шеъримни ўқидим. Бу мисраларни неча бор ўқисам шунча йиғлайман. Чунки онам ҳам ўтган куним. Мен ўтган куним — онам билан қандоқ қилиб кулиб видолашай...

— Суҳбатингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман.

— Мен эса сиздай дилбар шоира мулокотига мушарраф бўлганимдан баҳтиёрман.

ЁСТИҚ ТАГИДАГИ САДАРАЙХОН...

Андижон ижодий мұхитининг меваси Абдулла Ко-
милни пойтахтлик қаламкашлар ўз тенгдошларидан бир
оз кечикибрөк бүй күрсатған шоир сифатида билишади.
Эҳтимол, тақдирига марказда яшаш ёзилганида у ~~хам~~
анчайин барваста ижодкор эканлигини ўз пайтида на-
моён қилиб улгурған бўлармиди.

Ҳай майли, бу энди Тақдир лавҳи...

Мұхими шоир назм шайдолари юрагини тўлқинлан-
тира оладиган қатор шеърлари билан ўз мұхлислари
доирасини тобора кенгайтириб боряпти. Шоирнинг энг
кейинги шеърий тўплами «Таскин» (Янги аср авлоди,
2005)ни вараклаган ҳар бир шеърхон ана шундай хуло-
сага келади.

Рисоладаги аксарият шеърлар муаллифнинг ўзига хос
рангин, образли ибораларга ошуфта, ҳар бир сатрида
идеал мусаффоликка интилевчи, гоҳо шод, гоҳида но-
шод, бесором қалбини ҳис қилиб туради киши. Бу тасав-
вур мисрама-мисра ортиб, тиниқлашиб боради.

Абдулла aka шеърларида табиат гўзалликларига ай-
рича ошиқ нигоҳи бор. «Ёмғир манзараси»ни мана у
қандай тасвирлайди:

*Кумуш чўплар чала бошлар ногора,
Дераза ойнаси ботади терга.
Анҳорда чўмилган шўх болаларга
Ўхшайди япроқлар қапишиб ерга.*

*Ер билан осмонни туташтирувчи
Етти хил ранглардан тикилади дор.
Томчида кўринур қуёш кулгичи,
Оқ чойшаб ёпинган тогда кулар қор.*

Ёки қишининг қор бўралаб ёғаётган лаҳзасини кўз
олдингизда жонлантирганида сиз ўзингизни қаҳратон қиши-
да эмас, капалаклар учиб юрган боғда юргандай тасав-
вур қиласиз.

*Гир айланиб қўнар лайлакқор,
Одамларнинг елкаларига.*

*Капалакка ўхшайди улар
Күнадилар одам – гулларга.*

Абдулла Комил айрим шоирлардай манзараларни сийка ибораларда ифодалаб ўкувчи энсасини қотирмайди. Балки у табиат хусни-тароватини, гўзалликларини сиз билан бизга хис килдиришга интилади. Хис қилиш эса кишида, албатта, хайрат туйғусини уйғотади. Масалан, ариқ бўйларида бодраб ўсиб ётган «ялпизлар» унинг тасаввурида оддий, ёқимли хид чиқармайди, балки «Бўй қизлардек ифор таратади».

Шоир табиат манзараларини эрка туйғулариға йўғириб, эркалатиб ифодалайди. Ўзи ҳам бу жараёнда эркаланиб, шу мунаvvар борлиқнинг ёқимтой бир унсурига айланиб, одамлар кўзида қувонч бўлиб балқигиси кела-ди. Шоир дилидаги бу орзулари эса мисраларда қўйида-гича ифода топади:

*Куёшнинг тафтидан ҳарорат олган,
Оlamни яшнатган абри найсанман.
Келинлар кўнглига эҳтирос соглан
Ёстиқ тагидаги садарайҳонман, –*

дея фуурланади.

Муаллиф образ яратиш учун сўзларни беҳуда жилва-лантириб, турли мақомларга солиб, букиб-бураб ўйна-майди. Ҳис-туйғуларини қандай бўлса, қофозга шундай-лигича тўқади. Шунданми, айрим битиклари бир қарашда жўн гаплар йифиндисидай таассурот уйғотади. Аслида эса...

Келинг, шу ўринда «Дил изҳори» номли шеърининг охирги тўртлигини олиб кўрайлик.

*Йиллар ўтаётир – бардош гуллади,
Уйларимиз интиқ кутаётир тўй.
Агар рози бўлсанг, сўз айтма, майли,
Деразанга оқ рўмолинг илиб қўй.*

Хўш, бу тўртликнинг қадри, фазилати нимада? Йиллар ўтаётган, кимдир маъшуқасини кутаётган бўлса нима қилибди? Кутган, кутилганлар камми, бу дунёда! Қиз

рози бұлса, рұмолини деразага илиб құйса бас: олам гулистон экан-ку! Шугина гапни шеър қилиш шартмиди?

Шарт эди. Нега?

Келинг сатрлардаги шоир мақсад-муддаоси, яғни коса остидаги нимкосані англашга уриниб құрайлык.

Бу ерда шоир қаҳрамонининг ҳәётимизда ўта танқислашиб бораётган, бизнинг ўша, миллій үзимизга хослигимизни белгилаб турадиган нозик қадриятларимиздан бири Шарқона ҳаёсіні йўқотмаган қалби бор. Шарқона ҳаёning эса дунё халқларининг аксарияти учун бегона бўлган, фавқулодда бежирим, нафис, оҳанграболи, шу билан бир пайтда хар қандай беандиша дахл туйғуси, ҳатти-ҳаракатни жиловлаб, тилини лол қилиб қўядиган муқаддас либоси бўлади.

Шоир қаҳрамони дилидаги гапини бугунги аксарият эстрада хонандалари тили билан, юз-хотирни йиғишириб:

Ойимқиз, тўйга розимисиз?

Рози бўлсангиз чиқиб айтинг тез! —

қабилида яланғоч туйғу, бешарм әхтирослар оғушида изхор қилиши ҳам мумкин эди. Муаллифимизнинг қаҳрамони қалбіда эса андиша бор. У кўз остига олиб юрган маҳбубаси қўчаларида, керак бўлса, бир умр тентирашга, зору нолон кезишга, пинхон қоврилишга тайёр. У севгилисининг ҳам, үзининг ҳам шаънига заррача бўлсада доғ тушишини асло истамайди. Истамайдигина эмас, балки кейинчалик ҳам үзининг маҳбубаси хақида «Бу киз суйиб турмуш қурган» деган гап-сўзлар қолишидан ор қиласи. Чунки бу сўзлар қачондир кимлардир тилида «Бу киз юриб турмуш қурган», деган шаклда талқин топиши ҳам мумкин-да! Буни қиз ҳам сезади. Икки қалб ўртасидаги ишқ алансаси эса шаръий анъаналаримиз йўл қўйган — изн берган кулмиацион нуктага етган. Интизор нигоҳлардаги фақат шу икки қалб сохибигагина маълум бўлган сирли, айни пайтда оташин дил изхорлари саробга айланиб, бир умрлик армонга дўниши ҳам мумкин. Буюк шоир Расул Ҳамзатов ибораси билан айтганда, қизнинг деразасидан иргитилган папахалардан би-

ронтаси қайтиб чиқмай қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли
эмас. Дарвоке, бу ҳам Шарқона удум: Аваристонда қиз
бода бўйига етса ошик йигитлар келиб, қизнинг дераза-
сидан бош кийими — папахасини отади. Кимники қай-
тиб чиқмаса — итқитилмаса қиз дили ўша ўғлонга мо-
йил. Тўй тадоригини кўраверсин.

Юқорида ҳар қандай нарсанинг ҳам интиҳоси, мақ-
бул нуктаси бор дедик. Икки покиза қалб «бардошлари
гуллади». Ундан у ёфи энди номақбуллик. Рози-ризолик
сўраш йигитдан лозим. У шарм пардасини кўтармаган
холда қизга аҳд паёмини йўллади. Диlldор энди ўша
йигитгагина маълум бўлган ишора — деразасига оқ рўмо-
лини илиб қўйса бас.

Бундай севги пок, ҳаёли, иболи, андишли қалблар-
гагина насиб этадиган севгидир, албатта. Бугунги воқе-
лигимиизда эса ана шундай соф туйғуларга йўғрилган асар-
лар аксарият замондошларимиз тасаввурида экзотика,
яъни ғалати холат манзарасидан бошқа нарса эмас. Буни
шоирнинг ўзи ҳам тушуниб, ҳис қилиб туради. Шунинг
учун бўлса керак бир асарида:

*Ҳали ҳам тимсоллар излаб эртакдан,
Юраман ўзимга ўзим алданиб, —*

дея афсусланади.

Дунёда инсонлар дилига ранж, алам етказувчи, юра-
гига санчик бўлиб қадалувчи воқеа, ҳодиса, сиру синоат-
лар тўлиб ётибди. Ижодкор қалби эса уларнинг ҳеч
бирига бефарқ қолмайди. Бундай қисмат шоир сифатида
Абдулла Комилга ҳам бегона эмас.

Мен ҳамюртим бўлган бу ижодкорнинг собиқ тотали-
тар тузум даврида «Кишлоқда туғилиб, далада унган»,
«Яшил дастурхонда қоп-кора нон еб», «Туну кун меҳнат
килсада «Вой жоним», демай, «Битта раҳмат» учун бе-
нихоя шодланиб кетувчи, «Саратон чилласида», ҳатто
чўл кесакларини ёриб юборувчи «Кирқ беш даража жа-
зирама»да, «Терларини пешма-пеш артиб», «Эгатларга
жон сувини йўлловчи» кобил, нихоятда соддафеъл дех-
қоннинг оғир турмуш шароити, ахволи рухияти бораси-
да қайфуриб, куйинчаклик билан ёзган асарларини кў-ўп

үкиганман. Бу күйинишлари ўзи кутганчалик натижа бер-
маслигини хис қылгач, у аламли түйғуларини киояга
йүғириб, мисралар қатига жойлашы харакат қилас эди.

*Чопону дұппини кийдиріб агар,
Табриклаб құйишиңса улуг ёшини.
Гүё беришгандай кантта бир шаҳар
Кұттармас таъзимдан әгік бошини.
Томирда күтириб қайнаган қоним
Либосу номуси ордан дәхқоним.*

Ушбу мисралардаги аламли истекхони, захархандани түшүниш учун ижодкор бўлиш шарт эмас.

Абдулла Комил бир умр масъул лавозимларда ишлаб ўтаётган ижодкорлар сирасиға киради. Тўғри, у тилига сукутни посбон қилиб, замонасозлик мақомига йўргалатиб қофоз қоралаб, хотиржамгина яшаб юравериши мумкин эди. Йўқ, у бундай қилмади.

Бизда Абдулла Комиловнинг раҳбар сифатида ўз пайтида униб-ўсиб, яйраб-яшнаб кетмаслигига сабаб бўлган омил, уша, унинг юраги тубидаги адолат хиссига ташнава ошно, ноҳақликлар қаршисидан бефарқ ўта билмайдиган, изтиробларини у ёки бу шаклда изҳор этмаса чида буролмайдиган беором қалби — уйғоқ виждони боис бўлса ажабмас, деган тасаввур ҳам йўқ эмас. Ҳаймайли, бу ҳам энди Тақдир лавхи.

Биз «Таскин»даги барча шеърлар ҳар жихатдан баркамол, деган фикрдан йироқмиз. Китобда бадиий жихатдан анчагина бўш, таҳрирталаб мисралар ҳам бор. Мисол учун, «Ҳазил ҳаёт» номли шеърдаги:

*Кетарда пичирлаб дединг «Бу ҳазил».
Эл аро юради шундайин аъмол:
«Ҳазилнинг тагида маъно ётар зил», —*

деган сатрларни олайлик. Бу ўринда эътироз «аъмол» сўзи устидадир. Аъмол луғавий маънода иш, фаолиятни англатади. Шоир бу ўринда «Ҳазил, ҳазилнинг таги зил» мақолини бир оз ўзгаририб фойдалангани учунми уни мақол ёки матал дейишидан кўра аъмол сифатида баён этишни афзал билган кўринади.

Биз Абдулла аканинг сўз қадри, мазмун-манзиратини нихоятда нозик ҳис этишига ўзаро сухбатларда кўп бор амин бўлганмиз. Колаверса, бундай жузъий, айрим камчилклар билан китобнинг қадри тушиб хам қолмайди. Бирок гўзал боғда сайр қилган ҳар бир одам гулзорда биронта бўлсин сўлиган япроқни кўрмасам деркан.

Андижон зиёлилари бу ажойиб инсонни бугун асосан қалби кайноқ, китоб кўрган, манбаа титган, «тархи-тари»ни яхши билувчи публицист, тарихчи, шоир сифатида танийди, қадрлашади. Гарчи ортидан бир умр амал кувган бўлсада илм, ижод жиловини хам қўлдан чиқармаган Абдулла Комилни дилкаш давралар, ижодий гурӯхлар, анжуманлар соғинади. Чунки унинг шахсини безаб турган нарса буғдой нони эмас, буғдай сўзи, десак хато бўлмас. Гарчи идора ишларида у (ҳозирги кунда, туман «Пахтакор» газетаси муҳаррири) ҳукмфармо бўлсада «юмшоқкўнгил қалам» қошида «хоксор жон» эканлигидан ифтиҳор туйиб яшайди.

2006

АКТЁР САҲНАДА... ЯШАШИ КЕРАК

Театр учун савияси «Чимилдиқ»қа тенглашиб қоладиган томошабин эмас, нихоятда зукко, юқори савияли, ҳаётни ҳар томонлама идрок қилувчи инсонлар керак, деган эди Ўзбекистон ҳалқ артисти Эркин Комилов («Театр» журнали, 1999 й. 1—2-сонлар).

Бу гаплар айтилганингаям мана 6—7 йил бўляпти. Театрларимиздаги аҳвол, томошабин ҳамда саҳна соҳиблари тўгрисидаги фикр-мулоҳазалар ҳамон ўша-ўша. Хўш, ана шундай идеал томошабинни бизга ким тарбиялаб беради? Эҳтимол, бугун театрлар учун зукко, юқори савияли, ҳаётни ҳар томонлама идрок қилувчи, фидоий актёрлар, режиссёrlар ҳам керакдир...

Халқимизнинг севимли санъаткори Эркин Комилов билан сухбатга отланарканман, мулоқотимиз айни мана шу муаммолар атрофида бўлишини ҳис қилдим.

- Эркин ака, бугунги сұхбатимиз қай тарзда кечишини истардингиз?
- Абдунаби, дүст, ёлғондан хам зерикдик. Мулокот чин дилдан, юракдан бұлса.
- Жуда соз. Унда сұхбатимиз мавзусини қайси ассоға курсак маңқул бұлади, күнглингиз тұлади?
- Назаримда, ҳамма нарсаниям чеки-чегараси бор. Бир пайтлар олди-қочди фильмларга қизықдик. Ужас-пужасларга муккадан кетдик. Бугунги кунда мұхаббатниям чайнаған бұлдик. Шунақанғи чайнаған ташладикки у ёқ-буёғи йүк. Энди күлгини чайнағымыз. Бориб-бориб бундан хам зерикармиз. Жиддий нарсаларга — драма, трагедияларга ёндашиш даври хам кепқолди. Бунга хам маңнан, хам ақлан әхтиёж сезаётгандаймиз.

Пұлат Сайдқосымов:

У актёрликни чин дилдан севади. Чинакамига ишлайди. Пешонаси олти қарич инсон. Үнга ҳавас қиламан.

- Сұзингизнинг мазмунидан жиддийлашиш мавриди хам кепқолди демокчисиз, шундайми?

— Албатта. Мамлакатимиз мустақиллікка эришганиғаям үн беш йил бұлянти. Бу оз муддат әмас. Енгилелпи нарсаларни ўтиш даври уринишларига йүйіб, ўзимизни оқлармиз. Келажак эса бугунги миллий санъатимизни барибир мамлакат хаёти, мустақиллігимиз мамоти, халқымиз турмуш шароити билан боғлиқ баркамол ижодий қадриятларимизга қараб баҳолайди. Мен олтмиш ёшни қоралаб қолдим. Кирк йиллик ижодий фаолиятимда нима қилишга улгурдиму, нима қилолмадим. Ъз имкониятларимни томошабинга тұла-тұқис баҳшида этолдимми? Бундан буён томошабин диди, савияси, маңнавий оламини обод қила оладиган ёрқин образлар яратады, йүқми? Мана мени нималар қийнайпти бұгун.

— Эркин ака, умрингиз не-не актёрларга армон бұлган Миллий академик драма театрида үтәнти. Йиғлаб-сиктаб, кулиб, кулдириб деймизми, юрагингизни армому қувончларга тұлдириб деймизми, олтмишгаям кириб

күйибсиз. Тўри, миллий санъатимизнинг забардаст ва-
килисиз. Шундай бўлса ҳам сизни қийнаб турадиган қана-
қадир армонлар ҳам бўлса керак.

— Ҳа-а-а... Бир пайтлар мана шу бинога: — Бугун
Шукур Бурхонов саҳнага чиқадими, Олим Ҳўжаев, Наби
Рахимов, Сора Эшонтураева, Зайнаб Садриевалар роль
ўйнадими, деб сўраб-суриштириб келишарди. Қани энди,
Шукур Бурхоннинг «Киёмат қарз» спектаклидаги Су-
лаймон отага ўхшаган асарнинг бошидан охиригача фа-
қат ўзим, дублёрсиз ўйнайдиган, ўйнаганда ҳам фақат
менинг ролим бўлиб қоладиган битта ажойиб образ ярат-
сан. Бу образ ўзбек халқининг чапани, танти, ҳақ ва
ҳақиқат учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, эзгулик йули-
да дов ва фидойи бир нуроний инсон тимсоли бўлса.
Устоз Шукур Бурхон руҳига бағишлаб «Шоҳ Эдип»ни
ўйнаш ниятим бор эди. Ёш ўтди... Мирзо Улуғбекни,
Ричардни ўйнаш орзуим эди. Булар ҳам энди армон.
Томошабин: — Бугун Эркин Комилов роль ижро этади-
ми, — деб театр кассаларидан сўрашларини орзу қила-
ман.

— Яхши ният — ёрти мол, дейдилар. Ҳали ҳам кеч
эмас.

— Йўқ, дўст! Вакт кетди. Фақат маҳорат, қобилият-
нинг ўзи камлик қиласи бундай ролларга. Жисмоний
кувват ҳам керак.

— Ўттиз йиллар илгари Шукур акани кўриш иш-
тиёқида театрга тушганимиз, «Шоҳ Эдип» тугагач, у
киши ташқарига чиққанда ортларидан анча жойгача
эрғашиб борганимиз ёдимга тушди. Ана фаришта, ана
салобат... Сиз ўшандга у киши ёнида парвона бўлиб
юрган шогирд эдингиз. Бугун кўплаб томошабинлар
Шукур Бурхоновнинг ўша йиллардаги файзини сизда
кўргиси келади.

— Ах-ей!.. Устоз улуғ, «безразмерний» санъаткор
эдилар. Рухи олдида кў-үп қарздорман... «Боқувда тур-
ган от қандай туради? Олди оёқларини ерга депсиб,
тепиниб туради. Саҳна ортида боқувда турган отдай тур-
гин. Саҳнага ҳолат билан чик. Шундай чиққинки, ҳар
дақиқада пўкиллаб, йуталиб турган сил одам ҳам йўта-
лишни эсидан чиқариб қўйсин», дер эдилар.

Обид Юнусов:

«Олтин девор»да Қиличбекни үйнардим. Эркин шу ролни бир марта бұлсаям үйнасам, деб қолди. Режиссёрни күндирдим. Очиги, қойил-мақом қилиб удалади. Кейин бу ролни Эркинга бутунлай бердим.

— Сиз үзингиз ҳаётда, ижодда Шукур Бурхоновдай яшадим, ижод қилдим, деб айта оласизми?

— Вой-бұй, Шукур Бурхон қаёқдаю биз қаёқда.. Устознинг санъати биласизми қанақа? Юксак, махобатли. Бу юксакликка интилиб умр үтди. Шукур Бурхонвча яшадим, ижод қилдим, деб айтишга маънан ҳақлы авлод билмадим қачон келади. Эҳтимол, ҳали-вери кел мас...

— Атоқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев «ЎзАС» газетаси (2005 йил, 3 июль)да «Театр тарбия маскани эмас, бу бекор гап. Бу ерга тарбияли одамлар келади», деган фикрни айтувди.

— Баҳодирнинг гапида умуман жон бор. Дарҳақиқат, спектакль кўргани озми-кўпми тарбияли, маънавияти юксак одамлар келади. Тарбиясиз одамларнинг театрга келишга вақтиям, тоқатиям йўқ. Бироқ ҳалқимизнинг театрга ташрифи масаласида кишини ранжитадиган ҳолатлар, манзаралар кўп... Мен бу гапни дунё кезган, жаҳоннинг кўплаб бообру театрлари саҳнасида роль үйнаган одам сифатида айтяпман. Оддий мисол келтирай: — Тошкентнинг эски шаҳарлик томошабинлари билан янги шаҳарликлари ўртасида фарқ бор.

Шерали Жўраев:

Ҳар қандай шароитда ҳам кўнгилларни ларзага сола олади. Нима десак ҳам Эркин Комилов — Эркин Комилов-да!

— Эркин ака, Миллий театр тарихи билан боғлиқ бир воқеа ҳақида сўрамасликнинг ҳеч иложи йўқ. Ўтган асрнинг 90-йилларимидийкин, Ҳамза номли театр жамоасида бўлинишлар бўлиб, санъаткорлардан катта бир гурухи, жумладан сиз ҳам, «Ёш гвардия» театрига ўтиб кетувдинглар. Ана шу бўлиниш ҳақида бугун нима деган

бүлар эдингиз? Албатта, бу эски гап. Бирок омма ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлган бу воқеа ҳақидаги фикрларингиз тарих учун ҳам, жамоатчилик учун ҳам кизиқ ва ахамиятлидир.

— Бугун бундо-оқ ўйлаб кўрсам, ўшинда жуда катта хато қилган эканман. Ким билан нима талашган эканмиз, ҳалигача бу саволимга жавоб топа олмайман. Хато килдик. Янглишдик. Агар ўша 27 киши бошқа театрга утиб, бу ергагидан яхшироқ асарлар қўйганимизда бопиқа гап эди. Ваҳолангки, у ерда у бўлди-ю бу бўлди қабилидаги гапбозлиқдан бошқа ҳеч қанақа иш қилмадик. Охир-оқибат, қўйнимиз пуч ёнғоқка тўлдирилганига фахмимиз етгач, ҳаммамиз эски жойимизга қайтиб келдик. Агар ўша ерда зўр-зўр асарлар саҳналаштирилиб, яхши ишлар қилингандан биз қайтиб келармидик? Йук албатта!

— Шу ўринда устоз санъаткор Наби Раҳимовнинг бир гапи ёдимга тушди. У киши «Одамлар сени кўргани эмас, сен билан дардлашгани келади», деган эдилар...

— Ўлманг! Албатта томошабин театрга бизнинг ёдлаб олган сўзларимизни эшитишга, қадди-коматимизни кўришга келмайди. Улар биз билан ҳасратлашгани, янаям тушунарлироқ қилиб айтсак, биз билан бирга яшагани келади. Демак, мен саҳнада томошабин билан юракдан сўзлашмоғим, дилни-дилга бериб яшамоғим керак. Юракдан сўзлашмайдиган одамга эса ҳеч ким талпиниб бормайди.

— Мен бир пайтлар Санкт-Петербург шаҳрида таҳсил олганман. Театрга чипта сотиб олса, бир-икки ойлаб чўнтагида эҳтиётлаб, таниш-билишларига кўрсатиб, хурсандчилигини ичига сифдира олмай юрган кишиларни кўрганман. Биз томошабинларимизнинг театр чиптаси билан қувониб яшайдиган кунларини кўтармиканмиз? Бундай кунлар қачон келаркин?

— Абдунаби, ўзимизда ҳам шундай кунлар бўлган. Шукур ака, Олим акалар роль ўйнаган спектакллар қўйилган куни театрга одам сиғмай кетарди.

— Тўғри. Лекин саҳна санъатимизнинг бугунги ахволи кўнгил яйрайдиган даражада эмаслиги ҳам сир эмас-

ку?! Бу театрларимизнинг халқдан, халқ хаётидан бир қадар узоклашиб, томошабин қалбини хис килмай гани белгиси эмасмикин, ишқилиб... Умуман, жамоатчилек үртасида, республика матбуотидаям Миллий академик театримиз миший мавзулар атрофида үралашибди, деган эътиrozлар ҳам бот-бот янграб турибди.

Ёдгор Саъдиев:

Эркинга тенг келадиган актёрлар кам. Театримиз ижодкорлари у билан фахрлансалар арзийди. Шундай дўстим борлигидан шодман.

— Фикрингизга қўшилмай илож ҳам йўқ. «Чимидик», «Андишли келинчак», «Кирмизи олма» сингари пьесалар театр мавзусини майдалаштировргани рост. Халқ шунга оқиб келяпти, деб маълум тоифа орқасидан эргашиб кетмаслигимиз керак. Меъёр зарур. Шундай асарлар билан бирга Миллий академик театр салобатига хос асарлар ҳам саҳналаштирилиши керак.

— Санкт-Петербургда Киров номли театр дирижёри Гергиев билан учрашув ташкил қилинди. Ундан ўзбек миллий театр санъати ҳақида нима дея оласиз, деб сўрадим. Латвия, Эстония, Молдова маданияти ҳақида оғзидан бол томиб турган бу үртоқ, ўзбек театри санъатининг алоҳида ўзига хосликларини тасаввуримга келтирмаяпман, деганга ўхшаш беписандроқ жавоб берганди. Кўхна Шарқ маданиятининг ориятли бир меросхўри сифатида мен бу жавобдан ниҳоятда нокулай аҳволга тушиб қолувдим. Нима деб ўйлайсиз: Гергиев жаноблари бизнинг саҳна маданиятимиз ҳақида ҳамон ўшандай фикрдамикин, ё?..

— Биласизми, бир пайтлар Чехов, Достоевский, Шиллер, Шекспир, Гёте асарлари қўйилганда ўзбек театри Санкт-Петербургдан нарироқларда ҳам довруқ таратган. Ўзбек саҳнасидаги Отелло, Гамлет, Цезарь, Шоҳ Эдип, Ревизорлар ўша асарлар яратилган мамлакатлар мутахассислари томонидан ҳам ҳаяжон билан кутиб олинган, эътироф этилган. Буни билгиси, тан олгиси келмаган ўша санъаткорга фақат ачинаман...

— Юқорида санаб ўтган асарларингизни яна қайтадан саҳналаштирилса, қандай бўларкин?

— Назаримда, ўша спектаклларни «шедевр» килиб саҳналаштирганимиздаям томошабин оқиб келади, деб айтольмайман. Сабаби, ўзбек томошабини бугун шу куннинг драмасини кўришга муштоқ.

— Ноқулайроқ бир савол: борди-ю театр ва саҳна санъати бутунлай бўлмаса, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов қайси касбнинг этагидан тутган бўларди?

— Шу саволни ўзимга ўзим ҳам кўп берганман. Жавоб тополмаганман.

— Мен айтайми? Кураги ерга тегмаган полвон бўлармидингиз...

— Тоидингиз, дўст! Шуни ўйламабман-а! Ҳақиқатан, полвон бўлардим. Умуман, ёшлигимда мусобақаларда курараш ҳам тушганман. Голиб бўлиб, тўнимнинг этагини тутиб пул йиғиб, совринлар ҳам олганман. Бироқ отам раҳматли буни эшишиб қолиб, бир куни ёnlариға чакирдилар-да, енгининг учи билан юзимга беозоргина бир уриб, «Майиб-сайиб бўпқоссанг, нима қиласман? Бас қил, бу ишни!» деб танбех бердилар. Шу-шу курашни ташладим. Умуман, ёшлигимда кучимни қаерга сифдиришни билмай йўғон-йўғон темирларни букиб ўйнардим...

Хожиакбар Нурматов:

Агарда у санъатини юз фоиз ишга солса, ҳеч ким тенглаша олмайди. Тили равон, қадди-қомати келишган. Унда бир актёрга зарур бўлган барча хусусиятлар мужассам...

— Армон қилмасангиз ҳам бўлади. Курашчи полвон бўлмасангиз ҳам бугун курашчан, машҳур санъаткорсиз.

— Худога беадад шукр. Мана, беш йилдирки, ишхонамга тонг сахар олтида келаман. Театримиз биносини йигирма марта айланиб, чопаман: тўрт ярим километр бўлади. Сўнг тренажёр залига кириб, обдон шуғулланаман. Ана ундан кейин бошқа ишга киришаман. Ҳали поликлиникага ишим тушмаган. Тушгулик ҳам қилмасин. Шифокорлар ҳеч бўлмаса, анализ топшириб қўйинг,

деб излашади. Топширмайман. Аллохдан тилагим: елдан келиб, селдай опкетсин...

— Устозлардан Худо ярлақаган, шогирдлардан ёлчиған, фарзандлар пешонасида балқиган отасиз. Булар хақида беармон ёзишган, ёзишяпти. Мен бугун құнглигизни түлдириб, күкрагингизни тоғдай құтариб турадын дүстларингиз хақида сұрагим келади.

— Ўх-ү-үх... Дүст бўлиш осон, уни сақлаш кийин, дегани рост экан. Кейинги йилларда кўпдан бир-бирағизни суюб, қўллаб-қўлтиқлашиб юрган қатор, энг якин дўстларим билан қанақадир узоқлашиброқ қолганимизни оғир бўлса ҳам айтмасам бўлмас. Юрагимни нуратиб кетган ўша дўстларимнинг номини айтиб, мухлисларимизнинг ҳам қўнглини бузмай қўяқолай. Чунки улар халқимиз учун мендан ҳам суюкли, ардоқли йигитлар, санъаткорлар. Садоқатли дўстларим Худога шукр бор. Шулардан бири Толибжон. Мени тушунади, қўллади, кадрлади. Яна бири — Нурали — адвокат. Кунда-кунора излайди, сўраб-суриштиради. Сайдивали деган акахоним бор: ҳолимдан айланади. Самоварда ош ейдиган дўстларим эса бехисоб. Театрда... нима десам экан, тўғриси, дўстим бор деб айтолмайман. Бироқ уларнинг кўни туғишган жигарларимдай. Ёшлар иззат-хурмат килишади. Баъзилари бир оз ҳайиқиброқ ҳам туришади, майлида. Хархолда мен ҳаётимда нимага эришган бўлсан, шу театр, шу жамоа шарофати билан эришдим. Ёлғиз отнинг чангি чиқсаям донғи чиқмайди.

Обид Асомов:

У кишининг санъатдаги маҳорати тенгсиз. Мен латифа айтиб кулдира олмаган кишиларни бу инсон сўз айтиб ийглатади.

— Эркин ака, юрагимда битта савол бор: берсамми-бермасамми... Томошабинни театрлар атрофида парвона килиб қўйиши учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Энди, дўст! Ҳакиқий актёр учун сахнада роль йўқ, ижро йўқ. Ё ҳаёт, ё мамот бор. Сахнада эллик йил, шунчаки роль ўйнаб ўтиш ҳам мумкин, яшаб ўтиш ҳам мумкин. Буюк санъаткорларимиз борки, барчаси сахна-

да роль ўйнаб эмас, куйиб-пишиб, ўзларини аямай яшаб ўтдилар. Саҳнада яшаши изтироби, азоби эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахтдир. Албатта, актёрнинг ёниб яшаши учун томошабин билан санъаткорларимизни дил-дилдан яқинлаштира олувчи хаёт нафаси уфуриб турган баркамол асарлар керак.

— Ёзилиб, яйраб сухбатлашганимиз учун чин дилдан кувондим. Кутлуг 60 ёшингиз билан барча газетхонларимиз номидан табриклайман!

2006

ОБИД МУСАВВИРНИНГ НАСТАРИНЛАРИ

ЁХУД ҲАЁТТА ОШИҚОНА ТАШНАЛИК

Ижодкорлар орасида имконият тўла намоён бўлиши учун мухит керак, деган ақида бор. Бу қарашни мутлақо инкор этувчилар ҳам кам эмас, аслида. Қайси гурӯҳ ҳак эканлигини исботлай олмай, ҳазрати Тарихнинг ўзи ҳам гаранг.

Бир дўстим талантлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўладилар, дейди. Иккинчиси Шолохов, Ҳамзатов, Астафьев, Распутин сингари адиларнинг Московга кўчиб бориши денгиз балиғининг аквариумга тушиб қолиши билан баробар, дея қизишади.

Нима дейишгаям хайрон бўласан киши.

Чингиз Айтматов Иссиққўл қирғоқларидан, Абдулла Орипов Некўз, Эркин Воҳидов Олтиариқ, Мухаммад Юсуф Марҳаматдан жилмаганида миллат фахрига айланашармиди, йўқми?

Ёхуд, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дўмбираси яхшироқ жарангласин, деб улар пойтахтга фукаро қилинса, ким билсин, оқсоқоллар не кўйга тушишарди?!

Корақалпоғистонлик машҳур хайкалтарош Жўлдасбой Қуттимуродовни пойтахтга кўчириб келиш юзасидан таклифлар бўлганлиги ҳакида гап-сўзлар юради. Бирок у Нукусдан жилмаслигини маълум қилган.

Машҳур мўйқалам соҳиблари Рашид Темуров, Ас-

лиддин Исаев, шоирлар Жамол Сирожиддин, Нуруллох Остон учун Самарқанд гүё Беҳишт боғидай гап эмиш.

Халқимизнинг эрка, севимли шоирлари Тўра Сулаймон, Ҳабиб Саъдулла, Охунжон Ҳакимов, Тўлан Низомнинг илҳом парисини излаб Тошкентга қўчиб келиши... негадир, эриш туюладиган воқеа. Улар гүё ўз киндиқ кони тўкилган гўшага содиклиги билан ҳам қандайдир салобат касб этиб туришгандай.

Бу мулоҳазалар андижонлик ажойиб мусаввир Обиджон Бакировнинг Республика Бадий академияси Марказий кўргазма залларида намойиш этилган юздан ортиқ асарларини томоша қилиш асносида хаёлга тепчиди.

Ёдингизда бўлса, буюк адаб Абдулла Кодирийнинг «Ўткан кунлар» романида бир парча бор. Юсуфбек Ҳожи Кумушбиби саломга эгилган пайтда «Марғилонда шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-а», дея қарши олади.

Бу аслида гўзал қалб эгасининг гўзал чехра олдидағи оталарча гўзал ҳайрати ниҳоятда нафис ифода этилган бир холат эди.

Кўргазмани томоша қилиб юрганларнинг гап-сўзларини тинглар эканмиз, худди романдагидай:

— Андижонда шундай рассом бор экан-у!.. — деганга ўхаш сўзларни кўп эшилдик.

Уч киз мусаввирнинг «Настарин» номли натюромортидан кетолмай, анчадан бери туришарди. Расмларни томоша қилиш баҳона, сездирмайгина суҳбатларига қулоқ тутдик:

— Зўр чизаркан, сиренни, ўзиям...

— Худди тириқдай. Қучоқлаб, бафрингга босгинг келадиган қиворипти.

Суриштирсак, қизлар Беньков номли рассомчилик билим юрти талабалари экан.

Умуман, настарин мавзуси Обиджон аканинг ижодида алоҳида кўргазма бўлиши мумкин. Биргина шу ернинг ўзига бештаси илинибди.

— Яна юзга яқин настаринларим бор, — дейди у. Мен уларни кўзларимни боғлаб қўйиб ҳам чизаман. Биласизми, қизлар, умуман, аёл зотини ҳеч қайси гул сиренчалиқ маҳлиё қила олмайди.

Обид мусаввир ҳам аслида борлиқни ўз субъектив мушоҳадасига, таассуротларига тобеин ифода этади. Бу айни имперессионизмга берилган таърифнинг ўзгинаси, албатта.

Ушбу услубни кўпчилик эски, сийкаси чиқиб кетган анъана, деб ҳисоблашлари ҳам бор гап.

Хўш, у ҳолда, мусаввир ижодида пойтахтнинг синчков, инжиқ ва талабчан томошибинларининг аксариятини хайратга соглан нарса нима?

Бу, бизнингча, қаҳрамонимиз асарларида ранглар оҳангининг фавқулодда жарангдорлиги ва ифода услубининг ёруғликка бениҳоя бойлиги бўлса ажабмас.

Тўғри, бу фазилатлар, аслида, бутун дунёни хайратга солиб турган ўша фаранг импрессионизми учун ҳам бегона эмас. Зоро, Обиджон Бакировнинг ўзи ҳам ўз ижодида Ренуар, Ван Гог, Гоген, Матис сингари буюк импрессионистлар таъсири катта ва бекиёс бўлганлигини таъкидлашдан толмайди.

Лекин ўша «эски, сийкаси чикқан» оқимга мансуб рассомларнинг кўпиди Обиджон аканикiday кўзни қамаштирувчи ёруғлик манбани тополмайсиз.

Бунинг сабабини мусаввирнинг ўзидан сўрадик:

— Бу ахир Шарқ!.. — дейди ҳаяжон билан. — Шарқ табиати эса ёруғликка бойлиги билан бетакрордир. Тўғри, мен фарбона, хира импрессионизмдан кўп таъсирангманман ва ҳозир ҳам илҳом оламан...

Обиджон ака рангтасвир ҳамда борлиқнинг ўз қалбига таъсири ҳақида гапира бошлиганда негадир рассомдан ҳам кўра кўпроқ дирижёрга ўхшаб кетади. Қўллари ҳавода гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушади. Оёқлари беихтиёр букилиб, ростланади. Икки кўзи чараклаб, атрофда одамлар борлигини ҳам унутиб қўяди.

— Биласизми, табиатда ранглар шу қадар кўпки, — дейди у ёниб турган қорачикларини бир нуқтага тикиб, — афсус, одамлар уларни кўрмайдилар, сезмайдилар. Мен ана шу рангларнинг барча-барчасини мухлисларимга тортиқ қилишим керак.

Кўз олдимиизда орзу отига миниб олган мусаввир олтмиш ўшлигини нишонлаётган шахс эмас, айни ўттиз-ўттиз беш ёшли жўшқин йигит қиёфасида намоён бўлиб турар-

ди. Гапнинг рости, рассомнинг хаёт гўзалликларига бўлган ошиқона ташналигини кўриб, дилимиз яйради. Бу ажойиб рассом биз учун ҳали жуда қўплаб оҳангдор ранглар, хаяжонли лахзалар тухфа этишига шубха килмасдик.

Рассомнинг яқин дўсти, ёзувчи Камчидек Кенжабоева га кўргазма баҳона мақола бошида айтиб ўтганимиз муҳит масаласини эслатдик. Мусавирнинг Андижонда муқимлиги сабабларини сўрадик.

— Хизр назар қилган одам билан Саҳрои Кабир ҳам азиз, мукаррам, дейдилар. Обиджон Бакировнинг ўзи муҳит яратадиган ижодкорлар сирасига киради, — деди у. Ана шу маънода Андижон ижодий муҳити ундан миннатдор бўлса арзиди. Бироқ ҳар қандай талантга ҳам эътибор муҳим нарса экан. Ахир Обиджон ака 60 ёшлиги муносабати билан эмас, бундан ўн-ўн беш йил илгари ҳам пойтахтда мустақил кўргазма уюштиришга қодир санъаткор эди...

«Ватанинни кўйлаш, улуғлаш учун кўкракка уриш, хайкириш шарт эмас, — деб айтган эди ажойиб шоир дўстим Мирзо Кенжабек бир сухбатимиизда. — Унинг одамлари, об-ҳавоси, дов-дараҳти-ю ўт-ўланлари, суви, тупроғини қандай бўлса шундайлигича тасвирласак, кўрсата билсак, шунинг ўзи ҳам ватанпарварлик».

Ҳар бир сантимига оддий кўз илғамас минг бир рангни жо қилган Андижонни — Ватанин қандай бўлса шундайлигича муҳлисларига тухфа этиш ниятида яшаётган Обид мусавирнинг оддий ватанпарварлиги остида нақадар катта фидойилик, машакқатлар ётганини хис қилгандай бўлдик.

2001

«МУНОЖОТ»ГА СИНГИЛ НАВОЛАР

ёхуд Наби Жалолиддиннинг «Хур нидо» номли шеърий тўпламига чизгилар

«Хур нидо» билан тиллашувимиз анча оғир кечди. Бунчалар тантиқ бўлмаса мисралар («Тиззамни ғажийман, тиззамни», «Кўзларим ўяди, кўзларим»). Бунча

Жеккаймаса ашъор дегани («Тепамда ой ҳамон билтинглар», «Чийиллаб қўяди бечора дунё», «Заминни кўзлаған пайтимиз Осмонлар йиғласин ўксиниб»).

Одатда, синикрок, сипорок бўларди биз билган оҳандар. Ёки нидонинг хурлиги шунаقا кажбахс, асов келадими? Ё ҳолига боқмаса ёхуд ҳолинг не, демаса... Дабдурустдан қаршингиздан чикиб олатасир рақсга туша кетган бўз-баёв болага ўхшар сатрлар.

*Ҳамма ёқ оппоқ,
Бир жуфт сийна
Ягона дунё
Сигар гүё панжаларига
Лабларида ҳаётнинг таъми,
Оппоқ ҳаётнинг,
Лаблар интиқ тамшанадилар
Ҳамма ёқ оппоқ.*

Харакатларини қаранг: оёқлар дунури, қўллар сермалиши, гавда суури қуйнинг куймаланишига мосмасми-ей:

*Осмон оқиши
Майсалар яшил.
Ер ернинг рангига
Күшлар сайрап қүшлар тилида.
Уни юлдузлар энди таниди (?)...
Юлдузларга етади қўли
Уйи – дунё
Ватан остона.
Онасига ўхшар одамлар,
Күшларга ўхшайди онаси.*

Нима демоқчи бу далли мисралар?

Хўш... «Осмон оқиши, Майсалар яшил, Ер ернинг рангига», бўлади-да. Күшлар қушнинг тилида сайрамасдан, чигиртка тилида чирилласинми? «Одамларга ўхшаган онанинг қүшларга ўхшashi...» қизиқ.

Модернизм рангтасвирда... тушунса бўлар... Абстракт жумлалар деймизми? Оханглар сюрреализми бўлса-чи?

Нима бўлгандаям, нидоларим хур деб кўйибди –

«Хур нидо». Демак, күйлар қалб амри, қалб ранги шоир.

Қалб амри, қалб ранги, дедингми! Шошма. Шу ерда нимадир бұлса-чи, сен англаб етмаган, ақлинг үтмаган.

Ботини бирөвға үхшамаса айбими, айблими, шоир? Эхтимол, осмонни оқиши күрганда шоир балки само қора булут оғушидадир. У осмонни қора булут билан қопланған осмонни оқ-оппоқ тусда, қиёфада күрятти-я! Бироқ бу осмон эмасда-е...

Шоир сохта осмон ортидаги ҳақиқий осмонни күриб турған бұлса-чи!

Сохта осмон — үткинчи.

Шоир буни билади, англайди. Лекин бу сохта ҳолат қачон тарқайди-ю, ҳақиқий ложувард осмон қачон жамол очади? Ким билсин. Ха, яшанд! Билмайсиз. Билмаймиз. Шоир ҳам билмайди.

Бироқ шоирни үз осмони — үзига хос осмонини күришдан, тасаввур килишдан маҳрум этолмайсиз. Бунга ҳаққингиз йўқ. Сохта воқелик ортидан туриб үз осмонини кашф этиш, ҳис қилиш эса осон иш эмас... Гап бу ерда моҳиятга, аслиятга ошиқликда. Аслият, ажабки, аксарият ҳолларда сохталиклар оғуши ёки ортида пинхондир. Моҳиятни эса ким ғарибона, ким орифона кўради. Орифлар мушоҳадаси кўпинча ғарип төғораларга сифавермаслиги ҳам бор гап-ку...

Шеър шоир қалбининг ранги, инъикоси. Умр эса шоир учун изтироблар аро кечувчи йўлдир. Демак, шеър изтироблар меваси. Бу мева жозибаси үша изтиробли онлар жазби жазавасига, даражасига ҳам боғлик.

Биламан, «Хур нидо» муаллифининг умр йўллари факат «изтироблар хиёбони» ҳасратларидан иборат эмас. У ажал ранги ва хиди анқиб ётган «аффон мухорабалири»ни ҳам кесиб ўтган.

Эхтимол, ана шу биз кўрмаган, ҳис қилмаган, кўргиликлар, қирғинбаротлар «Хур нидо» муаллифини биздан бошқачароқ кўрадиган, ҳис қиладиган, ёзадиган, фикрлайдиган килиб қўйгандир. Унга қулоқ тутинг-а...

*Тақдирга битилган икки иилимни
Жаллоддек қиймалаб,*

Тутганман аза.

*Ажал уругини ҳовуч-ҳовучлаб
Осмону фалакка сочганим ҳам рост.
Буюк гуноҳларни улгуржи ишлаб,
Гуноҳкор умримни этганман халос.
Мен мўмин эдим-ку?
Энди-чи – осий, –*

деб ёзиш бизнинг кўлимииздан ҳам келар. Лекин бунга ҳакқимиз йўқ. Чунки биз тақдиримизга битилган икки ийлимииз тугул бир кунимизни ҳам Афғон тупроғида, беомон жангу жадалларда жаллоддек қиймалаб, унга аза тутган эмасмиз. Бундай деб ёзиш ҳисси ва ҳуқуқи фақат «ажал уругини ҳовуч-ҳовучлаб осмону фалакка сочган», буюк гуноҳларни улгуржи ишлаб, гуноҳкор умрини халос этиш талвасаси билан «қақшаган асаблар қаҳрато-ни»дан омон ўта билган, «Бу дунёга мўмин келиб осий қайтяпман», дея пешонасига муштлаб яшаётган «афғон болалари»гагина муносибdir.

Кулфат кўрган қалблар, одатда, шўх-шаън давр ва давраларда маъюс, бегона тортиб қоладилар. Уни кўплар тушунмаган, хис қилмаган лаҳзаларда у:

*Энди гапирмайман
Дараҳтман мен бир...
Энди сукунатнинг бўлдим боласи,
Кийдим чопон – у қилган тортиқ.
Юрагимнинг тунги ноласин
Сезмас бирон чопондан ортиқ.
Ёлғизликдир менинг мозорим
Ўзни кўмиб қўйғанман унга, –*

дея ўзини бир четга олиб, мунғайиб ўйга толади. Бироқ қандайдир илоҳий бир некбин туйғулар зардаси ва далдаси боис «Бир дийдор истайман интиқиб, Худо», дея курашлар майдонига ялангтўш бўлиб яна ва яна қайта кириб келаверади. Чунки шоирнинг қалби дараҳтдай индамай яшашдан маъно топмайди. Ҳақ сўз, Ҳақ дийдорига интиқиб яшаш, курашларда кўради ўз халоватини.

Мўмин бўла туриб мўмин бандалар умрига зомин

бұларқ осийга айланган «афонч бола» — чорасиз. Чунки урушнинг қонунлари бешафқат — «ўлдирмасанг ўлдираплар».

Ўлмаслик учун ўлдиришга мажкүм «афонч бола» қолған умрини

*Оlamда қолмади бирон бир маъни,
Бошимда айланар қазои наво...
Ў, ботин дунёнинг азизлари,
Сиз,
Ўлиши үргатинг менга, —*

дея афонлар чекиб яшашға мажбур.

Мана, шоирнинг Афонистонда ҳалок бұлған дүстларига атаб ёзган битикларида инграётган кулфатларни хисқилинг:

*Ўзга юртда Ватан ҳар лаҳза,
Лаҳза эрур томизилган сув
Ҳаловатсиз титраса Ватан,
Бир лаҳзадир күзингда уйқу...
Ўзга юртда Ватан — ҳар лаҳза,
Бүгзингдаги ажал минг ишллик умр
Минг ишллик умрни бироқ лаҳзада
Яшамоқ мушкулдир
Яшамоқ мушкул!..*

Бегона юрт, бегона тупрокда бошига ажал ҳар лаҳза таҳдид солиб турған ўн етти, ўн саккиз ёшли жангчи ўз Ватанини айнан ўша ЛАҲЗА — вакт қиёфасида кашф этиши энди бу кутилмаган ўхшатиш. Шундай эмасми? Шу мубхам мантиқ унинг учун Ватан меҳри ва соғинчиға йўғрилган умид ва илинж манбаига айланган.

Жангчи жон таслим қилаётган қуролдошининг оғзига сув томизланған маҳали беҳол титраган қақроқ лабни ҳам Ватанга менгзаяшти. Унинг ўзини үраб турған барча воқелик, ҳатто вакт ҳам Ватан. Шу вакт — лаҳзада у мавжуд ва тирик. Демак, у Ватан қўйнида...

Бироқ шу лаҳзаларда еру кўкка вахшат солиб ўлим шарпаси ҳам кезади. Вахшат оғушидаги ана шу лаҳза —

Ватан бағрида ўз умрининг қисқагина икки йилини «яшамок мушкулдир, яшамок мушкул!...»

Кечагина бағрида бир ўт ёниб, хар не шафқатдан тониб қанчадан қанча диндошларини ер тишлатган, ўз таъбири билан айтганда «осий» қаҳрамон бугун күчада ётган чакир тошга оёқларим озор бериб қўймаяптимикин, деган андишада қадам босади.

Оёқларим ботди тош йўлга.

Шугина бир мисрада мен шоир табиатидаги қутлув бир қутбланиш синоатини ҳис қиламан. Энди у:

*Ўзим билмай ёки билиб адашдим,
Одамлар қилганин қилиб адашдим.
... Худойим гуноҳимдан ўт
Бўйнимга минг гуноҳ илиб адашдим, —*

дея надоматлар чекади. Бу мисраларда надоматга ҳамоҳанг истиғфор туйғулари ҳам яшайди. Истиғфор эса покликка, покланишга орзуманд юракларда унади.

Шоир ижодида мақоламиз бошида мисол келтирганимиз жимжимадор, бурама жумла ва образлар ясашга ортиқча берилиб, фикрлар самимилиги ва тароватига заҳа етказилган ўринлар ҳам талайгина. Эҳтимол, соянишин, бўлар-бўлмасга кўкрак кериб ўртага чиқавермайдиган, истихолалироқ шеъриятга ихлос билан вояга етган бизнинг мажхул идрокимиз юкоридаги олатасир мисраларни қабул қилишга қийналаётган бўлиши мумкин. Бирок

*«Муножот»га сингил наволар
Қалб қаъридан аста ҳаволар.
Бу фаслнинг асли саволлар —
Ечилмаган жумбоги хўпdir.
Қалдиргочим, дардларим кўпdir, —*

сингари қўйма мисраларда шоир Наби Жалолиддиннинг ҳақиқий ижодий қиёфаси балқиб тургандай.

Не деб ёзмайлик, ёзғирмайлик хулоса будир: «Хур

нидо» муаллифини бугун республикамиз адабий жамоатчилиги анча яхши билади. У бугун ўз тенги ижодкорлар орасида эхтиросли, иқтидорли шоир, носир сифатида танилиб улгурди. Бундай эътирофлар эса туғилган юртидан олисрекда яшаб ижод қилаётган қаламкаш биродарларнинг кўнглига ҳам ёқимли илиқлик, қувват олиб киради. Айтадилар-ку:

*Отлар туёгига ээйлмас майса,
Майса қувонармиш отлар кўпайса.
Кувонар майсадек мулойим элим,
Элни эл қилгувчи зотлар кўпайса.*

2006

«САЪДУЛЛОНИ СЎЗ ИЧИДАН АХТАРИНГ»

Саъдулла ака, янги китобингиз «Кўнгил юзи»ни («Шарқ» НМАК, 2006 й.) ўқиб очиғи сизга хавасимиз келди. Ростини айтсак, ижоднинг қайнок-қаймоқ фаслига кирибсиз. Ҳа, ижоднинг қаймоқ ва қайнок фасли...

Бир жумлани икки бор қайтаришимизнинг боиси бор. Биз сизни ажойиб публицист, мухаррир, ижодкор сифатида кўп йиллардан буён кузатамиз. Бироқ «Кўнгил юзи» боис шоир Саъдулла Ҳакимни қайтадан кашф қилдик...

«Кўнгил юзи» самимий, феълингиздай содда, ўзингиздай камтарин ва беғубор, бир сўз билан айтганда, юзи ажабтовур ёруғ китоб бўлиди.

Юзи ёруғ сўзини хар жихатдан ўйлаб айтдик. Бу сифатда китобнинг безатилишидан тортиб, унга жамланган шеърларнинг адабий-бадиий савияси, руҳий таъсир доирасигача дахлдорлик бор.

Келинг, аввало ўзингиз ниҳоятда топиб айтганингиз «айтимлар»ингиз хақида тўхталсак...

Рисолага киритилган деярли барча шеърларингиз қалбida қанақадир айрича тиник, бироқ армонангиз туйғулар борки, улар айтимларингиз қаҳрамонларини борлиқни, воқелигимизни тийрак шу билан бирга покиза

хайрат, хақиқатга ташна нигоҳ билан кузатишига ундаға туради.

*Үй босар тақрор-тақрор,
Мен асли үзи кимман?
Эл мұдраганда бедор
Хайқирса нечун жимман?*

*Жоқил тегірмөн тошин
Бош узра юргизса бад,
Балки минглар бири мен
Қылған сабру қаноат.*

*На дүқ, на озорим бор,
Мен бир яхши одамман.
Күксимда мозорим бор, —
Хиддатларим яшинган.*

Дархакиқат, китобнинг илк шеъридаёқ бедор хайқирса жим турдим. Жоқил тегірмөн тошини бошларда айланырса мингларнинг бири бўлиб сабр қилдим. Адолатсизликлар бошини қиличдай кесиб ташлаши мумкин бўлган хиддатларимни кўксимдаги мозорларимга кўмиб яшаётган «бир яхши одамман»да, дея, ўз-ўзига маломат тошларини отаётган бу шоирнинг «асли үзи ким?»

«Кўнгил юзи» билан юзлашган шеър муҳлиси шундай саволлар таъсирида китобга боғланиб, ўқиб тугатганини билмай ҳам қолади. Китобнинг ички сахифаларида эса шеърхонни бундан ҳам чукурроқ мулоҳазаларга чорлайдиган айтимлар кутади:

*Ўрмончилар ҳақида ҳангомага бу бир гап,
Кўрган-эшиштган ҳайрон: ўрмончилар нетдишлар?
Эгри-буғри қайрагоч соясида соялаб,
Тўғри ўсган теракни шартта кесиб кетдишлар...*

(«Ўрмончилар»)

*Жонадил жонга хуш жўмардин суюр,
Бирга тош-муз ялаб бир ўтда куюр.*

*Отам замонлардан қолган бу айтим:
Айғир құм чайнаса, чанг ютар уор.*

(«Айтим»)

*Англамоқ шунчалар мушкулдир наҳот,
Кайда ёлғон зоҳир қайды пайдо чин.
Тұғри йүл тик жарга дүч этиб гоҳо,
Эгри йүл чүкқига әлтмоги мумкин...*

(«Усмон Носир ва үзгалар»)

*Қайғурма ростми, ёлғонми дебон,
Бир үилда неча бор тусланар осмон.
Ёлғонга айланар, керак бұлса рост,
Керак бұлса, ростта айланар ёлғон.*

(«Рост ва ёлғон»)

Китобнинг «Кўзмунчоқ» деб номланган бобидан олинган бу тўртликларни ўқиган одам хотиржам қола олармикан? Йўқ, албаттa! Эгри дараҳт авайланиб, тўғриси кесиб кетилган, айғирни құм чайнатиб, уюрни чанг ютқизган, тўғри йўл жарга элтиб, эгриси мақсадга етқизиб турган, рост ёлғонга айлананиб, ёлғон ростта дўнаётган ҳолатлар қаршисида фарёд чекаётган қаҳрамон изтиробларидан қўлдаги «қалам тили оловга айлананиб, бармоқлар ловуллаб кетиши» тайин.

Саъдулла ака, биламиз одмилик, кичик кўнгиллик сизнинг табиатингизни бут қилиб турган сифатлардан. Бемаврид, беўрин мақтовлардан танангиз яйраб, кайфиятингиз чоғ бўлиб ҳам кетавермайди. Ҳар қалай, бир айтимингизда шундай мисралар ҳам бор:

*Киши йўқ паҳтани элда суймаган,
Паҳта экдик ҳатто ўр-қиришимизга.
Жойимиз қолмади паҳта қўймаган,
Паҳтани кўп қўйдик бир-биришимизга.*

(«Ўқинч»)

Ушбу мақоладан муддао фақат мақтов эмас. Танқид бўлмасада, ҳар қалай, айрим мисраларингизга эътиroz-

даримиз, баҳоли-қудрат таклифларимиз хам йўқ эмас. Масалан, «Ошкораликни тушуниш» номли тўртлигингиз шундай бошланади:

Ошкоралик деса манави бу зот, —
Доим саф олдида юришга мойил.

Бизнингча «манави» билан «бу» сўзлари битта маънени англатади. Шу ўринда «манави бу зот» ўрнига «манов валламат» сифати қўлланиши хам мумкин экан. «Эпиграмма» тўртлигида:

— Наҳотки ўзгарган бўлса аҳду ком
Тириклар күшоду ўликлар бадном? —

деган мисраларда «кушод» сўзининг вазифаси аниқ эмас. Кушод сўзи Навоий асарлари луғатида «очилган, озод бўлган, енгиллашган», деган маъноларни англатиши айтилади. Ахоли орасида эса «роса, тўла-тўқис, ортиғи билан», деган маъноларда қўлланилиши кузатилади. Бизнингча шеърдаги бу сўз хар икки ҳолатда хам ўзини оқламаётгандай.

«Туғилиш» сарлавҳали шеърда:

Халқим деб жон берган кимсалар — шаҳид,
Марднинг ўлимидан туғилар ботир! —

дейилган. Халқим, деб жон фидо қилган кишиларни «жўмард»лар дейилса муносаброк бўлар эди. «Кимса» сўзининг салбий маънодаги оҳанг-аломатлари кучлироқ...

«Куйган кўнгил» рубойиси «Ҳажрингда кўзим тўқмаса бир нам» сатри билан бошланади. Мантикан олиб қаралса, нам тўқилмайди — тепчийди. Нам йифилиб сувга айлангачгина тўкилади-томади.

Айрим асарларда эгизак жумлалар, фикрлар такори хам кузатилади. Масалан, «Болалик» тўртлигидаги:

От минган ҳар киши чавандоз бўлмас,
Анди эмас эшак минганинг бари. —

байтлари «қисмат» тўртлигида:

Ҳар пайғамбар эмас Мұҳаммад,
Ҳар Мұҳаммад эмас пайғамбар! —

шаклида қайталанади.

Бирок бу ўхшашлик ўқувчига мутлақо малол келмайди. Аксинча, иккала тұртлик ҳам үз холица, алохидалохидан асар сифатида қадрли ва гүзалдир.

Энди юқорида эслатиб ўтганимиз – китобнинг номланиши, безатилиши, шеърларга берилган тартиб, уларнинг рухий таъсир доираси борасида... Бу ҳакда ҳам үзингиз «Күнгил юзи» номли айтимингизда жуда ажайиб айтибсиз. Мана ўша мисралар:

*Күнгил юзин күз ичидан ахтаринг,
Күклам юзин куз ичидан ахтаринг.
Сўздан либос киймиш, изтиробдан тож –
Саъдуллони сўз ичидан ахтаринг.*

Ўқувчи ушбу тұртликда китобнинг ўзига хос, бетакрор ишланған муқоваси, умуман мазмун-моҳиятини яна да чуқурроқ ҳис қилади.

Ха, китоб ҳар жиҳатдан гүзал чиққан.

Күз ичига яширинган күнглингиз юзи ҳам, «Күнгил юзи»га жамланған айтимларингиз ҳам, айтимлар қатидаги «сўздан либос, изтиробдан тож кийган Саъдулло»нинг қаҳрамонлари ички дунёси ҳам...

«Болалик ёди» шеърингизни ўқиб болалик хотираладыра ишик кетгимиз келди. Қишлоқларимизнинг содда, беғубор одамлари нафаси уфуриб турган «Кимнинг узуми ширин?», «Ота ҳақида қисса», «Она юртим», «Излар» сингари юморга бой, қуйма сатрларингизда юракларни орзиктириб юборадиган соғинч ҳисларини түйдик.

Хар бир янги китоб ўқувчи күнглини чертаётган мемондир. Мезбон юраги эса ҳар доим қалбининг қопқасида турган құноғини ҳар жиҳатдан гүзал, самимий бўлишини орзу қилади.

Энди тасаввур қилинг, останангизда бир ажайиб, холис ниятли мемон турибди. Лекин сиз унинг нима демоқчи эканлигини тушунолмаяпсиз. Шу асно у үз муддаосини сизга таниш бўлган иккинчи бир лаҳжа ёки шевада ҳам уқтира бошлади. Шубҳа йўқки, бундай ҳолатда қувониб кетасиз. Құноқни энди хеч иккиланмай ичкарига таклиф этасиз. Биласизки, у сиз кутган, кутаёт-

ган, қалб уйингизни яхши туйғулар билан бойитиш ниятидаги меҳмон.

«Күнгил юзи»нинг бирданига икки имлода чоп этилиши айни муддао бўлиди.

Ушбу тўпламни хар икки имлони боғлаб турувчи кўприк сифатида муаллифни ҳам, нашриёт ходимларини ҳам кутлаш керак.

2007

ЧАНФИРАГИ БИЙИК, КЕРЕГЕСИ КЕНГ...

Айтишларича, Қозогистон Давлат тамгасини яратиш учун эълон қилинган конкурсда уч юзга яқин ижодкор беллашган. Республика парламенти сессияси эса ана шулар ичida ҳамюртимиз Жондорбек Малибеков яратган лойиҳани қозоқ ҳалқи қадрияtlарини ҳар томонлама чуқур, таъсирчан ва образли ифода этган энг яхши асар, деб топди...

Жондорбек Малибеков пойтахтимиздаги Республика шаҳарсозлик илмий текшириш ва лойиҳалаш институти меъморчилик-қурилиш бўлими бош меъмори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор.

Ушбу сұхбатимиз ана шу асар муаллифи биландир.

— Жондорбек aka, аввало, Қозогистондай бепоён бир мамлакат тамгасини яратган инсон бизнинг ҳамюртимиз эканлигидан хурсандмиз. Муштариylаримиз номидан сизни ана шу муваффакият билан қутлашига ижозат беринг...

— Раҳмат. Мавриди келиб қолди айтай: шу кунгача мен ва менинг ижодим ҳақида сўраб-суриштирган биринчи газета бу — «Халқ сўзи» бўлди, ташаккур.

— Айтинг-чи, Давлат тамгаси асли нима?

— Тамға — бу ўша ҳалқнинг қиёғаси, кайфияти, маънавияти, ор-номуси. Унда ҳалқ ўтмиши, ҳозири ва келажаги, орзу-ниятлари бутун бўй-басти билан акс этмоғи шарт.

— Демак, гербни миллат қалбининг инъикоси дейиш мумкин экан-да?

— Албатта. Шунинг учун хам бирон бир давлат иккичинчи бир мамлакат ҳақида билмоқчи бўлса, аввало, унинг гербини ўрганади, байроғига разм солади, мадхиясини тинглайди.

— Малол олмасангиз, қўнглимдан кечган бир фикрни очиқ айтсан. Сиз яратган бу герб бир қараашда ниҳоятда оддий ва содда кўринади...

— Нега малол олай, аксинча, хурсандман. Чунки ижодда оддийликка ҳар ким хам мұяссар бўлавермайди.

— Асарингизни юзаки кузатган одам қуёш, ундан таралган нурлар, иккى томонга қараб турган афсонавий қанотли, шоҳли тулпорлар акс этган экан, деб ўйлади. Иложи бўлса, бу рамзият ҳақида қисқагина гапириб берсангиз? Ҳархолда, герб моҳиятига муаллиф нигоҳи билан разм солиш, бошқа масала...

— Тўғри айтдингиз, аввало гербдаги ўша сиз айтган думалоқ қуёш, ундан таралган нурларнинг бошқа маъноси хам бор. Бу қуёш, аслида, қозоқ ўтови шифтидаги чанғирағи, яъни туйнуғидир. Ундан таралган 72 чизикнур эса ўтовнинг тирковучлари — керегеси, яъни тевараги. Олд томонда ўтов бўсағаси акс этган. Қадимий бир ақидага кўра, бу — ўт — ўчок — ўтов — Ватан тимсоли. Бу — оила рамзи хамдир. Туркий халкларда яхши анъана бор. Янги оиласа ўтов тикилса, ҳар ким баҳоли қудрат ҳисса кўшади. Ўтов тиклашга хам кўпчилик яхши. Ҳар бир тирковучини биттадан одам ушлаб кўтарилган ўтов хам ниҳоятда мустаҳкам бўлади, узок туради.

Бугун қад ростлаётган Қозогистон деган мустақил мамлакатни хам янги тикланаётган оила — ўтовга менгзаш мумкин. Шу маънода гербда тасвирланган ҳар бир чизик-нур у ерда яшаётган бирон миллатга қиёс. Уларнинг боши бир ерга қовушиб, қанчалар жипслаша борса, янги ўтов, янги оила, янги қурилаётган мустақил мамлакат шунчалар мустаҳкам бўлади. Ана шуни назарда тутиб, қозоқлар ўтов тикса чанғирағи бийик (баланд), керегеси (тевараги) кенг, бўсағаси берк (мустаҳкам) бўлсин. Бу ўтовнинг — Ватанинг ўчоғида ўт ҳеч қачон ўчмасин, деб ният қиласидилар.

— Афсонавий шоҳли, қанотли тулпорлар-чи?..

— Улар афсонавий эмас, хаёт ҳақиқати. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, худди шундай шохли, қанотли ғаройиб тулпорлар Қозоғистонда яқин-яқинлар тача яшаган экан. Уларни одамлар йилқи-кийик отлар деб аташган. Афсуски, бу ноёб жониворлар ўн еттинчи асрда батамом кирилиб, йўқ бўлиб кетган. Кўряпсизми, хаёт накадар бешафқат. Демак, бу жониворлар билан боғлиқ қанчадан-қанча хаёт ҳақиқатлари ҳам биз учун бугун афсонага айланиб турибди. Ким билсин, тоталитар тузум шиддат билан ривожланиб борса, миллатимизнинг тақдирни нима кечарди. Эҳтимол, худодан астайдил тилаб, ҳаракат қилсан, ана шу тулпорлар наслини қайта тиклаш мумкин бўлар.

Тулпорлар ҳалқнинг рухи. Учқур тулпор минган одамнинг рухи доим баланд бўлади.

Шохларга келсан — қадим аждодларимиз кўз тегмасин деб, бўсағасига, уйлар тўрига турли жониворларнинг шохини илиб қўйишган. Гербдаги шохларнинг яна бир мазмуни юртимизга кўз тегмасин. Келган бало шунга урилиб қайтаверсин дегани.

— Ўзбекистон тамғасида ҳам, Қозоғистон гербида ҳам қандайдир ўхшашлик бор, масалан, қудратли қанотлар...

— Бу уйғунлик икки ҳалқ руҳан, қалбан бир-бирига ниҳоятда яқинлигини тасдиқлайди. Мен буни бир пайтда, бир-биридан бехабар, бирон нарса ҳақида ўйлаб уни амалга оширган эгизак фаолиятга ўхшатаман.

— Ҳозир нима ишлар билан бандсиз?

— Янги Жигаристон, у ерда бунёд этиладиган Боги сурх қишлоғи мажмуаси устида ишлайпмиз.

— Келгусида энг эзгу ниятингиз...

— Туркий оламнинг йирик файласуфи Кўрқут отага атаб мужассама тархини тайёрлаганман. Насиб этса, ўша иншоотни ўзим туғилиб ўстан Қизил Ўрда (Оқ мачит)да тиклашга иштирок этиш.

— Фарзандларингиз, оиласангиз ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Уч ўғлим бор. Биринчиси меъмор, иккинчиси қурувчи бўлади. Учинчиси ҳали мактабда. Аёлим Оқшойи — ижодий ишларимда доим ҳамкорим, ҳамдардим.

— Ўзингиз яратган тамға хақида ўйлаганингизда, қал бингизда кечадиган туйфуларни билишни истардик.

— Мен ўз асаримнинг Туркистон халқлари бирлиги биродарлигига узок йиллар хизмат қилишини истайман. Биз туркий халқлар, юртимиз, ватанимиз тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда худди гербда ифода қилинганидай, бир-биримизга ҳар қачонгидан ҳам яқинрок, жисроқ бўлишимиз кераклигини хис қиласман.

— Гербнинг хозирги ҳолатидан қониқасизми?

— Гарчанд гербни мен яратган бўлсанм ҳам, Қозогистон парламентида қабул қилинган кундан бошлаб, у энди муқаддас нарсага айланди. Демак, у бутун бир миллатга дахлдор қадрият. Эҳтимол, замон зайли билан ўзгартириш, тўлдиришлар бўлар. Лекин бу ҳуқук халкнинг ўзиға, у сайдаб қўйган вакиллар — депутатларгагина беришган... Мен ҳам энди унга шу миллатнинг фарзанди, бир фуқаро сифатида эҳтиром билан муносабатда бўламан.

1994

ИМОН САЛОМАТ ТУРСА...

Ёзниг жазирама иссиқ кунларидан бири эди. «Миробод» бозорида элимингизнинг ардоқли санъаткори Клара Жалилова билан учрашиб қолдик.

Клара опа қўча-қўйларда очилиб-сочилиб, бир дунё бўлиб юради. Бирор таниши учраб қолса «ойнаниб-ўргилиб» меҳрини изхор қиласди.

Дом қўшни эмасмизми, мен билан ҳар галгидек тўлиб тошиб сўрашганларидан кейин сухбатлашиб бир оз юрган ҳам эдик, уч-тўртта аёлларга дуч келдик. Улардан бири ҳамроҳларини туртиб деди:

— Ана, қаранглар, Кларахон келяпти, «Мафтунингман»даги Юлдузхон борку...

Аёллардан бирори ўша машхур фильмдаги «Дуппи тикдим ипаклари тиллодан...» мисраларини такрорлаб, биз томонга келаверди. Клара опа ҳам аёлларнинг меҳр билан интилаётганидан эриб кетди шекилли, улар билан

ўзига хос эркаланиб, тасаддуқ билан, қучоқлашиб күриша кетди.

Хиёл нарида бу манзарани кузатар эканман, Клара опага ҳавасим келди: «Қандай баҳтли санъаткор».

Биз шу баҳтли санъаткор билан бир маҳаллада яшаймиз. Маҳалламиз улуғлари опани «ўзимизнинг Клара», деб сужди. Ёшлар оддий қилиб «Клара опа», дейди. Болаларни айтмайсизми. Маҳалламиз болалари тўсатдан қаёқкадир дув чопса биламизки, ўша томондан Клара опа келаётир.

Клара Жалилова бетакрор овози, шўх нафис ракслари, сахнада, кинофильмларда ижро этган лирик ҳамда юмористик роллари билан ўз муҳлисларини топа билган артистлардан.

Бироқ эски тузум даврида бошқа соҳаларда бўлганидек, санъаткор ёки ижодкор хизматига баҳо беришда ҳам «дахлдор»лик нуқтаи назаридан ёндашилгани ойнадек равшан бўлиб қолди.

Эҳ-хе, кейинги уч-тўрт йил ичидан қанчадан санъаткор, ижодкорларимизни қайта кашф этмадиг-а.

Ардокли ҳофизларимиздан Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев, Комилжон Баратов, бетакрор режиссер Бахтиёр Йўлдошев, улкан адаб Пиримқул Кодиров...

Бу саноқни истаганча давом эттириш мумкин.

Орденсиз, медалсиз, ҳалқ меҳрини қонзонсада, бироқ эътибор топмай ўтиб кетган Миртемир домла, Мирзакалон Исмоилий, Шукур Бурхонов, Ҳасан Йўлдошев сингари бемисл талантларимиз бугун дил тубида буюк армон бўлиб ётибдилар.

Мақоламиз қаҳрамони ҳам ўтган йили эллик ўшлиги нишонлади десак тўғри бўлмасу, ҳар ҳолда қаршилади. Кенг жамоатчилик бундан деярли бехабар қолди.

Биз Клара Жалилованинг юбилейи албатта тантанали нишонланиши керак эди, демоқчи эмасмиз. Биз бу ўринда радио, телевидение, матбуотда опанинг камтаргина хизматлари ҳақида камтаргина бўлса ҳам ёритилса арзир эди демоқчимиз, холос. Чунки опанинг ҳалқига айтгулик хотиралари, орзу-армонлари йўқ эмас эди.

* * *

Еттинчи синфни битириб Тошкентдаги қофоз маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фабрикага муковачи бўлиб ишга жойлашганимда ўн тўрт ёшда эдим, — дея эслайди Клара опа. — Фабрикадаги хор кружогида иштирок эта бошладим. Шу ерда улуғ санъаткор Халима Носирова назарига тушиб қолдим. Кўп ўтмай жумхурият филармониясига солистликка таклиф этишди. Ишларим юришиб, бир пайтнинг ўзида мусиқа билим юртига ўкишга ҳам кириб олдим.

— Санъатга кириб келишингизни отангиз унча хушламаган, деб айтувдингиз...

— Раҳматли отам Алимадат Жалилов Қўқон театрда директор бўлишига қарамай менинг бу қароримни ёқламадилар. Тўрт йилдан ошикроқ мен билан гаплашмай қўйдилар. Биринчи фарзандимиз Фуркатжон туғилганда «гуноҳим»дан ўтдилар.

— Филармонияга келиб биринчи айтган қўшиғингизни эслай оласизми?

— Ишнинг биринчи куниёқ тақдир мени бағри кенг устозим Коммуна Исмоилова билан учраштириди. Ўша куннинг ўзида Хоразм халқ қўшиқларидан «Қизгина»ни ўргатдилар. Шу қўшиқ билан саҳнага чиқдим. Кейинроқ, тупроғи нурга тўлсин, Комилжон Отаниёзовнинг «Гулнор» деган қўшиғини ёд олдирдилар. Коммуна опа билан ижодий ҳамкорлигимиз узок йиллар давом этди. Ижрочилик маҳоратимнинг шаклланишида у кишининг хизматлари катта.

Ҳа, Ҳалима Носированинг назари, Коммуна Исмоилованинг тарбияси Клара Жалиловани катта саҳнага олиб чиқди. 1956 йилда ўтказилган республика фестивалида иккита биринчи ва битта иккинчи даражали медаль билан тақдирланди. Ўн саккиз ёшли Кларанинг ҳаётида янги давр бошланди. Бу муваффакият унга 1957 йили Москвада ўтадиган ёшлар ва талабаларнинг VI жаҳон фестивалида қатнашиш хуқукини берди. Бу орада у Бутуниттифоқ ёш санъаткорлар фестивалида қатнашиб олтин медаль билан тақдирланди.

VI жаҳон фестивалидаги олқишлиар Клара Жалилова ҳаётида энг ёрқин дақиқалар бўлса ажаб эмас. Чунки

«Эй меҳрибоним» ва афғон халқ қўшиғи «Татура диdam»-ни куйлаганида бутун зал оёққа турган эди.

1959 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида ҳам ўзбекча «Кўйдирма», русча «Нинчи», ҳиндча «Топишмок...», афғонча «Гулихандон» қўшикларини муваффакият билан ижро этиб, томошабинни мафтун килди.

— Клара опа, «Мафтунингман» фильмидаги Юлдузхонингизнинг ҳамон мафтунимиз...

— Раҳмат, ойнанай.

— Сиз комик артист Ҳасан Йўлдошев билан кинога тушиш баҳтига мушарраф бўлган актёrsиз. У кишининг хаёти, ижоди бевакӯт ўлими, ҳақида ҳар хил гап-сўзлар юради...

— Укажон, Ҳасан Йўлдошев ноёб талант, бетакрор санъаткор эди. Чақмоқдай келиб кетди. Ундан артист энди келмайди укажон, келмайди. Биз «Базада» деган фильмда бирга суратга тушган эдик. Бу менинг «Наштар»даги илк ролим эди.

— Ҳасан Йўлдошев хаётдаям кувноқмидилар?

— Мен бир нарсага аминман. Ҳаётда ҳам саҳнадагидай яшаган артист одамларни кулдира олмайди. У киши хаётда ниҳоятда жиҳдий, дардчил эдилар. Менинча Ҳасан аканинг муваффакияти шунда эдики, у айнан саҳнада хаётни кўрсата билар, саҳнада ҳаётдагидай яшай билар эди.

— Бемаврид вафотига сабаб ичкилик, деган гаплар бор...

— Бекор гап. Умрининг сўнги беш йилида бирон марта ичиб-маст бўлганини кўрган эмасман. Ёшлигидага ўпка касаллиги билан оғриган экан...

— Кейинги пайтларда чет эллик киночилар билан ҳамкорлик қилаётганингизни эшитамиз.

— Ҳа, 1989 йили марокашлик режиссёр Сухейл Бинбакканинг «Оташин дўмбиралар» номли тарихий фильмда ҳарам хизматкори ролини ижро этдим. Фильм машҳур Боқчасарой фонтанида суратга олинди. Асарда турк, ўзбек ва африка халқлари тақдирига оид воқеалар акс эттирилган.

- Ўзбек санъаткорларидан кимларга таъзим киласиз?
- Эркаклардан Эргаш Йўлдошевга, хонимлардан Коммуна Исмоилова, Мұхаббат Шамаевага, Эргаш ақанинг қўшиклари юрагидан отилиб чиқади. Бу кучли санъаткорнинг инсонийлигини ўйласам кўнглим юмшайди. Янгилардан Насиба Абдуллаева куйлайверсинда-е.
- Адибларданчи?
- Эркин Воҳидов, Чингиз Айтматов асарларининг асириман.
- Фарзандларингиздан биронтаси сизнинг йўлингиздан бормади?
- Болаларим санъаткор эмас. Бироқ санъат уларнинг қалбида. Фуркатжон ёдингизда бўлса Ойбекнинг Алишер Навоий видеофильмида Навоийнинг ўсмирилигини ижро этган. Тоҷикистонда «Қалтис жойда» номли фильмда ҳам суратга тушди. Лекин негадир кинони ташлаб, бошқа соҳага ўтиб кетди. Болаларимнинг тўрттови ҳам мусика шайдолари. Ҳаммаси ҳар соҳада ишласада, уйимизда доира, гитара, акардеон, пионинонинг овози тинмайди. Наргизим мусика мактабини тугатган. Акардеонни нола қилдиради. Ҳа, ишқилиб жумлаи мўминнинг қаторида менинг фарзандларимгаям толе, инсоф берсин. Баҳтили бўлишсин. Илоё уларнинг доғини кўрмай.
- Хотирангизда ўрнашиб қолган саҳна орти воқеалиридан бирортасини айтиб берсангиз?!
- 1958 йил 8 март куни эди. «Колизей» томоша залида концерт беряпмиз. Мен кетма-кет 4 та ашула куйладим, бўлди қарсак. Концертни олиб борувчи кеинги санъаткорнинг номини эълон қилди. Бироқ қарсак босилмади. Шунда таниқли қўшиқчи саҳнадан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Қаршимга келиб ўқрайдига, икки чаккамга икки шапалоқ тортиб юборди.
- Клара опа, 50-йилларда афғонистонлик машҳур қўшиқчи Хиёл сизнинг маҳоратингизни айрича қадрлаганини биламиз. Ноқулай бўлса ҳам бир савол: у сизни севиб қолган, ҳатто ўз юртига доимий яшашга таклиф этган, деган гаплар юради, бунда жон борми?
- Хиёлнинг ҳар бир қўшиғи ижро этилган куниёк дунёга машҳур бўлиб кетар эди, десам муболаға бўлмай-

ди. Ўзбекистонга келганида мен ҳам у кишидан қўшиклар ўрганганман. Бир мен эмас Коммуна Исмоилова, Назира Ахмедовалар ҳам ўрганишган. Мени афғон сари таклифига келсак... нафақат таклиф этган, балки хараткат ҳам қилган.

- Бирга кетмаганингиздан афсусланмайсизми энди?
- Йўқ. Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юрtingда ултон бўл, дейдилар...
- Санъат оламидаги, жамиятимиздаги қайси муаммолар сизни кўпроқ ташвишлантиради?

— Мен ишлайдиган Абдулла Қаххор номли сатира театри Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» комедиясини сахналаштириши муносабати билан вилоятларга, қўшни жумҳуриятларга сафарларимиз кўпайганди. Ўшанда жойлардаги ахвол «Темир хотин»даги эпизодлардан бир неча баробар оғир эканлигини кўриб юракларимиз эзилиб кетарди. Айниқса, пахта терими пайтида етти ёшдан етмиш ёшгача, ҳамма бўйнига этак илиб, кеч соат 9–10 ларгача «ўз ихтиёри билан даладан жилмай қўйган кезлар»даги шоир Мухаммад Юсуф таъбири билан айтганда «ўз боласига бир фўзача парвоналар бўлолмаган», хафта ичи бир тишлам гўшт емаган, ранги синик, турмуш уринишларидан бемаврид қариб қолган оналар қўлида бир донагина чипта билан тўрт-бешта юпун боласини етаклаб томошахона остонасида мўлтираб туришини кузатиш биз учун қандай азоб эканлигини тасаввур қилсангиз эди...

Колхозлардан бирида спектакль қўйишимииз керак эди. Томоша бошланишига 5 минут вақт қолган, залда одамлик тўла. Бирдан томошабинлар ўринларидан туриб ташкарига оқа бошлади. Суриштирасак, қишлоқ магазинига калиш келган экан. Эҳ бечора халқимиз-а... Шўролар тузими уларни шу куйларга солиб қўйган эди.

- Сухбатимиз сўнгига бир яхши ният қилсангиз?
- Яхши кунлар келганга ўхшайди. Энди олам тинч бўлиб, имон саломат турса бас. Колганларини аста-секин бутлаб олса бўлади. Ҳатто эътиқодни ҳам.
- Айтганингиз келсин. Дилдан сухбатингиз учун ташаккур, Клара она!

ТҮХТА ОПАНИНГ «БАЛО» ҚИЗИ

(Ўзбекистон халқ артисти Маъмурда Эргашева билан сұхбат)

— Санъат оламига қандай қадам қўйганингиз кўпчиликни қизиқтиради.

— Отам Зокиржон Эргашев ажойиб қўшикчи Эргаш Йўлдошевга жўровоз эдилар. Улар машхур санъаткорлар Маъмуржон Узоков, Жўрахон Султонов, Юсуфжон қизик, Охунжон қизик, Мукаррама Турғунбоевалар билан бирга юришар, онам Тўхтахон Рисметова ҳам шу гурухда ракқоса эди. Кўпинча гастролларга мени ҳам олиб кетишарди. Сахна ортида туриб, барча программаларни ўзлаштириб олардим. Икки-уч жойда томоша кўрсатиб, чарчаган труппага кучкурун мен концерт берардим. Улар ўз қиликлари, хатти-харакатларини менинг ижроимда кўриб, роса завқланиб кулишарди. Умуман, сахна мухити менга гўдаклигимдан таниш, қолаверса, санъаткорлик конимда бор эди.

— Раққоса бўлиш бирдан-бир орзунгиз эдими ёки бошқа касбларга ҳам ҳавасингиз бўлганми?

— Ёшлигимда врач бўлишни орзу қиласардим. Қўшиклини ҳавас қилиб юрган пайтларим ҳам бўлган.

— Гапларингиздан, раққоса бўлиб қолганингизга афсусланиш бордай...

— Йўқ, йўқ. Врач ёки қўшикчи бўлмаганимга минг бор шукур қиласман.

— Нега энди?

— Кўриб турибсиз, овоздан Худо унча сийламаган. Врач бўлганимда, бугунги Маъмурда Эргашевадай халқка танила олармидим-йўқми...

— Сиздаги раққосалик иқтидорини биринчи бўлиб ким пайқаган?

— Раҳматли Мукаррама опа. Олти-етти ёшларда эдим. Ошага, онамга таклид қилиб рақсга тушардим. Бир куни Мукаррама опа онамга, «Тўхта, боланг бало. Бунингдан бир нарса чикади. Қизингни ўзим ўқитаман», дедилар... З-синфи битиришим билан қўлимдан етаклаб, Тошкент рақс санъати билим юртига элтиб бердилар. Шу-шу опанинг назоратида вояга етдим.

- Ўз фарзандидай кўрган экан...
- Ундан ҳам аъло... Она аслида жуда кўпларга шундай яхшилик қилган. Бутун «Бахор» Мукаррама онанинг фарзандлари...
- Опанинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам бор эди, дейдилар.
- Үх-ху! Нимасини айтасиз. Биронтамизни чизган чизигидан чиқармасдилар. Лекин бу, жамоани фақат каттикўллик билан тутиб турарди, дегани эмас. Жойи келганда эркалатар, химоя ҳам қилардилар,
- Опанинг сизни бир умр ҳайратлантириб келаётган айрича фазилатлари ҳакида ҳам гапирсангиз?
- Биласизми, сахнада опадан назокатли, нафосатли аёл йўқ эди. Ҳаётда эса баъзан шартта кесиб гапирарди. Эркакларга хос шиддати ҳам бор эди.
- У кишидан кўркармидинглар?
- Нима десам экан... Кўркардик десам ҳам тўғри бўлмайди. Ҳар холда опада ансамблни айнитмай, доимо формада ушлаб турувчи, гойибона бир сир бор эди.
- Рақс сиз учун нима? Дил изхорими ёки ижтимоий воқеликнинг сизнинг харакатларингиздаги инъикосими?
- Рақс – имкониятлари ниҳоятда кенг санъат. Рақсга тушиб, ҳар қандай тарихий воқеа, ижтимоий ҳодисани ифодалаб, томошабин қалбига сингдириш мумкин. Бу санъаткорнинг қайси ниятда сахнага чиқишига боғлиқ. Бирок мен рақс санъатини фақат ижтимоий сиёсий воқеева ҳодисалар силсиласини ифодалаш воситасига айлантириб қўяётган айрим ғарб труппаларининг ишини ёқламайман. Ҳар нарсада меъёр бўлгани маъқул. Ўзбек рақс санъати ниҳоятда юксак ва жаҳоншумул маданиятдир. Унинг нафис туйғуларга бой жозибали назокати ва нафосатини нозик эҳтиросларга йўғрилган ҳолида асррабавайлашимиз керак.
- Айтинг-чи, раққоса Маъмура нафосатини раҳбар Маъмура фаолияти хиралаштириб қўймаяптимикан?
- Мен хозир ҳам рақсга тушаман. Ансамблга раҳбарман деб, ижодий изланишларимни тўхтатган эмасман. Мана, ахволни ўзингиз қўриб турибсиз: машқ килмаган куним йўқ. Қизларга ундей эмас, бундай дея олишим учун, аввало, ўзим формада бўлишим керак. Тўғри, ан-

самбль ташвишлари холдан тойдирган пайтларда, озмикүпми элга танилган санъаткор сифатида, жоннинг ҳузурини қилиб яшашим мумкинлигини эслаб қоламан. Бирок санъаткор хеч қачон ўз ҳаловатини ўйламаслиги керак. Санъат даргоҳи ниҳоятда бешафқат ҳилқат: сен ўз ҳаловатингни ўйлаган кунингдан бошлаб ҳалқ сени унута бошлайди.

— Кинода бунданам катта муваффакият қозонишиңиз мумкиндай туюлаверади, менга. Бу ҳақда ўзингиз ҳам ўйлаб кўрганмисиз?

— Кинони севаман. Драматик роллар ижро этгим келади. Айрим фильмларга «проба»гаям чақиришди. Афсус, бу соҳада омадим чоимади.

— Ҳавас ҳакида нима дея оласиз? Ҳасад кўчасидан ўтганингиз борми?

— Ҳавас билан яшовчи одам Худонинг энг суюкли бандасидир. Меъёрида бўлса, ҳасад ҳам санъаткор муваффакиятига омил бўлиши мумкин. Ҳасадни касб қилиб, ҳароб бўлган ижодкорлар кам эмас.

— Саҳнага чиқкан пайтларингизда машхур одамларнинг салобати босадими? Босса, у ким?

— Мукаррама опа! Кўпинча, янги ракс яратоётганимда шундай, тепамга келиб, тергаб тургандай бўлаверади.

— Санъаткорларнинг юлдузли онлари ҳакида турли қарашлар бор. Бу ҳакида сизнинг фикрингиз қандай?

— Юлдузли онлар... Бутун умр давом этадигандай. Бирок жуда тез ўтиб кетади. Санъаткор юлдузли онларига қандай эришганини билмай қолиши ҳам мумкин. Бирок энг даҳшатлиси, юлдузли онлари ўтиб кетаётганини ҳар бир санъаткор сезиб, билиб туради. Офири мана шу. Аммо одам ношукур ҳам бўлмаслиги керак. Юлдузли онлар насиб этмай ўтиб кетганлар қанча...

Санъатда «номозшомгул» деган ибора бор. Маъноси, бемаҳал очилиб, тўкилиб кетди, дегани. Тилагим, ҳар бир яхши ниятли санъаткор, кисқа бўлса-да, ўз пайтида очилиб, ҳалқи дилини яратиб, яшнатиб кетсин. Зора, шу онлар одамлар дилида абадий қолса...

— Қайси ҳалқлар ракслари сизни кўпроқ ром этади?
— Ўзбек шундай бир миллатки, унга ер юзидағи

деярли барча халқларнинг рақслари ёқади. Шунданми, ҳар қандай халқ рақсларини тез ўзлаштирамиз. Бундан уларнинг ўзлариям лол қоладилар. Менга япон, араб, испан, хинд рақслари кўпроқ ёқади. Бироқ ўзимизнинг ўзбекча рақслардан кўймасин...

- Қизик, рақсга тушиш қачон урф бўлган экан-а?
- Айримлар у Одам Ато, Момо Ҳаводан қолган, дейдилар. Одам аслида йиғлаб эмас, қўшиқ айтиб туғилади. Дунёга келибօқ, қўллари, оёқларини қимирлатиб рақсга тушади. Демак, мен умримда рақсга тушмаганман, деб лофт урувчилар ёлғончи.
- «Бахор»га қандай рақкосалар қабул қилинади? Масалан, чекка бир вилоятда талантли бир кизни кашф этдингиз. Уни ансамблга таклиф эта оласизми?
- Йўқ. Бизга ишга келадиган одам рақс конун-қоидаларини чуқур билиши шарт. Бунинг учун талантларни ям гўдаклигидан ўқитиб, тарбиялаш керак бўлади. Ана шулардан ҳам танлаб, чертиб оламиз.
- Сийқароқ бир савол: бўш пайтларингизда кўпроқ нима иш билан машғул бўласиз?
- Энг севимли юмушим уй йиғишириш. Тотли таомлар, ширин-ширин нарсалар пиширгим келади.
- Сизни бир умр қувонтирадиган рақс қайси?..
- «Тановар», «Муножот».
- Севган адилларингиз-чи ?
- Дейл Карнеги, Эркин Вохидов, Ҳалима Худойбердиева.
- Танқид сизгаям ёқмаса керак-а?
- Кимга ёқибдики... Бироқ фойдаси ҳам йўқ эмас. Рақиб танқиди кўпинча одамни ўзига танқидий назар билан қараб юришга мажбур этади.
- Рақсга тушаётганингизда, хавасдан юраги хаприкиб, қорачиқлари қувончдан порлаб кетувчи муҳлислингизга қандай тилакларингиз бор?
- Кимки санъатни, санъаткорни севибди, у бахтлидир. Севган қалдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Асли ўзбеклар санъатга шайдо халқ. Тилагим, уни шу шайдоликдан, биз санъаткорларни эса унинг меҳридан айримасин.

ҚАЛДИРФОЧ

ёхуд рақсларда Шарқ бұлса, Шарм бұлса...

Тап-тақирип ерда ҳеч вақо пайдо бүлмайды.

Аскад Мухтор.

Баъзи бир юртдошларимиз тасаввурида Шарқ деган атама билан «ракқоса»лик касби қандайdir бир-бирига қовушмайдиган иборалар сифатида шаклланиб қолган. Айримлар: «Бу бекорчи гап. Ота-буваларимиз раксни қатағон қилган бұлсалар Мукаррамахоним, Қундузхоним, Гавҳархоним, Қизлархон, Малика, Маъмура, Рушина сингари оташин санъаткорлар қайси шароитдан униб чиқа қолдилар», дейишади.

Дарҳақиқат, рақс санъати, маданияти, маънавияти бизда қадим-қадимлардан мавжудлигига ишонч ҳосил қилмай илож йўқ.

Бир дўстимиз ракқоса қиз (Маъмура Эргашева)нинг учишга ҳозирланиб, қанотларини қоқишига шайланаётган гўзал қушдай ҳолати акс этган фотосуратга боқиб «Қалдирфочми?» деди. Иккинчиси «Офат-ку!» деса, бошқа бир чет эллик ҳамюртимиз «Ҳақиқий Шарқ қизи...» дея таъриф берди.

Раққоса ҳаракатларининг лаҳзанинг юздан бир бўлағига муҳрланган образида ким эрк ва эзгулик рамзи бўлган қушни, ким ишқ-мухабbat туғёнини, ким Шарқ гўзали тимсолини кўрди.

Санъаткорнинг муддаоси ҳам шу эмасмикин аслида?

Раққосанинг маҳорати, рақснинг қудрати, бир ўзбек қизининг ички ва ташки гўзаллиги, латофатига берилган баҳо эмасми бу?

Суратга теранрок разм солсангиз ингичка, латиф бармоқлар кимнингдир пинҳон ва чийратма дил торларини чертмоққа, тийр-пайконлар қалбларнинг мустаҳкам ис-теҳкомларини «бузиб, вайрон этишга», ақиқ лаблар сиз бу ёруғ оламга келиб ҳеч кимдан эшитмаган сирли, жонбахш сўзларни айтиб, вужудингизнинг банди-бандини ларзага солмоққа, сохир ва шахло кўзлар эса ичу бағрин-

гизнинг энг дахлсиз, сокин иқлимларини «ёкиб, ёндириб, ўртаб» қўйишга шайлангандай. Бироқ у бу муддаоларини ўзининг нозик ва иболи хатти-ҳаракатлари зимасига юклаган покиза наризоддир.

Раққосанинг туриш-турмушида, либосу безакларида айрича мутаносиблик, нафислик, нафосат, ибо, қўйингки Шарқ аёлига хос бўлган шарм-хаё ўз мужассамини топган.

Бу ҳолда яна шаҳд бор, шижоат бор, эзгу бир аҳд — иддао бор. Шарқнинг эрка, дадил, ўқтам ҳаёли аёлининг тимсоли бор.

Эҳтимол, рақс санъати айни ана шундай ҳиссиётлар мужассамидир! Эҳтимол, ана шу гўзал қадриятларимизни нозик илғаб, уларни биз айни катта ҳарфлар билан ёзаётганимиз Шарқона Шарм ила уйғунлаштирган ҳолда ўз вужуди, хатти-ҳаракатларида юксак маҳорат билан ифода эта олган паризодларгина юртимизнинг атоқли ва ардоқли санъаткорлари сифатида намоён бўлар!

Хуллас, қалдирғоч қомат раққоса қизларимиз санъатида дунё англаб етмаган, эҳтимол умуман англаб етмайдиган «илоҳий нимадир» бор. Акс ҳолда уларнинг саъй-ҳаракатлари айрим халқларнинг ярим яланғоч, сатанг ва тамтам хонимлари машғулотларидан фарқ қилмайдиган оний эҳтирослар маҳсулидан бошқа нарса бўлмай қолар эди.

2002



Нима десам экан-а?.. 1980 йил.



Онаизор.



Рафикам Күпайсихон ва ўғлим
Бекзод билан Санкт-Петербург-
да. 1989 йил.



Отам Түйчибай хожи ва онам Тожихон хожи ая дам олишда.
2000 йил.




Ёзувчи Ёкуб Яквалхұжаев бир дунё одам әдилар... 1986 йил.



Дүстларим билан отам қаноти остида. 2002 йил.



Андижон шахри. Навоий номли бое. Қамчибек Кенжа ва Асқар Сафаров билан. 2003 йил.



«МУШПУМ» ЧИЛАР
КУЛГИХОНАСИДА



УСУЛДАН ГАПИРИНГ, УСУЛДАН

(*Воқеий ҳикоя*)

Анонимкачиликни тақиқловчи қарор эълон килинди-ю, бир хил кимсалар тухум кўйгани жой тополмай қолган товукдай типирчилаб қолишиди. Илгарилари уларга маза эди. Тухумингнинг боши қани, кети қани, деб ўтиришмасди.

Энди «юмалоқ»қа муносабат ўзгарди. Исми-шарифи, қасбкори ёзилмаган хат муаллифи ифвогар сифатида жазога мустахик... Ана энди мард бўлсанг майдонга чик...

Курбон қуруқ билан Ҳалим писмиқларнинг ҳоли энди не кечади? Ҳа-я! Ахир улар ойда бир-икки кишини қуллатиб, юрагини чангллатиб қўймаса кўзига олам зими斯顿 бўларди-ку!

Яқинда улар тайёрлов цехининг ишчиси Абдусаломнинг устидан ёзишди.

Абдусалом ким бўлибди, мастер бўлмаса, цех бошлиғи бўлмаса, дейсизми? Гап шундаки, у илгор ишчи. Корхонага яқинда келган бўлса-да, меҳнаткаш, уddабур-ролиги билан жамоа назарига тушди. Махаллий комитет аъзолигига сайланди. Бирлашма бошликлари ҳам унинг номини тез-тез тилга олишади. Йиғилишларда ёшлар номидан сўз берилади унга.

Ходимлар захираси деган гап чикиб, Абдусалом марказдаги корхоналардан бирига малака оширишга юбориладиган бўлди. Суҳбатлардан ўтди. Хужжатларини тўғрилаб, йўл тадоригини кўра бошлаганда, кутилмаганда юкоридан сабр қилсин, деган мужмал жавоб олинди.

Шу кундан эътиборан йигитга муносабат ўзгара бошлиди. Режаларни ошириб бажаришига қарамай ҳеч ким илгаригидай елкасига қоқмас, баракалла азамат, деб алқамас эди.

Наҳотки, Абдусаломнинг ўзи билмаган ножӯя ишлари бўлса? Айбим бўлса касбдошларим нега жим туришиди, юзимга айтишмади. Ҳар доим ҳалол, киришмимли йигит экан, дейишарди. Нега энди улар бирдан ўзгариб қолишиди, деб ич этини ер эди у.

Одамларнинг шубҳали қарашлари, раҳбарларнинг

Эхтиётлик билан қилган муносабатини күриб Абдусаломнинг кўли ишга бормай қолди.

Шу кунларда Курбон қуруқ билан Ҳалим писмикларнинг тани қанчалар яйраганини билсангиз эди.

Уч-тўрт ой ўтгач, ҳамкаслар гап-сўзларида Абдусаломга нисбатан яна илиқлик пайдо бўла бошлади. Маълум бўлишича, унинг устидан тушган юмалоқ хат тасдиқланмабди.

Лекин ҳақ жойига қарор топгунча поезд ўрнидан жилди. Абдусаломнинг ўрнига ўша Курбон қуруқ жўнаб кетди. Чунки, имзосиз хатда Абдусалом корхонага яқиндагина келгани, бошликлар уни ортиқча кўтар-кўтар қилаётгани, жамоада захмат чекиб юрган Қурбонжон, Ҳалимжон ва яна бир неча кишиларнинг қадр-қиймати ерга урилаётгани ҳакида «жонкуярлик» билан маълум қилинган эди-да.

Кўпинча уларнинг ёзганлари тасдиқланмасди. Хат муаллифлари бундан зифирча озор чекмас, улар учун ёзган гаплари тасдиқланадими, йўқми, учвалик аҳамиятли эмас эди. Мухими, кимнингдир устидан ёзишса бас. Текшир-текшир, судра-судраларни бир четдан кузатиб, ҳузур қилишнинг кайфига не етсин.

Аммо шу ярамас қарор чиқди-ю, уларнинг кайфидан путур кетди.

Ҳалим писмиқнинг руҳи чўкиб кетганини кўрган Курбон қуруқ юмалоқдош дўстининг кўнглини кўтаришга уринди.

— Э, Ҳалимбой, бош омон бўлса йўлини топамиз. Нима кўп, ёзишнинг усули кўп. Ҳар турларини топайлики, қарор чиқарадиганларнинг боши айланиб кетсин.

— Хўш, хўш, — сергакланди Ҳалим писмиқ, — усулдан гапиринг, усулдан.

— Мана, масалан, миш-миш ҳам ёмон усул эмас. Яқинда Баҳриддин Тўраев борку, ўша билан нозикроқ даврада учрашиб қолдик. Бир асабида ўйнагим келиб кетди. Секингина, аммо бошқалар ҳам эшитадиган қилиб «Баҳриддин, фалон куни, фалон ерда, фалончилар билан майшат қилиб юрган экансизми?» деб кўйдим. Бечора шошиб қолди:

— Йұғ-е, бошқа одамни менга үхшатибсиз, шекилли, — деде олди у. Шунда мен:

— Үзимам сиз бұлмасангиз керак, деб үйловдим, — деб қүшиб қўйдим.

Даврадагилар унга шубҳалироқ қараб қўйиши. Шуши у ўтириш охиригача ўзига келолмади. Қалай?

— Яхши-ю, «эффекти» кам-да.

— Начора, жим юргандан кўра... хуморбосди-да.

— Биласизми, менда бир таклиф бор, — овозини сал настлатиб гап бошлади Ҳалим писмиқ.

— Анави, бирлашмамизнинг кўп тиражли газетасига хабарлар ёзиб юрадиган бор-ку...

— Асад Босаровми?

— Ҳа, ўлманг. Тахаллуси Асад Босар. Баъзилар хазиллашиб Ҳасад Босар ҳам деб чакиришади. Ўшани жалб қылсак қандай бўларкин?

— У юмалоқ хат эмас, мақола ёзади-ку. Тагида имзо-си ҳам бўлади.

— Бизга унинг имзоси керак-да! У билан бирга кўп тиражли газетага «тагдор» ҳажвиялар, пародиялар, шеърлар ёзамиз.

— Қўйсангиз-чи, қалами йўқ. Уч-тўрт жумлани зўрға жуфтлаб, фарибина, хабарнамо нарсалар ёзиб юрадиган бир кимса бўлса...

— Майли-да, унда ёза олади деган ном, таниш-би-лиш бор. Бизда эса тажриба. Ҳов, бу ёкка юринг, дейди-ган одам топилса ўзиям елпатак бўлиб кетади.

— Орамизда «сиз-биз»лик жойи йўқ. Дабдурустдан қандай бўларкин? Жуда шубҳали шахс. Кўпчилик ҳазар қиладиган одам хосиятли бўлмайди.

— Хўп десангиз бас, у ёғини беш қиламиз, — хўрозланди Ҳалим писмиқ. — Тушликларга бирга чиқамиз. Бир-икки марта «жиз-биз» қиласмиз. Карабсизки, «сиз-биз»лигимиз михдай бўп кетади.

Одамлардан ажralиб, каловланиб юрган Асад Босар кутилмаган бу таклифни эшитиб, юраги қинидан чиқаёзди. Тушликларга, турли ўтиришларга таклиф этишади-ю, рад қиласмиди. Сухбатига аржуマンд этадиган одам топилса, ётволиб хизмат қиласмайдими. Бунинг устига анави Ҳалим писмиқ:

— Қаламингиз қудратига қойилмиз. Ёзган нарсаларингиз даҳо журналист Сафоййининг асарларидан қолиши майди, — деди.

Тўғрисиям шу-да. Биз бўлмасак қўптиражканинг савияси тушиб, дабдала бўп кетарди.

Чавандоз халқи улок мавсуми олдидан тулпорини обдон боқаркан. Мавсумга бирор ҳафта қолганда отини емдан, пичандан тортиб, қантариб қўяркан. Семириб, куч-кувватга тўлган от эгасидан юганни бўшатишни сўраб пишқираверади.

Курбон қуруқ билан Ҳалим писмиқ ҳам Асад Босар майдонга кирганда ҳуркиган айғирдай бир оз тисланди. Шунда Курбон қуруқ:

— Асадвой, сиз ахир айғир... йўқ, йўқ, тулпорсиз-а. Хе, қарор чиқмаган кун борми? Дунё дунё бўлибдики, қонун-қарор чиқаришади. Хўш, нима ўзгарди?! Айтингчи, қайси иллатга қарор чиқмаган? Бироқ иллатлар яшаб қоляпти? Ё бирортаси йўқ бўлиб кетдими? — деса, Ҳалим писмиқ:

— Йўқотишиб ҳам бўлти. Уч-тўрт йилдан кейин қарабизки бу қонунни бирор эсламайди. То эсдан чиққунча эса «подполье»да ишлаб турамиз. Кейин-кейин яна гуллаб-яшнаб кетамиз, мана кўрасиз, Асадилла, — деб далда берарди.

Ҳозир бу «уч юмaloқ» хуморбосди қилишнинг янги усул ва тактикаларини ўзластириш, талантли фийбатдошлар сафини тобора кенгайтириш билан бир қаторда фийбатнамо ҳажвиялар, пародиялар, шеърий танқидларини деворий газетада эълон қилиб, қусурини қондиришяпти. Ахён-ахён Асад Босарнинг имзоси бирлашма «қўптиражка»сида кўриниб турибди. Ҳамкорликда яратишган «Тухмат» номли ҳикояси тез кунда район газетасида босилиб қолса ажаб эмас.

Шундай қилиб, бу уч иғвогарнинг ишлари яна юришгандан юришиб кетди. Уларнинг қозони турли жанрларда бикирлаб қайнаб, атрофга қўланса ҳид таратиб турибди.

Ноҳуш ҳид тарқатмаслик хақида эса ҳали ҳозирча қарор чиқмаган.

ТЕПМАСА ТЕП

(Фельетон)

Бугун нима күп — хусусий фирма, корхоналар күп. Уларнинг номланиши, ёзув ва тиллариям турлича, алламбало.

Бир танишимиз «Беғараз хизмат ёхуд хўп-хўп» номли фирмами, қўшма корхонами очди. Бу нима дегани экан, дейсизми? Бу — пулини берсангиз, истаган хизматингизни хўп, хўп, дея бажарамиз, дегани эмиш.

Каранг-а, шули тўланса, беғараз хожат чиқарармишлар.

— Корхонангиз умуман нима иш билан шуғуллана-ди, — сўрадим бир куни биродаримиздан.

— Любой ишни қиласиз, — дейди у хўрозданиб. — Аёлларга сийнабанд тикиши, самолётга патта олиб келиб бериши, ўн тўққиз-йигирма қаватли бино қуриши, сув ости кемаси ясашми, бизга фарқи йўк, устасига бари-бир.

Жаҳон андозаларига мос фирмалар шунака бўлармиш.

Дастлаб «Хўп-хўп»нинг иши мудом гуриллади. Ким ўз маъшуқасининг расми туширилган чиройли сийнабандлар тикириш, ким баланд, замонавий меҳмонхона қурдириб, бутун шахарни лолу ҳайрон қолдириш, ким сув ости кемаси ясаттириб, Сирдарё ва Амударёнинг бошидан тушиб, этагидан чиқиб, тижорат ишларини гуриллатиш орзусида бебилиска пулларни шу корхона хисоб рақамига ўтказдилар.

Фирмачи оғайнимизнинг босари билан тусарида навозишлар пайдо бўлди.

Одамлар «Беминнат хизмат...» хақида гап кетса, «ишлиари зўр», деб қўйишарди. Тез орада фирманинг номи «зўр», деган сифат билан безанди. Бора-бора бу сўз номга дўнди. Мижозлар энди фирмани «Зўр», оғайнимизни «Зўрим» деб улуғлай бошлашди. Кўп ўтмай, Зўрим Зўримбойга айланди.

Хўш, босари нимаю тусари нима, дерсиз?

Босари Зўримбойнинг юриш-туриши, кийинишида ҳавойилик пайдо бўлиши. Тусари, бу энди яшаш ва оша-

шидаги ўзгариш. Құша-құша машиналар, данғиллама уй-жойлар, дала ховли, саройларда, истирохатда тантиқла-ниб күн үтказиш, жамиятнинг маълум ва машҳур одамлари билан мулоқот, борди-келди қилиш, ўзи ҳақида айrim бой-бадавлат кишилардай турли ҳавозали овозалар тарқалишини исташ иштиёки, десак түғри бўлар.

Шундай бўлди ҳам.

Оғайнимиз бугун бутун вилоят аҳли тилида. Ҳисоб ракамига пул үтказгану үтказмоқчи бўлганлар эртаю кеч йўлида.

Янгиликка замоннинг ўзи ўч бўлиб турган давр эмасми, оғайнимизнинг оддий воситачилик хизматларини кўпиртириб газеталар сахифасидан тошиб чиқиб кетгунча ёзишар, радиосухандонлар оғзи қайишиб қолгунча олқашар, хусусий телевидениелардан бирининг битта канали эртадан кечгача Зўримбойнинг юриш-туриши, донғи, дастмояси, хайрли ишлари ҳақида лавҳа, репортажлар кўрсатар, тунги соат ўн иккidan кейин эса то тонггача экранда унинг жилмайган сиймоси ҳар хил холатларда акс этиб турадиган бўлди. «Зўрнинг кети тегирмон тошини айлантиради, пулини тўлаганда», деб қўярди томошабинлар.

Ха, Зўримбой бунаقا нарсаларга пулни аяб ўтирамасди. Кўп үтмади, матбуотда «Зўр» фирмаси мақтovига зўр берувчилар машқида сусайиш сезила бошлиди. Узунқулоқ гапларга қараганда, Зўримбойни шишириб турган чет элдаги аллақандай «Шидир-шоп» кампаниясининг бели синиб, аранг қимиirlайдиган бўлиб қолган эмиш.

Илгари маблағни «Хўп-хўп» ҳисоб ракамига үтказиш орзусида юрган одамлар энди пуллари эвазига қайтариладиган молларни қачон олиши ёки хизмат кўрсатилишини билолмай, овораи сарсон эдилар.

«Хўп-хўп»чиларнинг хўп-хўпидан зада бўлган мижозлар ғимирлаб қолишиди. У ёқ-бу ёққа шикоятлар учабошлади. Зўримбой норозиликлар оқими камаярмикан, деган умидда «Хўп-хўп»ни банкрот, деб эълон қилди. Ўрнига «Хўп-да, хўп» фирмасини очди. Энди ҳақини талаб қилиб келганларга «Хўп-да, хўп, бажарамиз», дея жавоб қилинар эди.

Бу ном ҳам узок чидамади. Эски танишлар бор бүлиссин. Үшалар ёрдамида фирма номи энди «Хұнада, хұп», дея үзгартырıldı.

Зўримбой энди илгаригидай даъвогарларга «Хұп-да, хұп», деб қисиниб үтирасди. Янги уставга биноан, даъво хужжатларини қабул қилиб олиб, худди учеб келаётган фиштни илиб олиб; юкорироқдаги устага улоқтиргандай, «Хұна-да, хұп», дея «Шилдир-шоп»га йўллаб жон саклар эди. Ноумид шайтон, болта тушгунча кунда ҳам нафас ростлайди, дейдилар-ку.

Зўримбой қараса, «Шилдир-шоп» билан даъвогарлар ўртасида тепа-теп бўлиб кетадиган.

Эски танишлар яна ишга солинди. Корхонанинг номи ҳар эҳтимолга қарши «Тепса, теп», дея янгиланди. Оғайнимиз бу ном мазмунидаги жанговар химоя оҳангига умид боғлаган эди. Афсус... Даъвогарлар энди жанговар химояга жанговар хужум билан бостириб келишарди. Астағфуриллоҳ! Не килмоқ керак?! Фирма номини янада жанговарлаштириш керак. Бошқа чораси йўқ. Ном шундай бўлсинки, үқиган одамнинг нафаси ичига тушиб кетсин.

«Хұп-хұп» деб турган идора ходимларидан «Тепса, теп», деган жавобни эшитган қатор мижозлар муомаласида анчайин мулойимлашиш кузатилгани ҳам факт. «Хұп-хұп», «Хұп-да, хұп», «Хұна-да, хұп»лар билан обдон олишиб, ҳафсаласи пир бўлгач, бу қўйол номни қўриб «бас», дея тақдирга тан берган даъвогарлар ҳам бўлди. Бироқ йиқилиб курашга тўймайдиган, қайроқи, туллак булиб кетган кимсалар ҳам кам эмас. Не кўйига тушсам тушаман, «Тепса, теп» билан энг сўнгги шатим қолгунча тенишаман, дегувчилар ҳам бор эди.

Ном үзгартириш машқини олган, қолаверса, бундай чоранинг анчайин самарали эканлигига мазахўрак бўлиб қолган биродаримиз ўз корхонаси номига янада жанговарроқ рух бағишлишга қарор қилди.

— Бугундан бошлаб номимиз «Тепса-да, теп» бўлади, — эълон қилди Зўримбой.

Шу кунларда биродаримизнинг қулоқлари анча тинчиб, текшир-текширлар, югур-югурлар босилган. Айрича тадбиркорлик билан бирорлар ҳисоб ракамидан ўзлаш-

тирилган миллион-миллионлар хар тугул Зўримбойни айни кунларда хам зўрайтириб турибди, деб эшитамиз. Аммо у корхонаси номини янада жанговаррок атама билан ўзгартириш ниятида эмиш. Айтишларича, янги ном «Тепмаса, теп» бўлармиш.

Бу нима дегани, дейсизми? Бу — биродар, биз билан, факат биз билан ҳамкорлик қил. «Тепишиб, тепалашиб» ишлашайлик, йўқса, «тепки еб қоласан», деган гап-да...

Ҳамкорликка марҳамат, азиз тадбиркорлар!

2006

СОФИИЧ БЎЛИБ ҚОЛГАН ЙИЛЛАР

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари.

«Муштум» журналига ўша даврнинг энг жасоратли «редактор»ларидан бири Иброҳим Раҳим (Аллоҳ раҳмат қилсин) бош мухаррир. Таҳририятга Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Зоҳиджон Обидов, Олим Қўчкорбеков, Алижон Холиков сингари атоқли ҳажвчилар, Кутби Носирова, Мурод Парниҳұжаев, Сайд Равшанов, Бекмирза Маҳмудов, Абдумажид Сатторовдек «боевой пильтончи»лар, Ориф Фармон, Мирзо Кенжабек, Адҳам Жўрабоев, Мурод Тиллаев сингари бошловчи ёзувчилар жамланганмиз.

Таҳририятда ижодий кайфият зўр. Бир ганириб, ўн кулиб, гуриллатиб ишлаймиз.

Ойда икки-уч марта асабларнинг чигалини ёзиш ниятида чойхонада ҳалфана ош еймиз. Бекмирза Маҳмудов бош ошиаз. У киши «учиб қолиб», ўз вазифасини бажаролмай қолганда, камина ёки Абдумажид ака ўт ёкувчиликдан ошпазликка кўтарилиб, тўшиб юрамиз.

Баъзи-баъзида бош редакторимиз Иброҳим ака бирортамизни чақириб, ўн-ўн беш, гоҳида яхлит 25 сўмлик тутқазиб:

— Бирорта чойхонада ош дамланглар. Етмаганини йиғарсизлар, — деб марҳамат қилиб қолардилар.

Иброҳим аканинг сазаси ўлмасин учун «атоқли» хо-

димлардан икки-уч сўм йикқан бўлардигу тушдан кейин «Пушкин парки»гами, Собир Рахимов боғигами, ишқилиб, одам сийрак, салқинроқ жойга қараб жўнаб колардик. Айниқса, ташаббус раҳбардан чиққан куни барча бехато борарди. Бизга ўхшаган ҳамёни хилвираган, бироқ қўй ёғи, қўй гўшти, кенжавой гуручдан дамланган текин паловни гупиллатиб тушириш бўйича обдон «миришкор» бўлиб кетган ходимчаларнинг лаганларда жавлон уриб меҳнат қилишларини кўринг.

Турган гап, кўпдан қўён қочиб қутулмас, деганлари-дек, беш-олтита «оқ бола»ниям ағанатиб ташлардик.

Ўтириш бир меъёрга етганда, бош муҳаррир «ўзини ўзи билиб», секин жиларди. Ана ундан кейин Бекмирза аканинг тик туришини, Ориф Фармоннинг «бўкириши»ни, Абдумажид аканинг кекиришини, Мирзо Кенжабек билан каминанинг шер бўлишимизни томоша қилинг.

Неъмат ака, Саъдулла ака, Олимжон ака, Зоҳиджон аканинг асқиялари, Сайд ака, Мурод ака, Бекмирза ака, Абдумажид акаларнинг «паския»ларидан чойхонанинг шифтлари ларзага келар, каҳқаҳалар зарбидан деворлари зирқираб, шувоқлари тўқила бошлар (лоф эмас), чойхоначининг мияси чайқалиб қолишига кўзимиз етгач, у киши бу кишини, бу киши у кишини ҳасса килиб, эрталабгача бир-биrimизни уйларимизга кузатишиб юрадик.

Мана шу гапларга ҳам йигирма йилдан ошяпти. Бугун ўша устозларнинг айримлари ўтиб кетиши... Одам ўшлигини, бирга ишлаган, ижод қилган ўша ажойиб сиймоларни хотирага муҳрлаган дамларни соғинадиган кунлар ҳам келар экан...

Қайтарилмас ана шу воқеа-ҳодисалардан айримларини қофозга туширдик. Баёнда нокисроқ чиққан жойлари бўлса, елкама-елка ўтказган азиз кунларимиз хаққи-хурмати, бизни маъзур тутгайсиз, азиз «Муштум»чи ҳам-каслар!

ИЖОДИЙ ЗИДДИЯТ

Каттагина хонада иккита бўлим жойлашган. Беш киши ўтирамиз. Адабиёт ва санъат ҳажвиёти бўлимида Неъмат Аминов мудир, Зоҳиджон Обидов (раҳматли) катта му-

харрир, Ориф Фармон адабий ходим. Маданият ва маънавият бўлимида Қутби Носирова мудира, камина ходим.

Зоҳиджон ака кўзи тушган одамга характеридан келиб чиқиб қитмирона шеърми, мatalми тўкишга ниҳоятда уста. Орифжон ҳам хозиржавобликда у кишидан қолишмас. Оғзингдан гап чиқиши билан ёқангга бир балони ёпиштириб туради.

Зоҳиджон ака Орифжондаги ишга бир оз бефарқлик, совуққонлик, ёшликка хос тоқатсизликдан озурда бўлса, Орифжон устоз шоирдаги бир оз баланиарвоз, аммо ўзига ярашиб турадиган кинояли кесатиклардан нолишиб, бир-бирларини янишиб юришарди. Икки ўртада ажаб ижодий зиддият бор эди.

Кунлардан бир кун Зоҳиджон ака қандайдир мавзууда эҳтирос билан гап бошлаган эди. Орифжон астагина туриб эшикка йўналди. Бу ҳол устозга бир оз малол келди, шекилли, захрини байтга битиб юборди:

Ориф Фармон чиқди-кетди.

Бурнидаги құрти билан.

Орифжон ҳам остонаяга етган ерида оҳистагина қайрилиб жавоб берди:

З. Обидов қолаверди,

Лабидаги мурти билан.

Гурра кулги кўтарилди. Жавоб Зоҳиджон аканинг ўзларига ҳам нашъя қилди, шекилли, оғизларини осмонга қаратиб хандон отиб кулдилар.

ОРҚАСИ БИЛАН ГАПИРИШ

Иттифоқо, «Муштум»да ишловчилар бир хонага йиғилиб, ҳангоманинг ўчогига ўтин қалаб, гуриллатиб турибмиз. Даврада Неъмат ака, Саъдулла ака, Бекмирза ака, Мурод ака, Сайд ака, Алижон ака, қўйингки, «Муштум»чиларнинг ўша кунлардаги энг «мировой»лари шу ерда. Фақат Ориф Фармон йўқ.

- Орифжон кўринмайдими? — деди Неъмат ака.
- Хонасида, иши қўп шекилли, — деди Адҳам Жўрабоев.
- Материал тушириш нормасини бажаролмагани учун

«летучка»да гап әшитган, — деди кимдир. Шу пайт Саид Равшан:

— Тұхтаб туринглар, ҳозир уни бир лақиллатамиз, — деди-да телефонни күтариб, ғұшагини рұмолчаси билан үраб, Орифжоннинг ракамини териб, фұлдиради:

— Сү-ү-лұм үлай-й-күм. Ўриф-жон керак эди...

Күшнигина хонадан эса Орифжоннинг күйиниб, жибийрони чиқаётгани баралла әшитилиб туарди:

— Ҳа, ҳа, бу мен, үша, Орифжонман. Нима дедингиз? Жуда хира әшитиляпти. Тушунтирибрөк гапириңг.

Хуллас, Саид ака Орифжонга мазмунсиз, тутуруқсиз сүз ва оханглар билан анчагина ишлов берди-да, чаққонгина Адҳам Жұрабоевга буюрди:

— Ана энди, чақириңг бу ёққа...

Ҳамма ҳайрон. Остонада Орифжон билан Адҳам ака пайдо бўлишди. Кўриниб турибди, Орифжон бу фитнадан мутлақо бехабар. Саид ака фурсатни бой бермай, хужумга ўтди:

— Орифжон, муҳлисларингиз қўнфироқ қилишяптими, бифиллаб ётибсиз?

Кўриниб туарди, Орифжоннинг асабида гап сифадиган жойи қолмаган. Саид аканинг саволи ўлганнинг устига тепгандай бўлди шекилли, тўнғиллади:

— Билмайман, қанакадир бир бемаза трубкага оркаси билан гапирияптими-ей...

Хона кулгидан ларзага келди.

БЕШ СҮМЛИК КЕККАЙИШ

Ўша йиллари «Ўзбекистон коммунисти», «Партия турмуши» журналлари ҳам «Муштум» жойлашган қаватда эди. Бу икки нашр журналистлари ўзларини Марказқўм ходимлари фахмлашар, мағрурлик, сиполикни бир оз бой беришса, «сека» қулааб тушадигандай эди. Улар орасида ўрта ёш, раҳбарроқ вазифада ишлайдиган «Ака» бўларди. Салом берсанг, энсаси қотибрөк алик олгани сезилиб туарди. Бир гал Орифжон:

— Абдунаби, шу одамни бир боламаймизми? — деб қолди.

— Қандай қилиб, — саволига савол билан жавоб бердим.

— Шошмай туринг, — деди-да, қай гўрдандир иккичу қулоч қора фалтак ип топиб, бир учига беш сўмлик пулни тешиб боғларкан, ўзича пўнгиллади. — Ҳа, эгилмайди-я, эгилмайди, кўрамиз...

Ишини битиргач, йўлакка чиқиб, димоғдор хамкасбимизни кутди.

Бир оздан сўнг шошиб ичкари кирапкан:

— Келяпти, — деди-да, пулни нимкоронги «коридор»га иргитди. Ипнинг иккинчи учи ичкарида, Орифжоннинг кўлида. Эшигимизга яқин келганда, димоғдорнинг кўзи пулга тушди. У у ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳеч ким кўринмади, деб ўйлади шекилли, энгашиб пулга қўл чўзди. Ип бир оз тортилди, пул жилди. Шабададан кўлғалди, дедими, бир қадам босиб, яна интилди. Пул яна жилди. Қараса, эшик томон ўрмалаяпти. Таппа босмоқчи бўлиб кескин ҳаракат қилган эди, беш сўмлик шиппа ичкарига кириб кетди.

Кўз-кўзга тушди. Дилозорнинг мижжалари қаҳрдан қизарib, юzlари fazabdan gезарib ketgan edi.

Икковимиз ҳам партия журналлари ходимлари билан бундай ҳазил-мазах ўйнаш қандай оқибатларга олиб келишини туйқус англаб ултургандик. Муздай бир нарса миямиздан кириб, оёқларимиздан чиқиб кетгандай бўлди.

Икковимиз ҳам бир ойгача нафасимизни ичимизга ютиб юрдик. Худога айтганимиз бор эканми, жимжитлик эди.

Икковлон яна бир бошқа шумликнинг режасини туза бошладик.

2005

ЎЙНАШИ ТОПИЛМАДИ

Бош муҳаррир (Иброҳим Раҳим)нинг хонаси. Журналнинг навбатдаги сонига мўлжалланган расмлар муҳокама қилинмоқда. Бош рассом Алижон Холиқов чап қуло-

ғига эрини сирға қилиб тақиб олган, енгилтабиат нозанын тасвирини күрсатиб:

— Бунга нима дейсизлар, — дегандай ходимларга қаради.

— Ия, сирғасини иккинчиси қаёқда қолди? — деди ажабланиб Сайд Равшан.

Ходимлар үртасида гап қочди.

— Ҳар қандай юморда ҳам ҳаётийлик бўлиши шарт, — деди кимдир.

— Ахир эри битта бўлса нима қилсин, — луқма ташлади бошқа бирор.

Мунозарани индамай кузатиб ўтирган Бош мухаррир бош рассомга ҳазиломуз амр этди:

— Ундей бўлса иккинчи қулогига ўйнашини илиб қўйинг.

Расмдаги аёлга ўйнаш топилмадими, ҳарқалай босилмай қолиб кетди.

«СУВАРАК» СОЧИДА ДАМ ОЛИШДА

Неъмат ака таътилга чиқиб, дам олиш учун Сочига кетган. Хонада Зоҳиджон Обидов, Мирзо Кенжабек ва камина қолганмиз. Бир пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан Толиб Йўлдош домланинг овози янгради:

— Ким бу?! Суварак қани?!

Билдикки, Неъмат акани йўқлаянилар. Ўша кунларда Неъмат Аминовнинг «Елвизак», «Суварак» номли қиссалари «Ёшлиқ»да босилиб, жуда машхур бўлиб кетган эди.

«Суварак» Сочида дам оляптилар, — жавоб қилдим мен.

— Дам оляпти, дегин. Қачон келади?

Толиб ака жавобимни ҳам кутмай гўшакни кўйдилар.

Валий шоир Толиб аканинг бу гаплари бизга нашъя қилди. Неъмат ака хордиқдан қайтгунча кулиб юрдик. Кўп ўтмай Неъмат ака ишга чиқди. Толиб ақанинг навбатдаги ҳазилини эшишиб, ўзи ҳам қотиб-қотиб кулди.

— Ҳа қария, бизнинг йўғимизда биру нол қилиб қўйибди-да. Ҳали қараб турсин.

— Уч-тўрт кун ўтгач, телефон яна жиринглаб қолди.

Икки улуғ ижодкор ўртасида салом-алиқдан сўнг тахминан мана бундай савол-жавоб бўлди:

- Мен сизга Сочидан ажойиб совға опкелдим, Толиб ака.
- Кам бўма. Ўзинг яхши йигитсан-да. Совғанг қанака?
- Шапка.
- Размер неччи?
- Олтмишинчи.
- Э-э, катталик қилади. Қандай кияман?
- Ничево, озгина пайтава ўрасангиз роппа-роса келади.

Неъмат ака шошилиб трубкани жойига қўяр экан, мамнун жилмайди:

- Биру бир қилдик, қ-қ-ҳ...

ЭҲТИЁТЛАБ СЎКИШ

«Муштум» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Олим ака Кўчкорбеков табиатан юмшоқ, ажойиб одам. Ходимларни сўксаям эҳтиёт қилиб уришардилар.

Биз ходимлар бу андишани кўпинча суистеъмол ҳам қилардик.

Бир қуни хонада Мирзабек Кенжабоев билан ишлаб ўтирасак яна Толиб Йўлдош домла кириб келдиларда икки, уч ой олдин бизга топширган ҳажвий шеъри чикмаётгани сабабини сўраб қолдилар. Мирзабек икковимиз зудлик билан ўтказган тадқиқотимиздан маълум бўлдики, асар ҳамон тортмамиизда «пишиб» ётарди. Нима бўлса ҳам вазиятдан чикиш керак. Йўқса бу сафар домла дабдаламизни чиқариши тайин.

— Шеърни топширдик шекилли, — талмовсиради Мирзабек.

— Ҳа, а-анча бўлди. Замредакторда бўлса керак, — қўллаб юбордим мен.

Шоир шаҳд билан Олим аканинг кабинетига йўналди. Вокеа бундай тус олишини гўрдан билайликми биз фўр ходимлар. Шеър раҳбарда десак шоир ноилож ховридан тушиб, қайтиб кетади, деган умидда эдикда.

Толиб аканинг муҳаррир ўринбосари кабинетини роса

«шудгор» қилаётгани анчагача эшитилиб турди. Шоир Олим аканинг «Хой, мусулмон қулоқ солсангизчи», дейишигаям қарамай ташқарига йүл олди.

Дамимиз ичимизга тушиб кетган. Иш расво бұлған зди.

Бир оздан сүңг останамизда Олим ака пайдо бұлдилар. Бечора бүгриққанидан бүйин томирлари бармоқдай-бармоқдай бүртибди.

— Толиб ака валий шоиру онадан келиб сұкиши ча-тоқда. Шеърини тезда күчиртириб беринглар, шу сонга тиқвормасак бўлмайди, — дедилар-да, бизга оддий танбехни хам раво кўрмай чиқиб кетдилар.

Хавотирдан бақа бўлиб қотиб қолган икки ходим шу пайтда Олим акани шунақа яхши кўриб кетдик.

2005

АЛОМАТ ЁЗУВЧИ ЭКАНСИЗ

Шодмонбек ака!

Бундай ўйлаб қарасак, ўнга яқин рисолаларингиз чоп этилибди. Қизифи шундаки, Сиз қўпчиликка ўхшамайдиган, аломат ёзувчи экансиз. Айрим қаламкашлардай, битта жанрни маҳрам фаҳмлаб, гирибонидан бўғизлаб олмайсиз.

Масалан, ёзган нарсаларингизнинг биттаси юмор қаҳқаҳа, иккинчиси илм, учинчиси хилм, тўртингиси шатранж, бешинчиси ҳаёт ранжлари ва хоказо.

Юқоридаги жанрларнинг барчасида бирдай омадли қалам тебратиппингиз мумкинлигини исботлаб қўйгансиз. Биз хам унда-бунда, Шодмон Отабек акамиз «любой» жанрни қийқирилворади, деб мақтаниб қўйган жойлаrimiz бўлган. Бироқ кейинги пайтларда, нимагадир юморга, мақоланависликка муккадан кетиб қолаётганингиз ҳам факт. Назаримизда шу икки жанрга меҳрингиз баландроқдай.

Шунинг учун ушбу мақоламизни ҳам, сизга ёқармикин, деган умидда лабига озгина юмор (экологик тоза) суртиб ёзяпмиз. Маъқул бўлмаса, айтинг, гапни шу ерда

шартта тұхтатамиз. Жанрни... ах, әхтиётсизлик курсин... пластиңкани ўзгартырмаган номард.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, сиздаги бу «разнообразие»дан ўқувчиларга мазза, албатта. Аммо ижодингизни озгина таҳлил қилиб, икки оғиз фикр айтмоқчи бўлган «адабшунослар»га қийин экан. Мана, ўзимиздан қиёс, олтмиш баҳорингиз (28 май) баҳонасида ихчамгина табрик битиб, «Афанди»нинг муҳарририга элтиб, чоп эттириш асносида, жанрлар орасида довдираб, Навоий бобонинг лирик қаҳрамони аҳволига тушиб ўтирибмиз. Яъни: «Коши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин».

Лекин сиздаги ижодий серқирраликтининг яхши томонлари ҳам бор. Ижод гулшанингизни оралаган мухлис турли-туман жанрларингиздан ёққанини танлаб, хоразм-часига айтганда, «ҳазатаваради». Шоир айтмоқчи «Кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси». Бизга қолса, барча жанрларингиз шайдосимиз. Бироқ шу тобда, албатта, юморингиз аъло, юморнинг йўқ баҳоси.

Айтамиз десак гап кўп. «Кўп гай эшакка юк», деган нақлни ўзингиз бот-бот таъкидлаб ҳам турасиз. Бас, шундай экан, катта маъruzamизни юбилей тантаналарига қолдириб, қисқа тилак қиласиз.

Миллий сатира ва юморимиз Толстойлари – Азиз Абдураззок, Сайд Ахмад оталар, Саъдулла Сиёев, Анвар Обиджон акалар, Илҳом Зоир, Сайд Анвар укаларингиз қаторида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам яйраб-яшнаб, юз ўшларда юзлашиб, юзталашив (зори истисно тариқасида оз-моз «отадиган» бўп колсангиз) юринг.

Ха, дарвоҷе, биз ҳақимизда ёзган ҳангомаларингизни қатагон қилиб, зарда билан ўчириб ташлайвермай, (лафзга мос битилса, ҳеч боки йўқ) чоп этиб ҳам тураверинг.

2006

ДУНЁДА НИМА ҚИЙИН?

Устоз Шодмон Отабек билан тушлик қилиш қийин: таъби жуда-а нозик... Тўғри, устознинг кўли очик. Фашига тегмай, кўнглига ботадиган, безиллатадиган гаплар

қилмай, яхши бола бұли-иб юрсангиз, үғли миниб юрган «BMW»ни сизга совға қилиб юбориши ҳеч гап әмас. У кишининг бундай танти, сахий фазилатини бир неча бор ўз «шкура»мизда синааб күрганмиз, ахир.

Умуман, Шодмон аканинг яхши фазилатларини йиғиб, икки ўркачли ўқириб турган нортуюга юкласангиз, бақадай тарвайиб қолади.

Энди, андак камчиликлариям йўқ әмас. Масалан, дейлик, ногаҳонда учрашиб, бирон исталавойда тушилик қиласар бўлсангиз, кўрасиз ҳангомани. Тўғри кириб ошпаз бачага:

— Кани, қўлингизни чўзиб, тирноқларингизни кўрсатинг-чи, — деб қолиши ҳеч гап әмас. Чунки, Шодмон ака ош ейдиган ошхонанинг ошпази тирноғини маникюрда олдириб, этига етгунча эговлатган бўлиши шарт. Чунки турли касалликлар айни шу «тирноқ остидаги кир»дан пайдо бўлишини биринчи синф боласиям билади.

Ёки бўлмаса, ўша ошхонанинг чойнак-пиёласи, косасини санэпидстанция бошлиғига элтиб, «Шуларни тезда текшириб беринг. Ишқорлаб ювилганми, йўқми», дейишдан ҳам тоймайдилар. Ёхуд оппоқ қалпоқ, халат кийиб, палов сузаётган ошпазни ишидан тўхтатиб:

— Козонингни қачон қатрон қилгансан? — деб тергаб қолса, ҳеч ажабланманг. Чунки қирқ килоли чўян қозонни санэпидстанцияга кўтариб бориб бўлмайди-ку! Харҳолда, эҳтиёт шарт. Ким билсин, бу қозоннинг метали қайси гўрдан қазилиб, қайси мозорда қуйилган.

Ошпаз бола саволга жўялироқ жавоб топса, яхши, тополмаса, яна кетдик. Қаёққа дейсизми? Қозони кеча қатрон қилинган ошхонага-да.

Кўчама-кўча сакиллаб, силламиз куриб, бирон емакхонада томоқланишга қарор қилдик ҳам, дейлик. Ҳангома ана энди бошланади.

У кишидан чакқонрок харакат қилиб пиёла, қошиқ олиб келиб қўйсангиз, билдиримайгина оладида, экологик тоза сувда қайта-қайта чайиб келиш учун ичкарига йўл олади. Уларни кранда (ҳожатхонанинида әмас) ярим соат ялтиратиб ювгач, вақиллаб қайнаб турган самовар сувида чайдириб келади-да, ўзига яқинроқ жойга қўяди. Билмай яна ушлаб-нетиб қўйишингиз мумкин-да, ахир.

Овқат ҳам келди.

Ана энди таом танаввул қилиш бўйича тарбиявий тайёргарликдан ўтишингиз керак. Яъни, чойни луқма томоқдан ўтгандан кейин ичган фойдалими ёки ютмай туриб. Энкайиб еса нима бўлади? Баш кийимсиз ичилган овқат биқинни бақувват қиладими, даҳаними?

Ха, дарвоқе, нон! Нонни ҳеч қачон сиз олиб кела кўрманг, емайди-қўяди. Жуда иложини қилолмаса, уштаётганингизда ушланмаган жойини назаридан қочирмайди. Ўша бурдадан номигагина тотинган бўлади-да, ўзи билан олиб юрадиган халтасидаги қотган нонларни қопчиғидан чиқаришга мажбур бўлади.

Овқатланиб бўлгач, Тўпалангдарёдами-ей, битадиган қанақадир қиёқ ўтдан қумортки чой дамлаб, ой чиққан маҳалда ичиб юрсангиз, ичагингиз буралиб қолмай, камида икки юз йил яшашингизга «гаррантия» беради.

Ана шунақа гаплар...

2005

ШАХМАТНУСХА ПЛАШ

Шодмон Отабек ўзига мавсумий плаш сотиб олмоқчи бўлиб, шоир дўсти Мирпўлат Мирзони етаклаб Отчонар бозорига чиқибдилар. Ўзбек бозори, корейс бозори, Кўкон бозорини икки-уч мартадан айланишибди. Ёзувчига биронта ҳам плаш ёқмасмиш. Охири шоир Мирпўлат Мирзонинг тоқати тоқ бўлиби.

— Шодмонбек, дўстим, тушунинг ахир, менинг оёғимда ишқалим бор, кўп юришга ярамайди. Бундоқ тушуниринг, сизга ўзи қанака плаш керак?!

- Астари шахмат доскасиникидай катак-катак бўлсин.
- Ха, бунақасини нима қиласиз? — тутақибди шоир.
- Ашаддий рақибим Носир Мухаммад билан Чорвокдаги дачага чикволиб, офтобрўяда у этагида у, бу этагида мен ётволиб шахмат ўйнаймиз. Ёмғир қуйворса, кийволаман...

Охири, корейс бозоридан шундай плаш топишибди. Бирок ёзувчи, энди буни ололмайман, деб тархашлик қиласмиш.

— Мен бундан ортиқ чидаёлмайман. Олаверинг энди, — ёлворибди шоир.

— Сира бўлмайди, ранги қизилроқ экан. Ёзувчилар дала ховлисида нима кўп, буқалар кўп. Биласиз буқалар қизил рангни ёқтиришмайди. Айни ижодим гуллаб, рўмонлар ёзаман, деб турганимда, биронта буқа-муқага суздириб қўйиб, майиб бўлиб ўтиrmай, тагин.

Силласи тамом қуриган Мирпўлат Мирзо нима дермиш:

— Хў, мусулмон, сиз сотиб олаверинг. Дачанинг атрофини Дадаҳон Нурийга айтиб буқалар киролмайдиган қилиб ўраттириб берамиз.

2005

ТАЪБИ «НЕЖНИЙ» ЁЗУВЧИ

Хурматли Бош муҳаррир!

Ҳажвчи ёзувчи Шодмон Отабек акамиз ҳақида ёзган нарсаларимизнинг дастлабкиларини «Афанди»нинг илгариги сонларида чоп этганингиздан кейин илхом булоғимиз бикирлагандан бикирлаб кетди. Ўзингизга маълум, Шодмонбек акамиз мана олтмишниям остонасига етиб қолди. Мен у кишининг асарларидан иқтибосларни изоҳлаб ўтиrmайман. Бу ишни мунаққидлар, адабиётшуносларга қолдириб, ҳажвчи акамиз ҳақида ўзим ва ўзгалар билган кирчимол ...э, кечирасиз, «кирчимол» сўзини мен айтмадим, сиз эшитмадингиз. Сабабини қўйирокда тушубниб оларсиз... одми гапларни айтиб қўяқоламан.

Ха, дарвоқе, биз битган бу гаплар адабиётнинг қайси жанрига мос келишини тўғриси, билмаймиз. Жуда бошингиз қотса, яхши маънодаги «ғийбат» жанрига йўйсангиз ҳам бўлаверади. Чунки бу жанрнинг гуллаб-яшнашида ёзувчи акамизнинг ўзи жуда катта ҳисса қўшаётгани, саъй-ҳаракатлар қилаётгани таҳсинга лойиқ.

Шундай қилиб...

Фийбат №1

Шодмон Отабек келинларидан бирини чақириб дебди:

- Қизим, Нурбекнинг бет-қўлларини яхшилаб со-вунлаб ювиб, хонамга олиб киринг...
- Адажон, уни ҳозиргина ювинтириб, кийинтиридим. Хавоям салқин бўлиб туриби.

Ёзувчи келинининг мuloҳазасини қайсарликка йўйиб ранжини изҳор қипти:

- Хўв, келин, мен айтган гапни қиловуринг, барака топасиз, тузукми?

Қайнота-келин мулокотини нарироқда кузатиб турган Давлат кеннойи гапга аралашибди:

- Болани ювинтириш нимага зарил бўпқолақолди, хўжайин!
- Проста, эркалатиб, юзларидан бир ўпиб қўймокчиман.

Фийбат №2

Шодмонбек аканинг ёши 59 дан ошавергач, ёзувчилар поликлиникасига бориб шифокордан сўрабди:

- Дўхтир, 60 ёш қанақа ёш ўзи?
- Қанақа ёш бўларди, ёшдақа ёш-да...
- Йўқ, менга анигини айтмасангиз бўлмайди, дўхтир. Ёшим 60 га яқинлашган сари шубҳалардан ичим фимиллаб, оромимни йўқотиб боряпман. Айтишларича, одам инжиқлашиб, гумон касали кучайиб, унча-мунча сўзларнинг маъносини фарқламайдиган ҳам бўп қолармиш...

— Бўпқолади деса, бўпқолавурадими. Ҳамма одам ҳар хил қарииди, ахир. Ўрисларда «Каждый по своему с ума сходит», деган нақл бор.

Шифокорнинг хотиржам жавобидан, колаверса, ўрисча қўшиб гапирганидан бир оз таскин топган ёзувчи нима дермиш:

- Унда мен бемалол саксон-тўқсонга кирсам ҳам бўлаверар экан-да, а, дўхтир?!

Фийбат №3

Бир куни ажойиб шоир, шахмат усталаридан бири Носир Мұхаммад икки партиягина «әзіб қўйиш» иштиёқида рақиби Шодмон Отабекнинг уйига чиқибди. Қараса, ҳажвчи дўсти Белинскийнинг томликларини юзига пахтамато тақиб олиб ўқиб ётган экан.

— Иҳ-я, — дея ажабланибди Насриддин ака, — Шодмонбек, жуда қизиқ одамсиз-да! Ҳеч ким қилмайдиган ишларни қилиб юрасиз-а! Нега энди оғзи-бурнингизга дока тутиб ўтирибсиз?

— Э-э, Насриддин, эшитмаганмисиз, Белинский жанблари силдан вафот этган-ку! Балодан ҳазар: муаллифнинг касали юқиб-нетиб ўтирмасин, дейман-да.

Фийбат №4

Шодмонбек аканинг кўлинини ари чақиб олибди. Ёзувчи зудлик билан шифохонага борибди. Дўхтири топиб:

— Дўхтиржон, дўхтири. Энди нима килдим, — дея вахима қиласверибди.

— Ҳа, ҳа, тинчликми, — дея хол сўрабди шифокор.

— Тинчлик эмас-да, дўхтири. Ари чақиб олди, ари, — дебди юраги ҳапқириб.

— Ҳа, ўзингизни босинг. Ари чақса чақибди-да. Шунга ота гўри қозихонами? Жуда азоб бераётган бўлса, оғриқ қолдирувчи уколдан биттасини урамиз, тинчийсиз, қоласиз.

Шифокорнинг бепарволигидан дарғазаб бўлган ёзувчи нима дермиш:

— Чакса чақибди-да, дейсизми, а? Шу ари Белинскийни ҳам чаққан бўлса-чи, унда нима қиласман?..

* * *

Шодмонбек aka ана шунаقا таъби «нежний» ёзувчи. Одамлар орасида адібнинг ушбу фазилатини очиб берувчи бир талай ҳангомалар ҳам юради. Ана шулардан уч-тўрт шингилини сизга ҳам илиндик, азизлар! Мархамат:

Фийбатчалар

1. Искиртрөк одам ўтганини сезиб қолса, «Халқлар дүстлиги» проспектиниям хлорлаб ювдириб, кейин юради.
2. Касал күргани борса, шифохонадан чиқиб кетгунча нафас олмайди.
3. Сўрашганда қўли ювилганига гумон қилса, Пирмуҳаммадигаям билагини тутади.
4. Бозорда хосил етиштирган дехқоннинг саломатлиги хақида хужжати бўлмаса, пиёс ҳам сотиб олмайди.
5. Йили эскироқ таксигаям ўтирмайди: ким билсин, қанақа исқирт ўйловчилар ўтирган бу шалақ аравага.
6. Набираларини суйиб, эркалатиш учун келинлари қўлида «экологический чистый» деган далолатнома бўлиши шарт.
7. Хумсондаги қайнаб чиқиб турган булоқ сувига ҳам хлор қўшиб, иннайкейин истеъмол қилади: микроб кирмаган жой қоптими бу замонда.
8. ОИТСга чалингган аёл чиқиби, деган гапни эшитгач, Қизилтоғ томондаги бинойидек дала ҳовлисига қадам изи қилмай қўйган, дейдилар. Яна Худо билади.
9. Замондош адилларнинг асарларини ўқимокчи бўлса, улар рўйхатда турган шифохонадан маълумотнома сўрайди.
10. Турмуш қурган пайтда (бундан 40 йил илгаримией, валлохи аълам) амбулатория кўригидан ўтмагансан, деб келинйиниям кунда-кунора сикиб сувини ичармиш.
11. Дастрўмларини яхшилаб ювдиргач, санэпидстанцияда дезинфекция килдириб, кейин бурнига тутади.
12. Юқумли касалликлар хақида эшиттириш бериллаётган бўлса, радиони ҳам ўчириб қўяди.
13. Ҳинд чойлариниям факат қутисига бокира аёллар расми солингани (демак, ўшалар нозик бармоқлари билан терган)ни сотиб олади. Фил, маймун каби сассик ҳайвонлар расми солинганидан ҳазар килади. Тўғриси, чойдақа хидҳўр нарса борми! Ичаётганингда фил ёки битлики маймуннинг бўйи анқиб турса, додингни қайси Сингхга айтасан!

14. Айтишларича, Алоқа вазирлигининг «Хабар» газетаси бош мұхаррири булып ишилдеган давр тахламлари таҳлил қилинганда сахифаларнинг 99 фойзи тозалиқ, шокизалик, орасталик, таомлар сифати ва уларни қандай, қачон, қай ҳолатда истеъмол қилиш, қариндош-урұғ, яқын ёр-биродарлар билан телефонда сүзлашин (үтирибми ё туриб), меҳмонга бориш-келиш маданиятига бағишилган. Бор-йүғи 1 фойзигина алоқа тизими ва ходимларининг касб маҳорати ва муаммоларига ажратилғанлыги аниқланған.

15. Яна айтишларича, қаҳрамонимиз қайси дір мамлакат алоқа тизими ходимларининг оддий хира пашшалардан ахборот әлтүвчи восита сифатида фойдаланиш борасыда олиб берәётганды тажрибалари ҳақида ўқиб қолған. Шундан сұнг оромини тамом йўқотиб, бу таъби хира халқ яшайдын давлат билан маданий тугул, иқтисодий алоқаларни ҳам узиди ташлаш ҳақида мақола билан чиққан. Мурожаатига эътибор сүстрөк бўлгани туфайли газета мұхаррирлигидан кескин воз кечиб, ҳавоси соғ Хумсон томонларда пашшаларни қайси йўл билан озор бермай қириб ташлаш мумкинлиги ҳақида илмий фантастик мақолалар ёзаётганинш.

16. Яна айтишларича, Юнусободдаги «дом» и деворининг аллақаерига пашша ўтириб қўйгани учун ўғиллари яқиндагина чизиб қўйган накшли сувокларни болта билан чоптириб, қайтадан «ремонт» қилдираётганды экан.

17. Яна айтишларича, тумов булиб ётиб қолған ёки юқумлироқ касалликка чалинган танишлар билан телефонда ҳам сўзлашмай туради. Борди-ю, билмай гаңлашиб қўйган бўлса, факат ўзигагина маълум, шахсий интициялар асосида тайёрланадиган «туркона» дорилар билан даволаниш курсини ўтаб, сўнг жамоатчиликка намоён бўлади. Атроф-мухитни ҳам эҳтиёт қилиш керакку, ахир!

Ха, дарвоқе, Шодмонбек ака факат «туркона» дориларменларни қадрлайды. Тугма, сикмадорилар билан даволанадиган кимсаларни кўргани кўзи, отгани ўки йўқ. Чет элларда, айникса, бебисмилло иш қиласидиган мамлакатларда тайёрланадиган нарсалар копори зиён, мак-

рухи азим. Одамларга ҳайронсан, 3–4 минг кўкига олган темир аравасига бензинни танлаб қуяди. Лекин баҳоси йўқ ошқозони ёки жигарини эритиб юборадиган нарсаларни лўкқа-лўққа ютади.

18. Яқин дўстларининг айтишича, у кишининг таъблари талабалик йилларида бугунгидан минг чандон ноzik бўлган, ҳаттоқи ўз қўлларининг тозалигига ҳам гумони буюклигидан нонни қоғоз билан ушлаб, сўнг тановул қилган (бўлган воқеа) лигига гувоҳлар бор.

Буниси энди фийбат эмас

Тупуғингиз билан чайқаб шиминг

Дадасининг таъби нозиклигини Шодмонбек аканинг ўғиллари ҳам яхши тушунишади. Баъзан бу фазилатининг «дозаси» ошиброқ кетган маҳалларда тегманозик отага фарзандларнинг жавоби ҳам ҳазил-хузулга дўнганроқ бўлади.

Бир куни Шодмонбек aka уч ўғли ва камина Азаматнинг (ёзувчининг катта ўғли) «BMW»сида Андижондан пойтахт сари йўлга чиқдик. Довонга ўн чакиримча қолганда мўъжазгина бозорча бор. Йўл хоритиб ўрмалаётган машиналар кўпинча шу ерда нафас ростлайди.

Биз ҳам тўхтадик. Карасак, растанда кўзни яйратадиган сархил ўрик қокилар сотиляпти. Шодмонбек aka матчойисухан йигит билан мудом савдолашиб, икки кило қантакисидан сотиб олди. Зум ўтмай Азамат ҳам бир халтасини кўтариб келди-да, моторни ўт олдириб, довон томон йўлга тушдик. Йигитлар билан чақчақлашиб, ўрик қокилардан (албатта, Шодмонбек aka сотиб олганидан) курсиллатиб еб боряпмиз. Бир маҳал Шодмонбек аканинг ҳам оғзидан суви келдими, ёки меҳмоннинг олдига ош қўйиб, икки қўлини бўш қўйган Афандининг ҳолига тушдими, катта ўғлига юзланди:

- Азаматжон, ўғлим, баклажкада сувингиз бўлармиди?
- Сувни нима қиласиз, ада?
- Мен ҳам ўрик қокидан уч-тўрттагинасини ювиб есам, девдим.

Шунда үғил:

— Сувга құлымизни ювиб тугатдик-ку, дада, — деди
ва қимматли маслаҳатини ҳам қистириб қўйди:

— Қоқиларни оғзингизга солинг-да, тупугингиз би-
лан уч-тўрт марта чайқаб, тупуриб ташлаб, шимаверинг.

2005

АЙРИМ ЭЪЛОНЛАРГА ПАРОДИЯЛАР

Бобомнинг чориглари сотилади. Қиммат. Размери ва
манзил таҳририятдан сўралсин.

* * *

Йигитларни кашта тикишга ўргатамиз.

* * *

Уйланаман. Бевалар безовта қилмасин.

* * *

Чиройли навозиш. Исталган пайтда, исталган жойда.

* * *

Муччакашликка ўргатамиз. Хизмат сертификатлан-
ган.

* * *

Бўсалар тақдим этаман. Арzon.

* * *

Мухаббат изхор қиласман. Экологик тоза.

* * *

Қабрингизга тошибитик ё ҳайкалингизни ўрнатамиз.

* * *

Кулдира-кулдира ўлдираман. Қизиқчи Асо Мусом.

* * *

Сочларни чиройли тўқтириш. Хозироқ келинг.
«Мўйчинак» фирмаси.

* * *

Таниқли, бадавлат шахсларга исталган жанрда китоблар ёзиб бераман. Умрбоқий.

* * *

Бир муштда думалатиш бўйича мусобақага тайёрлайман. Бурундан пастига тепиш йўқ.

* * *

Мечкайлар кўриги ўтказилади. Беш кило девзира ошини еёлмайдиганлар мурожаат қилиб бошни қотириш масин. «Қоринсолар» чайхонаси маъмурияти.

* * *

Машҳур хонандалар клипларига қош қоқиб, қилпилловчилик қилишим мумкин.

* * *

Болаларга алла айтиб ухлатаман. Болтавой.

* * *

Малакали фассол. Дин ва миллатнинг фарқи йўқ.

* * *

Тажрибасиз келин-қўёвларга янгалик қиласман. Муваффақият кафолатланади.

* * *

Тўкин-сочин дастурхонларда сўзбошловчи (ўртакаш) керакми? Қойил қиласиз.

* * *

Чаққон, келишган, сўзамол йигитлар хоним ва хонимчаларингиз вақтини чоғ ўтказишида сизга ёрдамлашади.

* * *

Күсаларга соқол экамиз.

* * *

Севган қизингиз күнглини билолмай доғмисиз? Құлтиғига қўл солиб кўришим мумкин. Думбулбек.

* * *

Кўзларингиз кўк ёки мовий товланишини истайсизми? Окулистга овора бўлманг. Чораси бизда. Ҳангиобод бозори. Болта қассобни сўранг.

* * *

Тўйларда қўшиқ айтиб, азаларда бўзлайман.

* * *

Кундош танлашда адашманг. Аниқ прогноз.

* * *

Наслдор лайча. Учта уч ёшли чўчқага алмаштирилади.

* * *

Хар куни уч маҳал қийқиртириб урадиган одамга турмушга чиқаман.

* * *

Канари ороллари ёхуд Швейцариянинг сўлим гўшаларида кўчмас мулки бор бақувват, басавлат йигитлар! А-у, қайдасиз?

* * *

Пешанаси кенг, чорпоҳилдан келган, чўяндай чиникан, оёқ-қўли чаққон, бир урганда буқани бўкиртирвонадиган (сабаби буқалардан қўрқаман) ўзбек, дехқон йигитига ҳаётимни бағишламоқчиман. Хели Стайн. Жунглиана штати.

* * *

Халқ ҳофизларига авжини олишворадиган жўровоз керак. Маош овозбай.

*ОЛЫС БОҒЛАР
ҲАФАСИ*



ТАРЖИМАЛАР

ТҮНТАРМА

Русларнинг машхур шоири Михаил Светлов ўзбек адиби Азиз Абдураззокка ўхшаган оддийгина, камсукумгина инсон бўлган, деган тасаввур бор менинг хаёлимда. Ҳа, худди ўппа-ўзи. Адабиётга муносабати, юриштуриши, кулиши, юз тузилиши, хаётга кўз қарашию соч тарашигача (Азиз аканинг ҳожинамо дўппи, сийдом либос кийишларини хисобга олмагандан) айнан ў-ў-ўзи. Қариган чоғларида майиздеккина чол бўлишиб, давраларда ёшу қарининг кўнгил чироғига айланниб қолишганиям куйиб қўйгандай бир-бировига ўхшаш.

Бундай олиб қараганда, Азиз ака Светловдан кам шоир эмас.

Азиз аканинг замондош ижодкорларга, айниқса, дўсти Сайд Аҳмад домлага атаб тўқиган латифа ва ҳангомаларини Михаил Аркадьевич эшитса, кулгидан биқинини ушлаб қолармиди.

Ҳай, майли, Азиз аканинг умрлари узоқ бўлсин, илоим.

Ўзбек ўқувчиларига мазза. Азиз ака асарларини она тилимизда ёzáди. Асқияни, ҳангома ва латифаларни ўз тилимизда айтади. Истаган одам китобини топиб (топилса) бафуржа ўқиб олиши мумкин. Кимга қийин, раҳматли Светловга қийин бўлган экан. У киши ўзбекча ёзолмаган. Бир-икки бор асқия, ҳазил-мутойибаларимизга таклид килиб, ёзганларини ўзбекчага ағдартиришга уннаб кўрган дейишади. Зора, буюк ҳазилнавислар Fafur Fu-lom, Сайд Аҳмад, Анвар Обиджон назарига ҳам тушсан, деганда! Ҳазил-мутойибалари бир оз ўхшабди-ю, асқияси мутлақо чиқмабди. Охири «Ничего, ўзбеклар талантли халқ. Русчани она тилидан равонроқ гапиришади. Жа бўлмаса, ўрисчага миллий яктак кийдириб, қийқиришвонадиган (асл матнда «бўкиришвонадиган» – А. Б.) таржимонлари кўп, деб эшитаман», деган экан.

Мирзакалон Исмоилий, Мирзиёд Мирзоидов, Ҳасан

Тўрабеков сингари улкан таржимонлар ўтиб кетди. Бу иш бузун бизга ўхшаган чули-чули «мутаржим»ларга қолди, афсус!

М. Светловнинг юкоридаги армонини эътиборга олиб, у ҳақда тўқилган ҳангомаларни (Иосиф Игиннинг «Улыбки Светлова» номли альбомидан олиб) ўзбек тилига баҳоли курдат ўзимиз тўнтариб қўя қолдик.

* * *

Ёзувчи Борис Бяликнинг ҳикоя қилишича, уруш йиллари у Светлов билан фронтнинг олдинги мэрраларига бориб, ижодий учрашувлар уюштиришган. Бир гал ана шундай учрашувлар пайтида ҳаво жанги бошланиб қолади. Атрофда бомбалар портлай бошлади. Лекин бирорта аскар ўзини панага олиб кочмай, шеърни охиригача эшитишади. Ҳайриятки, хаммаси яхшилик билан тугаб, ҳеч кимга зиён-заҳмат етмайди. Шунда Бялик шоирдан сўрайди:

- Наҳотки сен қўркмаган бўлсанг?
- Йўқ, қўркмадим, — жавоб беради Светлов. — Факат шеърим бир оз чўзилиб кетганлигини ҳис килдим, холос.

* * *

Светлов ёш ижодкорлар даврасида ўзини ниҳоятда одми тутар эди. Шоирнинг соддалигини ўзича тушунган бир йигитча унга «Миша» деб мурожаат қила бошлабди. Шунда шоир ёш ижодкорга охиста:

- Бунчалар такаллуфга хожат йўқ. Мени оддийгина қилиб Михаил Аркадьевич десангиз ҳам бўлаверади, — дебди.

* * *

Ёзувчилар уйи меҳмонхонасига адабиётнинг таниқли арబбларидан бири кириб келади. Унинг қўлида «Москва оқшоми» газетаси бор эди.

- Мана бунга қара, — дейди у Светловга юзланиб. — Яхшигина бир актёрнинг ўлиги қандайдир «оқшом» газетасига қолиби.

— Ажабланишга ҳожат йўқ, — жавоб берибди Светлов. — Сен ҳам нари борса «Ахборот»да ўласан.

* * *

Светлов бегоналардан қарз олишни ёқтирмас эди. Жуда чорасиз қолса, Адабиёт жамғармаси ёки биронта якин дўстига мурожаат қиласади. У доим шундай дер экан:

— Карз ёмон нарса-да. У бироннинг пули. Яна вақтинчаликка оласан. Қайтараётганингда эса ўз пулингдан берасан. Боз устига қайтмайди.

Бир гал у шундай ҳазил қилган экан:

— Қарзни рухан тушкун кишилардан олган маъкул. Улар қарз берәтибоқ пулдан умидини узиб қўяқолиша-ди.

* * *

Светловнинг ашаддий пиёниста бир дўсти қўнғирок қилиб қолибди:

- Сизларда об-ҳаво қандай? — сўрабди Светлов.
- Исик, 25 даражага, — жавоб келибди у ёқдан.
- Ҳа, — дея гапни ҳазилга бурибди шоир, — яна 15 даражага бўлса, ичиб қўя қолардинг.

* * *

Молдован шоирларидан қилган таржималари босилиб чикқач, қалам ҳакини ҳадеганда ололмаган Светлов ноширларига пўписа қилибди:

— Яна овора қилаверадиган бўлсанглар, барча шеърларни молдованчага қайта ўгириб қўйман.

* * *

Шоир Сергей Орлов Светловга ўзининг «Фидирак» номли китобини совға қилибди.

— Оғайни, — ҳазиллашибди Светлов, — яна учта фидирак қилсанг машина бўларди-да.

* * *

Истеъдодсиз икки шоир бир-бирини турли бўхтонлар билан ҳақоратлашарди. Бунга чидолмаган учинчи бир киши дебди:

— Буларга ҳайронсан. Аслида адабий жараёнда икковиниям ўрни йўқ.

Шунда Светлов нима дермиш:

— Тўғри айтасиз, уларнинг ўрни йўқ. Бироқ улар ўртасида ўша ўринсизлик учун омонсиз кураш бор.

* * *

Бир шоир ҳакида Светлов:

— У кружкадаги пивога ўхшайди. Кўпигини пуфлаб ташлаб, сўнг ичиш керак, — деган экан.

* * *

Рассом И. Игин Светловнинг таваллуд кунида шоирнинг Жакондага ўхшатиб ишланган суратини тақдим этибди. Аёл қиёфасидаги ўз суратини кўриб, хайратланган шоир нима дебди денг:

— Леонардо... да... сал... бошқачаро-ок...

* * *

Михаил Светловни илк марта кўриб турган бақалоқдан келган, анчайин тарбиясиз бир аёл ажабланганини яширмабди:

— Вой, худойим-ей! Шунақаям хилвамисиз-а?

— Сизнинг келбатингиз менда бўлса аллақачон буюклик касалига мубтало бўлар эдим, — кулибди шоир.

* * *

Ёш ижодкорлардан бири доим Светлов мени эслаб қолмаган, деган гумон билан ўз исми-шарифини айтиб саломлашар экан. Бу гал ҳам хар сафарги одатига биноан ўзини таниширибди:

— Саломалайкум, Михаил Аркадьевич, мен Иванов...

— Салом, Коля! — дебди жилмайиб Светлов. — Мен сизни Вера Инбермикинсиз, деб ўйлабман.

КУЛГИЗҮР

Тұғри, рус адабиётида асқия деган тушунча йүк. Ўриснинг манаман деган қизикчилари Райкин, Жванецкий, Петросянлар ҳам қорнингдаги кулгини бүгзингдан андижонлик асқиячи Махсум aka Қозоковдек портлатиб чиқарворолмаган. Лекин бу рус адабиёти оташин кулгидан бегона дегани эмас. Бу тилнинг ҳам шунаканги кулгизүрлари борки, ўқисанг, ўнгингни чапга, чапингни ўнгга ёки настингни тенага чикариб юборади. Ана шундай мутойибалардан бир чимдимиши тортиб олган ҳар қандай одам ҳам аканг қарағай якка тұра оғайлардан бүлкетади.

Михаил Светлов ҳәётіям ана ўшанака ҳангома ва саргузаштларга бой. Унинг бу фазилати рус зиёлилари орасыда тилдан тилга ўтиб, достон бүлкетган. Шоир шахси, жуссаси, кулги жанрига қўшган хиссаси ҳакида машхур ҳажвчи рассом Иосиф Игин томонидан тартиб берилган, биз юқорида тилга олиб ўтган «Улыбки Светлова» («Светлов табассуми») номли юмористик безакли альбомга яна мурожаат этдик.

Ана шу рисолада босилган ҳангомалардан сизга ҳам бир отим илиндик. Марҳамат, тилнинг тагига ташланга... Куввати ўзимизнинг Ҳожибой Тожибой ёки Мирзабойларницидай бўлмасаям, ҳар қалай четники — «импортний». Ёқмаса, эътирозингизни «Афанди» таҳририятига, маъқул тушиб қолса, раҳматларингизни бизнинг шаъни мизга йўллашингиз сўралади. Чунки таржиманинг аслиятга мос ёки мос эмаслиги учун таржимон жавобгар эмас.

* * *

Шифохонада бетоб ётган Светловни кўргани таниш бир аёл келибди. Аёл әгнида олачипор матодан тикилган кўйлак бўлиб, унда турли-туман шаҳарлар, машхур масхарабозлар, санъат, кино юлдузларининг номлари акс эттирилган эди.

Таъби анчайин нозик Михаил Аркадьевич кўзойнагини такиб, ёзув ва тасвиirlарни кинояли жилмайиш билан ўқий бошлабди.

— Бунча ажабланмасангиз, — дебди аёл шубхаланиб. — Нима, менинг кўйлагим сизга ёқмадими?

— Йўқ, аксинча, — мулойимгина жилмайиби Светлов. — Мен кўйлагингизни туни билан ўқиб чикиш мумкинлиги ҳакида ўйлаяпман.

* * *

Светлов бошига оғир мусибатлар тушганда ҳам уларни матонат билан қарши ола билар, ҳеч қачон тақдирдан нолимас эди. Ҳаётда у қанчадан-қанча шафқатсиз, адолосиз танкидларга учрамади, дейсиз. Боз устига, тинкамадорни куритувчи касалликлар... Ҳар қандай шароитда ҳам у ҳазил-мутойибани ўзидан бегоналаштирмасди. У кўпинча:

— Шоирнинг бахти барчаники, бахтсизлиги эса сир бўлмоғи лозим, — дер эди.

* * *

Иқтидори ҳаминқадар бир шоирни Ёзувчилар уюшмасига қабул қилишаётган эди. Светлов қарши фикр билдири. Кимдир номзод шоирни химоя қилди:

— Тушунинглар, ахир шоир ижоди асосан долзарб мавзу — аскарлик ҳаётига бағишлиланган.

— Мен, — эътиroz билдириби Светлов, — уруш мавзусида ёзилган шеърда ўрмалаб бораётган ботир жангчини яхши тасаввур киласман ва жасур аскар ўрмалаб боряпти, деб айта оламан. Бу ерда эса нолойиқ номзод ёзувчилар сафига ўрмалаб кириб келяпти.

* * *

Стол атрофида Михаил Светлов, шоир С. ва бир қиз ўтиришарди.

С. шеър ўқиди. Кўнгли бузилиб кетган қизнинг кўзларидан ёш қалқди. Рўмолча излаб, сумкаласини титкилай бошлаган эди, С. назокат билан ўз дастрўмолини узатди. Қиз уни кўзларига боса-боса қайтариб берди. Ва, албатта, дастрўмолда ёшлардан доғчалар қолган эди. С. дастрўмолидаги доғларга тикилар экан, эҳтирос билан деди:

— Сенинг күз ёшларинг олиб кетаман.

Светлов кулимсираб күшиб қўйди:

— Ва, албатта, пастда кутаман...

* * *

Адабий учрашувлардан бирида Светлов шеърхонлик тугағач, мухлислардан тушган хатларга муносабатини билдирапкан, бир қанчасини жавобсиз қолдиради.

— Нима учун саволларга баравар жавоб бермаяпсиз? — овоз келди пастдан.

— Бу ердаги саволларнинг барчасига жавоб бера олганимда, — дейди Светлов, — мен учун яшашнинг қизиги қолмас эди.

* * *

Адабиёт институтида бир талаба диплом ёқлаяпти. У денгиз ҳақидаги шеърларини ўқиди. Уларга нисбатан танқидий фикр билдирапкан, Светлов деди:

— Денгиздаги тиникликни, мовий бепоёнликни, улкан пўртналарни шеърга олиб кириш, бу бошқа гап. Бироқ сув кимга керак?!

* * *

Светлов ўзининг буқчайган гавдаси устидан кўпинча ўзи қойиллатиб қуларди. У бир гал шундай деганди:

— Савол аломати биласизми, нима? Бу ундов белгисининг кексайгани.

* * *

Қалам ҳақи бериладиган куни Светлов нашриёт касасига келибди. Маълум бўлишича, унга ҳеч нарса чиқаришмаган экан. Қалам ҳақини қуртдай санаб олаётган бошқа ёзувчиларни кузатиб тура-тура, охири шундай дебди:

— Кўзим пул кўрмаганига анча бўлди. Пул қанака бўлишини кўриб, бир тўйиб олай, деб турибман.

* * *

Светлов актёр С. ни ёқтирмас, иложи борича у билан мулоқотдан қочиб юрарди. Ўша С. бир куни Светловни тутиб олиб, дебди:

— Мен абрахам эмаслигим ҳақида сизга маълумотнома келтиришим мумкин.

— Агар шундай ҳужжат менда бўлганида, — жавоб бериди Светлов, — шубҳасиз, ўзимни абрахам деб ҳисоблаган бўлардим.

* * *

Светлов қўриқ ер сафаридан қайтиб «Янги баҳт билан!» номли пьеса ёзибди. Театрда ишловчи бир актёр ўз гумонини яширомлай сўрабди:

— Ўзингиз қўриқ ерда бўлдингизми?

— Бунинг нима аҳамияти бор, — ажабланибди Светлов.

— Ҳақиқий ижодкор тасвирлаётган ҳолатлари ҳақиқатан ҳам ҳаётйилигига тўла имон келтирғач, қўлига қалам олиши керак.

— Очкўз бўри Қизил шапкачани еб қўйганига ўзингиз ҳам қатъий ишонасизми? — сўрабди Светлов ҳам.

* * *

«Тарбиянинг бош омили юмор бўлиши керак», деган эди Светлов «Мен кулги тарафдориман» номли китобида ўз ўғли билан боғлиқ иккита ҳолатни мисол келтириб.

«Бир гал сафардан қайтиб, хонадонимиздагиларнинг барчасини саросимага тушиб қолган ҳолатда учратдим. Титраб-қақшаб «Тез ёрдам»га қўнфироқ қилишарди. Шуригимиз сиёҳ ичиб олибди!..

— Сен чинданам сиёҳ ичдингми, — сўрадим ўғлимдан.

Шўрлик ўзининг сиёҳранг тилини намойишкорона чиқариб кўрсатди.

— Бемаънилик, — дедим мен. — Ичишга ичибсан, нега орқасидан сиёҳшимгич чайнамадинг?!

Шундан бүён күп йиллар үтди. Шурик бирон марта хам сиёх ичмади.

Бошқа сафар кандайдыр айби учун ўғлимни газета билан урдим. Табиийки, бунинг оғриғи ҳеч гап әмас. Бироқ ўғлим никоятда хафа бўлиб кетди.

— Сен мени «Ўқитувчилар газетаси» билан урдинг-а! Ҳамон ураркансан, шу ерда «Правда» («Ҳақиқат») хам ётувди-ку!

Шу ондаёқ ўғлим менинг тарбиямга бошқа муҳтоҷ бўлмай қолганини ҳис этдим.

* * *

Светловнинг ашаддий мухлисларидан бири шоирни учратиб қолиб, деди:

— Ё, кудратингдан! Шу кўриб турганим тирик классикми?

— Унчаликмас, — дебди Светлов. — Ўлай-ўлай деб тургани.

2006

Марк Твен

ҲАЗИЛАНГИЗ ҲИКМАТЛАР

Ер юзидаги биронта халқ бенасиб қолмаган бойлик бу — юмор.

* * *

Юмор ақл механизмини ҳаракатлантирувчи омилдир.

* * *

Моҳиятида донолик ётмайдиган ҳар қандай ҳазил-мутойиба ҳеч нарсага арзимайди.

* * *

Янги ташкил этилган газетанинг нишона сонидаги бир мақола остига «Кўп йиллик мухлисингиз», деган имзо қўйилган эди.

* * *

Қайта турмуш қурган беванинг қалби эски жиҳозлар билан безатилган хона монанддир. У ерда собиқ ижара-чидан қолган ашқол-дашқоллар ҳар доим топилади.

* * *

Ёш хоним ўта рангпар чехраси билан ҳаммани ажаб-лантириш мақсадида маргумуш ютди. У муддаосига эришиди ҳам, фақат... майит ҳолатида.

* * *

Фарб газеталаридан бирида шундай эълон босилган эди: «Камида 67 дуэлдан омон қолган бош муҳаррир ишга таклиф этилади».

* * *

Шаҳар хиёбонларидан бирига қўйилган мармар ҳай-калларни кўрган бир қишлоқлик ажабланиб шундай дебди: «Шапалоқдай жойга олтита кўриқчи. Қандай исроф-

гарчилик! Уларнинг ҳар бири билан бутун-бутун экин майдонларини қушлардан қўриқласа бўлар эди!»

* * *

— Жавобгарга даъво билан мурожаат қилдингизми? — сўради хукуқшунос ўз мижозидан.

— Ха, жаноб!

— Хўш, у нима деди?

— Менга деса иблисга бормайсанми, деб қувиб солди.

— Кейин нима қилдингиз?

— Мана, сизга келдим, жаноб!

* * *

Бу ёруғ оламда энг муҳими нима? Жаҳолат ва дадиллик. Кимдаки шу икки жихат мужассам экан турмушда омадим чопди, деб ҳисоблайвериши мумкин.

* * *

Америка жамоатчилигининг фикри шундай бир ҳарир матоки, хиёл тегиб кетсанг тонги тумандай тарқайди ё кетади.

* * *

Икки ҳолатда одам биржা савдоси билан шуғулланмагани маъқул: қачонки пули бўлса ва қачонки пули бўлмаса.

* * *

Бир одам жон таслим килиш олдидан рухонийни чакиртириб юрагини очиби: «Таксир, маслахат беринг. Жаннатга тушганим тузукми ёки дўзахга?» Икки томоннинг ҳам ўзига хос афзалликлари бор, — жавоб берибди рухоний. — Иклими десангиз, жаннат тузук. Дўзахда эса жамоат билан бирга бўласиз.

* * *

Ҳикматнинг олтин қоидаси: оз сўзда оламча мазмун.

* * *

Сент-Луисда хуқуқшунослар бир-бирларини «ёлғончи» ва «қўрқоқлар», деб атайдилар. Бу эса уларнинг ўзлари ҳакида онда-сонда бўлса ҳам ҳақиқатни гапиришлари исботидир.

* * *

Лондон кўчаларида диндорларни ибодатхонага чорловчи эълонлар пайдо бўлди: «Шу қунгача хонадонлар қопқаларини бузиб кириб ўғирлик қилгани учун уч бор турмада ўтириб чиқкан Нед Райт ваъз ўқийди. Киришда пул олинмайди... Хуш келибсизлар!».

* * *

Сепкилни кеткизувчи хапдори янги орлеанлик кишида синааб кўрилди. Юзларидаги бир-иккита доғни демаса, беморнинг ичи дарддан бутунлай фориф бўлиб кетди.

* * *

«Француз комедия қўмитаси»да бир ёш шоир ўзининг янги пьесасини ўқиб эшиттириди. Асар бир овоздан рад этилди. Шоир хайъат аъзоси бўлган бир машхур актёрга карата эътиroz билдириди.

— Мен ўзимнинг норозилигимни изҳор этишга мажбурман. Сиз менинг пьесамга қарши овоз бердингиз. Вахоланки, уни ўқиётганимда ухлаб ўтирдингиз.

— Жаноб, адабиёт масаласида уйқу ҳам муҳим фикрни ифодалайди, — жавоб берди ҳайъат аъзоси.

* * *

Ўз устингда ишлаш муносиб машғулот, бошқалар тарбияси билан шуғулланиш унданда муносиб ва анча осон.

* * *

Хатоларингни доим рўй-рост бўйнинга ол. Бу бошлиқларнинг сенга нисбатан хушёргигини пасайтириб, янгиларига йўл қўйишинга имконият туғдиради.

* * *

Хак гапни хеч қачон айтма, айникса, бунга нолойик кимсаларга.

* * *

Ёлғонни худа-бехуда елга совурманг. Қайдан билиб үтирибсиз, бир кун келиб у ўзингизга жуда асқотиб қолиши мумкин.

* * *

Бахт чўққисида турганингда дўстингни учратмайсан.

2006



АНДИША
КИРРАЛАРИ



ТҮЙФУ

Одамлар бор, учтүрт кун күрмасанг соғииниб қоласан. Күришгандан кейин эса бир қанча вакт фаришталар қанотида сузгандек хаволаниб юрасан.

Шундай инсонларга даврдош қилган Эгам, сенга ҳазорхазор шукр!

Баъзилар бор учрашганда сүрашмоқ учун қўлингни узатишга курбинг етмайди. Бир амаллаб сўрашиб қўйгач, ўзингга қўл ато қилинганидан хафа бўлиб кетасан.

Мени кўрганда шундай туйфу билан ўртанувчилар йўқмикан?!

МАРТАБА

Хар бир истеъод дар ӯз ҳалки қалбидан иқтидорига яраша жой олади. Бу муқаддас жойни пулга чақувчилардан Худо сақласин.

МЕН ҲАМ...

Хар бир юрак бир мустақил сайёра. Бу сайёralарнинг ӯз кашфиётчилари, тадқиқотчилари, фазогирлари бор.

Мен ҳам сенинг қалбингни кашф этмоқ, забт этмоқ умидида йўлга чиққан фазогирман. Бу машаққатли йўлда ўзинг мададкор бўл — Она ҳалқим!

ТАБИАТ ИНЬОМИ

Мухаббат некбин қалблар учун олий мукофот. Мухаббатнинг бошқа мукофотлардан фарқи шуки, у табиат томонидан инъом этилади. Баъзилар уни юрагида сақлайдилар. Лекин бу туйфуни орден сифатида костюмининг ёқасига тақиб юрувчилар ҳам кам эмас.

ЎЗИМИЗЧИ

Ёзувчилар бор, адабиётга зигирдайгина ҳисса қўшиб қўйиб, катта-катта гапириб юради. Баъзилар эса адабиёт учун муносиб хизматлари ҳақида майда гапириб юрадилар. Шундай пайтда ижодга алоқаси бўлмаган оддий кишилар нечоғли бефубор эканликларини ҳис қиласан.

НИМА ҚИДИРЯПМАН, ЎЗИ?..

Кўчадаги китоб расталарида тимирскиланиб юрсам бўлма сохибаси сўраб қолди: «Нима қидиряпсиз?»

Дарҳақиқат нима қидиряпман ўзи, билмасдим. Ми-ямга келган фикрни айтаколдим: «Ўзимни қидиряпман».

Китобфуруш хоним жавобимдан ҳеч қандай мазмун топмади шекилли елка қисди...

ЙИЛЛАР ФУБОРИ

Омад бизга кулиб турган йилларда тўйи тугул, тўртбеш меҳмони ҳам бизсиз, бизнинг маслаҳатимизсиз кузамайдиган «опа»ларимиздан бири биздан омад юз ўгириб-роқ турган кезларда, нозик бир издиҳомда «Биз сиздан қандай марҳамат кўрибмиз-ки... Сиз тиккан байроқлар йиқилди-кетди», дея иддао қилиб қолди...

Бундай пайтда нима дейишгаям ақлинг етмай, довдирраб қоларкансан. Омад кетса, қўлинг тугул, тилинг ҳам калта бўлиб қоларкан.

Биз қориндошимиздан эмас, кўп яхшиликлар ва яхши лаҳзаларни хотиралардан ўчирган йиллардан ранжиб қўя қолдик.

НОЛА

Хофизнинг хонишлари қулоқ илғар-илғамас эшитилгани билан ичи-бағрингни ўртаб юборадиган даражада ҳазин, нолакор эди. Унинг дардчил ва синик овозида анчайин катта санъатчининг салобати намоён бўлиб турарди.

Тингловчи қалбини забт этиш учун овознинг дароз бүлиши шарт эмас экан, дедим ичимда.

БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ...

Бола тарбияси мураккаб жараён. Буни дунё тан олади, таъкидлашдан толмайди. Бироқ ана шу мураккаблик тушунчасини тушунтирувчи педагогик қарашлар мажмуасини хатм қилиш, хатм қилғанларингни эса ҳазм қилиш, унданда мураккаб.

Бир файласуф фалсафаси бўйича иш тутсанг бола билан факат йиғлаб гаплашишинг лозим. Бошқа бир тарбиявий назариялар талаби бўйича эса муштинга қўроғшин қоплаб олсанг ҳам кам.

Кишилик жамиятига қайси бир йўналиш кўпроқ наф келтиргани эса қиёматга қадарлик баҳс манбаидир.

РАНГ

Кўплар қора рангни дилсиёҳликлар рамзи, деб тушунадилар. Астағириулло!.. Оқ-оппок туйфуларингни қора сиёҳда ёзганинг билан у қора туйфуларга дўниб қолмайди-ку! Демак, қора рангнинг юзини қора қиласидан ҳам ўзимиз-ниятларимиз.

СУҲБАТ

- Алишер Навоий нега уйланмаган?
- Уйланганда эҳтимол, Навоий бўлолмас эди.
- Ҳа-а, бугун нега Навоийдек буюк шоирлар йўклигини англаандайман.
- Хўш, нега экан?
- Чунки ҳозир барча шоирлар уйланишади.
- Қизиқ, Навоийдай буюк шоир наҳотки, биронта қизни севмаган бўлса.
- Нега севмасин, севган. Севмаса шундай оташин ғазалларни ёзармиди.
- Унда нега турмуш қурмаганийкин-а?
- Нималар деяпсан! Турмуш курса, биласанми, нима бўларди!
- Хўш, нима бўларди?

— Тұрмуш ташвишлари билан үралапшиб, бунақа зұрғазалларни ёзишга құлиям тегмасди.

— Тұғри айтасан. Навоийёна ғазаллар ёзилмаётганини ҳам тушунғандайман...

ҲАҚИҚАТ ЗАРРАЛАРИ

Күзани ҳовузга мубтало қылган унинг нафси әмас, яхшилар!..

* * *

Күзнинг паҳтаси чиққан бұлса күзойнакда нима айб.

* * *

Бураб қўйса соат тугул одам ҳам чиққиллаб турадиган замонлар бўлди.

* * *

Одамни турли бало-қазоларга нафс әмас ирода дучор киласди, дегим келади.

* * *

Пешонам музламасин десант оёғинга, аймоғим аразаламасин десанг аёлингга эҳтиёт бўл.

* * *

Унинг ҳалолликни мақсад қилиб олган юз-кўзларидан бағоят ҳолсизланиб қолган... мамнунийт балқиб турар эди.

* * *

Кўнгил кўчаларини ҳам супуриб турган маъқул.

* * *

Кўшнингнинг уйига келган меҳмон сенинг дарвозангдан кирсин.

* * *

Том солсанг ойнасими ойга, этагини сойга қарат.

* * *

Семизлик құйға, эркалиқ түйға ярашади.

* * *

Анхорим айқириб оқсина, десанг түғон қур (!).

* * *

Миркуруқ — мингуруғ.

* * *

Ишк шундай иштибоқи, ҳар қандай кир тасаввурни ярқиратади.

ҚАТРАЛАР

У камтар күриниш учун күкрак қафасидаги хавони сиқиб чиқарди.

* * *

У туни билан ўнгиб кетган эски-туски хотираларини титкилади. Лекин ўзидан бошқа хеч кимни тополмади.

* * *

У бутун умрини одамларни ўрганишга сарфласа-да, хеч нарса ундиrolмади.

* * *

Бошқалар уни ҳезалак демасликлари учун катта-катта қадам ташлар эди. Хажвчи дейишлари учун эса бүлар-бүлмасга илжайиб юрар эди.

* * *

У хар қандай, ҳатто ўз қалбіда ниш ураётган әзгүлекни хам бүғизлаб ташлашга қодир.

* * *

У адабиёт бўстонидан тунги шарнадай ўтди-кетди.

* * *

Илҳом ундан шундай қўрқарди-ки, гўё бир кун келмаса боши кетадигандай.

* * *

Унинг асарлари адабиёт баданидаги юқумли тошмалардай патиллаб чиқиб турарди.

* * *

У минбарга шундай кўтарилдики, залда ўтирганлар кўринмай кетди.

* * *

У қайси бир раҳбарнинг қабулида бўлмасин, албатта курсисини ўзига чамалаб кўради.

* * *

Ўзи кирчанғи бўлса ҳам, устознинг учқурига ёндошган эди.

* * *

У замон ўзгариб, дўппи тор келиб қолувдики, бир вактлар ўзи яратган ижобий қаҳрамонлари юзига сиёх сочиб юборди.

* * *

У куёшга эгилиб салом бермоқчи бўлди. Лекин хизмат вазифаси бунга йўл қўймади.

* * *

Илҳом унинг вужудига эмас, ижодхонасига ташриф буюрди.

САМО... САМО...

Гоҳ-гоҳ самонинг нақадар бепоёнлигини хис қилар-кансан, бу бепоёнлик аро ўзимиз не сир-синоат эканлигимизни англашга жидду жаҳд этаркансан, вужудингни ваҳим босиб, юрагинг орқага тортиб кетаверади. Бехисоб юлдузларга тўла осмон тубига қилган саъи-жаҳдинг кўм-кўм само қаърига сингиб кетаверади, кетаверади...

Ё, Қодир Оллоҳ! Бу чексизликнинг чеки-чегараси борми? Бўлса қаерда?

Бу тубсизлик, бу бепоёнлик аро биз киммиз? Нечун, нима қилиб юрибмиз?

Бундай олиб қараганда, ушбу саволларга фалсафий битикларда, диний китобларда кўп ва хўб жавоблар берилган.

Негадир ул турфа тафсилотлардан кўнгил на тўлади, на қониқади. Назаримизда Ҳайём ҳазратлари хам бизнинг ушбу шок холатимизга кўп бор тушган қўринади. Йўқса:

*Кўплар донишманд деб билдирап ўзни,
Оллоҳнинг зотидан очдилар сўзни.
Ҳең бири билолмай азал сирларин,
Алжираб, валжираб юмдилар кўзни, —*

дермиди.

Наҳотки, Афлотун, Арасту алжираб, Юнг, Фейербах, Кант валжираган бўлсалар. Рухни минг бир макон ва замонда таъриф ва таҳлил қилган Чин, Хинд, умуман, Шарқ фалсафий қарашларининг борлиқни билиш ва англаш ҳақидаги сирли, маҳобатли қарашларида бир чўпчакчалик маъни, матра бўлмаса... Астағфирулло алазим... Бас, Ибодатдан ўзга чора йўқ.

*Ўқинмоқ керак, ўқинмоқ...
Чекинмоқ керак, чекинмоқ,
Юқинмоқ керак, юқинмоқ,
Бекинмоқ керак, бекинмоқ.*

Бирок Қаерга? Нимага? Қандай?
О-о, тубсиз, чексиз-чегарасиз Осмон! Нега жимсан,
жим?!.

ШУКРОНА

Одам боласининг қаерда, қандай оилада дунёга келиши, мутлак Яратганинг инон-ихтиёридаги синоатдир.

Тақдир тушунчасида одамни азал-азалдан ажаблантириб келадиган ажиб бир туйфу бор. У шундан иборатки, мен ундоқ жойда, бундоқ одамлар бағрида дунёга келмаганим учун тақдирдан норозиман, деган инсон жуда кам учрайди.

Дунёнинг кайси бурчида ким билан сұхбатлашманг, аксар ҳолларда мен фалон маъвода туғилғанман. Отам ундоқ фазилатли, онам бундоқ хислатли, деган фаҳрли калималар қалбларга файз, илиқлик олиб киради.

Санкт-Петербургдаги таҳсил жараёнида ҳамкурсларимизнинг Доғистондаги кам сонли ҳалқлардан бирига мансуб Рамазон исмли йигит билан бўлиб ўтган сұхбати ҳеч ёдимииздан чиқмайди:

- Юртингизда нималар ўсади? — сўрайдилар ундан.
- Ҳеч нарса!..
- Даражтлар ҳам йўқми?
- Ҳамма ёқ тоғ-тош...
- Ҳайвонлар нима ейди?
- Гиёҳ ўсмайдиган жойда ҳайвон нима қилсин!
- Қазилма бойликларинг кўпидирда?
- Билмайман. Ҳеч нарса қазиб ҳам олишмайди.
- Унда аҳолининг тирикчилиги қандай ўтади?
- Ҳамма нарса ташиб келтирилади.
- Бундай жойда яшаб нима қиласизлар? Бирон ёкларга кўчиб кетмайсизларми?

— Ақлинг жойидами! Бу бизнинг Ватанимиз, ахир!
Каранг-а!

Оллоҳ бир ҳалқини, миллатини ҳеч нарса унмайдиган, тап-тақир, тошлардан иборат ҳудудда меҳрли, шукурли, фаҳрли қилиб яратибди-я!

Инглизларнинг буюк шоири Жорж Байрон «Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайды», деган эди. Қанчалар бешафқат, бирок адолатли ҳукм чиқарған. Ўзимизнинг ўлмас шоиримиз Абдулла Орифнинг пешонамга музликлар ёзилган бўлса, меҳримни ўша музликларга бермасмидим, ёниб қўйламасмидим, деган таваллосидан қалбимиизда ифтиҳор туямиз.

Тангри, Ўзбекистондай сахий, сирли-сехрли, гўзал бир диёр шаъни-шавкати, сахти-салобатига лойик яшаш шарафига мұяссар қил...

2006

МУНДАРИЖА

БЎЙЛАРИНГДАН АЙЛНАЙ, ВАТАН!

Озод юртда яшаш осонми?	4
Темурийлар хонадони бир бўлса агар	10
Буюклик ибтидоси	14
Нега алла айтмайсиз, Она?	17
Арслонбобнинг гўзал тоғлари	21
Армон ва орзулар денгизи	25
Аввалгиларга ўхшамас	32
Куз окшомлари	35

БИЗ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

Иймон фарзанди	42
Ойдин қалбли меҳрибон акам	46
Пуч бошок	50
Замондош қалби	53
Самарқандга борсам мен агар	56
Хислат	59
Избосканда бир журналист бор	63
Ким журналист бўла олади?	64
Жаббор Полвон	69
Тўйтепадан ўтиб келадиган газета	71
Куттуғ ёшинг муборак бўлсин	73
Истараси иссик, юракка якин	74
Обрўйлик лиbos	77

КОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИК

Эҳ, одамлар!	82
Шифохоналар ҳувиллаб қолса	87
Лўм сўзи кандай ёзилади?	92
Юлдузлар шуъласи тирик	93
Омонмисиз, Эсон хофиз?	96
«Андижонда дадамнинг шогирдлари бор»	98
Шоирнинг кабутарлари	102
Яхё Тоганинг эгилмаган бошлари	103

СУВ ИЧАДИ КҮНГИЛ КҮНГИЛДАН

Тұртқұлканда айқириб оқсин...	108
Шукрим бор тақдирнинг синоқларига	112
Юртим, сени яшартириб яшасам	118
Ёстиқ тагидаги садарайхон	124
Актёр сахнада яшаши керак	129
Обид мусаввирнинг настаринлари	137
«Муножот»га сингил наволар	140
Саъдуллони сўз ичидан ахтаринг...	146
Чанғирағи бийик	151
Имон саломат турса	154
Тұхта опанинг «бало» кизи	160
Қалдирғоч	164

«МУШТУМ» ЧИЛАР КУЛГИХОНАСИДА

Усулдан гапириңг, усулдан	170
Тепмаса теп	174
Софинч бўлиб қолган йиллар	177
Ижодий зиддият	178
Орқаси билан гапириш	179
Беш сўмлик кеккайиш	180
Ўйнаши топилмади	181
«Суварак» Сочида дам олишда	182
Эҳтиётлаб сўкиш	183
Аломат ёзувчийкансиз	184
Дунёда нима қийин?	185
Шахматнусха плаш	187
Таъби «нежний» ёзувчи	188
Айрим эълонларга пародиялар	194

ОЛИС БОГЛАР НАФАСИ (ТАРЖИМАЛАР)

Тұнтарма (Иосиф Игин)	198
Кулгизўр (Иосиф Игин)	202
Ҳазилангиз ҳикматлар (Марк Твен)	207

АНДИША ҚИРРАЛАРИ

Түйғу	212
Мартаба	212
Мен ҳам	212
Табиат инъоми	212
Үзимизчи	213
Нима кидиряпман, ўзи?	213
Йиллар ғубори	213
Нола	213
Бола азиз, одоби	214
Ранг	214
Сұхбат	214
Хақиқат зарралари	215
Қатралар	216
Само, само!	218
Шукронада	219



АБДУНАБИ БОЙҚҮЗИЕВ

ДИЛХИРОЖ ТУЙФУЛАР


*Кувончу армонлар, беором мулоҳазалар,
ҳазил-мутойибалар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2007

Мухаррир *Қ. Қаюмов*
Бадиий мухаррир *М. Аъламов*
Техник мухаррир *Р. Бобохонова*
Мусаххилар *Н. Охунжонова, Ш. Хуррамова*
Саҳифаловчи *М. Атхамова*

Теришга 25.04.2007 йилда берилган. Чоп этишга 01.08.2007 йилда
руҳсат берилди. Бичими 84x108^{1/32}. «PeterburgUZ» гарнитураси. Оф-
сет босма. Шартли босма табоги 11,76. Нашриёт-хисоб табоги 11,02.
Адади 3000 дона. Буюртма № 3775 Бахоси шартнома асосида кели-
шилган.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.**



Иқтидорли шоир, публицист
Абдунаби Бойқўзиев 1954 йили
Андижоннинг Избоскан
туманида туғилган.
Унинг “Ғуборингни ёзгайман”
(1990), “Сени излаб келдим”
(1995), “Жудолиғ дашти” (2006),
“Қўзлари дарёйим-ай” (2007)
номли шеърий, санъаткорлар
ҳаётидан “Ўзбекнаво”
юлдузлари” (2000) номли
насрий китоблари чоп этилган.



978-9943-00-132-9

9 789943 001329